


ЖАҲОНГИР МУҲАММАД



ОЛТМИШНИНГ ОЛТМИШ ЛАҲЗАСИ (Реалистика)

Олтмиш ёш бир пайтлар етиб бўлмас манзил каби эди. Лекин бир пасда етиб олдик. Бу санани шунчаки ўтказиб юбормаслик учун умримнинг шу қисмида эсда қолган баъзи лаҳзаларни “териб” китоб қилгим келди. Китоб тўрт фаслдан иборат бўлиб, қишлоқ, шаҳар, мамлакат ва хориж воқеаларини ўз ичига олган. Уни ҳаёт, маданият, мафкура ва сиёсат тарзида ҳам тўрт фаслга бўлиш мумкин.

Биринчи фасл

1. БУВИМ

Мухаммадризо бобом вафот этганларидан кейин бутун оила ташвишлари бувимга қолган. Туғилганимдан етти ёшларга қадар раҳматли Анбар бувимнинг уйларида яшаганман. Тўққиз ойлигимда суннат тўйи қилган эканлар. Неваралари кўп бўлса-да, негадир мени танлагандилар. Бошқа ўғил невараларини ҳам кам кўрмасдилар. Кимё холамнинг ўғли Жўрақул, Сокина холамнинг ўғли Расул, Ўткир, Аҳмаджон... лар ҳам бувимни эслашса, сўхбатлар тонггача узилмаслиги мумкин. Қиз неваралари ҳам кўп эди. Ҳовли ҳамма вақт тўла. Болалар ўйнасин деб ҳовлига ҳеч нарса экилмаган. Ҳамма ёқ супа эди.

Ҳовлида битта мурут, иккита тут дарахти борлигини эслайман. Бувим дарахт демасдилар, оғоч дердилар. Дарвозадан чиққанда эса баҳайбат оқ ўрик бор эди. Уни кимдир “зардоли” деса, кимдир “жопазак” дерди. Ўрик эрта пишарди. Биров силкитмаса ҳам “пақ-пақ” этиб ерга тушарди. Шунинг учун бўлса керак, биз уни “пақ-пақ залдоли” дердик. Болаликда “р” ҳарфини айтиш қийин бўлганми, “зардоли”ни “залдол”и деб талаффуз қилардик.

Ўшанда ҳеч тушуна олмаганим оқ ўрикни сариқ дейишгани. “Зард” дегани тожикчада “сариқ”. Бизнинг ўрик оппоқ, оқ бўлганда ҳам ялтироқ оқ эди. Нега оқ ўрикмасу сариқ ўрик деган савол хаёлимда қолиб кетган. Ким билсин, луғатчилик, сўзларнинг келиб чиқиши тарихига ўшандан бошлаб қизиққан эканми?

Етти ёшда эдим, бувимни хастахонага олиб кетишди. Кўричак хасталигидан кўз юмдилар. Айрилиқ нима эканлигини ўшанда сезганман. Саҳарга қадар остонага термулиб ухлай олмагандим. Эшик билан остона орасида бир қарич очиқ жой бор эди. Ерда ётардик. Шу боис кўзларим ташқарига қадалганди. Ташқаридан икки меҳрибон кўз қараб тургандек туюларди. Балки илк маротаба ўшанда ташқарида фақат кўрқинч эмас, муҳаббат ҳам борлигини ҳис қилгандирман?

Кейин ҳам бир кўча нарида – ота-онам билан яшасамда ҳар куни бувимнинг ҳовлилари атрофида ўйнардик. Бувимни кўмсардим. Туркияга келганимда бир қанча сўзлар қулоғимга таниш туюлган. Ўзбекчани яхши билганим учун бу сўзлар замонавий луғатларимизда йўқлигини англардим. Лекин нега бу сўзлар таниш эканлигини хотирамдангина топганман. Бувим айтган калималар. Бувимни эслаганлар яхши билишади, сўзга бой бўлганлар, жуда кўп туркча сўзларни ишлатганлар.

Бувимнинг учта ўз қизлари бўлган. Аммо қишлоқда етим қолганларни паноҳларига олаверганлар. Шунинг учун ҳам Ғулом тоғам, Заҳро аммам, Омон акам, Омина опам... каби фарзандлари кўп эди. Уларни уйли-жойли қилганлар. Ҳаммаси онам билан ҳамёш эдилар. Бувим оламдан ўтганларида улар эшикдан “Онам!” деб фарёд солиб кириб келишганди.

Агар рассом бўлганимда бувимнинг суратларини айнан ўзларидек қилиб чиза олардим. Чунки сиймолари хотирамдан бир лаҳза ҳам нари кетмайди...Ҳали ҳам тиркидай.. Доим жилмайиб турадилар, бошимни силаб эркалатадилар, пешаналаридан тасма каби айланган оқ рўмол елкаларига тушиб туради. Эртак айтсалар тун қочиб, тонг югуриб келгандек бўлади...

2. “ТИРИК !”

Онам бувимнинг кенжа қизи. Онамининг икки опаси бўлиб, бирининг исми Кимё, иккинчисиники Сокина. Аслида Сокина исмини Кимё холамга бериш керак эди. Чунки Кимё холам дунёдаги энг сокин инсонлардан бири – мингта гапга битта жавоб берадиган ва жуда секин ҳаракат қиладиган

аёл эди. Шунга қарамай турмуш ўртоғи вафот этиб, бева ҳолида колхозда кетмон чопиб, пилла тутиб, икки фарзандни катта қилган.

Раҳматли дадам ва онам бош бўлиб холамнинг қизи Гулсум ва ўғли Жўрақулнинг тўйларини ўтказган эканлар. Буни Гулсум холам(холақизи) ва Жўрақул тоғам(холаўғли) бот-бот эслашарди.

Гулсум холам биздан 4-5 километр олисдаги Сочак қишлоғига “тушган”. Ўша ердаги бошланғич мактабда узоқ йил ўқутувчи бўлиб ишлаб, нафақага чиққан. Жўрақул тоғам эса қишлоғимиздан ўйланган. Унинг хотини келинчаклик пайтида ҳар куни бизнинг уйимизда эди. Уни “янгамулло” дердим. У мени “укабегим” дерди. Онам ўттиз ёшда эканликларида икки фарзандни – Ҳасан-Ҳусан – укаларимни йўқотганлар. Ўшандан кейин камқонлик ва сўнгра оққон хасталиги билан оғриганлар.

Саккиз ёшда эдим. Бир кун эрталабдан уйимизда йиғи-сиғи бошланди. Ҳамма йиғларди. Опаларим “ҳиқ-ҳиқ” йиғлаб ҳовлини супуриб-сувлашарди. Онам касалхонага кетганларидан бери бизга овқат пиширадиган, нон ёпадиган янагамуллом хоналарни йиғиштириб, кўрпача тўшаётган эди. Унинг ёнига бордим. У ҳам йиғлаётганди.

-Нима бўлди янгамулло?-десам мени қучоғига босиб, бошимни силади.

Ҳеч ким менга нима гаплигини айтмас эди. Шунинг учунмикан ўша кун менинг ёдимда ўчмас бўлиб қолган.

Дарвозамиз олдида автобус бекати бор эди. Бизнинг ошхона деворига “суяниб” ўсган иккита тол оғочи бекатга “соябон” эди. Дарвозамизнинг кичик даричаси бўлиб, ундан чиқишда ўнг тарафдан Қумариқ оқарди. Йўлнинг остидан йирик қувур тўшалган ва қарши томонида ҳамда биз томонда бетон “ҳовузчалар” бор эди. Нариги томондагисини “Гирдоб” ва биз томондагисини “Қайнама” дер эдик. Қувур 4-5 метр чуқурликда бўлгани учун сув биз томондан худди қайнаб чиққан каби кўринарди. Ҳар ҳолда шунинг учун “Қайнама” деб номлашган бўлишса керак. Қайнамадан чиққан сув девор остидан бизнинг ҳовлимизга кириб, ҳовлининг ортидан нариги қишлоққа оқарди.

Қайнаманинг атрофи бетон қилинган ва одамлар бетон устида ўтириб автобус кутардилар. Мен ташқарига чиқаётсам, Сокина холамнинг эри-Раҳмат поччам юк машинасидан сакраб тушдида кимгадир:

-Бор, кўрпача олиб чиқ,-деди. -Кейин ўзи югурганча ичкарига кириб, кўрпа-кўрпача олиб чиқиб, юк машинасига ташлади.

-Қаерга кетопсизлар, мени ҳам олиб кетийлар,-дедим.

-Биз ўйнагани эмас, ўлик олиб келиш учун кетопсиз,-деди Раҳмат поччам.

-Ким ўлган?-дедим.

-Билмайсанми, онанг ўлибди?

У менга шундай дедида кейин кимгадир:

-Мозорга одам юборинглар, тобутни олиб келишсин, хабарчи чиқаринглар, гўрковни топинглар,- деб машинага ўтириб кетворди.

Машинанинг орқасидан югура бошладим. Ўшандагани додлаб йиғлаётганимни ва бир-нималар деб бақираётганимни ҳис қилдим. Ҳозирги хотирамда қолгани шуки, ўша кезде кўчада на одам, на бошқа машина бор эди. Бутун ҳаёт тўхтаб қолган, дунё кимсасиз кенгликка айлангандек эди.

Ваҳоланки, дарвозамиз ёнидан ўтадиган бу йўл бир томони Ургут ва Панжакентга, иккинчи томони Самарқанд шаҳрининг Регистонига туташадиган шоҳ йўл бўлиб, доим гавжум. Мен эса осмону ерни йўқотиб, гангиб қолган боладай гандираклар келиб қайнаманинг бетон ўриндиғи устида ўтириб, Регистон томондан келадиган юк машинларини санардим. Юз... минг... балки неча марта адашиб ҳам кетгандирман.. Худди, ойлар, йиллар ўша ерда ўтирган кабиман. Лекин кўрпа-кўрпача ташланган машина ҳеч келмасди. Йиғлаб ўтирардим кўзимдан ёш чиқмасди. Балки йиғлайвериб қуриб қолгандир? Билмайман. Шаҳарга ва мактабга бораётганларнинг мен билан иши ҳам йўқ эди. Бирортаси бир нима демасди. Ҳовлимизга кириб-чиқаётганлар эса кўпайган, йиғлаётганларнинг овози тобора кучаяётган бўлсада мен учун дунё ҳувиллаб қолган каби эди.

Аслида бувимнинг уйларида яшардим. Бувим бир ўзлари бўлганлари учун мени олиб кетганлар. Лекин бир кун бувим кўричак бўлиб қолдилар. Касалхонага олиб боришди. Кейин одамлар келди, йиғлашди.

Эсимда қолгани эса, менга амиркон этикча, чиройли тўн кийгизиб, белимни боғлаб қўйишгани. Ким билсин, болаликка бориб, роса хурсанд бўлганманми, шу манзара хотирамда муҳрланиб қолган ва мана орадан шунча йиллар ўтиб ҳам худди кеча юз берган воқеа каби эслайман буни. Кейин оломон тўпланиб, тобутни кўтарганда, Жўрақул тоғам қўлимдан тортиб, олдинга олиб чиқди ва қулоғимга “Одамлардан олдинда борасан”, деди. Орқага қарагандим, тепадаги тобутни кўриб, қўрқиб кетдим.

-Бормайман,-дедим.

Аниқ эслолмайман, кимдир қўлимдан қаттиқ чимчиб, олдинга суриб қўйди. Дод деб йиғлаб юбордим. Чунки қўлимнинг оғриғига чидай олмагандим. Назаримда ҳаммани кимдир жуда қаттиқ чимчиб олгандек кўринганди ўшанда. Ҳамма йиғлаётганди-да...

Хуллас, бувимнинг вафотларидан кейин уйимизга қайтгандим. Аслида икки ҳовлининг орасида ўша битта шоҳ йўл бор. Лекин саккиз ёшлик бола учун бу икки дунёнинг орасидек гап. Чунки катта йўлдан ўтиш мумкин бўлмаган.

Раҳматли бувим доим чўнтагимга бир нарсалар солиб қўярдилар. Уйимизга келганимдан кейин онам ҳам эркалаб чўнтагимни тўлдириб қўярдилар. Боланинг кўнгли ширинликда...

Тўртта қиздан кейин туғилганим учунми азиз бўлганман, шекилли, доим эркалатар эдилар. Опаларимдан каттасининг исми Майрам. Ундан кейингиси Меҳринисо. Анор деган опам эса 3-4 ёшида қизамиқдан вафот этган.

Бувимдан кейин онамга энди ўрганганимда касалхонага кетиб қолдилар. Мана энди эрталабдан бери қайнама устида кутиб ўтирибман.

Бирдан кутаёганим – юк машинаси келди ва Раҳмат поччам машинадаги кўрпачаларни кимгадир берар экан, қулоғимга “Тирик” деган гап эшитилди. Тирик... тирик... ана шу биргина сўз учун яшаётгандек севиндим, қуш бўлиб учгим келди. Дунёда энг буюк сўз шу эди! Энг қудратли сўз шу эди! Тирик!

Атрофимга қарасам, дунёнинг одами, қайнама устида ҳам бир қанча одам, ёш болалар, опаларим, сингилларим – Истатой ва Нусратойлар ҳам кутиб ўтиришган экан. Шу пайтгача уларни кўрмабман.

Бир пайт янгамуллом келиб, бағрига босди ва:

-Укабеги, Худойимдан айланай, онангиз тирик эканлар, бизга нотўғри хабар келибди, юринг овқат тайёр,-деди.

Ўшандагина бир кун ўтиб кетганини ва қорним оч қолганини ҳис қилдим.

3. “ХУДОНИНГ ЭЛЧИСИ”

Самарқандда шаҳар (“Городской”), вилоят (“Областной”) ва республика (“Республиканский”) касалхоналари бор эди.

Онам 1963 йилда вилоят касалхонасида ётганларида бирдан юраклари ҳаракатдан тўхтаб қолган. Дўхтирлар ўлди деб “Морг”(жасадлар сақланадиган жой)га жўнатишган. Шу орада касалхонани ҳафтада бир келиб кўрадиган Нина Игнатевна онамни суриштирган.

Бу дўхтирнинг фамилиясини аниқ билмайман. Ёдимда қолгани “Нина Игнатевна”. У дунёнинг энг буюк одами, ўлганларни тирилтира оладиган қудратга соҳиб бир сиймо ўлароқ хотирамга муҳрланган.

Гап шундаки, у бир ҳарбийнинг хотини экан. Ҳарбийни Россиядан Самарқанд горнизонига вақтинчалик ишга юборишган. Хотини вилоят касалхонасига ҳафтада бир кун келиб тавсиялар берар экан. Унинг мутахассислиги оққон хасталиги бўйича бўлиб, шу соҳада илмий ишлар билан банд экан. Онамни онкология марказига юборамиз, деб туришганда у олиб қолган. “Ўлди” деб “морг”га ўтказишган кун унинг зиёрат кунига тўғри келган. Суриштира, “морг”да дейишибди. У “Бўлиши мумкин эмас, ҳали касаллик кучаймаганди”, деб жаҳли чиқибди ва қайтариб олиб келишни талаб қилибди. Бундай воқеа касалхона тарихида бўлмаган экан. “Морг”дан фақат экспертиза учун ёки яқинларига бериб юбориш учун олиб чиқилган.

Аммо Нина Игнатевнанинг эри ҳарбий горнизонда катта одам бўлгани учун унинг талабини бажаришган. У дарҳол ўзи оқ халатни кийиб, дўхтирларнинг қаршилигига қарамай онамга қон берибди. Бунга тасодиф деб бўлмайди. Бу яратганнинг мўъжизаси, қаранки, онамнинг вужуди қонни қабул қилибди.

Бу пайтда ташқарида майитни олиб кетамиз, деб келганлар жанжал кўтаришган, нима бўлаётганига тушунишмаган.

Шундан кейин, Нина Игнатевна олти ой давомида онамни ўзи даволаган. Аввалига ҳар кун юрак устига ўзи муз қўяр ва ўзи уйида тайёрлаб келган музқаймоқдан беҳуш ётган онамнинг лабларини ҳўллар экан.

Уйимизда эса ҳар кун одамлар тўпланар ва тортишувлар бўларди. Кимдир Москвадан келган рус аёл ўлган онамни қийноққа солаётганини айтса, кимдир тунда бориб ўғирлаб келиб, кўмишни ҳам таклиф қилган. Лекин амаким ва дадам уларга кескин жавоблар қилишарди. Гап нима ҳақда бораётанини тушунмасам ҳам, ҳар кун бу суҳбатларга қулоқ солиб ўтирадим.

Кечаси билан хаёлимда Нина Игнатовнага ялиниб чиқардим. Бувижонимдан айрилдим, энди онаизоримдан ҳам айрилишни истамасдим. Онам уйда бўлганларида опаларим менга иш буюра олмас, сўка олмас, ура олмас эдилар-да! Мен энди эркатойликни йўқота бошлаган ва опаларим буюрган ишларни қилишга мажбур эдим.

Биз касалхонага борсак, киритмасди.

-Нина Игнатовна “Ҳеч ким кирмасин” деб айтган!

Бундай пайтда уни ёмон кўриб кетардим. Опам билан касалхонанинг деразаси ёнига борардик. Опам мени кўтариб турарди, ичкарига қарардим. Ҳеч нарса кўринмасди. Деразани худди бўяб қўйгандек эди. Сўнг мен кўтариб турардим, опам қарарди. “Мен кўрдим”, “Мен кўрдим” деб бир-биримизни қизғантириб қайтиб келардик.

Кейин билдикки, пайшанба куни борсак Нина Игнатовна келар экан. Бориб, онам ётган палатанинг деразаси остида ўтирардик. Дўхтирларнинг ҳам бизга раҳми келардим, улар Нина Игнатовнага айтишарди. У келиб ўзи бизни ичкарига олиб кирарди.

Аввалари онам кўзларини очмасдилар. Кейинчалик кўзларини очиб, жилмайиб қўярдилар. Ундан кейин қўлимни силайдиган бўлдилар. Кейин бошимни...

Ана шундай ҳар ҳафта, балки ҳар ой бир янгилик бор эди.

Бир куни дадам хафа бўлиб келдилар. Касалхонадаги беморлардан бири Нина Игнатовнани Москвага ёзибди. “Нега бу касалга алоҳида қарайди, нега уни онкология марказига юбормайди?” деб.

Москвадан “Здоровье” деган журналдан мухбир келиб текшириб кетибди.

Яна бир кун дадам хурсанд бўлиб келдилар, ҳалиги мухбир адолатчи экан, Нина Игнатовнани мақтаб, “Ўлганни тирилтирган дўхтир” деб ёзибди.

Булар олти ойнинг ичида бўлган воқеалардан бир шингили, холос. Онам энди-энди юра бошлаганларида Нина Игнатовнанинг эрини бошқа жойга ишга тайинлашибди. Улар кетадиган бўлишибди. Дадам “Қандай қилиб миннатдорчилик билдирамиз”, десалар Раҳмат поччам “Уйига бир халта картошка, бир халта сабзи олиб бориб ташлаймиз” дебди. Уйининг адресини сўрасалар бермабди. Бир кун орқасидан пойлаб, қаерда яшашини билиб, нарсаларни олиб борсалар, олмабди. Ўша кунларда бутун қишлоқда шов-шув бўлган, ана ҳақиқатчию, мана ҳақиқатчи, ана тўғри одаму мана тўғри одам...

Озгина пул ҳам олиб боришган экан, Нина Игнатовнанинг дадамга: “Бу кўзи жовдираб турган болаларнинг ҳаққи, мен уни ололмайман” дегани оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Мен учун бу дўхтир аёл фариштага айланган эди, ҳозир ҳам кўзимнинг олдида ўша фаришта аёлни кўраман. Оқ халатда, қўлида дафтари... ҳақиқат тимсоли гўё!

Ўшанда бу фаришта аёл онамни уйимизга эрининг қора “Волга”сида ўзи олиб келганди. Уни меҳмон қилиш учун қўшнимиз Соня опанинг уйида тайёргарлик қилинганди. Келиши билан битта қўйни олиб чиқиб, оёғига сўйишганди. У яна дадамни койиб, меҳмонга келмаганини айтиб, уйимизга кириб, онамга нималарнидир тайинлади.

Кетаётганда эса бизни битта-битта қучоқлаб, бағрига босган эди. Русчалаб бир нималар деганди, аммо биз унча тушунмаган эдик. Тушунганимиз “Онангни азоб бермаларинг, эҳтиёт қилларинг” дегани бўлганди.

Кейинчалик билсам, у Москвадан келган мухбирга:

-Мен бу касални илк бор кўришга кирганимда атрофида тўртта бола жовдираб ўтирганди. Диққатимни тортган биринчи нарса шу бўлганди. Иккинчиси эса, илмий ишим шу соҳада эди,-деган экан.

Кейин кимдир “Унинг фарзанди йўқ эди” деса, кимдир “Олисларда бир қизи бор экан” дерди.

Нима бўлганда ҳам дадамнинг иборалари билан айтганда, “Худонинг элчиси” бўлган ва биз учун ҳар бир ҳаракати афсонага айланган бу докторнинг ҳаётимизда ана шундай ўрни бор.

Шундан кейин онам яна тўққиз йил яшадилар...

4. МУНАВВАР

“Самарқанд шаҳридан Панжакент кўчаси бўйлаб Ургут тарафга тўрт километр чамаси юрилгач, “Обимашҳад” деган ёзувга кўзингиз тушади. Шу ердан бир неча метр пастликда булоқлар, чашмалар сувини жамлаб Обимашҳад ариғи оқади. Ер остига “ўрмалаб” кетаётган бу ариқ ёқасида тарихи минг йилларга бориб тақаладиган “Пулимурғоб” қабристонни бор. Мен учун жуда азиз зотларнинг жасади шу ерга қўйилган. Сағана тошларидан бирида шундай ёзувларни ўқийсиз:

“Бувим қайда” деса неварангиз гоҳ,

Сув бўлиб оқаман, қалбимда зорим,

Номи Мунаввару, ўзи эса, оҳ...

Дардларга қул бўлган онаизорим!

Онам вафот қилганларида 17 ёшда эдим. Лекин қабр тошидаги бу сатрларни орадан ўн йил ўтиб ёзганман. Ана шу ўтган йилларда онамнинг қадрини чуқур англаб етганман.

Ёшлиқ қилиб, баъзан онам ҳақида унутиб қолсам, атроф-муҳит бу хатоимни тузатарди.

Қишлоқ кўчасида юриб бораётганимда мен танимаган аёллар ҳам:

-Онанг олтин аёл эди-да!-деб эслатишарди.

Амакимникига борсам, амаким ва аям гапни онамдан бошлашарди:

-У келин бўлиб келдию хонадонимиз нурга тўлди, гулга айланди...

Холаларимникига борсам:

-Онанг бўлганда сени бағрига босиб, севиниб юрарди...,-деб салом аликдан ҳам аввал онамни ёдлашарди.

Тўй-маъракаларда ҳам айни сўзларни эшитардим.

Мактаб томонга йўлим тушса ўқитувчилар, шифохонага борсам дўхтирлар, нонвойхонага ўтсам новвойлар... хуллас, ҳар қадамда онам ҳақларида жуда илиқ, самимий гапларни эшитардим.

Чунки дарвозамиз автобус бекатига қарагани учун онамнинг қўлидан сув ичмаган, яхшиликларини ҳис қилмаган одам кам эди. Балки, раҳматли оғир дардни енгаман деб доим одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга ёки одамлар ўн гулидан бир гули очилмай оғир дардга учраган онамга ҳамдарлик қилишга интилишганми, хуллас, муносабат фавқулодда илиқ бўлган.

Эсимда, қачон мактабдан келсам, уйда камида иккита ёки учта аёл чой ичиб ўтирган бўларди. Автобус “ғийқ” этиб тўхтатиши билан улар кетиб қолишар, аммо бир зумдан сўнг бошқалари ҳол сўраб бош суқишарди. Онам дарҳол уларни ҳам дастурхонга чорлардилар.

Дарвозадан ичкарига кирилганда “гуриллаб” оқиб турган ариқнинг устида иккита катта тут дарахти бор эди. Шунданми, иссиқ кунлари ҳам ҳовлимизда салқин эди. Дарахт остида катта сўри. Кўрпачалар ташланган ва дастурхон доим очиқ. Уйимиз қаршисида нонвойхона бор эди. Иссиқ нондан келтириб қўядилар. Тут пишган пайт эса ҳовлимиз, айниқса, гавжумлашиб қоларди. Тутхўрликка келишарди.

Бир куни:

-Мактабни битираяпсан, бу ёқда тут ҳам тугаяпти, эртага синфдошларингни таклиф қил,-дедилар.

Битирувчиларнинг иккита синфи бор эди – “А” ва “Б”. Ҳар иккала синфдагиларни ҳам таклиф қилдим. 40-50 киши бўлиб тутхўрлик қилдик. Онам ҳамма учун етарли жойни тузатиб, иссиқ овқатлар ҳам пишириб қўйган эканлар. Анча гурунглашиб ўтирдик.

-Шунча чиройли, дилбар қизлар бор экан, бирортасини келин қилайлик,-дедилар бир пайт.

Қизлар аввалига гув этиб қизаришди, кейин бошларини эгишди... сўнг: “Мени келин қилинг”, “Мени келин қилинг”, деб ҳазиллашиб кулганлар ҳам бўлди.

Мен эса ўшанда онамдан бироз хафа бўлгандим. Энди тушунсам, ўша кезларда хасталик авжга чиқа бошлаган, қондаги оқ таначалар кўпайиб бораётган ва биттаю битта ўғлимни тезроқ ўйлантириб, тўйини кўрайин, деб ўйлаган эканлар...

Онам уруш йиллари 12-13 ёшда бўлсалар ҳам опалари билан бирга далада кетмон чопганлар. Тонгдан тунга қадар тинмай ишлашар экан. Сокина холамнинг бир кун айтган гаплари уларнинг меҳнатлари қанчалик оғир бўлганини англатади:

-Қизлар иссиқ кунлари ҳориб-чарчаб, йиқилиб қолган пайтлари ҳам бўлган. Шундай пайтларда баъзилари “Ана дарахтнинг тагида фаришта ўтирибди. Сочларини тарамоқда” деб алаҳсирарди. Қўрқиб кетардик. Бир томондан Қуёш, иккинчи томондан оғир меҳнат уларни ана шундай аҳволга солганди...Ўшанда дадам ҳам ўсмир бўлганлар. Ҳам далада ишлаб, ҳам табелчилик қилганлар.

-Даданг Мунавварни кўз остига олиб юрганини билардим,-дегандилар Сокина холам.- Урушдан кейин Мунавварга бир қариндошимиз совчи қўйди. Яхши йигит эди. Лекин Мунавварнинг кўнгли дадангда эди. Унга хабар бердим. У дарҳол ишга киришди. Шу зайл 17 ёшларида оила қуришди.

Мактабни битириб Тошкентга ўқишга кетаман деганимда, онамнинг ўзлари олиб бордилар. Тез юролмасдилар. Нафаслари етмай қоларди. Ўтириб, бироз дам олардилар. Мен эса шошардим.

Талабалар шаҳарчасига келиб, қабул комиссиясига учрашдик. Ҳужжатларни топшириш билан овора эканман онам атрофни айланиб, менга дўст қидирибдилар. Бир пайт бир болани бошлаб келдилар.

-Мана, қидириб-қидириб сенга йўлдош топдим. Бу йигит ҳам Самарқанд туманидан экан. Исми Нурилла,-дедилар.

Бу йигит кейин бирга ўқиб, бирга ишлаб юрган дўстим Нурилла Остонов, ҳа, бугунги таниқли ёзувчи Нурилла Остон эди.

Шу куни онам Самарқандга қайтдилар. Тошкентда қолдим. Бу орада бир-икки марта уйга бордим. Ҳар сафар тўйдан гап очардилар, мен эса ўқишни ўйлардим. Индамасдилар, кўзларига ёш олардилар.

Демак, ўша кездеёқ аҳволлари яхши бўлмаган. Кузга бориб, биз ё Жиззах ё Сирдарёда-аниқ эсимда йўқ – пахта теримига чиққандик. Қор ёғса ҳам жавоб йўқ эди. Майрам опам келиб қолди. Онам касалхонада эканлар. “Сени сўраяптилар” деб олиб кетди. Борсак, онамга касалхонадан жавоб берган, уйдалар. Ҳеч хастага ўхшамайдилар. Лекин уйимизда одам кўп. Гаплашиб, гурунглашиб ўтирдик. Онамни ёстиқларга суюнтириб қўйишганди. Ёнларига олиб, қучоқладилар, кейин:

-Биттагина ўғлим, пешанаси тор, кўп меҳнат қилади-да, азоб берманглар,-деб сочимни тепага кўтариб, пешанамни силаб қўйдилар.

Қаёқдан билибман-ки, бу охириги сўзлари экан...

Ўшанда кўзимга ҳозиргидек тирқираб ёш келиш ўрнига, кўзим илиниб қолибди, опамнинг қичқирғидан сесканиб кетдим. Кимдир онамнинг лабларига сув тутаётганди...

Бу 1972 йилнинг 23 ноябрига ўтар кечаси эди. Эндигина 42 ёшга киргандилар...Ўша пайтда бу катта доvon кўринганди, бугун англасам 42 ёш ҳеч нарса экан.. Бунинг ҳам ўн йили касаллик билан кураш...

Лекин раҳматли шунча оз яшаб, шунча улкан хотира қолдириб кетибдилар...

5. МУКАРРАМ

Она томонимда ҳам, бобо томонимда ҳам авлодлардан авлодларга ўтган олтинлар бўлган. Бувим-онамнинг оналари кўзадаги олтин тангаларни санаб ўтирганларини дадам кўриб қолганларида:

-Буларнинг ҳаммаси сеники,-дер эканлар.

Лекин бувим касалхонада тўсатдан вафот этганларидан кейин бу олтинларни топа олишмаган. Бувим катта қилган ва уйлантириб қўйган бир киши бор эди. Уни онам “ўкам” дердилар, биз “тоға” дердик. Онаси уни туғанда вафот этган экан. Исми Ғулом эди. Жуда меҳнаткаш, камтар, камсухан, бутун қишлоқнинг юмушини бажариб юрадиган ажойиб инсон эди. Умр йўлдоши ҳам мени ўз ўғли каби севарди. Унинг мен тенги ўғли бўлиб исми Фарҳод. Биз бирга ўсган чин дўст. Валламат, мард йигит.

Бувимнинг вафотидан кейин деворбир ҳовлида яшайдиган Ғулом тоғам бирдан бойиб кетгани ва машина олиб, катта уй-жой қурганини айтишади. Ким билсин, баъзилар балки бувим олтинларини унга қолдирган бўлишлари ҳам мумкин деб айтишган. Элнинг оғзига этак тутиб бўлмайдди. Чунки меҳнати туфайли бойиган бўлса-чи?

У қирчиллама ёшида аварияга учраб, оламдан ўтиб кетди, раҳматли бўлди.

Олтинлар эса кимга насиб этганини ҳеч ким билмайди...

Худди шундай ота томондан бобомнинг ҳам кўза-кўза олтинлари бўлган. Бир куни эски уйни бузиш учун мардикорлар олиб келишган. Панжакентлик бу мардикорлар кун ўртасида ғойиб бўлишган. Қарашаса, улар ишлаган жойда кўзаларнинг қопғоғи ётибди. Бобом олтинларини шу жойга яшириб қўйган эканлар. Шундай қилиб, икки томоннинг ҳам олтини бошқаларга насиб этган.

Аммо ҳар икки томоннинг фарзандлари барибир ўзига тўқ, нонлари бутун, эл-юртга қарашган, сахий бўлишган.

Улар Пулимурғоб қишлоғида бир қанча етим-есирларнинг бошини силаб, оилали қилишган. Бу анаънани дадам ва онам ҳам давом эттиришган. Қишлоғимизда уларнинг кўмаги билан оила қурганлар кўп. Ҳозирга қадар раҳматли дадам ва онамни эслаб, дуо қилиб юришади.

1984 йилнинг 1 декабрда уйимиз ёниб кетганда улар келиб, ҳашар билан тезда уйимизни тиклашганди. Яхшилик кўчада қолмайди деганлари шу бўлса керак.

Яхшиликка жавобан яхшилик қилганлардан бир жуфти – Жўрақул тоғам ва хотини. Дадам ва онам бош-қош бўлиб уларнинг тўйларини ўтказишган экан. Келинчакни “янгамулло” дердим. У эса мени “укабегим” дерди.

Уни ҳамма мақтарди:

“Билаклари жуда кучли”.

“Бир тандир ноннинг хамирини бир зумда мутшлайди”.

“Катта ҳовлининг ерини кетмон билан ярим кунда ағдариб чиқади”.

“У пиширган овқатни бир марта еган одам, ўн марта меҳмонга келади”.

Эсимда, онам касалхонада, мен мактабга қатнай бошладим. Янгамуллом ҳар куни келиб ҳолимиздан хабар оларди, овқат пиширарди, нон ёпарди. Бир гап билан айтганда, у холамникига эмас, бизникига келин бўлиб тушгандек эди.

Бир кун мактабдан жуда оч келдим. Уйда нон йўқ экан. Қарасам, янгамуллом тандирга нон ёпмоқда.

-Укабегим сизга ҳам қулча ёпганман,-деди у одатига кўра сизлаб. Шунча ёш бўлсам ҳам у сизлаб гапиргани ёқарди. Умуман дунё қизиқ, баъзан болалар уларни сенсираб юборишади, аммо келинлар барибир сизлаб гапиришарди. Мен ҳам янгамулломни ўшанда бир марта сенсираганман. Ҳалигача шу воқеани эслаб, устимдан кулишади. Янгамулломнинг фарзандлари ҳам, ҳатто неваралари ҳам, бизнинг ҳамма қариндошлар ҳам бу воқеани билишади.

Хуллас, қорним оч. Янгамулломга “Қулчани узиб беринг” десам, тандирнинг тафтидан “ёниб турган” эканми, “Э, сабр қилинг” деди. “Очдан ўлдим” дедим. Қўл силтади. Кутавериб, тоқатим тоқ бўлди. Мени доим ҳурмат қиладиган келинчакнинг бу гапи оғир ботдими ёки очликнинг “ҳунар”ими, бекатга соя ташлаган тол орқали томга чиқдимда: “Одамлар, бунга қаранглар, нон бермаяти” деб

додладим. Бечора янгамуллом аввалига “Вой ўлайман, вой ўлайман” деб атрофга югуриб қолди. Кейин тўхтаб, менга ялина бошлади:

-Жон укабегим, тушинг, халқ нима дейди, ўлдим-ку бу шармандаликдан!

Унинг бу гапи ҳали ҳам қулоқларим остида. Ўзимнинг ҳам гапим ёдимда:

-Нега бўлмаса кулчамни бермайсан?

У дарҳол кулчани қўлига олиб, у кафтидан бу кафтига отганча пуфлаб-пуфлаб томга отмоқчи бўлди. Пастга тушишга ҳайиқардим. Анча-бунча ёлворишлардан кейин тушганман.

Дарвоқе, оч қолганимда дунё кўзимга кўринмай қолади. Бу одатим ҳали ҳам тарк этган эмас. Жаҳлим чиқа бошладими, умр йўлдошм, овқат келтиради.

Ана ўшанда бир марта янгамулломни сенсираганман. Болаликдаги бу бебошлигимни у кечирган, лекин кулги қилиб ҳали ҳам айтиб юрар экан.

Унинг қизларидан бири – Анор оиласи билан “гринкард” ютиб Нью Йоркка келди. Анор уч фарзандини қишлоқда уйли-жойли қилибди. Иккитасини эса бу ёққа олиб келибди. Улар ҳам 18-19 ёшда. Кўришга бордик. Тўрмуш ўртоғи Абдукарим билан Анор кула-кула шу воқеани эслашди. Бўлмаса, у пайтда ҳали Анор туғилмаган ҳам эди.

Янгамулломнинг исми Мукаррам. Бу иззат-икром соҳиби маъносини беради. Ҳақиқатдан ҳам у иззат-икром соҳибасидир.

6. ЧЎЛПОННИНГ СИНГЛИСИ

Уни ҳеч ким “Татар хола” демасди. Чунки бошқа “Татар хола” бор эди. Унинг ҳужжатдаги исми “Соня” бўлсада, талаффузда “и” тушиб қолиб, “Соня”га айланиб кетганди. Паканагина, чеҳраси айлана, кўзлари бироз қисик, юзлари лўппи Соня опа ўзига хос бир дунё эди.

У орада девори йўқ “деворбир” қўшнимиз бўлиб, фақат бизнинг ҳовлимиз сатҳи униқидан сал баландроқ эди, холос. Унинг уйи қишлоқда ҳамманикидан ажралиб турарди.

Амаким урушдан қайтиб, колхозга раис бўлганларида, Самарқанд шаҳридаги Ҳисобчилар тайёрлаш техникумининг раҳбари – Нарзиқул поччалари:

-Бизда бир татар қиз бор, жуда билимли, аммо ҳеч кими йўқ, шуни ишга олиб, уй қилиб берсангизлар қандай бўларкин?- деб қолибдилар.

Кейинчалик амакимнинг айтишларича, Соня опанинг отаси жадидчи бўлган экан. У шоир Чўлпоннинг таниши ва шоир уни “мавлоно” деб чақираркан. У тўнғич фарзандига Чўлпон деб исм қўйган.

Бир кун уни уйдан олиб кетишгани бўйича, қайтиб келмабди. Онаси хасталаниб, оламдан ўтибди. Чўлпон Қозон шаҳридаги қариндошлариникига кетибди. Соняни Нарзиқул почча ўқишга олиб келибди.

Амаким Соняни колхозга ишга таклиф қиладилар. Унга ўй қуриб беришни ваъда қиладилар. У ўз уйининг лойиҳасини ўзи чизиб берган. Уй жуда замонавий бўлиб, ошхонасидан ҳожатхонасигача

ичкарида жойлашгани учун аввалига қишлоғимиздагиларга ёқмаган. Хоналари ҳам кичкина, умуман тўртбурчак қутини эслатарди. Одамлар “клетка” дейишарди. Аммо ана шу “клетка” уйга бора-бора кўпчилик ҳавас қилган.

Бу ҳовли қишлоғимиздаги қўлбола маданият маркази бўлиб, ҳовлининг гули-гулзори ҳам худди каштага солинган нақш каби эди.

Ҳар кун оқшом бизлардан биттамыз Соня опанинг уйига бориб ўхлардик. У жуда меҳрибон эди. Лекин бирор нарсадан жаҳли чиқса, татарча гапирарди. Айна пайтда қошиқ-вилкани қандай ушлаш кераклиги, сувни қултумлаб ичишгача ўргатган. Агар сувни бир ҳўплашда ичиб юборганимни кўриб қолса, татарча гапиришга ўтарди. Шунинг учун уйига боргим келмасди. Аммо онам навбат қилиб қўйгандилар ва истасак-истамасак биттамыз боришимиз шарт эди.

Соня опа бизнинг кўнглимизни олиш учун оқшомга махсус овқатлар пишириб қўярди. Унинг овқатлари европача бўлгани учун бизга ёқмас, ўзимизнинг қовурилган картошкани ундан устун кўрардик. Менга фақат у пиширадиган қўймоқ ёқарди. Аммо совиб қолса, худди хамирга ўхшарди. Унинг ўзи “Қўймоқни иссиғида ейиш керак”, дегани билан барибир уникида тунаганимда, эрталаб қўярда-қўймай мактабга бериб юборарди. У дарс қилишга ёрдамлашар ва кийимларимни дазмол қилишни ўргатарди. Ёқмасди. Уйда онам қилардилар-да бу ишни. Шунинг учун уникига мактаб кийимларини олиб бормасдим. У бир ҳатлаб бизникига ўтардида, ўзи кўтариб келарди.

-Онанг касалманд, бу ишларни ўзларинг қилишни ўрганинлар, у бечорани бунча қийнайсишлар,- дерди.

Онам оғир бетоб бўлиб олти ой касалхонада ётганларида у ҳар оқшом бизнинг уйга келар ва ярим тунда ким ўхлаб қолмаган бўлса, ўшанинг ҳамроҳлигида ўз уйига ўтарди. У ҳеч қачон бошқа жойда тунаб қолмаган.

У жуда тозақор ва жуда ҳалол инсон эди. Колхозда ҳамма унинг тўғриси ўз эканлигини билиб қолганди. Баъзиларга бу ёқмасди. Қайси бир бригадир ёки табелчи ҳисоб-китобни бошқачароқ қилган бўлса, татарчалаб сўкиб, қоғозларни унинг бошига отиб юборганини гапиришарди.

Соня опа кийинишда ҳам европача кийинар ва уйдан колхоз идорасигача бўлган икки юз метрлик йўлни худди шаҳарда сайр қилган каби оҳисталик билан, ҳеч кимга қарамай босиб ўтарди. Биз улғайиб ўз сўқмоқларимиз бўйлаб кетганимиздан кейин Соня опа қишлоқда бир етим қизни фарзандликка олди. Уни боқиб, ўқитиб, турмушга узатди.

Унинг Қозон шаҳридаги опаси йилда бир марта Самарқандга келарди. У ҳар келганида деворга осиладиган ёзувлар келтирарди. Ҳаммаси арабчада. Биттасида “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим”, бошқа биттасида “Бир мезарки ташлариндан яш дамлар” деб ёзилган экан. “Буни Чўлпон ёзган” дер эди. Мен ўшанда опаси ўзи ёзар эканда, деб ўйлардим. Орадан ўн йиллар ўтиб билдимки, бу шоир Чўлпоннинг Боку шаҳрига борганда ёзган шеърдан бир мисра экан.

Қишлоғимиз Самарқанд шаҳрининг “этаги”да, дарс бўлмаган пайтлари “Ўттизинчи” автобусга чиқардик ва ўн тийин тўлаб, Регистонга борардик. Регистонда Навоий кинотеатри бор эди. Бир куни ўша ерда Соня опани кўриб қолдим. У меҳмонга келган опасини айлантириб юрган экан.

-Ҳа, улум, дарсдан қачип юрипсенми?-деди у.

Ундан кўрқардим, дарс масаласида кечирмас эди. Лекин шу куни онамдан сўраб боргандим. Буни унга айтсам ҳам барибир опаси билан сафарини кесиб, мени уйга олиб келди. Уйга келгач, онам:

-Шундай катта колхоз бўлса, шуларга битта кинотеатр қуриб бермайсизларми?-деб қолдилар. Гаплари менга ёққанини сездилар, шекилли, жилмайиб қўйдилар.

Соня опанинг талаби билан колхозда пахсазан кинотеатр қурилди. Бизнинг дарвозадан чиқиб, йўлни кесиб ўтилса бас, кинотеатр. Аммо ёзги. Нима қипти? Ўзимизнинг кинотеатр бор эди ва биз дарсдан қочмасдик. Хуллас, Соня опа қишлоғимизга замонавий маданиятнинг элчиси бўлиб келганди.

У Меҳринисо опамни ўз касбига қизиқтирди ва опам Тошкентда Халқ хўжалиги олийгоҳини битиргач, Соня опа ўрнини унга бўшатиб, нафақага чиқди. Бугун ўша Ўзбекистон номи билан аталган колхоз йўқ. Лекин Соня опани ҳалигача эслашади.

Биз уни “опа” десақда, у бизни фарзандим деб биларди. Унинг “ўлум” деган ўша бир сўзида дунёнинг катта маъноси ётганини эса энди англайман. Ҳечдан кўра кеч!

7. ТОЖИК ХОЛА

Қишлоғимизни қадим Самарқанднинг ўзи каби байналминал қишлоқ деса бўларди. Ён қўшнимиз Соня опа-татар. Унинг ёнида уч хонадон – Саид, Воҳид, Восе акалар-тожик. Воҳид аканинг мен тенги Рафиқ деган ўғли бор эди. Яқин дўстим эди у.

Рафиқ яшаган ҳовлининг қаршисида колхознинг гаражи бор эди. Ҳозир бу гаражнинг ўрнида минг кишилиқ тўйхона қурилибди. Соҳиби Рафиқнинг укаси Равшан.

Гаражга кираверишда икки хонали, бир айвонли уй бўлиб, унда қоровул оиласи билан истиқомат қиларди. Қоровулнинг исми Ашраф. У тожик, хотини эса озарбайжон. Дунёнинг энг озорсиз урушқоқ аёли. Шунақаси ҳам бўладими, деманг, у ҳақда алоҳида ҳикоя қилиб бераман, ҳали. Унинг ўғли Раббим ҳам биз тенги. Болалигимиз биргалиқда ўтган. Рафиқ, Раббим ва яна бир дўстим Қаҳҳор билан “тепишиб” ўсганмиз.

Бир куни қаттиқ қор ёғиб, ерлар музлади. Мактабдан қайтаётган эдик, Рафиқ йиқилиб тушди ва ўрнидан тура олмай, йиғлай бошлади. Атрофдан иккита чўпни топиб, қўлларимиз орасида кўприк ясаб, уни ўтқаздик ва амаллаб дўхтирхонага олиб бордик. Уни ўша ерда қолдириб, хабар бериш учун уйига югурдик.

Ичкаридан чиққан Тожик хола гапимизни охиригача ҳам эшитмасдан бизни сўка кетди. Кейин у бизни туртиб-туртиб қувиб юборди. Хафа бўлиб уйга келдим. Дунёда онадек сезгир зот бўлмас экан. Ҳар қанча яширишга уринмайин онам нима гап бўлганига қизиқдилар. Тожик хола онам билан дугона эди. Шунинг учун айтгим келмасди. Охири Рафиқ йиқилгани ва биз уни дўхтирхонага олиб борганимизни айтдим. Онам дарров дўхтирхонага бориб келдилар.

-Оёғи лат ебди,-дедилар ва бошимни силаб қўйдилар.

Тожик холанинг вазоҳатидан кейин ўзимни гуноҳкор ҳис эта бошлагандим. Кечаси билан ухлай олмай чиқдим. Балки биз шошганимиздан нотўғри гап айтиб қўйдикмикан ёки у бизни тўғри тушунмадими? Бир тарафдан Рафиқни ўйласам, иккинчи тарафдан Тожик хола нега бизни қувганига ақлим етмасди. Мурғақ қалбимни нимадир тирнаётгандек эди.

Эрталаб мактабга йўл оларканман, Қўчқор ариқ, биз уни қисқартиб “Қўчариқ” дердик, ана шу Қўчариқ томонга қараб юролмадим. Мактабимиз ўша томонда эди. Орқамда кимдир турганини сездим. Қарасам онам, қўллари билан қарши томонга ишора қилдилар. Орқа томонда Рафиқнинг уйи. Индамай Қўчариқ томонга эмас, Рафиқнинг уйи томонга қараб юрдим.

Уларнинг дарвозасига яқинлашганда, йўлнинг у бетидаги очиқ дарвозадан Раббим чиқиб келди. Гаражнинг дарвозаси доим очиқ турарди. Раббим ҳам ўхламай чиққанми ёки деразадан қараб турган эканми, ёнимга келди. Бир-биримизга гапирмай, кўк дарвозанинг ёнида анча туриб қолдик.

Воҳид ака ва ўкаси Саид ака уста эдилар. Қишлоқдаги кўп уйларни шулар қуришган. Дарвозаю деразаларни нақшиндор қилиб қуришарди. Ўзларининг дарвозалари эса оддий эди. Аммо ичкарига кирсангиз ҳаммаёқни нақшиндор қилиб ташлашган. Худди музейга киргандек бўласиз. Ташқариси қалтироқ, ичкариса ялтироқ, яъни мақолнинг тескариса каби.

Бир пайт дарвозанинг дарчаси очилиб, Тожик хола кўринди.

-Вой бачаларим, чуба бу ерда хунук хўрда турибсизлар? Қани дарумба киринглар? Мани бахшида қилинглари! Шаб силарни хафа қилдим!

Тожик хола ўзбекча билан тожикчани аралаштириб гапирар эди. Биз уни кўриш билан кўрқиб орқага чекинган бўлсак-да, унинг бу гапларидан кейин олдинга қараб қадам ташладик. У дарчадан чиқиб, бизни бағрига босди ва ичкарига бошлади:

-Жўретон нағз, оёғи шикаста қилибди, шуморо сўрагани-сўраган, силага раҳмат, раҳмати калон,-деб юзимиздан чўлпиллатиб ўпганча ҳовли тўридаги хонага ишора қилди.

Биз ўша томонга қараб югурдик. Тожик хола эса:

-Ҳой, йиқилатон, эҳтиёт шаветон,-деганча бақириб орқамиздан югурди.

Ичкарига кирсак, Рафиқ бизни кўриб қувониб кетди. Кеча уни шикастахонага олиб бориб, оёғини гипслаб келишибди.

-Бийим сизларни хафа қилибдилар-а?-деди у мунгли овозда, у онасини “бийи” дер эди.

Кейин менга қараб:

-Кечаси ўнам келгандилар...,-деди. Менинг онамни эса “ўна” дерди.

Тожик хола Рафиққа деб “Оши орд” пиширган экан.

Ана шу қиймали “Оши орд”ини яхши кўрардик. Уни “ўгра” ҳам дейишади. Биз эса уйда бу овқатни қийма шўрва дер эдик. Тожик хола нимадир қўшардики, косанинг тагига етганимизни ўзимиз ҳам билмай қолардик. Терлаб-пишиб ичганимизни кўриб, у севинарди ва:

-Яна оворамми-а? -деб қайта-қайта сўрарди. Биз индамай ўтирсак, у яна ярим косадан олиб келарди. Кейин шишиб қолган қоринларимизни силаб-силаб аранг кўчага югурардик.

Рафиқ билан анча гаплашиб, кўнглимиз равшан тортиб, мактабга кетдик...

Уйимиз ёнидан ўтарканман, қарасам онам ҳали ҳам ўша жойда турибдилар. Бошлари билан имлаб, “қалай” дегандек ишора қилдилар. Кулиб қўйдим. Онам ҳам кулиб қўйдилар...

Бугун раҳматли онамининг аксар дугоналари ҳам оламдан ўтган. Улар жаннатда ҳам байналминал давра қурган бўлсалар керак ёки худди Пулимурғоб қишлоғида яшагандек бир-бирларини ҳурмат қиладиган, миллатига қараб камситмайдиган дўст бўлсалар керак, деб ўйлайман.

8. РУБОБА

У ҳаммани сенсираб гапирарди, ҳамма ҳам уни сенсирарди. У одамлардан ҳазар қилади, шунинг учун уларни сенсирарди, одамлар ҳам унга ўзига яраша муомала қиладилар, деб ўйлардим. Катта бўлганимдан кейин англадимки, хулосам хато экан. Рубоба янга озарбайжон бўлгани учун уларнинг маданиятида фақат ғирт бегоналарни сизлаб, қолганларни сенсираб гапириш анъана экан. Биз эса буни тушунмай уни камситиб, сенсирар эканмиз.

Назаримда Рубоба янганинг уришмаган одами йўқ, ундан энг кўп гап эшитадиган эри Ашраф амаки эди. Ашраф амаки Самарқанд шаҳрида яшаган ва армияга хизматга бориб, Рубобага ўйланиб қайтгач, ота-онаси сиғдиришмаган. Шунда у бизнинг қишлоққа кўчиб келган. Уй-жойи йўқ бўлгани учун уни колхоз гаражига ҳам қоровул, ҳам диспетчер қилиб олишган. Ашраф амаки жуда кам гап ва жуда юввош одам эди. Рубоба янга акси.

Агар бирорта унинг ўғли Раббим ёки қизи Гулсарага ёмон гапирсин ёки уларни тўртсинчи, кунини кўрарди. Боласини ўша хонадоннинг дарвозаси олдига олиб бориб тинмай сўкаверарди. Токи одамлар тўпланиб, масала нимадалиги аниқланмагунча. Шунинг учун ҳам кўпчилик унинг болаларига гапиришга қўрқарди. Баъзилар уни жинни деб ҳам гап тарқатишганди. Лекин у жинни эмас эди. Ўғли билан дўст бўлганимиз учун биламан, у болаларини жуда яхши кўрарди ва ўғлининг дўсти бўлганимиз учун бизни ҳам ҳурмат қиларди.

Ёшимиз бир жойга етганда ундан сўраганман:

-Нега Раббимни биров сўкса, сиз ҳам сўкардингиз?-деб.

-Нима, мен бориб бировнинг боласини сўкайинми? Кучим ўзимнинг боламга етади. Шундан улар ҳам хулоса чиқариб оладилар...

Бу унинг ўзига хос услуб эди.

У саҳарлаб гаражнинг дарвозаси очилгандан то ярим тунда бекилгунга қадар овқат пишираётган жойида, ҳовли супураётган пайтида, сув ташиётган ёки кир юваётган бўлса ҳам-хуллас ҳар қадамда шоферларни қарғаб юрарди. Озарбайжончалаб қарғарди. Ўзбекча гапирмасди умуман.

Бунинг ҳам сабабини орадан йиллар ўтиб кетгандан кейин билдим. У ёш келинчак эканлигида гаражда катта қозонда овқат қайнатиб, саҳар келган ёки ярим тунда ишдан қайтган шоферларга ҳам мулозимат кўрсатар экан.

Эркак зоти орасида ҳайвонсифатлари ҳам бор. Улар оддийгина яхшиликда ҳам баъзан қинғир ифодани кўрадилар. Унинг мулозиматини бошқача тушунган ҳирсимохов шоферлар унга кўз олайтира бошлашибди. Бир-икки марта у ётадиган уйга ҳам киришибди. Шунда у уларни калтакбўрон қилиб, қувиб чиқарибди. Лекин улар унинг у ёқ-бу ёғидан ушлаб, тегажоқлик қилаверишгач, баъзиларини ерга юмалатиб урибди. Кейин мелиса чақарибди. Эркакнинг эгари ошнаси. Ишни ёпиб юборишибди.

Бу ҳол яна такрор бўлибди. У яна шикоят қилибди. Терговчи келиб кетаркану шу билан иш тамом. У охири эрталабдан кечгача ҳаммага бақирадиган бўлибди.

Ўйлаб кўрсам, у шў йўл билан ўз қадри, иффати, оиласини ҳимоя қилган экан. Унинг эрини “латта” деб ҳақорат қилишлари ҳам шундан экан.

Лекин уни энг ёмон кўрадиган шоферлардан бирортаси ҳам “Рубобани қўлини ушлаганман” деб айтолмайди. Ҳаммаси ҳам унинг оиласига, фарзандларига содиқлигини тан олади. Зотан, эркакнинг шундай мардлиги бўлмаса, эркаклиги ҳам битади.

Ўтган йил ўйимиз ёнидаги арчасимон дарахт устида қалдирғоч ин солганини кўрдим. Қарасам тухум ҳам қўйган. Қарадим у балага қолдим. Иккита қалдирғоч шунақа қаққилаб айлана бошладики, агар бошимни эгиб, ўйга кириб кетмасам, кўзимни ўйиб оладигандек эди.

Бу менга Рубоба янгани эслатди. Бегона жойда ин қуриб, ўзини ва болаларини ҳимоя қилиш унга осон бўлмаган. Айниқса, адолатсизлик шундайгина қаршисида турса-ю у бир умр шу адолатсизликнинг юзига қараб яшаса. Инсон учун бундан оғир нарса бўлмаса керак.

Адолатсизлик одамни жинни қилиб қўяди деган гап бор. Рубоба янга умрининг охирида оиласига алоҳида уй-жой солди. У ерда ўғлини ўйлантирди. Қизини узатди. Фарзандлари қишлоқда бахтли оилалардан.

Бугун қишлоғимизнинг қалдирғоч аёлини фақат мен эмас, кўпчилик эслаб, дуо қилиб турса керак. Чунки у шунга муносиб.

Албатта, қишлоқдагилар тилимиз, маданиятимизни дарров ўзлаштириб олган “малла” келинларни севишарди, аммо Рубоба янгани унча ёқтиришмасди.

Лекин у одамларга фавқулодда қийин шароитда ҳам ўз она тилини, ўз маданиятини ва ўз иффатини асрай олишни ўргатиб кетди. Бугун биз ўзбеклар дунёга сочилиб кетган, бошқа халқлар орасида ёлғизланиб яшаётган бир пайтда Рубоба янганинг қанчалик кучли иродага соҳиб эканлигини идрок қилиш қийин эмас.

9.ХАТ

Мўғилистонда танк қўшинларида хизмат қилардим. 1977 йилнинг 23 феврал куни байрамни нишонлаш учун машқлардан казармага қайтдик.

Бир неча кунлик машқлардан кейин энг катта ҳадя хатлар эди. Дадамдан хат келган экан.

Дадам 47 ёшда, ўзлари хат ёзмас эдилар. Ўша пайтда бу менга жуда катта ёш кўринарди. Энди англасам, бу ҳали йигитлик даври экан. Лекин нима учундир дадам доим опаларим ёки сингилларимдан бирига айттириб ёзардилар.

Бу сафар танидим. Ўзларининг хати. Ўз қўллари билан ёзганлар. Ўн кунлар олдин юборган эканлар. Байрам куни етиб келибди. Хат жуда ҳам самимий ёзилган ва раҳматли онамнинг жуда ёш – 42 да оламдан ўтганлари дадамнинг кўнгилларини синдирган экан.

“Онанг бўлганда биргалашиб бориб, сени кўриб келармидик? Мен “Вақтим йўқ” десам ҳам у “Қани йўлга тушинг” дея аллақачон мени олиб борган ва Монголия деган жойни ҳам кўриб келган бўлардик. Аммо онанг бизни ташлаб кетди...”

Бу гаплар дилимни ўртаб юборди. Кўзда ёш билан қайта-қайта ўқидим.

Шу пайт дивизиянинг хат ва телеграммаларни қабул қиладиган бўлимида ишлайдиган Хизир деган дўстим кириб келди. У менга қараб бир нарса демоқчи бўлар, аммо гапира олмай лаби титрарди.

Бугун байрам бўлгани ва машқлардан қайтганимиз учун туркменистонлик Қосим деган дўстимиз ош дамлаган ва биз тўпланиб, байрамни нишонламоқчи эдик.

Дадамдан келган хатни ўқиб, ошга бориш ҳам ёддан чиқибди. Хизр шунинг учун келди деб ўйладим.

У менга яқинлашиб, титраган овоз билан:

-Ким айтди?- деди.

-Нимани?

У қўлидаги телеграммани мажақлаб:

-Йиғлама дўстим!-деди ва мени қучоқлаб, ўзи йиғлаб юборди.

Икки кун олдин дадамни ё тасодиф, ё қасддан ўлдиришган экан...

Силкиниб...

Силкиниб боради тобут

Қабр юлиб қолгач одамни.

Силкиниб...

Силкиниб йиғлай олмадим,

Кўмиб келгандилар отамни.

Силкиниб...

Силкиниб ўқийман хатни

Мактуб-отам,

Қўлларим тобут.

Силкиниб...

Силкиниб тош бўламан

Қабрнинг устида йиғламоқ учун,

Қабрнинг устида ухламоқ учун.

10. РАИС БОБО

Амакимни “мулло” дердик. Ҳақиқатдан ҳам мулло одам эдилар, раҳматли.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлганлари учун ҳам Горбачев замонида у кишидан:

-Немисларга асир тушиб, кейин Туркистон озодлиги учун курашчига айланганлар ҳақида биласизми?-деб сўрадим.

-Мен ҳам асир тушганимда Туркистон озодлиги учун курашчига айлантириб қўйишарди,-дедилар одатларига кўра ним кулги билан. Кейин қизиқишим жиддийлиги учун фикрларини ётиғи билан тушунтирдилар.-Шуни билки, асир тушиш ихтиёрий бўлмайди ва бўлмаган ҳам. Кимки шундай деса, “бекор айтибди”нинг ўнтаси уники. Кимнинг ҳам душманга асир тушгиси келади? Бир томони ватанпарварлик.

-Ватанпарварлик, бу қип-қип қизил гап эмасми?

-Ҳей, болам, уруш кетаётган пайтда қип-қизил гап бўлмайди. Қаршингдаги душман сен болаликдан бирга ўсган дўстингни қарсиллатиб отиб турганда қанақасига қип-қизил гап бўлади?

Амакимни баҳсга тортишни яхши кўрардим. У киши жуда самимий баҳс қилардилар ва гаплари юракларининг тубидан оқиб чиқарди. Гаплари қарашларимга мутлоқ зид бўлса ҳам мазза қилиб эшитардим.

-Хуллас, биттаси ватанпарварлик. Иккинчиси, орқада бола-чақанг, ота-она, қишлоғинг бор. Ҳаммасидан воз кечиш осон эмас. Чунки сен асир тушсанг уларни тинч қўймасликларини яхши биласан. Учинчиси эса, қаршидаги душман қаттолун баттол – фашист. Унинг тилини билмасанг, унинг динини билмасанг, унинг маданиятини билмасанг, у билан яшаш осон бўладими? Бунинг устига сен ҳам фашист бўлмасанг у билан ош-қатиқ бўлолмайсан. Гапинг ёқмаган кунни отиб ташлайди.

-Шундай дейсизу, асир тушганлар бўлган, немислар билан бирга яшаганлар ҳам бор. Ҳатто немисларга уйланиб, бола-чақа кўрганлар ҳам бўлган...

-Тўхта, тўхта! Уларнинг бирортаси ўз ихтиёри билан асир тушмаган. Масалан, Власов сотилганда унинг қўл остидагилар мажбуран ўша томонга ўтиб қолишган ёки немислар босиб келиб взвод, рота, баталонларни ўраб олиб, “ҳендихох” деганда, қўл кўтаришга мажбур бўлишган. Улар асир тушгандан кейин Гитлер бу кучдан фойдаланиш учун “Туркистон легиони”ни тузган. Гитлернинг одамлари жуда айёр бўлишган. Биз томондагиларнинг орасидан ўқимишли, зиёли бўлганларини тўплаб “Легион” туздирган. Сен уларнинг таржимаи ҳолларини синчиклаб ўқиб кўр. Аксарияти фаол коммунист – советларнинг идеологиясини тарғиб қилувчилар бўлишган. Уруш пайтида ҳам улар фронтнинг олди қисмида шу иш билан шуғулланганлар.

-Демоқчисизки, урушгача уларнинг хаёлида Туркистон озодлиги деган гап бўлмаган...

-Кимдадир бўлса бордир? Аммо кўпчиликда бўлмаган. Кейинчалик соғинч ва хорижда туриб илм олиш, ўрганиш улардан баъзиларини бу курашга олиб кирган. Бошқа катта гапларни бир четга қўйиб, мана шу ростини айтсалар ҳам шунинг ўзи етрали. Чунки ҳали ким ёлиб бўлиши маълум эмас эди, СССР ютиб чиққандан кейин эса унинг қўли ҳамма жойга етарди, шундай шароитда “Туркистон озодлиги” деб гапириш осон эмасди. Сталин керак бўлса, Канадага одам юбориб, оғзи катталарни ўлдиртирган. У томонга ўтиб кетганлардан баъзилари турли ҳукуматларга ишлашган.

Масалан, Америка, Германия, Эрон, Франса разведкаларига ишга ўтиб кетганлар ҳам бўлган деб эшитамиз. Улар Туркистон озодлиги учун эмас ўша мамлакатларнинг манфаати учун хизмат қилганлар. Мен уларни айбламайман, яшашлари керак эди, кун кўришлари керак эди. Немисларга, фарангларга, инглизларга уйланиб жон сақлаб юрганлари ҳам бўлган. Улар ўша мамлакатларнинг

фуқаролари ва уларга хизмат қилсалар, қилибдиларда, чунки ўша жой уларнинг ватанлари. Улар фашистнинг байроғини ўпдилар.

-Лекин биз уларни бир кун ўз она-ватанларига қайтариб олиб келамиз...

-Ўзинг кетсанг ҳам қайтиб келмайсан, болам, ҳалики улар. Уларга бу ерда олтиндан қовурдоқ пишириб қўйсанг ҳам қайтиб келмайдилар. Инсон ҳам дарахт, қаерда илдиз отдими, ўша ерда яшнайди. Улар ўша томонда илдиз отганлар. Дарахтни кўчирсанг ё олади, ё йўқ, инсонни кўчирсанг, ё қолади, ё қолади. Фақат “Менда Туркистон озодлиги учун кураш ғояси бор эди, шунинг учун немислар томонга ўтиб кетганман” деган гап ёлғон, “Мажбуран ўтгандим, кейин бу ғоя учун курашдим” деган гап эса рост. Лекин бу масалга тарафсизлар баҳо берса яхши бўлади. Биз тарафмиз. Бир кун келиб тарафсизлар ҳар икки томонни ҳам адолат тарозисига қўйишар ва даврдан, муҳитдан келиб чиқиб баҳолашар?!

Ана шу сўхбат ҳеч ёдимдан чиқмайди. Худди бугунги ҳолатни ўшанда олдиндан кўрган каби гапирган эканлар. Ҳатто мен ҳам кетдим ва ҳалига қадар қайта олмадим.

Бир куни Истанбулда шу сўхбатни устоз Боймирза Ҳайитга айтганимда у киши:

-Амакинғиз доно одам эканлар, ҳақиқатдан ҳам ихтиёрий равишда асир тушиш бу ўлим дегани эди, жонидан тўйган одам шундай қиларди,-дедилар.-Лекин уруш давомида ва ундан кейин Туркистон дарди билан яшаганлар кўп эди.

Кейин Боймирза ота Ислом Каримов режими Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан хориждагиларни ватандошларимизни бир-бирига душманга айлантиргани, аслида эса улар Совет давридаёқ амаким каби масалани тўғри идрок этишганига урғу бердилар.

Бугунгача юзлаб воқеалар амакимнинг фикрларини тасдиқлади. Мана энди у авлод ўтиб, бизнинг авлод ҳам айни ҳолатни яшамоқда. Бу кетишда кейинги ва кейинги авлодлар тақдирида ҳам шундай ҳолатлар содир бўлиши мумкин. Балки бу дунёнинг асл тузилишидир? Ахир Америка дейилган жойда бир пайтлар ҳеч ким яшамаган. Ҳиндулар келишган, кейин испанлар, кейин инглизлар ва ҳоказо бугун миллион-миллион одамлар яшашмоқда. Майли, бу энди бошқа мавзу...

Дадам ва онам уй-жой қилиб чиқиб кетгунларига қадар амакимнинг оиласи билан бирга Муртазо бобомнинг уйларида яшаганмиз. Амакимнинг ўғиллари билан бирга катта бўлганман. Амаким учун Аббос акамдан кейингиси, лекин бошқа фарзандларидан азизроғи эдим. Чунки уларга баланд овозда гапиришлари, уларни сўкишлари мумкин эди, аммо менга доим дўст назари билан қарардилар. Мактабда яхши ўқишимни уларга ўрнак қилиб кўрсатардилар. Гапларимни эринмай эшитардилар ва иккаламиз ҳамма мавзуларда тенқурлардек сўхбат қила олардик. Кўрсалар севинардилар, мен ҳам у кишини кўрсам севинардим.

Энг ёққан хислатлари – ҳеч кимдан қўрқмасдилар. Ҳар қандай гапни ҳар қандай одамнинг юзига тикка айтаверардилар. Агар бир нарса деса, икки оғиз гап билан мот қилардилар. Бундан ғурурланардим.

Бир куни бир даврада қишлоғимизнинг имоми Мажид бобо билан тортишиб қолдик. Унга диний масалада эътироз қилгандим, у ранжиди. Шунда амаким:

-Мулла Мажид, сиз ҳали кеча имом бўлиб қолдингиз. Арабчани ҳам ўқий олмайсиз. Аслида қорисиз, ёдлаб олганингизни айтасиз. Бу ёшлар ўқиганини айтмоқда. Уларга ҳам қулоқ солиш керак, бекордан-бекорга ранжиб, уларни ҳам ранжитманг...,-дедилар.

Мажид бобо “хўп-хўп” деб кулиб қўйди ва шундан кейин гапларимдан ранжимайдиган, аксинча баъзида менга мурожаат қиладиган ҳам бўлди. Амакимнинг бунчалик таъсир кучлари борлигига ҳайрон қолардим. Лекин Мажид бобода ҳам ёшларнинг фикрини тан оладиган мардлик бор эди.

Болалигимда, амаким дам олишга кетсалар ёки бошқа шаҳардан қайтсалар, совғанинг олди меники эди.

Катта бўлиб, Тошкентда ўқиб юрган кезларимда ҳам баъзан ётоқхонага келардилар. Бир кун тонга қадар гаплашиб ўтирибмиз. Хонада биздан ташқари журналистика факултетига бирга ўқийдиган дўстим Комил ҳам бор эди.

Комил эрталаб уйғониб:

-Ҳали ҳам гаплашиб ўтирибсизларми, нимани бунча баҳслашаяпсизлар, ухламадингизларми?- деди.

-Уйқуни сенга сотгандик-ку, қани пулини чўз бу ёққа,- дея ҳазиллашдилар амаким. – Сени отанг ҳам уйқучи эди.

-Э, отамни қаёқдан биласиз?,- деб ажабланди Комил.

-Ўғилда бўлмаса ота нишони, унда бордир бировнинг қони...

Бу амаким яхши кўрадиган, кўп такрорлайдиган, қишлоғимизда ҳамма биладиган гапларидан бири эди.

У кишининг халқ орасида худди шундай тарқалган яна бир гаплари: “Яхши яхши кунингда, ёмон ёмон кунингда ярайди”.

Ҳамма ёмон кўрадиган одам билан ҳам яхши гаплаша олардилар ва муносабат сақлардилар.

Урушдан астма касалини орттириб келгандилар. Агар суҳбатлашиб ўтирсалар, йўтал тутмасди. Лекин жим қолсалар тўсатдан қаттиқ йўтал тутиб, қизариб кетардилар. Энди ўйласам, доим яхши бир суҳбатдошга эҳтиёж сезганлар ва имкони топилганда ухламай тунни тонга улаганлар.

Бир кун Самарқанддаги “Республика” касалхонасида ётгандилар. Кўришга бордим. Ўша куни яна бир фарзандли бўлгандим.

Амаким ётган палатага киришим билан:

-Янгилик борми?-дедилар.

-Бор..

-Қизми, ўғилми?

-Қиз...

-Ҳей, табриклайман, умри билан берган бўлсин, бахти билан берган бўлсин, нега шумшайиб турибсан, балконга чиқиб шляпангни осмонга от, қайтиб тушмаса ҳам хурсанд бўл! – дедилар.

Бироздан кейин эса:

-Мана бир ойдан бери шу ерданман. Аканг ҳар куни бир марта келади, сен ора бир кун келсан, қизлар эса кунига уч марта хабар олишади, яна кувларни ҳам эргаштириб юришади. Саҳарги нонушта, тушлигу кечки овқатни ўзлари пишириб келишади, касалхонага куним қолган эмас. Хуллас, қизлар атрофимда гиргиттон. Ўғиллар эса хотини билан банд, агар қайнатаси касалхонага тушса, ўша ёққа кунига уч марта қатнайди. Ўзимиз ҳам шундай эдик...,- деб қаҳқаҳа отиб кулдилар.

Амаким урушдан келгандан кейин колхозда раис бўлганлар, кейин узоқ йиллар Туман ерларини ўлчаш идорасига раҳбарлик қилганлар. Ҳамма у кишини “Раис бобо” дерди, жумладан мен ҳам баъзан ҳазиллашиб, шундай мурожаат қилардим.

Ҳар кун ишдан келаётиб, амакимни бир кўриб ўтардим. 1987 йилнинг 18 июн куни эди. Келсам, аҳволлари жуда ҳам оғир. Тинмай йўталаятилар. Нафас олиш қийинлашган. Дўхтирлар келиб, “Энди бўлмайди” деб кетишибди.

Аранг гапириб, “Нима қилсанг қил, аканг келганича сақла”, дедилар.

Аббос акам Украинада эди. Унга хабар қилдик ва амакимни касалхонага олиб бордим. Реанимация бўлимида сақлашди. Дўхтирлар таниш бўлгани учун ичкарига киришга изн беришди. Кутилмаганда соппа-соғ бўлиб, ўринларидан туриб ўтириб, худди олдинги пайтларидагидек суҳбатлашдилар. Касалхона аэропортга яқин бўлгани учун учқичлар “ғув” этса, ўша томонга қараб қўярдилар. Икки кун ана шундай ўтди. Дўхтирлар ҳайрон. Реанимация бўлимидан оддий палатага ўтказишга қарор беришди. Кўнглим тинч эмас эди. Йўтал бошланиб қолишидан чўчирдим.

20 июн куни ёнларида ўтириб, суҳбат қураётгандик. Бир учқичнинг пастлаётгани эшитилди.

-Ана шунда аканг келди,- дедилар.

Кейин “Мени бобонгни қабрига қўйинглари, бутун қишлоқ кўриниб турсин...”,- дея васият қила бошладилар.

У кишини тинчлантиришга уриндим:

-Акам эртага келадилар, бу гапларни ўшанда айтасиз,- дедим.

-Йўқ, у келди, сенга айтдим нима, унга айтдим нима, ўзинг тушинтирасан унга,- дедилар,-Шу самолётда келди, бор кутиб ол!

Хонадан чиқмасам хафа бўла бошладилар. Ташқарига чиқиб, кўнглим бир нарсани сезгандек дарҳол қайтиб кирдим, бир дақиқада аҳволлари оғирлашибди. Дўхтирлар югур-югур қилиб қолишди. Орадан бир соатга яқин вақт ўтди. Бир пайт, “Бўлмади” дейишди. Шу пайт акам кириб келди. Ҳақиқатдан ҳам акам ўша учқичда келган экан...

Амакимнинг исмлари Ҳамроқул эди. Яратганинг севган қули эдилар...

Ушбуни ёзиб, уни биринчи ўқувчим, умр йўлдошим Роҳилахонга бериб, ўзим ташқарига кетдим. У ўқиб, столим устига қўйибди. Қарасам, охирида қуйидаги ёзув:

“Жойлари жаннатда бўлсин ! Рухлари биздан рози бўлсин! Жуда яхши одам эдилар. Мен ҳам у кишини жуда яхши кўрардим.

Хўжайин, янада кучайтиришингиз мумкин, амакингиз ҳақларида қанча ёзсангиз шунча оз!”

Шундан кейин Роҳилахонга “Ҳали бошқалар ҳақида ёзганимда ҳам амакимни кўп эслайман, сен ҳам бирорта хотирангни қўшиб қўйгин” дедим.

Мана бу унинг хотираси, ўзи ёзган:

“Бир куни кечки пайт соат беш-олтилар эди, ҳовлимизга меҳмонлар келишди, одат бўйича ошхонага кириб чой-пой тайёрлай бошладим, шунда Санобар синглим “Опа, шулар сенга совчилика келганга ўхшайди-ёв”, деди.

Мен “Энди ҳаммани совчига чиқараверасанми, ҳали турмушга чиқмайман”, дедим. У бўлса, “Опа, ану келган одамми кўрдингми, роса чиройли одам экан, агар ана шу киши ўғлига совчиликка келган бўлса-чи?” деди.

Унинг гапи тўғри чиқди. Хуллас, ўн беш кун ичида тўй-тамошалар бўлиб, мени келин қилиб шаҳардан Пулимурғоб қишлоғига олиб кетишди.

Эрталаб келин саломига олиб чиқишганда ана ўша бўй-бастлари баланд, келишган, ҳамиша кулиб тўрувчи, ҳазилкаш одам қайнатам эканларини билиб, жуда севиндим.

У киши хўжайинимнинг амакилари бўлиб, биздан беш-олти ҳовли нарида турар эдилар, аммо ҳар кун келиб мендан ва умуман оиламиздан хабардор бўлардилар, албатта мен тайёрлаган таомлардан еб “Қўлинг дард кўрмасин, қизим, овқат жуда ширин чиқибти”, деб кўнглимни кўтариб қўярдилар. Менга ҳар доим “Чиройли кийиниб, тараниб юргин, сан мани келинимсан, мани келинларим қишлоқнинг энг олдини”, дердилар.

Тўйдан сўнг қайнатамлар шаҳарли келин эканлигим учун ҳазиллашгилари келдими, “Кўрманага сигир опкелдим”, дедилар. Ҳали янги келинмасмиман, “Йўқ, йўқ” деб қўрқиб кетдим. Ҳатто кўзимга ёш келди. Шаҳарда ўсганман. Уй ҳайвонларининг яқинига бормаганман. Қандай қилиб сигирга қарайман? Шунда у киши ёнимга келиб, “Қўрқма, сени қийнатиб қўймайман, менинг эрка келинимсан, сени бир қўрқитайин дедимда”, деганлар. Кейин ҳамма холалару аммалар у кишининг ҳазилларидан кулишган.

Ана шундан сўнг ўзимни у кишининг фарзандиман деганман ва ҳамиша кўришганимда икки юзларидан ўпиб олардим.

У кишини охири марта кўрганим касалхонада бўлди. Қўлимда чақалоғим бўлгани учун ташлаб чиқолмасдим, аммо хўжайинимдан у кишига овқат юборардим. Жаҳонгир ака билан иккаламиз касалхонага кириб борсак, у киши вестибюлдаги дам олиш жойида ўша ерда орттирган дўстлари билан суҳбат қуриб ўтирган эканлар. Биз иккаламиз у кишини қучоқлаб ўпдик. Узр сўрадим ва ҳар кун келиб кўролмаётганимдан хижолат бўлаётганимни айтдим, шунда у киши “Сан мани эркатой қизим, ўзинга иситиб олгансан мани, орада бир марта келсанг ҳам кўнглимни овлаб кетасан” дедилар ва пешонамдан ўптилар.

Биз анчагача суҳбат қуриб ўтирдик...

Ўша кунлар ҳам ғанимат экан. Мана энди ҳар йил 20 июнда эрталаб туриб, ҳолва қориб ис чиқараман ва кейин Жаҳонгир акадан у кишини эслаб дуо ўқишни сўрайман. Жойлари жаннатда бўлсин!”

11. ҚАҲҲОР

Қаҳҳор болаликдаги энг яқин дўстим, қариндошлигимиз ҳам бор: унинг дадаси менинг дадамга амаки ўғил.

Қаҳҳор билан мактабда бир синфда ўқиганмиз. Ўн йил битта партада ёнма-ён ўтириб таҳсил олдик.

Биз энди мактабга қатнай бошлаган пайтда унинг онаси (у “ая” дерди) касал бўлиб қолди. Қаҳҳорнинг аяси шаҳардан келин бўлиб тушганди. Шаҳарнинг Боғишамол минтақасидан кўп келин олишарди.

Келин келди Боғишамол дапасидан,

Уни кўриб кув чикди капасидан...

деб юрардик. (Лаҳжамиз бугунги Туркия туркчасига яқин бўлгани учун бу ерда “тепа” сўзи “дапа” деб ишлатилган-ЖМ).

Қаҳҳорнинг аяси ҳам боғишамоллик эди. Уни биз “оянга” дердик. Болалар ихтирочи бўлади, “янга” сўзидан “оянга”ни ихтиро қилишган. Яъни “Ҳов, янга”ни “оянга”га айлантириб юборганмиз. Дадасини эса “амилло” деб чақирардик. Бу энди “амакимулло” сўзининг болаларга хос бузиб айтилиши. Бобосининг исмлари Раҳмон, дадаси Ғаффор, ўзи эса Қаҳҳор. Ҳаммаси Худонинг сифатларидан олинган исмлар.

Биз ҳеч қачон урғуни “ҳ”га қўйиб уни “Қаҳҳор” демаганмиз, оддийгина қилиб “Қаҳор” деганмиз, “ҳ” ҳарфини биттага қисқартириб. Унга исмининг шу талаффузи ёқарди, шунинг учун бу ёғига мен ҳам “Қаҳор” деб ёзаман.

Қаҳорнинг аяси жуда чиройли аёл эди. Умуман Боғишамолдан тушган келинлар тўйларнинг тўрида-гўзаллик рамзи эди. Ким билсин, қидириб-қидириб чиройлисини топишармиди ёки шаҳарлик бўлгани учун кўзимизга шундай кўринармиди, нима бўлганда ҳам болалар тили билан айтганда “во” бўлишарди.

Қаҳорнинг аяси ширин сўз, меҳрли ва бизни ҳурмат қиладиган фаришта аёл эди. У онам билан қалин дугона эди. Касал бўлиб қолганда онам унинг ёнидан жилмай ўтирардилар. Шунинг учун мактабдан келаётиб, жилдимни дарвозадан ичкарига отардимда Қаҳор билан бирга уларникига кетаверардим.

Дунёнинг “касали” бизда ҳам бўлиб, синфимизда доим жанжал бор эди. Бир куни мактабнинг боғида ишлаётгандик, Баҳронча деган бола орқадан Қаҳорнинг кўйлагига лой сачратди. Қаҳорнинг кўзидан олов чиқиб кетгандек бўлди. Ахир уйда кир ювадиган аяси тўшакка михланган. Дазмоллайдиган одам йўқ. Бу ишни ўзи қиламан деб уринганида “уттик”нинг ичидан чўғ тўкилиб кетиб, қарийб ҳамма ёқ ёниб кетадиган бўлган экан. (Ўша кезде ичига чўғ солинадиган дазмоллар ишлатиларди-ЖМ).

Қаҳор жаҳл билан Баҳрончага томон юрган эди, у мени кўрсатди.

-Ана ўзингни жўранг отди!

Ваҳоланки мен Қаҳорни ҳимоя қилиб Баҳрончага отиш учун ердан лой олаётгандим. Қаҳор бирдан ташланди. Иккаламиз уришиб қолдик. Баҳронча қўлимни ушлаб турди, Қаҳор бир икки муштлиди. Дўстингдан мушт есанг ва бу ноҳақдан бўлса, алам қилар экан. Синфга кириб жилдимни олдим уйга кетдим.

Бироздан кейин кўчадан хиргойи эшитилди. Қарасам, Қаҳор. Девордан ҳатлаб ташқарига чиқдим, девор остида катта хода ётган экан. Шунинг даст кўтариб, Қаҳорнинг бошига урдим. Хода синиб, майда-чўйда бўлиб кетди. Қаҳор бошини қучоқлаганча ётиб қолди.

-Иби, бачаро кушдику,-деб қўшимиз Саид аканинг хотини тожикча ва ўзбекчани аралаш қилиб гапирганча югуриб келди.

Қўрқиб кетдим. Наҳотки Қаҳорни ўлдириб қўйдим? Наҳотки дўстимдан айрилдим? Энди ким билан мактабга бораман? Ким билан чўмилишга борамиз? Аясига нима дейман энди?

Ўша пайтда бировни ўлдириш даҳшатли жиноят эканлигини тушунмайман ҳам. Фақат яқин дўстимдан айрилиб қолдим, деб хаёлан ўзим билан ўзим “жанг қилганим” ёдимда.

Саид аканинг хотини уни кўтариши билан Қаҳор сапчиб ўрнидан турдида менга ташланди.

Бизни аранг ажратган аёл қўлимиздан ушлаб:

-Унжоба аянг ўлапти-ю шумо уриш када юрибсанлар,- деди.

Иккаламиз ҳам тош қотиб қолдик. Кейин бирдан Қаҳорларникига қараб югурдик. Келсак жимлик. Онам оянганга нималарнидир гапириб ўтирибдилар. Бизни кўриб, ўринларидан туриб келдилар ва Қаҳорни четга тортиб, бошини тозалай бошладилар. Унинг боши қумурсқага тўла эди. Мен уни урган хода ёмғирда қолиб, пўкка бўлган ва майдаланиб ичидаги қурт-қумурсқалар унинг бошига тўкилган экан.

Ўша кун биз бўлган воқеани айтмадик. Аммо қишлоқда гап турадимиз, гап юради. Эртасига анча танбех олдик.

Орадан кўп ўтмай Қаҳорнинг аяси озиб кета бошлади. У ётган каравотни ўраб, уни кўрсатмай қўйишди. Унинг чап юзида бир сочли холи бўлиб, шунинг кестирган, бу эса саратоннинг ўчоғи экан. Дўхтирлар “аҳволи оғир” дегандан кейин уйга олиб келишган ва бу унинг охири кунлари экан.

Қаҳор унинг бош фарзанди эди. Демак, ўша кезде у аёл ҳали ўттизга ҳам кирмаган.

Уни бизга кўрсатмай қўйишганда бир кунни Қаҳор билан аста пойлаб, унинг ёнига ўтдик. У шу даражада озиб кетган экан-ки, таниб бўлмасди...

Ўша кун Қаҳор билан иккаламиз бошимизни бир-биримизнинг елкамизга қўйиб йиғлаганмиз. Катталарнинг шундай қилганларини кўрганмизми ёки ҳам болаларни ҳам елкадош қиладими, хуллас, бир-икки кундан кейин яна йиғладик. Бу пайтда фақат биз эмас, кўпчилик йиғлади.

Шундан кейин Қаҳор ўзгариб қолди. Унинг олдинги қувноқлиги йўқолди. Энди чўмилишга борсак у соҳилда сувга тикилиб, тупроқ кўчада ўйнасақ у бир жойда ер чизиб ўтирадиган бўлди. Болаларга бу ёқармиди? Секин-секин ундан узоқлаша бошлади.

Бир кун онам:

-Биласанми Қаҳорга жуда қийин. Мана мен борман, опаларинг бор, сени кийимларингни ювиб, дазмоллаб қўямиз, овқатингни пиширамиз, сен билан гаплашамиз, у эса оиланинг каттаси, биз бориб қўмаклашганимиз билан барибир унга қийин. У сенинг яқин дўстинг, у билан гаплашиб юр,- дедилар.

-Гаплашганим билан у гаплашмайди-да.

-Қарагин болам, ман мен ҳам касалман, бугуним бор, балки эртамай йўқ, кетиб қолсам нима қиласан? Худо кўрсатмасин, ўшандай бўлиб қолса, Қаҳор сени ёнингдан жилмайди...

Шундан кейин мен ҳам Қаҳорнинг ёнида ё сувга тикилиб, ё ер чизиб ўтирадиган бўлдим. Зерикиб кетсам ҳам чидардим. Кейинчалик у яна ўзига қайтди.

Бир кун Ғаффор амилломни ўйлантирадиган бўлишди. Яна Боғишамолдан келин келди. Энди бу келин кўзимизга чиройли кўринмас, биз унинг келишидан хурсанд эмас эдик. Айниқса, Қаҳор хафа эди. У қабристонга борди. Мен ҳам унга эргашиб бордим. Аясининг қабри ёнига борганда ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Уни юпатиш осон эмас эди. Дардини айтмайдиган, ичига оладиган эди.

Ўгай онаси билан ҳам анча вақт чиқишмай юрди. Сингиллари туғилгач, тил топишиб кетишди.

Қаҳорнинг ўз аясидан Олим ва Эркин деган укалари бор эди. Эркин бироз тортинчоқ, аммо Олим ҳамманинг кўнглини топадиган “мировой” бола эди. Ўзи ширин, сўзи ширин, жуда юмшоқ, нима иш буюрсанг “хўп” дерди, доим кулиб турарди. Катта бўлиб ҳам шундайлигича қолди.

“Бундай болани дунёдан топиш қийин” дейишарди у ҳақда гап кетса. Ҳақиқатдан ҳам бугун бундай болани бу дунёдан топиш қийин. Америкада эканимда, у тўсатдан оламдан ўтибди. Онасига ўхшаб жуда ёш вафот этибди. Хафа бўлдим, эзилдим, бу сафар шундай оғир кунида дўстим Қаҳорнинг елкасига бош қўя олмадим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, биз 9-синфда ўқиганимизда Қаҳор билан пул топмоқчи бўлдик. Ёишт тўкамиз дедик. (Ёишт қўйишни бизнинг шевада “ёишт тўкмоқ” деймиз-ЖМ). Қабристон гўркови бизга иш топиб берди. Кун иссиқ бўлгани учун ёиштни тунда тўкишарди. Биз ҳам шундай қилмоқчи бўлдик. Кечга томон қабристонга борсак, дарвоза ёнидаги хонанинг шифтида илон кўриб қолдик. Қўрқиб орқага қайтдик. Кейин кундузлари бориб, қуёшнинг тиғида қолиб бўлса ҳам бир неча минг ёишт қўйдик.

Иш битгач гўргов:

-Бу ёишларни лаҳадларнинг оғзига терамиз. Қаҳор, аянг раҳматли оламдан ўтганда ҳам ёишт терганмиз. Сени бувинг ўлганларида ҳам ёишт терганмиз. У ёишларни бошқалар тўкканди, сизлар ўша қарзни уздингизлар, бировнинг қарзини биров узадиган дунё бу,- деди.

Пулимизни ололмай, жаҳлимиз чиқиб гўрковдан хафа бўлиб қайтдик. Уни кўрсак салом ҳам бермай ўтиб кетадиган бўлдик. Чунки бизни алдади...

Лекин орадан икки йил ўтиб, онам вафот этганларида қабр бошига келтириб қўйилган ёишларни кўриб, гўрговнинг гаплари ёдимга тушди. Ҳақиқатдан ҳам бировнинг қарзини биров узадиган дунё экан бу! Бу сафар бу ёишларни ким қўйдийкин?

Хуллас, мактабни битиргач, Тошкентга кетдим, Қаҳор шоферликка ўқиди. Сут заводида ишлади. Машинада дўконларга сут маҳсулотлари тарқатарди. Қишлоқда бир муддат яшаганимда у эрталаблари бир-икки шиша кефир ташлаб кетарди. Хурсанд бўлардим.

Қаҳор оилали, болалари ҳам ўйли-жойли, невараларининг роҳатини кўрмоқда.

Балки болалиқдаги кунларимиз баъзан унинг ҳам ёдига ҳам тушар?

Дарвоқе, мактабни битирганимиздан кейин орадан 15 йил ўтиб, синфдошлар Фарҳод деган дўстимизнинг ҳовлисида тўплангандик. Ҳазил-ҳузул қилиб ўтиргандик, Қаҳор чирик хода воқеасини эслаб қолди:

-Мени машина босиб кетди, ўлдим деб ўйладим ўшанда,-деди у.-Кейин ўлмаганимга роса севиндим...

Мен-чи, мен ҳам севингандим, жўра!

Мактабни битирганимизнинг 40 йиллиги кечасида олинган видеотасмани юборишибди. Томоша қилсам, Қаҳор бир четда, жимгина ўтирибди яна. Ким билсин, у ҳам камина каби болалиқдаги қадрдон дўсти ёнида эмаслиги ҳақида ўйлаётгандир?!

12. ҚАЙНОНАМ

Истанбулда яшардик. 1996 йил, 17 май. Қайнонам тушимга кирибдилар.

Олима аёл эдилар. Самарқанд Давлат Университетида ишлардилар. Олийгоҳда ҳам, оилада ҳам у кишини бирдек қадрлашарди. Юракларидagi самимият юзларида ярақлаб турарди.

Ўзбек адабиётида ҳам, ўзбек ҳаётида ҳам “қайнона” калимаси салбий маънога тенглашиб қолгани мени ажаблантиради.

Тангридан мамнун эдимки, худди ўз онамдек меҳрибон аёл қайнона бўлдилар. У зотни кўрсам худди онам тирилик келганларидек, кўнглим ёришиб кетарди. Бирор марта мендан ранжиганлари ёки бирор калима аччиқ сўз айтганлари эмас. Умуман аччиқ сўз нима эканлигини билмас эдилар. “Болам” дердилар ва “ая” дердим.

Тушимда оппоқ либосда эдилар. Тоғ устидамик. Аям пастга қулаб кетдилар. Билакларидан тутиб қолдим. Бир зум... балки бир неча дақиқа.

-Болам, болаларимни сизга ишондим, -дедилар.

Ёнимда синглим у кишига мўлтираб қараб турганди. Онам вафот қилганларида синглим бир ярим ёшда қолган ва у ҳам қайнонамдан худди ўз онасининг меҳрини топгандек у зоти муҳтарамани яхши кўрарди.

Қайнонам болаларимни ҳам “болаларим” дер эдилар. Ҳаммасини ўзлари тетапоя қилдирдилар, десам лоф бўлмайди. Эрталаб олийгоҳга кетишдан олдин бизникига келардилар ва болаларни мактабга йўллашга кўмаклашардилар. Ишдан кейин яна бизникига келиб кечга қадар умр йўлдошимга кўмаклашардилар.

Хуллас, тушимда қўллари қўлимдан сирғалиб, пастга тушиб кетдилар.

Эрталаб бу тишинг сири мени ўйга ботирди. “Тушингдан хавотир олсанг пайғамбарларнинг туши, Тангрим яхшиликка йўйсин, дея сувга сўйла” дейишарди. Сувни оқизиб қўйиб, ўйга толдим. Кўнглимни қоп қора булут қоплаган эди.

“Наҳотки” дердим ва орқасидан “бўлиши мумкин эмас”, дердим. Лекин юрагимдаги юк оғирлашиб бораверди. Ўзимни қўярга жўй тополмадим. Ичкарида умр йўлдошим ва болалар ҳали ухлаётган эдилар.

Ўзимни қўярга жой тополмаётганимни сезган умр йўлдошим:

-Тинчликми?-дея ёнимга келди.

-Самарқандга телефон қил,-дедим.

-Нега?

-Ёмон туш кўрдим...Кўнглимни қоп қора булут қоплаган, телефон қил!

-Кеча ҳаммалари билан гаплашдим, яхшилар, тушингизни сувга айтдингизми?

Кўнглимдаги хиралик тарқамади. Умр йўлдошим телефон қила бошлади, аммо жавоб йўқ.

Охири ўзим телефон қила бошладим. Бирорта телефонга туша олмадим. Кейин тушганимда ҳам ҳеч ким олмади.

Охири кечга томон синглим олди.

-Нима бўлди?- дедим.

-Ҳеч нарса...

-Нега товушинг хириллаб қолган, яширма, нима бўлди?

-Қўлимда жон бердилар,-дея йиғлаб юборди синглим.

59 ёшда эдилар. Ўша куни юрак хуружидан оламдан ўтибдилар.

Ишонини қийин бўлган ҳодиса. Аммо ҳаётда ана шундай воқеалар бўладики, Тангрининг ишоратлари ҳар қадамда борлигига ва фақат биз уни кўриб ҳам кўра олмаслигимизга амин бўламиз.

13. ЗОҲИД

Аслида Зоҳид тоғам дадамга холаўғил. Дадам “тоға” деганлари учун биз ҳам тоға дердик. Фақат тўй-маъракалардагина кўрганим учун у киши ҳақида тайинли бир нарса билмасдим. Тошкентда ўқиб юрган кезларимда Самарқандга бориб, тоғам – Зоҳид Нарзиқуловнинг кафедрасига кирдим. Раҳматли жуда кўнгли очик, ширинсўхан, воқеаларга инқилобий кўз билан қарайдиган одам эдилар. Ўшанда мени кўриб қувониб кетдилар:

-Тошкентларга кетиб қолибсиз? Шу ерда ҳам ўқиш топиларди,-дедилар.

У киши ҳаммани сизлаб гапирар эдилар. Микробиология соҳасида катта олим: фан доктори, профессор, кафедра мудури...

У пайтда бир талаба учун бу етиши қийин бўлган манзил.

Тоғамнинг иш жойларида бир қанча шиша-пробиркаларда махсус сув ичига янги туғилган аммо, териси шилиб олинган қўзилар солиб қўйилган эди. Бир қарашда қўрқинчли кўринади.

-Булар илмий ишимнинг давоми,-дедилар ҳайратимни кўриб. Мен эса илмий ишлари нима эканлигини ҳам билмас эканман.

-Қанд касалларига инсулин юбориб туришади. Ана шу инсулинни тайёрлашда тўнғиз ҳужайраларидан фойдаланилади. Мен қўзининг ҳужайраларидан фойдаланиш йўлини кўрсатдим. Бир томони мусулмончилик, қолаверса иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали. Чунки минг-минглаб қўзилар туғилиши билан қоракўл учун териси шилиб олиниб, ўзи ташлаб юборилади. Булар ўша ташлаб юборилган қўзилар...

Гап бу масалада эмас. Гап тоғам ҳикоянинг давомида айтганларида:

-Москвада докторлик диссертациямни ёқлаётган куни бир киши “Нега КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Илич Брежневнинг бу борада айтган гапларини қўшмадингиз?” деб сўраб қолди. Ҳамманинг нафаси ичига тушди. Мен:

-Ҳамма китобларни кўриб чиқдим, аммо бу борада ихтибос тополмадим, – дедим.

-Бўлиши мумин эмас, у киши ҳамма соҳада гапирганлар,- деди ҳалиги киши. Озгина баҳслашган бўлдик. Мухомадан кейин домлам зиёфатга чақирди. Савол берган одам ҳам келди. У четга тортиб:

-Мана бунга ўзим ёзиб берганман, – дея Брежневнинг микробиология соҳасида айтган гапини кўрсатди. Ўсал бўлдим. Ўша одам КПСС Марказий Комитетида ишлар экан. Бундан кейин бир нарса ёзганимда Брежневдан ихтибос келтиришни унутмаслигимни тайинлади. Ўжарлик қилмаслигимни, бундай ҳол ёмон оқибатларга олиб келишини ҳам алоҳида тайинлаб қўйди.

Руслар бизга қараганда инсофлироқ деймиз. Лекин қайнукам илмий иш қилаётганда мақола ёзса, Тошкентдан “Фалончи одам бу соҳанинг пири, унинг номини ҳам муаллифлар қаторига қўшинг”, дейишибди. Танимаса ҳам қўшибди. Аммо журналда чиқишидан олдин биров олиб ташлаганми, тушиб қолганми, хуллас, ўша “пир” ҳалига қадар унга йўл бермаяти.

Барибир ўша давр бугунги даврдан бешбаттар бўлмаган. Бугунги ҳолатда тоғамга ўхшаган биттаси ўжарлик қилса илмий иши орқага қайтиши ҳеч нарса эмас, балки юртбошининг номини қўшмадинг, тўнғизнинг ўрнига қўйнинг ҳужайрасини таклиф қилдинг, бу диний масала, дея Жасликқа жўнатишлари ҳам мумкин.

Ўша кездеги яна бир воқеа тоғамнинг ўзлигини яна ҳам очиб берди. Дадамнинг холалари- Зоҳид тоғамнинг оналари оғир бетоб бўлиб, ётиб қолдилар. Бунинг устига тоғамнинг аёли ҳам хасталанди. Кўришга бордик. Тоғам тўшакка михланиб қолган онасининг остини тозалаётган экан. Аббос акам, “Хизматга бирорта ҳамшира топиб келайинми?” деса тоғам:

-Йўқ, онамга ўзим қарайман. Минг хизматларидан бирини қайтарсам нима қилибди,-дедилар.

Ана шундай хокисор инсон билан суҳбатлашиш завқ берарди. Ҳар қандай масалада гаплаша олардилар.

Шунинг учун имкон топиб уйларига бориб турадиган бўлдим. Ҳовлиларида бир нечта товуслари бор эди. Охири учрашганимизда гапдан гап чиқиб, товуслар ҳақида гапириб қолдилар:

-Қаранг, оддий қушлар, диққатни ҳам тортмайди, лекин қанотларини ёйганда ҳар қандай кишини мафтун этади. Шунинг учун бировга баҳо беришда унинг илк кўринишига қараб хулоса чиқарсангиз, адашиб қолишингиз мумкин. Унга имкон берингки, “қанотини ёйиб”, ўзини кўрсата олсин!

Тоғам оламдан ўтганларида сургунда эдим. Шунинг учунмикан, у киши ўлмагандек. Товусларга қараб гапираётган кучли овозлари эшитилиб тургандек туюлади...

Кўп нарса исмга ҳам боғлиқ дейишади. Зоҳид дунёвий ишлардан юз ўгириб, ўзини тоат-ибодатгагина бағишлаган инсонга айтилади. Тоғам эса ўзларини дунёвий ишларга бағишлагандилар. Ким билсин, балки бу ҳам ибодатнинг бир кўринишидир?

14. АББОС АКАМ

Инсоннинг ёши бир жойга қараб кетавергач дийдаси қотарканми ёки кўп нарсани кўравериб, бу дунёнинг асрорини англай бошлар эканми, кўзига ҳадеганда ёш келавермай қоларкан.

2011 йилнинг 23 март куни... Кеча оқшомдан бери кўзимда ёш. Ҳаётимда азиз бўлган инсонлардан бири тўсатдан бу оламни тарк этди. Бор-йўғи 62 ёшда эди.

Мендан олти ёшга улўф бўлсаларда жуда яқин дўст ва сирдош эдик. Ҳар гаплашганимизда яқинда сени кўришга бораман, дердилар. Келолмадилар. Қанд касаллиги кутилмаганда у кишини йиқитди. Бу хабарни олганимда тилим айланмай, сўз тополмай қолдим. Ҳамма нарсага сўз тополаман дер эдим, адашган эканман.

Инсон сўз тополмай қолганда унинг сўзлари кўз ёшларига айланар экан.

Биз болалиқдан битта ҳовлида катта бўлдик. У амакимнинг ўғли бўлсада, туғишган акамдан ҳам зиёд эди. Ҳамма бизни ака-ука деб биларди. Зулм режими қатағонига учраганимда, золимлар “Уканг қаерда, топиб берасан?!” , деб акамни зиндонга солишганди.

Бизни шу даражада ака-ука деб ўйлашардики, ҳатто уни “Аббос Маматов” деб ёзганлар ҳам бўлган. Ваҳоланки, у Аббос Муртазоев эди, яъни бобомнинг номларини таширди. Режим битта нарсада адашмаган эди – бу инсон ҳақиқатдан ҳам акам. Ака бўлганда ҳам шунчаки ака эмас, энг яқин дўст ҳам. Ҳаётда оғир жудолик бу энг яқин дўстдан айрилиш экан. Бу жудолик билан 20 йилдан бери курашаман, вақтинча деб ўйлардим, мана энди мангуга айланди.

Таниганларим ва яқин бўлган ижодкорлар Аббос акамни ҳурмат қилишарди. Чунки у ижод аҳлининг дўсти, ўзи ҳам дилдан, қалбдан ижодкор эди.

У тўйларда сўз айтганда диллар ларзага келарди.

У давраларда шеър айтганда ҳар қандай одамни мафтун этарди.

У жажжи болаларнинг ҳам дўсти эди.

Қулоқларим остида ижод аҳлининг ўша 90-йилларда айтган сўзлари:

Жамол Сирож: Ўтган-қайтганда ака билан бир қучоқлашиб ўтмасам, дилим нотинч...

Нурилла Остон: Аббос акани соғиниб қоламан, у кишининг меҳри бошқача...

Холмуҳаммад Нур: Аканинг уйи ёнида албатта тўхтаб ўтаман, бир салом бермасам, кўнглим жойига тушмайди...

Фармон Тошев: Бахтли инсонсиз, шундай акангиз бор...

Аҳмаджон Мухторов: Аббосжонни бир неча марта газетага ишга таклиф қилганман, келмаган...

Нусрат Раҳмат: Аббосжон билан суҳбат қилишнинг гашти бор...

Акамни таниган инсонлардан ҳатто сенатор-депутат, вазир ёки вазир ўринбосари бўлганларидан тортиб, турли нашрларда ишлаётганлари ҳам бугунги режимнинг баттоллигига қарамай ҳамдардлик билдиришди. Йигирма йилда бизни унутишган деб юрсам, улар ҳатто акамни эслаб юришган экан. Уларга одамийликлари учун раҳмат.

Аббос акамнинг уйи Самарқанд шаҳридан Ургут-Панжакент томонга борадиган йўлнинг шундай устида эди. Уни кўрганлар “Акангиз дарвоза олдида чорпоя қуриб, ўтган қайтганга чой-бериб ўтирибдилар”, дейишарди.

Акам узоқ йиллар санитария-эпидемиология соҳасида врач бўлиб ишлаб, нафақага чиққанди. Кейинги йигирма йил давомида қанд касаллиги билан олишди. У руҳан кучли инсон эди. Лекин касаллик ҳар қандай кучли инсонни ҳам йиқитар экан.

-Қабристоннинг қаерига қўйдингизлар?-деб сўрайман жиянларимдан бирдан.

-Жанозаларини ўзлари обод қилган мачитда ўқидик, кўпчиликнинг истаги билан у кишини қабристоннинг кираверишдаги асосий йўлакнинг ўнг тарафидаги тепаликка қўйдик...

У энди ўша ердан Пулимўғоб қишлоғига, ўзи севган, ўзи ардоқлаган қишлоғига боқиб туради.

Биз тирикчилигимизда йигирма йил бир-биримиздан айрилдик. Орзуим-қудратли яратувчи бизни келажакда бирлаштирсин!

15. ҚАЙНОТАМ

Қайнотамнинг исмлари Олим. Ўзлари ҳам олим, ўқимишли одам. Ҳали ҳам тинмай китоб ўқийдилар. Аммо сиёсатдан гап очмайдилар. Мен ҳам гаплашганимизда бу тамойилга тўла риоя қиламан.

Биринчи қарашда жуда жиддий одам, у кишига яқинлашиш қийин бўлса керак деб уйлайсиз, лекин бу хонадонга кўев бўлганимдан кейин у кишининг қанчалик меҳрибон, ғамхўр ота, ҳақиқий оила бошлиғи эканликларига гувоҳи бўлдим.

Уйланганимдан кейин бир неча вақт қишлоқда яшашга тўғри келди. Ота-онам вафотларидан сўнг мен Тошкентда, опаларим турмушлари билан бўлиб кетишган, ҳовлида эса иккита синглим туришарди. Биласиз, келин шаҳарлик, унинг устига рус мактабида ўқиган, ўша маданият ичида катта бўлган. Бизда эса шароит қишлоқчасига – ошхона дегани супа устига қурилган ўчоқ, ёнида ўтин, сўпурги, ташқаридан сўв ташиб келиш ва ҳоказо.

Шунда сезгир қайнотам, қизим шикоят қилиб қолмасин, дебми, менга битта ичкари ошхона қурамизми, деб қолдилар ва ўзлари бош бўлиб айвон тўридан ошхона қурдик. Шу баҳонада қишлоққа табиий газ ҳам олиб келдим. Яъни келинпошшага ҳамма шароитни яратиб бердик.

Қайнотам тинмай китоб ўқийдилар. Бир кун буқоқ бўйича таниқли олим Ражаббек Ислombeковнинг рус тилида ёзилган ҳужжатли романи ҳақида гапириб, унда муаллиф иккинчи жаҳон уруши пайтида талаба экан, Мирзачўлга тошбақа тергани олиб боришганини ёзганини айтдилар.

Кейин:

-Бу менга бир воқеани эслатди,-дедилар,-Уруш йиллари темир йўл хизматида ишлаганлар ҳарбий соҳага оид одамлар ҳисобланарди. Халқ ҳақида ҳеч ким ўйламаса ҳам, темирйўлчилар ҳақида ўйлашарди. Бу Сталиннинг топшириғи эди. Самарқанд вокзалига ҳафтада бир марта, бир вагонда тошбақа олиб келишарди ва вокзал ёнидаги “Гигант” ошхонасида, бу ҳозир ҳам бор, тошбақани пишириб, темирйўлчиларга беришарди. Улар “Товуқ егандек бўлдик” дейишарди. Бир кун тошбақа ортилган вагонни қаршилаган бир темирйўлчи русчалаб “Ана Сталиннинг товуқчалари” (“Сталинские курочки”) келди деган экан, уни ушлаб кетишди. Шу-шу ундан дарак бўлмади...

Қайнотамнинг уйлари вокзалнинг ёнида бўлгани учун ҳам кўп хотиралари шу жой билан боғлиқ. У кишининг хотираларини эшитдим-да, индамадим. Чунки хаёлимга бошқа нарса, бугунги сиёсат билан боғлиқ гаплар келганди.

Қайнотам жуда кам гап. Аммо кам гапирсалар ҳам хўп гапирадилар. 1993 йилда Самарқанда қамоқхонасидан қочганимда у кишини вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал Учқун Тўхтаевнинг ҳузурига олиб боришган. Ичкарида Ўзбекистон Ички ишлар вазири Зокир Алматов ҳам ўтирган экан.

-Күёвингизни қаерга яширдингиз?-деб сўрабди Тўхтаев.

Қайнотам индамабдилар.

-Демак, қаерга яширинганини биласиз,-дебди Алматов.

Шунда қайнотам:

-Қачон қиз узатсангиз биласиз, күёв қайнотага ҳисоб берадимми, йўқми, ўшанда тушунасиз,-дебдилар.

Тўхтаев ҳам, Алматов ҳам индамай қолишибди. У кишига “Майли, бораверинг” дейишибди. Шундан кейин қайтиб терговга чақиришмабди.

Қайнотам ана шундай нозик нуқталарни топиб гапирадиган одам.

2006 йили Америка элчихонасининг кўмаги билан АҚШга келдилар. Ўшанда саксонга яқинлашиб қолгандилар. Невараларини ўн йилдан кейин бағрларига босиб, жуда қувондилар. Болаларим ҳам:

-Бобожонимиз,-деб атрофларида гирдикапалак бўлишди. Ҳар кун биргаликда бирор жойга борардик. Болапарвар бўлганликлари учунми фарзандларим у кишдан узоқлашишни исташмасди.

Олти ой бирга бўлдик. Окен бўйларида дам олдик, ёш йигитчалардек югуриб океанга кириб-чиқиб юрдилар. Шаҳарларни кездик. Табиатни севадилар. Тоғларга, боғларга бордик. Савдо

марказларида эса хўжалик моллари маркетларини кўришни истардилар. Ўнлаб шундай маркетларга олиб бордим. Бир кун:

-Америка ҳеч иш қилмай шуларни сотиб еб ётса камида ярим асрга етаркан,-дедилар.

Сиёсатга аралашганлари ана шу. Дарвоқе, яна бир марта аралашгандилар. Канаданинг чегарасидаги Ниагара шаршарасига бордик. Болаларимга қўшилиб, боладек севиндилар. Қайтишимизда:

-Ҳатто шаршарани ҳам халққа ишлатиб қўйишибди, қойил-е...,-дедилар.

Кейин кенжа қизлари Санобарнинг хасталанганини эшитиб, Самарқандга қайтдилар. АҚШ элчихонаси грин кардларини олиб кетиш учун бир неча марта чақирди. Бормадилар. Кўнгиллари сезган эканми, қайнсинглим тузалмади.

Ҳозир тўқсонга яқинлашиб қолдилар.

Бу орада Америкада чеваралари туғилди. Кўрганлари йўқ. Кексалик, келолмайдилар. Қизлари ва невараларига эса виза беришмади. Боролмайдилар...

Иккинчи фасл

16. ДАВЛАТ АРБОБИ

Истеъдодли ва заҳматкаш журналист Аҳмад Исмоиловнинг сўнгги иш жойи “Тошкент ҳақиқати” газетаси эди. У оламдан ўтганда жуда кўп журналистлар кўзимизда ёш билан мангу йўлга кузатиб қолганмиз.

1974 йилда Тошкент Давлат университетининг Журналистика факултетида ўқиган пайтимда, иқтисодий шароитим оғирлашиб, иш қидириб қолдим. 17-18 ёшли, тажрибасиз йигитни ким ҳам ишга оларди? Сарсон бўлганимни ва қийин шароитга тушганимни кўрган ижарачи-уйнинг эгаси Илёс ака қўшни маҳаллада истиқомат қиладиган журналист Расул Раҳмонов билан таништирди. У эртасига туш пайти Навоий театри ёнига боришимни уқтирди.

Борсам у бир ўрта бўйли, кулча юзли, ҳайли семиз одам билан фаввора ёнида гаплашиб турган экан. Салом бериб, узоқроқда тўхтадим. Расул ака у одамга бир нарсалар дегандан кейин у менга яқинроқ келиб:

-Битта савол бераман, жавобинг ёқса, ишга олиндинг, бўлмаса ўзингдан кўр,-деди.

Шошиб қолдим. Бунинг устига Расул ака:-Бу киши Аҳмад Исмоилов бўладилар, эшитган бўлсанг керак,-деди.

Аҳмад Исмоилов номини кўп эшитганим, ҳар куни “Тошкент ҳақиқати” газетасининг тўртинчи саҳифасида унинг номига кўзим тушиб тургани учун довираб қолдим.

-Қани айт-чи, журналист дегани ўзи ким?-деди Аҳмад ака.

Ўқишга кирган йилим биринчи дарсда домламиз Мухтор Худойқулов шу мавзуга яқин эркин иш ёздирган эди ва “Журналист-давлат арбоби” деб ёзганим ёдимга тушдию ўша гапни такрорладим.

Аҳмад ака бироз ўйлаб турди-да, кейин Расул акага қараб:

-Кўрдингизми, ёшларнинг фикри хазина бўлади,-деди ва менга юзланиб:

-Бориб Эйтибор опанга айт, сени ишга олдим, иш соатларингни ўқишинга мослаб, режалаб қўйсин,- деди.

Эйтибор опа газетанинг корректура бўлимида раҳбар экан. Шу билан “Тошкент ҳақиқати” да ишлай бошладим. Бу масканда Соат Мусаев, Назармат, Эргаш Муҳаммедов каби жуда кўплаб журналистлар, адиблар ҳам худди Аҳмад ака каби қучоқ очиб, иш ўргатишган.

Аҳмад ака чапақай. У бир қарашда мақоланинг қандайлигини билиб оладиган маҳоратга эга. Чап қўллаб, қизил қалам билан қўйган сарлавҳалар ҳаммани ҳайратга соларди.

Бир куни у мени чақириб:

-Ёшлардан бирортаси билан корректурада ўтириб тур, бироздан кейин Шароф ака келадилар, у киши ўзлари гап қўшмагунча гапирма,-деди.

Биз ишлаётган кўп қаватли бино янги бўлиб, Шароф Рашидов зиёратга келадиган экан. Биз 14 қаватнинг йўлак бошидаги хонада – корректурада гранкаларни ўқиб ўтиравердик. Рашидов ва ҳамроҳлари бизнинг хонага киришди. Бош кўтармасдан ишимизни қилавердик.

-Ассалому алайкум,-дея Рашидов келиб бизлар билан кўришди ва бино ҳақида сўради.

Қип қизариб қолдик. Саломни аввал биз беришимзи керак эди-да. Рашидовни кузатиб қўйишгач, Зариф ака деган ҳазилкаш журналист келиб, бизнинг қўлимиздан ўпди ва:

-Қани ҳамма бу олтин қўллардан ўпсин!,-дея ҳазил қилди.

Орқадан Аҳмад ака келиб қолди ва:

-Давлат арбоблари ҳам шунақа ҳазил қилади-ми?-деди. Унинг киноясини тушунмадим. Кечга томон у чақириб:

-Табриклайман, мана бунга қара!-деди.

Биринчи саҳифанинг хомакисида “ЖУРНАЛИСТ-ДАВЛАТ АРБОБИ” деган сўзлар катта ҳарфлар билан ёзилганди.

Кейин билсам, ўшанда Расул Раҳмонов билан Аҳмад ака Шароф Рашидовнинг нутқи ҳақида гаплашаётган ва менинг гапим уларга маъқул бўлгач, нутққа қўшишган экан. Рашидов журналистлар даргоҳини зиёрати баробарида мажлисда бу нутқни ирод қилгач, ҳамма газеталарда бу гап сарлавҳага айланиб кетди. Аҳмад ака доим шу ҳақда гапириб юрди.

Унинг бир одати бор. Ёшларга катта пул бериб, кичик бир нарса олиб келишни буюрарди ва қайтимини олмас, “Эртага бошқа нарса буюрман” дерди. Эртага эса бошқа пул берарди.

У ёшларнинг ғурурига тегмайин, деб шу йўл билан уларни иқтисодий жиҳатдан дастаклар эди. Умуман у ёшларни жуда қўллайдиган одам эди.

Айтишларича, Шароф Рашидов “Қизил Ўзбекистон” газетасида бош муҳаррир бўлганда, Аҳмад ака масъул котиб экан. Ўшанда Рашидов у кишини “Пулнинг қадрига етмайдиган одамсиз” деганини эшитганлар бор экан. Лекин ҳаммада ҳам ана шундай хислат бўлавермас экан, у пулнинг қадрига етмаса ҳам одамларнинг қадрига етадиган журналист, давлат арбоби эди.

“Тошкент ҳақиқати” газетаси Аҳмад Исмоилов бош муҳаррир бўлган йиллари Ўзбекистондаги энг ўқимишли, энг саводли нашр эди. Буни барча журналистлар чин дилдан эътироф этишарди. Камина учун ҳам бу даргоҳ ҳақиқий дорилфунун бўлганди.

17. ҚИРИМ

1975 йилда “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида масъул котиб ўринбосари эдим. Икки ўринбосар бўларди. Чунки эрталабдан ярим тунга қадар, баъзан эса кейинги саҳаргача ишлаш лозим эди. Шунинг учун бир кун мен ишласам, иккинчи кун Обид ака деган киши ишларди. Ҳар куни тушдан кейин соат тўрт-беш атрофида газетанинг хомакисини Бош муҳаррирга кўрсатиш лозим.

Бир кун Бош муҳарриримиз Исмоил Сулаймонов масъул котиб Кабир Шукуров билан одатдагидек газетанинг сарлавҳаларига назар ташлар экан, Кабир акага қараб:

-Шароф ота (Шароф Рашидов-Ж.М.) Қирим татарларининг “Илдиз” деган журнали ҳақида яна гап очдилар. Умуман уларни Қашқадарёга, Муборак атрофига тўплаб, ўша ерда уларга Автоном жой қилиб бериш, журнални ҳам ўша ерда чиқариш ҳақида гапирдилар. Лекин ана у Мустафо Жамилов каби ёш болалар қарши чиқаётган экан,-деб қолди.

Шу ўринда қисқа чекиниш қилиб, “Қирим” калимаси “Қрим” тарзида ҳам бирдек ишлатилишини айтмоқчиман. Бу сўзнинг этимологияси қир(тепалик) сўздан келгани ва шу халқнинг ўзи “Қирим” (“Qırım”) шаклида ёзаётганини инобатга олиб, айна йўлни танладим. Ваҳоланки, илгарилари “Қрим” сифатида ҳам кўп ёзганман.

Энди яна мавзуга қайтсак. Ўшанда ёш йигитман ва юқоридаги суҳбат дарров диққатимни тортди. Хаёлимда минглаб саволлар айлана башлади. Кўп ўтмай газеталарда тепадан тайёрланиб юборилган салбий мақолалар пайдо бўлди. Уларда Ойша Сейтмуратова, Мустафо Жамилов номи ҳам тилга олинарди.

Бош муҳарриримиз “ана у” деганда бармоғини пастга бигиз қилиб, Ленин музейи томонни кўрсатди. Бир кун олдин Қирим татар ёшлари шу ерга келиб намойиш қилишмоқчи бўлишгани ва уларни ушлаб кетишганини эшитгандик.

Исмоил Сулаймонов янги ташкил этилган “Қишлоқ ҳақиқати”(кейинчалик “Қишлоқ ҳаёти” деб номланди-Ж.М.)га “Сирдарё ҳақиқати” вилоят газетасининг бош муҳаррирлигидан олиб келинган эди. Кабир Шукуров ҳам у билан бирга келган. Кабир ака кўнгли очик, дангал гапирувчи, мард инсон эди.

Ҳали энди 19-20 ёшда бўлганим ва талаба эканлигим учун ҳам у ҳақиқий раҳнамолик, устозлик қилган.

Ўша кезде дунёнинг ҳамма воқеалари менинг ҳам воқеаларим каби эди. Қирим татарларининг тақдири ҳақида қизиқишим ва ўрганишимга, бу ҳам ўз воқеаларимдан бирига айланишига ана шу икки кишининг мухтасаргина суҳбати сабаб бўлган.

1990 йилда Ўзбекистон Халқ депутати сифатида Қирим татарларининг муаммолари билан ҳам шуғулланганмиз. Чунки сайлов округимда Месхет турклари каби Қирим татарлари ҳам яшардилар ва уларга Украинага кўчишларида ёрдам қиламан, деб сўз бергандим.

Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Ўзбекистон ҳукумати бу эзилган халқни азалий ватанига кўчиш маблағи билан таъминлаши масаласини кўтарганимда Ислон Каримов чақириб:

-Бу бизнинг эмас, Украинанинг муаммоси. Улар бу ишни пайсалга солаятилар,-деди.

Биз бу масалада анча гаплашдик ва у Леонид Кравчукга телефон қилишини айтди. Орадан кўп ўтмай Украина билан ҳамкорлик Битими имзоланиши олдидан Президентнинг Миллий масалалар бўйича маслаҳатчиси Шохобиддин Зиёмов билан Киевга бордик. У ерда ҳам айна масала кун тартибига келди. Украина томони Ўзбекистон ҳам ёрдам бериши лозимлигини Битимга киритиш ҳақида талаб қўйди. Зиёмов Каримовга телефон қилди. Каримов “Рози бўлаверинглар, қоғозда қолиб кетади, барибир”, деди.

Лекин бу масала Битимга киргандан кейин баъзи имтиёзлар бўлди. Ўзбекистондан кетганимдан сўнг Битим қандай ишлагани ҳақида хабарим бўлмади.

Туркияда туриб “Эрк” газетасини нашр этганимизда қўйидаги мақолани ёздим. Мақола “Эрк” газетасининг 1994 йил, 16 феврал 3(98)-сонида чоп этилди.

Қирим кимники?

Кейинги вақтда рус ва Ғарб матбуотида “Қирим кимники?” деган мавзу асосий ўрин эгаллаб қолди. Бир тарафдан Русиянинг кўзга кўринган арбобларидан тортиб, оддий бир фуқаросигача “Қирим бизники” деса, иккинчи тарафдан, Қирим президенти этиб сайланган Машков бошчилигидаги гуруҳлар “Қирим Русияники” демоқдалар. Учинчи бир тарафда украиналиклар “Йўқ, Қирим бизники, уни ҳеч кимга бермаймиз”, демоқдалар.

Қиримнинг ҳақиқий эгаларига эса, ҳеч ким қулоқ солмаяти. Хўш, аслида Қирим кимники, унинг ҳақиқий эгалари кимлар?

Қораденгиз шимолида жойлашган Қирим 27 минг квадрат километр сахнда бўлсада, жуғрофий, геополитик муҳим жойдадир. Шу сабабдан унинг “ошиқ”лари кўп. Икки ярим миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган бу ўлка 350 йил давомида Усмонли давлатининг бир бўлаги эди. Унга қадар ҳам бу ернинг туб аҳолисини татарлар, яъни турклар ташкил қиларди. Бу заминда 1500 йилдан бери турклар яшаб келишганини исботловчи қўлёзмалар, тарихий асарлар, археологик далиллар мавжуд.

1783 йилда чор Русияси томонидан босиб олинган Қиримда бирин-кетин руслар пайдо бўла бошладилар. Лекин 1921 йилда Қирим Мухтор Жумҳурияти эълон қилинган, бу гўзал ўлкага оқиб келувчилар кўпайди. 1946 йил 25 апрелда золим Сталин Мухтор Жумҳуриятини тугатиб, уни Русиянинг бир вилоятига айлантирди. Бу ерда славянлар – рус, украин, белорус кўчманчилари ерлаштирила бошланди.

Бунга қадар, яъни 1944 йилнинг 18 майида Сталин амри билан бир кечада Қирим татарлар ҳайвонлар учун мўлжалланган вагонларга чиқарилиб, ўз юртларидан бадарға этилдилар. Сибир ва Ўрта Осиёга сочиб юборилган бу халқнинг катта бир қисми – чол-кампирилар, бола-чақалар

Йўлларда сарсон-саргардончиликда йўқолдилар. Бу планли равишда бир миллатни қирғинга дучор қилиш эди.

Аммо енгилмас, жасоратли халқ ўзлигини йўқотмади. 1950 йилданоқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун мужодалага, курашга кирди. Бу кураш Ватан ва миллат тақдири учун муқаддас жанг кураши эди. Суд-сўроқлар, тергов-қамоқлар курашчиларнинг йўлига тўсиқ бўлолмади.

1954 йилда Хрущев Коммунистик Партия Марказий комитети қарори билан Қиримни Украинага берди. Шу билан курашчиларнинг умидларини узишмоқчи бўлишди. Аммо советлар бирлигининг турли ерларига сургун қилинган Қирим татарлар қаҳрамонларча бирлашиб боравердилар.

Ниҳоят, 1967 йил 5 июлда Совет ҳукумати Қирим татарларига нисбатан ҳақсизлик бўлганини тан олди. Совет империяси замонида миллат ва ватан тақдири учун курашиб қолиб чиққанлар бўлса – бу Қирим туркларидир!

Шундан сўнг улар ширин ҳаёт, кошона уй-жой, ҳузур-ҳаловатдан бир қарич ерни афзал кўриб, ўз ватанига кўчиб кела бошладилар. Бошпанасиз, оч-наҳор бўлса-да ота маконда, боболари тин олаётган заминда яшашни устун кўрдилар. Бу турк халқининг ўз тарихига муносабатининг энг ёрқин тимсолидан биридир.

Уларга на уй-жой, на қурилиш учун ер, на яшаш учун рухсат берилди. Аммо бу уларнинг оқимини тўхтатиб қололмади.

Ўзбекистонда 1966 йилдан бошлаб Москов корчалонлари Қирим татар курашчилари устидан ўтказган судлар ҳали кўпчиликнинг ёдида. Ўша кезлари бу халқнинг йўлбошчиси Мустафо Жамилов – Мустафо Абдулжамил Қиримўғлини сотқин, хоин деб эълон қилишди. Ватан ва миллат учун курашиб у “сотқин”, “хоин” номини олишни шараф деб билди ва адашмади. Чунки мустамлакачининг баҳоси учун эмас, халқнинг даҳоси учун яшаётганига, курашаётганига инонардди. Олти марта қамалиб, сургунларга дучор қилинган Мустафо Абдулжамил етти ойлик чоғида Қиримдан улоқтирилган бўлса, орадан 45 йил кечиб, 1989 йилда ўз ота маконига қайтди.

“Биз Ўзбекистонда яхши яшардик, -дейди Мустафо Абдулжамил – Ўзбекистон ҳам бизнинг Ватанимиз. Зеро, Қиримдан кеча олмаймиз. Турклар яшаган ҳар бир қарич ер бизга Ватан, зеро Қирим ҳам Ватан”.

1991 йилда Қирим турклари миллий кураш ҳаракатининг бош йиғини бўлди. Унда расман “Қирим татар Миллий ҳаракати ташкилоти” тузилгани эълон қилинди. Мустафо Абдулжамил Қиримўғли унинг раиси бўлди ва улар ўз олдиларига тўртта масала қўйдилар.

Булар – Қирим туркларининг миллий ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлари тан олиниши, бу халқнинг эътибори очиқ шаклда эътироф қилиниши, Ватанларига тўпли шаклда кўчиб келиш, ерлашишига эришиш, миллий ва маънавий маданиятларини ҳар томонлама тиклаш учун шарт-шароит яратилиши, ўз жумҳуриятларини тиклаш учун кураш эди.

Бугун қарийиб 400 минг Қирим татарлари ўз ерига қайтди. “Қирим татар миллий мажлиси” ташкил этилди.

1994 йилнинг 18 майида Ватанларидан сургун қилинганларининг 50 йиллиги муносабати билан сиёсий тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Мана, Қирим кимники? Сталин каби жаллодлар, Советлар бирлиги каби империя қаршисида чекинмаган бу халқ бугунги “шоввоз” лардан чўчирмиди? Албатта йўқ!

Шундай экан, “Қирим кимники?” деган саволнинг ягона жавоби бор: Қирим қаҳрамон, курашчи халқникидир! Қирим Қирим татарлари – Қирим турклариникидир!

Мустафо оғага бу мақолани “Туркия” газетасида бирга ишлаганимиз камоли эҳтиромга соҳиб бўлган дўстим Камол Чапраз берган экан. У мақолани ўқиб, камина билан учрашишни истабди. Ўшанда роса суҳбатлашиб, туркларнинг тақдири бунчалик мураккаб кечгани ҳақида ҳасратлашганмиз. Бу ҳақда “Туркия” газетасида ҳам каттагина мақола чиққанди.

Орадан кўп ўтмай мана бу шеърни машқ қилдим:

Кокилингни тарай-тарай

Қораяди Қораденгиз,

Соҳилинга қарай-қарай

Тораяди кеча-кундуз

Қирим бағринг тошмиди-ё,

Кўнглинг тўла ёшмиди-ё?!

Қояларинг қуя-қуя

Қаро бўлиб қолдилар.

Севганларинг суя-суя

Яро бўлиб қолдилар.

Қирим бағринг тошмиди-ё,

Денгиз сувмас- ёшмиди-ё?!

Оёғимга бошин қўйган

Тўлқин-соғинч яллasi.

Сенга қараб кўзин ўйган

Момо-ҳасрат алласи.

Қирим бағринг тошмиди-ё,

Тош кўтарган дошмиди-ё?!

Осмонингда бўзлай-бўзлай

Оққушлар қайтиб кетди.

Қулоғинга сўзлай-сўзлай

Эл дардин айтиб кетди.

Қирим бағринг тошмиди-ё,

Шарт кесилган бошмиди-ё?!

18. ОБИДАЛАР

Ўрхон, Ўтикан, Култекин, Билга Ҳоқон, Тунйўқуқ ...

Совет Иттифоқи даврларида бу номларни на ўзбек дарсликларида ва на тарих китобларида учратиш мумкин эди. Ҳатто, Ўғизхон дostonлари мактаб дарсликларига киритилмаганди. Лекин тарихимизнинг бу олис садолари қулоқларимизга ривоятлардан, эртаклардан ва Туркиядаги бир қатор олимларнинг илмий китобларидан етиб келганди.

Ўрхон битиклари – Бу Анадўлидан ўн икки минг километр олислиқда, Туркистоннинг жанубий-ғарбий чегараларига яқин жойда, Мўғилистон пойтахти Улан-Батордан эса икки соатлик йўл узоқликдаги тошларнинг дostonидир.

Тўғрироғи, улуғ боболаримиз Култекин, Билга Ҳоқон қурган Кўктурк давлатининг пойтахти – Ўтикандаги тошларга ёзилган ўлкан тарихдир бу.

840 йилда Қирғиз давлатига қўшилгунга қадар Ўтиканда тарих тошларга ёзилди. 552 йилдан 745 йилга қадар, яъни салкам икки юз йил Кўктурк номи билан яшаган давлат сўнгра уйғур хонадонининг қўлига кечди. Ундан кейин қирғизлар бу давлатни идора этдилар. Шарқ томонидан, яъни Манжуриядан келган мўғуллар босиб олганда ҳам турклар бу заминни тарк этмадилар.

Ўрхон обидалари 1300 йилдирки Гобе саҳросидан оқиб келган гармселнинг жазирамаси, қум кўчкилари, қаҳратон қиш қорлари остида ўз дostonларини бағрига босиб яшади.

Бу тошлардаги ёзувлар ўзига хос услубда битилган. Бу турк миллатининг илк алифбоси асосида ёзилгандир. Ўрхон обидалари “Туркларнинг ўз алифболари йўқ,” деган иддаоларни пучга чиқарган энг буюк далилдир.

Бугунга келиб обидалардаги ёзувлар ўқий бошланди. Масалан, Кул Текин обидасида шу сатрлар бор “Оч, камбағал миллатни ёнимга тўпладим, уларни бой-бадавлат эттим.” Сўнгра “Бу сўзларимнинг ёлғони борми?” деган савол ёзилади.

Бу сатрлар боболаримиз даврида ижтимоий адолат нақадар кучли эканлигидан далолатдир ва бу сатрлар “Ёлғон ёки янглиш сўйлаган бўлсам, юзимга айтинг” деган ҳикматни эслатади.

Яна бир обидада хонлар, лидерлар ҳақида сўз боради ва шундай дейилади “Ҳоқони билимли экан, жасур инсон экан, унинг вазирлари ҳам билимли, беклари ва миллати тўғри, бирдам, ҳамфикр эканлар. Хон эса уларга зулм этмасдан, тартибни ва адолатни раво кўраркан.”

Ҳа, халқимиз азалдан давлат одамларидан илм, жасорат ва адолат сифатларини излаган. Бу бизнинг бебаҳо анъаналаримиздан биридир. Ҳеч ким унутмасин, дея тошга уйиб ёзилган васиятдир бу.

Бизга эртақлар, ривоятлар орқали етиб келган яна бир дoston Ўрхон обидаларига битилган. У бирлик, баробарлик ҳақидадир. Келинг, яхшиси Ўғизхоннинг тилидан тошга ёзилган бу васиятга назар солайлик:

“Мен, – дейди Ўғизхон, – катта ўғлимга Тоғ дея ном бердим. Тоғнинг салобатини ҳис этиб турсин, дедим. Иккинчисига Қўк дея исм қўйдим. Осмон кенглигини унутмасин, дедим. Учинчисини Денгиз дея атадим. Денгиз чуқурлигини, теранглигини англаб яшасин, дедим. Тўртинчисини Ойхон дедим ва зулматнинг бағрини ёриб чиқувчи ой каби умид ишиғи бўлсин, дедим. Бешинчисини Кун дея атадим. Қуёш каби миллатнинг бошидан нур сочсин, дедим. Ва кенжатоёга Юлдуз деб исм қўйдим, миллатим дунёга юлдузлар каби ёйилсин ва юлдузлар каби боқий бўлсин, дедим.

Бир кун олти ўғлимни ёнимга чақириб, ҳар бирининг қўлига бир донадан камон ўқини бердим ва синдилинг дедим. Синдирдилар. Сўнг эса ҳар бирига олти ўқни бирлаштириб бердим. Бу сафар синдира олишмади. Ва бу менинг уларга васиятимдир: Бу дунёда йўқолиб кетишни истамасангиз, бирликни йўқотманг.”

Ҳа, бу ҳақиқат бизга ривоят ҳолида етиб келган ва ҳар биримиз уни дарҳол эсладик. Қарангки, бу Ўрхон обидаларидан келган сас.

1976 йилда Читада олти ой машалардан ўтганимиздан кейин бизни Мўғилистонга олиб боришди. Аскарлик даври тошларга ёзилган битикларни томоша қилиш билан кечди. Дунёнинг ишлари на шунақа қизиқ. Сизни йўқолиб кетмаслигингиз учун тарихингизга боғлаб қўяверади.

19.ТОЙИБА

Иқтисод фанлари кандидати Толиба Тўлагановани илк марта 1990 йилнинг 24 март куни кўрдим. Биз сессия оралиғида тузилажак комиссиялар масаласини муҳокама қилаётган эдик.

Эшик тақиллаб, бир жувон кириб келди ва майин овозда:

-Менинг номим Тойиба Тўлаганова, мени ҳуқуқ комиссиясига ёзишган экан, сизларга ўтсам бўладими?-деди.

Ошкоралик комиссиясига раҳбар бўлган Эркин Воҳидов:

-Бу масалани Ислom ака билан маслаҳат қилишимиз керак. Ўзимизча қарор беролмаймиз,-деб жавоб қилди.

Бироз баҳс бўлди. У пайтда кимдандир сўраш керак, деган гапларга қулоқ соладиган замон эмас эди. Тойибани мажлисимизга даъват этдик ва ўша куни сессияда у Қонунчилик комиссияси таркибидан чиқиб, бизга қўшилди. Ҳатто комиссиямизнинг котиблигига сайланди.

Кўп ўтмай комиссиялар “қўмиталар” деб атала бошланди ва раҳбарлари Олий Кенгашда доимий ишлайдиган бўлдилар.

Ислom Каримов ҳам, бошқалар ҳам Тойибанинг жасоратини биринчи сессиядаёқ ҳис этдилар. Кимнингдир бутун вужуди зириллади, кимлардадир умид уйғонди.

Тойиба сўзга чиқса, ўзининг “Бирлик” халқ ҳаракати томонидан қўллаб-қувватлаганига урғу берарди. У илк бор сўзга чиққанда ҳам “Бирлик”дан сўз бошлаб, номзоди президентлика қўйилган Ислom Каримов ҳақида тўхталди.

У Ўзбекистоннинг бугунги шароитида президентлик бошқаруви яккахокимликка олиб келишини ва демократия истаб диктатурага йўлиқишимизни, коммунистик партия тарбиясини олган раҳбарлардан чиқадиган президентнинг “таши” бошқа бўлгани билан ичи айна тарзда қолишини айтди.

Бу билан чекланмасдан чиқиш йўлини ҳам кўрсатди. У мамлакатда демократия ўрнатилиши учун парламент бошқаруви заруратидан сўз этди.

Каримовнинг жаҳли шунчалик чиққан эдики, у қаерда эканлигини ҳам унутиб қўйди:

-Бундай фикр аёл кишидан чиқмайди, аёлларнинг ақли калта бўлади, бу таклифнинг ортида қандайдир кучлар бор,- деган Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Ислон Каримов Тойиба Тўлагановани очиқчасига камситди.

Танаффусда эса маҳаллий мухбирларга сўхбат берар экан, “Аёллар товўқ мия бўлади” дейишгача бориб етди.

Биринчи сессия Каримовни таниш сари қўйилган илк қадам бўлганидек, Тойибани ҳам танишга йўл очди.

Номард эркак аёлни камситади. Кейинчалик ҳам Каримов Тойибани кўп камситди. Уни ҳимоя қилишнинг йўлларини эса бекитиб борди. Масалан, бир сессияда Каримов Академик Аҳмадали Асқаровга қараб гапирар экан, Тойиба Тўлаганова ҳақида (Каримовнинг кимлигини тушуниш учун унинг гапини ўқувчидан узр сўраган ҳолда аниқ келтираман-ЖМ) гапириб:

-Аёлларники иссиқ бўладида, ўша ёққа талпинасиз,-деди.

Тойиба йиғлаб, сессияни ташлаб чиқиб кетди. Дунёни сукунат қоплади. Ўшанда қон босими нима эканлигини илк бор ҳис қилганман. Ўрнимдан туриб, микрофон томон юрар эканман, Эркин ака костюмнинг энгидан тортиб:

-Унутманг, биз бир хонада ишлаймиз, бундан нотўғри хулоса чиқаришлари мумкин,-дея гапиришга қўймади.

Тойиба ўша кезлари биринчи турмуш ўртоғидан айрилган ва бошқасига турмушга чиқмоқчи эди. Сабабларини Эркин ака биларди, баъзан гапириб ҳам қоларди. Лекин бировнинг шахсий ҳаёти билан қизиқмасдим. Фақат бир марта хонага келсам, Эркин ака шошиб чиқиб кетди, Тойиба эса йиғлаб ўтирган экан. Нима гаплигини сўрасам:

-Эркаклар одам эмас, Эркин ака ҳам...,- деди.

Шундан кейин “эркакларнинг ҳам одам эканлигини” исботлаш учунмикан, Тойибага гапиришда ҳар доим бўлганидек, ҳурмат, иззатини сақлаганман.

Эркин ака, Тойиба ва мен битта хонада ишлардик. Хонанинг бир томонида Эркин аканинг столи. Иккинчи томонида менинг столим. Ўртада эса меҳмонлар учун қўйилган узун стол. Тойиба ана шу узун столнинг бир четида ўтирарди.

Эркин ака Олий Кенгаш раиси Мирзаолим Иброҳимовга иш шароити ҳақида гапирса, у “Ислон аканинг олдидан ўтишимиз керак” дебди. Эркин ака жуда эҳтиёткор одам эди. Бу масалани қайтиб кўтармади.

Жойи келиб қолганда Каримовга иш шароити ҳақида гапирдим.

-Биринчи сессияда ўзингиз имтиёзларни бекор қилиш керак, деган эдингиз, энди имтиёз излаяпсизларми?,- деди Каримов киноя билан.

-Имтиёз эмас, оддий меҳнат шароити излаяпмиз. Тойибага ҳеч бўлмаса битта стол қўйиб беришни ҳам президентдан сўраш керакми?,- дедим.

У кимдан нима сўраш кераклиги ҳақида анча гапириб:

-Тойибани кўп ҳам қўмитага яқин йўлатманглар. Ундан ташқари, жой бўлмаса нима қилиш керак? Қандай таклифингиз бор, президентнинг хонасини бўшатиб берайми? Ёки вице-президентнинг хонаси бўш ётибди, шу ерга келиб ишлай қолсин,-деб Тойибанинг номини эшитганда вужуди зирқирашини росманасига ошкор қилди.

Ҳа, Каримов биринчи сессиядаёқнинг бўлажак президентнинг кимлигини “расшифровка” қилган Тойибанинг номини эшитиб жаҳлга минганди:

-Эркин акангизни хотини шикоят қилиб юрибди, уйига бормай қўйган эмиш, сиз ҳам шу аёлни деб...

Авзойим бузилганини кўрдими ёки ўзи ҳаддидан ошаётганини сездими, Каримов давомини гапирмади. Аммо кейинчилик унинг эркакларни аёллар билан гаплашганларини ҳужжатлаштириб, тилларини қисик қилиб қўядиган одати борлигини кўп эшитдим. У жуда кўп раҳбарларни шу йўл билан тузоққа илдирганини эшитганимда ҳеч ажабланмадим.

Каримов Тойибани ҳам ёмонотлиқ қилишга анча уринди. Ҳатто Қаҳрамон Сотиболдиев деган прокурорга махсус топшириқ ҳам бергани ва унинг антиқа таклифлар билан борганини Тойиба бир мажлисда очиқ айтиб, йиғлаганди. Каримовнинг бундай ифлос ўйинлари Тойибани йиғлатди, аммо синдира олмади.

Каримов шундан кейин очиқ ҳужумга ўтди.

Ошкоралик қўмитаси фаолияти тафтиш қилинди. Бир куни сессияларда “бақир-чақир” қиладиган камина ва Тойибани муҳокама этишди. Биз Ислом Каримовни ҳурмат қилмас эканмиз. Бутун масала мана шу.

Мажлисда Компартиянинг идеология бўйича котиби Жаҳонгир Ҳамидов тинмай шу ҳақда сўз юритди. Ўзбеккомсомолнинг “отаси” Азиз Носиров, Тошлоқ туман прокурори, шу мажлисдан кейин кўп ўтмай Тошлоқ туман ҳокими бўлган Қаҳрамон Сотиболдиев ҳам бунга алоҳида урғу беришди.

Охирида “Қўмита раисининг ўринбосари ва қўмита котибини бўшатиш керак”, деган масала овозга қўйилди. Мен битта овоз кўп олганим учун қолдим. Чунки Эркин ака қарши овоз беришга ўзида куч тополмади. Навбат Тойибага келганда ҳам қўмита иккига бўлинди. Олий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Бугров Эркин акага:

-Агар буларни бўшатмасак, қўмитани ёпамиз,- деди.- Топшириқ шунақа!

Бунга Тойиба дарҳол жавоб қилди:

-Топшириқ қаердан? Яна ўша коммунистик идораданми? Ўлган ўлиқдан қандай қилиб садо чиқди экан?

Эркин ака шартта ўрнидан турди-да русчалаб:

-Биз учун муқаддас бўлган идорани ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ,-деди. Кейин ўзбекчалаб, -Мен Тойибахоннинг бундай ҳақоратини қабул қила олмайман ва унга қарши овоз бераман,- деб “ҳукм” ўқиди.

Қўмита котибалигидан бўшатилагани билан қўмита аъзолигидан чиқариш сессия ваколатига кирарди. Шунинг учун сессияга қадар Тойиба ишга келаверди.

Бир куни у:

-Бугун мени маҳаллада муҳокама қилишар экан. Эркин ака сиз раисимиз ва Жаҳонгир ака, сиз раис ўринбосари сифатида бориб, бир нарса демайсизларми?-деди.

-Борамиз,-дедик.

Кечга бориб, Эркин акани тополмай қолдим. Ҳар доимгидек, қандайдир “шошилиш иши” чиқиб қолган эмиш. Олий Кенгашда ишлаётган депутатлардан бир-икки нафарини олиб, Тойибанинг маҳалласига бордик. Мажлис мактабнинг залида экан. Асосан чол-кампирачлар чақирилган ва ҳаммаси хафақон. Телевидениеда чиқиб юрган учун баъзилари таниди ва салом-алик қилган бўлди.

Мажлисни туман раҳбарларидан бири очди ва кекса одамга сўз берди. У Тойибани Президентга қарши чиқиш учун сайламаганлари, балки ўзларининг муаммоларини ҳал қилиб бериш учун сайлаганларини айтди. Қолганлар ҳам айна гапни такрорлаб, сўзни “бунақа депутат керак эмас”, деганга олиб келишди.

Сўз сўрадим. Қабристон ҳақида бир ривоятни айтиб бердим:

-Қадимда бир шоҳ яшаган экан. У қабристонга боришни ёмон кўрар экан. Яқинлари ўлганда ҳам бормас экан. Бир кун ундан бунинг сабаби сўрашганда у:

-Мен умр бўйи ёлғон гапирдим ва ёлғон эшитдим. Отам қабристонга ёлғон билан кириб бўлмайдим, кирсанг қабр азобига дучор бўласан, дердилар,- дебди...

Чол-кампирачлар бу ривоятдан сергак тортиб қолдилар. Кейин мен гапни соддалаштириб:

-Яқинда маошлар оширилди. Унга президент қўл қўйди. Орқасидан нархлар ҳам ошди. Унга президент ўзи қўл қўймай, Бош вазирга қўл қўйдирди. Ўшанда Тойиба: “Бунақа ўйинлар қилиб юрмасдан маошларни бозор нархига боғлаб қўййлик, айниқса, пенсионерларнинг маоши шундай қилиниши керак, бозор нархи кўтарилса, маош ҳам кўтарилсин” деб айтгани учун президентдан дашном эшитди. Кейин Тойиба: “Ҳукуматнинг бюджети шаффоф бўлсин, пул қаерга кетмоқда? Нега йўлларни таъмирлашга, мана бу мактабларни таъмирлашга пул йўқ”, деб сўрагани яна президент унга дашном берди. Сўнг Тойиба: “Милиция, суд қачон адолатли идора бўлади? Одамларнинг умри шу идораларнинг эшигида ўтиб кетмоқда”, деганди, Президент: “Сиз депутатсиз, бизнинг ижро ҳукумати назоратидаги бундай ишларга аралашманг”, - деб унга дакки берди. Яна бир кун Тойиба озиқ-овқат талонлари ҳақида гапирди:

“Халқни озиқ-овқат талонларига боғлаб қўйдингиз. Лекин одамларнинг қўлида талон бор, магазинда эса ёғ йўқ, пахтани ўзимиз экамиз, ёғи қаерга кетмоқда?” деб сўрагани, президентга

ёқмади. Бошқа бир кун Тойиба президентдан: “Сиз ҳам бир кун автобусда юриб кўринг, бир марта қассобдан гўшт сотиб олинг, қишнинг совуғида оддий одамлар яшаётган домга кириб кўринг”, деганди Президент уни ҳақорат қилди. Кейин мана бу- менинг ёнимда ўтирган раҳбарларни сизларнинг уйингизга юбориб, Тойибани муҳокама қилиш керак, деб буюрди. Бор гап шу, дедим.

Залда ғала-ғавур бошланди.

“Нега ҳақорат қилади?”

“Бизнинг депутатимиз бизнинг дардимизни айтибди, раҳмат унга!”

“Тўғри гап, президентни ўзи мана бу ерга келиб, жавоб берсин!..”

Туман раҳбарлари шошиб қолишди ва мажлис депутатнинг сайловчилар билан учрашуви деб эълон қилиниб, Тойибанинг фаолиятини қониқарли, деб баҳолаш билан тугади.

Икки кундан кейин Каримовнинг топшириғи билан Олий Кенгаш раиси қонунларга хилоф равишда Ошкоралик қўмитасини ёпиб қўйди...

Бу орада Тойибанинг ТошДУдаги ишини ҳам олиб қўйишди. У Ислом Каримов қабулига кирибди. Гаплашганимизда:

-ТошДУдаги ишимни сўрадим,-деди.-Агар сиёсатга аралашмай юрсам ишлашим мумкин экан.

-Аралашсангиз нима бўлар экан,-деб сўрадим ундан.

-Сизга, Самандар Қўқоновга, Мурод Жўраевга “қамокда чиритаман” деганларини эслатдилар...

-Сизга ҳам “қаматаман” деб пўписа қилибди-да.

-Йўқ, “Чумчүкдек жонингиз бор, нима қиласиз сиёсат билан шуғулланиб, эрингиз, болаларингиз билан шуғулланинг” деди. Шунинг учун энди сиёсатни ташламоқчиман.

У жилмайиб қўйди. Бу жилмайиш ортида “Жуда кўп гаплар бўлди, лекин айтолмайман” деган каби бир маъно бор эди. Шу билан уни қайта кўрмадим. Ўзим ҳам қора булутлар остида қолгандим.

Хорижда эканлигимда Тойибанинг сирли равишда оламдан ўтганини эшитдим. Хаёлимга илк келган фикр “Сиёсатни ташламабдида” деган фикр бўлди...

20.ТУРКИСТОН

Ўзбекистон телевидениесига раҳбар бўлиб келишим билан бир неча янги дастурни бошлатдим. Шулардан бири “Туркистон” сиёсий-оммабоп ахборот дастури эди. Буни олдиндан орзу қилгандим. Шу йўл билан Туркистон халқларини бир-бирига яқинлаштириш, қардошлик ришталарини мустақамлашга ҳисса қўшмоқчи эдим.

Дастурни дарҳол йўлга қўйиш учун Ахборот бўлимидагиларга фикрларимни айтдим. Уни жонли равишда узатишни лозим топдик.

Туркистон халқлари ҳаёти билан боғлиқ жуда қизиқ ва жуда долзарб хабарлар, видеотасмалар тўпланди. Уларни тартибга келтиришди. Дастур чизмаси тайёрланганини айтишгач, машқ вариантини кўрмоқчи бўлдим.

Қарасам, диктор Раъно Толибова оддийгина кийимда. Унга атлас кўйлақда чиқишни таклиф этдим. У бир жилмайдида:

-Уйга бориб келсам майлими?-деди.

-Бор йўғи икки соат вақтимиз бор, агар зарур ишингиз бўлса, марҳамат, лекин ҳар эҳтимолга қарши қизлардан бирини ҳам тайёрлаш керак бўлади,-дедим унга.

-Ўзим чиқаман, бу менга жуда катта ишонч. Айниқса бу дастурни бошқа давлатлардаги ўзбеклар ҳам кўришларига ишонаман.

-У ҳолда нега уйга кетмоқчисиз?

У нимадир демоқчи, аммо истиҳола қилаётган эди. Гап нимадалигини сўрасам эшик томонга қаради. У томонда бугунга қадар телевидениега раҳбарлик қилиб келган Элбек Мусаев ва дастурлар директори туришган экан.

Уларга жавоб бериб юборгач, Раъно Толибовадан нима гаплигини сўрадим.

Телевидениеда дикторлар учун кийим йўқ ва сиёсий дастурларда дикторларга миллий кийимда кўриниш мумкин эмас экан.

-Шахсий пулимизга олган кўйлақларимизни кийиб чиқамиз,- деб Раъно Толибова ўзини ноқулай ҳис қилаётганди.

-Сиз уялманг, бояги одамлар уялиши керак бунга!-дедим у бу соҳани ҳам тўзатиш кераклигини ўйлаб қўйдим.

Шунда Раъно Толибова нега уйга бориб келай деганини тушундимда, дарҳол хизмат машинасини чақиртириб уни жўнатдим. У бошида дўппи, эгнида атлас кўйлақ билан келганда баъзилар унга:

-Сиз жиддий дастурни “Адабиёт гулшани” билан алмаштираясиз,- деб киноя ҳам қилишибди.

Аслида улар Раъно Толибовага киноя қилишганда нишонлари мен бўлган. Лекин “Туркистон” дастури экранга чиқиши билан ҳукумат идоралари ва президент девонидан, ижодкорлар жамоаларидан ўнлаб казо-казолар телефон қилиб, бу катта одим эканлигини айтишди. Мен кетгач эса, маълум бир муддатдан кейин бошқа дастурларим сингари бу дастурни ҳам “ўлдиришди”.

1994 йил Измирда Турк дунёси қурултойида Туркистоннинг буюк тарихнависи Боймирза Ҳайит билан суҳбатлашар эканмиз, у киши Ўзбекистонга 1992 йилда борган кезларида кўриб қолганлари бу дастур ҳақида гапирдилар.

-Ҳайрон қолдим... Номи “Туркистон”... Олиб борувчиси Туркистон гўзали... Кўриб кўзимга ёш келди. Қандай қилиб Каримов бу дастурга йўл берибди?

Боймирза отага бу дастур тарихини айтиб берганимда ўринларидан туриб қучоқлагандилар.

Боймирза ота билан беш марта Турк дунёси қурултойларида бирга бўлдик. Доим кузатганим, у кишини ҳамма ардоқларди, қучоқларди, таҳсинлар айтарди... Чет элдагилар ҳам, Ўзбекистондан келганлар ҳам... У киши ҳаммани бир-бирига боғловчи риштага ўхшардилар. У киши мен учун яшаётган Туркистон эдилар, Туркистон ғояси эдилар.

Бугун айримлар қозоқ ундай, қирғиз бундай, туркман ҳалигидай, тожик фалон, уйғур бисмадон деб ёзар эканлар, жуда кўп нарса йўқотганимизни англайман ва дилим оғрийди. Биз кун сайин, соат сайин Туркистонни йўқотмоқдамиз! Балки йўқотиб ҳам бўлдикми дейман? Чунки Ўрта Осиёга айлантилган Туркистоннинг номи Марказий Осиё бўлиб кетди, бўлак-бўлақларга бўлинди...бир-бирини кўрганда бегонани кўрган... бегоналарнинг юртларига айланиб кетди.

21. БОЙМИРЗА ҲАЙИТ

2006 йил, 31 октябр. Олмонияда Турк дунёсининг улкан юраги уришдан тўхтади.

Туркистоннинг дардини елкасида ташиган улуғ олим Боймирза Ҳайит узоқ давом этган касаллик, ортма-орт амалиётлардан кейин тўқсон ёшнинг остонасида фонийдан боқийга кетдилар. Лекин Боймирза Ҳайит руҳи тирик, ўлмайди.

Кўз олдимда отанинг 1992 йилда Тошкентда “Халқлар дўстлиги” саройи ёнида кулиб турган сиймолари...

Қулоқларим остида ўстознинг 1993 йилда Анталияда Турк дунёси қурултойида Ўзбекистондан қувилганлари ҳақида аччиқ гапларни айтар эканлар, “Мен Ўзбекистон деган давлатни тан олмайман, Ўзбекистон йўқ, Туркистон бор” деган дардли сўзлари...

Хаёлимда улуғ олимнинг 1997 йилда Истанбулда 80 ёшларини нишонлар эканмиз, қани эди бу тантаналар ватанда ўтганда деган ўйларим. Етим қолди қолди бу ўйларим.

Бировга телефон қилишда анча нўноқман, эйтиборсизман. Аммо Боймирза ота бу борада улкан сабоқ эдилар. Ҳар ҳафта телефон узоқ жириглаганда яна мени уялтирмоқдалар, деб ўйлардим ва шундай бўлиб чиқарди. Аммо кейинги кунларда отанинг қийналиб-қийналиб гапиришларини ташийдиган симлар гунга айланди. У кишининг уйидаги телефонни ҳам олмай қўйишди. Хабарлар таниш билишлар орқали кела бошлади...

“Ота ўлдилар” деган хабар келди...

Ота... Туркистоннинг ўлмас отаси... Йўқ, ўлиши мумкин эмас!

У Туркистон тарихининг 20 асрдаги чинорларидан бири эди. Яна ҳам аниқроқ айтсак, улкан чинори эди. Чунки Туркистоннинг 20 асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ёритишда унга тенг келадиган бошқа олим йўқ. Ўша даврда йўқ эди ва ҳалига қадар йўқ. Агар у ҳақиқатни ёзмаганда Советлар даврида унга қарши 2000 дан зиёд бўҳтон мақола битилармиди?

Уни тўхматчи дедилар. Буни оддий инсонлар эмас, Совет давридаги энг машҳур олимлар, адиблар, давлат арбоблари такрорладилар. Тўхматчи калимаси ҳам унга нисбатан айтилганда, ўз илдизидан айрилиб, ҳақиқатгўй англамини акс этди. Чунки у бир умр ҳақиқатни ёзди. Ундан кўрқдилар. Совет даврида шўролар яширган қилмишлари ошкор қилингани учун ундан кўрқдилар.

Биз боболари, ўтмишдошлари билан жуда ҳам фахрланадиган халқмиз. Лекин баъзан режимгагина ёққанларни қўшилиб мақтаймиз, ёқмаганларини эсламаймиз. Худди Советлар Иттифоқини узоқ йиллар давомида зир-зир титратган Боймирза Ҳайитни ёдга олганимиз каби.

Боймирза Ҳайит Туркистон тарихининг 20-асрдаги буюкларидан биридир. Чунки Туркистоннинг 20-асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ёритишда унга тенг келадиган бошқа олим йўқ. Ўша даврда йўқ эди ва ҳалига қадар йўқ.

Оқни оқ, қорани қора дегани учун уни “Ватан хоини” деб атадилар. Бу ибора унга нисбатан ўз мазмунини йўқотди ва ватансевар англамига келди. Чунки ўша кезде ватанини Боймирза Ҳайит каби кучли севадиган бошқа одам бўлмагани ва “Ватан хоини” калимаси доим унга қарата айтиб турилгани учун ҳам бу ибора ўз мазмунини ўзгартирди.

Шароф Рашидовни биласиз. Билмасангиз ҳам эшитгансиз. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, узоқ йиллар Ўзбекистон коммунистларининг сардори бўлган. Шу одам Боймирза Ҳайитга қарши мақола ёзган десам ишонмаслигингиз мумкин.

Шароф Рашидовнинг 1958 йил, 27 сентябрида Москвада чиқадиган “Литературная газета”да “Тухматчиға” деган мақоласи чоп этилган. Кейинги кунни бу мақола барча ўзбек нашрларида кўчириб чоп этилган. Айти кунда шу мақола бошқа республикалардаги газеталарда ҳам чиққан. Мазкур “асари”да Рашидов Боймирза Ҳайитнинг Швецариядаги “Базлер нахрихтен” деб номланган газетадаги “ Москва Шарқнинг маънавий ҳаётига суқулиб кирмоқда” деб номланган мақоласини қаттиқ танқид остига олган.

Аслида Рашидов ёзган бу мақолани танқид деб бўлмайди. Бир сўз билан ҳақоратнома дейиш мумкин. Унда Боймирза Ҳайит “фирибгар”, “унтер-ёлғончи” каби оғир калималар билан қораланган. Бу мақолани Рашидов ўзича ёзармиди ва бутун мамлакат бўйлаб ихтиёрий равишда кўчириб босишармиди? Бу иш фақат ва фақат Кремлнинг буйруғи билан бўлиши мумкин. Кремлнинг ҳам кичкина одами эмас, “коттакон”ларининг буйруғи билан. Боймирза Ҳайитнинг мақоласи ҳақиқатдан иборат бўлгани ва Москванинг фикрида ётган режаларини очиб ташлагани учун ҳам Кремлнинг юрагини зирқиратган.

Ўзбекистон коммунистларининг йўлбошчиси Шароф Рашидов ўша “машҳур” мақоласида жумладан шундай деб ёзади:

“Бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларга шу нарса аёнки, Б. Ҳайит “мустамлака Туркистони” деган умумий ном остида атаган бизнинг Ўрта Осиё республикаларимиз халқлари чинакам тенг ҳуқуқли бўлиб олганларидан кейин, Совет ҳокимиятининг қирқ йили мобайнида ўз хўжалик тараққиётининг шу қадар юқори босқичига кўтарилдиларки, ўз миллий маданият ва санъатларини шу қадар барқ урдирдиларки бунга капиталистик мамлакатлар ҳавас қилсалар бўлади.” (“Қизил Ўзбекистон”, 30 сентябр, 1958 йил).

Рашидов ўз мақоласининг давомида Боймирза Ҳайитни “иғвогар”, ёзганлари “фисқу фужурдан иборат”, “миси чиққан сафсата”, “беъманигарчилик” дер экан “Иғвогарнинг югургани сомонхонагача...” деб хулоса қилади.

Бугунга келиб кўриб турибмизки, Боймирза Ҳайитни қоралаган совет идеологиясининг ўзи сомонхонадан жой топди.

Шароф Рашидовнинг Боймирза Ҳайит ҳақида ана шундай руҳдаги бир нечта мақоласи бор. Демак, Боймирза Ҳайит шўроларни шу қадар ларзага солганки, унга қарши катта бир республиканинг раҳбарини, КПСС Марказий Комитети устунларидан бирини ишга солишган.

Афсуслар бўлсинки, Ўзбекистон мустақил давлатга айлангач ҳам бу ҳақиқатни кўра олмади. Ҳануз Рашидов улуғланмоқда, Боймирза Ҳайит унуттирилмоқда.

Боймирза Ҳайитга қарши нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки бутун Совет иттифоқи бўйлаб кураш олиб борилганди. Масалан, Тожикистоннинг рамзи ҳисобланган Мирзо Турсунзода номидан 1959 йилнинг 11 июнида “Литературная газета”да чоп этилиб, кейин барча маҳаллий нашрларда таржимаси эълон қилинган “Тухматнинг умри қисқа” сарлавҳали мақола бунга мисол бўла олади.

Бу “асари”да Мирзо Турсунзода, жумладан, шундай деб ёзади:

“Ҳайит ўзининг мақоланамо уйдирмаларида Туркистон “Совет мустамлакаси” деган маънони исботлаш учун ўзини юз ёққа уради. У “Туркистон” деган эски иборани бекорга рўқач қилаётгани йўқ. Туркистон турклар юрти деганидир. Мана шунга асосланиб бу нодон “туркистон миллати” деган аллақандай афсонавий миллатни юзага келтириб чиқармоқда...Ҳайит шаллақилик билан “Туркистон фожиаси”ни тасвирлайди, 1924 йилда руслар Туркистонни беш қисимга бўлган эмишлар... Ҳайитлар нақадар қутуриб сўлак оқизмасинлар, Совет Ўрта Осиёси Осиё халқларига сўнмас машъал бўлиб нурга соча беради”. (“Қизил Ўзбекистон”, 14 июн, 1959).

Қаранг, Рашидов каби Мирзо Турсунзоданинг ҳам “тили ўткир”.

Шу руҳдаги “ўткир” мақолалар Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам узлуксиз чиқиб турган.

Масалан, “Коммунист Туркменистана” журналининг 1959 йил 5-сонида Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон 20-асрда” деб номланган китобчаси ҳужум остига олинади ва адиб “крокадил кўз ёшлари” тўкиб коммунизмнинг порлоқ йўлига ғов бўлишга тиришади, деб танқид қилинади.

“Коммунист Туркменистана” айни сонида А. Илёсов, К.Новоселов имзоси билан “Буржуа миллатчиси Боймирза Ҳайит ҳақиқатни бекита олмайди” деган мақолага ҳам ўрин ажратган.

“Партийная жизнь Казахстана” журналининг 1959 йил 3-сонида Н. Сагиндиқов, А. Шаманов имзолари билан “Ҳақиқат ёлғондан кучли” деган мақола босилган. Унда ҳам айни услубда ҳақорат билан тўлиб тошган гаплар, Советларни улуғлаш ва Боймирза Ҳайитни камситишдан нарига ўтилмаган. Боймирза Ҳайитнинг иддаоларига қарши аниқ фактлар қўя олмаган коммунизмнинг нўноқ ижодкорлари унинг шахсини ҳақоратлаш ва камситишдан нарига ўтолмаганлар.

Кимлар ёзмаган у кишига қарши. Жумҳуриятларнинг биринчи раҳбарларидан тортиб мана ман деган ёзувчиларига қадар. Ўзимизнинг ёзувчимиз Ойбекдан тортиб, вазир Саид Шермухамедовга, советшунос Лазиз Қаюмовдан бошлаб ёзувчи Мирмуҳсингача ўзбекнинг минглаб таниқли шахслари Боймирза Ҳайитни “ватан хоини” деб ёздилар. Унинг мустақиллик ғояси чириган ғоя эканлигини ва ақлга сиғдириб бўлмас гаплигини бот-бот урғуладилар.

Ҳа, СССР деган империянинг идеология машинаси у кишига қарши тинмай ишлаб турган. Совет матбуотида Боймирза Ҳайитга қарши икки мингдан зиёд мақола чиққан ва бари тухмату ҳақоратдан иборат. Бирортасида у кишининг озодлик борасидаги фикрларига қарши жўяли фикр билан жавоб беришолмаган.

Чунки устоз Боймирза Ҳайит ўз фикрларида минг чандон ҳақ бўлган

У йўқолади деган мустамлака йўқолди.

У йиқилади деган СССР йиқилиб кетди.

У озод бўлади деган Туркистон халқлари рус истибдодидан қутулдилар.

У мустақилликни чирмаб олган золим режимлар истибдоди барҳам топади, деган эди, бу ҳам амалга ошмоқда.

Бу фикрлар ҳақоратга, камситишга эмас, ҳурмат қилишга, қойил қолишга лойиқдир.

Лекин мана шундай империяни қалтиратган фарзанди борлигини озод Ўзбекистонда ўзбекнинг ўзи ҳали тушуниб етгани йўқ.

Мустақиллик йилларида шўролар бошқа қиёфада турланганларини у билгани учун яна ундан қўрқдилар. Қолаверса, мустақиллик учун курашган у эди, аммо сув келтирган хору кўза синдирган азиз бўлди.

Боймирза Ҳайитни муҳожирликда ҳам севмаганлар бор эди. Кимдир уни “Юзаки тарихчи”, деди. Бегона эмас, ўзимиздан. Ваҳоланки, бу гапни айтганларнинг ўзлари Туркистон тарихи масаласида кўзлари кўр, қалблари сўқир эди. Умрларини фақат валдираш билан ўтказдилар. Боймирза аканинг ўзлари бот-бот айтганлари каби, ҳатто хорижда Рўзи Назарга ўхшаганлар у кишини бир умр таъқиб қилишган. Ўзбек режими эса бундайларга тўн кийгизган.

Шўролар таъсиридаги муҳожирлар Боймирза Ҳайитни сева олмадилар, ардоқлай олмадилар, унинг ҳаётидан, асарларидан нуқс қидиришга уриндилар. Лекин пишқириб оқаёган дарёнинг йўлини хас билан тўсишга уринишдек гап эди бу.

Боймирза Ҳайит қуруқ валдираш ва ёқи мақтанишлар билан эмас, ўзининг камтарона меҳнати, ўлмас асарлари билан ўзига ҳайкал қўйди.

У иккиюзламачилик қилиб сохта мустақилчиларни мақтамади.

У сўзбўямачилик қилиб мансабфурушларга хизмат қилмади.

У Ватанга қайтаман, деди, аммо Ватанни онасининг маҳрига тушган каби ўзининг шахсий томорқаси қилиб олганлар яна унга йўл бермадилар. Лекин бу билан Боймирза Ҳайит номини кўнгиллардан ўчира олмадилар. Бизнинг кўнгилларимиз унинг учун Ватан бўлмай!

У умр бўйи ҳақиқатни билди, ҳақиқатни таниди ва ҳақиқатга хизмат қилди. Шу боис ҳам унинг номи ҳақиқат калимаси билан тенг мазмун касб этади.

22.НОВДАЛАР

1990 йилнинг 18 феввалида Ўзбекистон Олий Кенгашига сайловлар бўлганди. Демократия шамоли бор эди. Шунинг учун иккинчи турга қолганлар ёки сайланолмаганлар ўрнига янги номзодлар чиқиши каби ҳоллар ҳам бўлган. Биринчи турда муқобил асосда сайланган эдим. Танишларимдан иккинчи турга қолганлар ёки янги номзод бўлганлар биргаликда уларнинг сайлов округларига боришни сўрашарди. Янги депутатман, ҳаммасига улгуриш мумкин эмас. Фақат 2-3 тасига боролдим, холос.

Шулардан бири дўстим Дадахон Ёқубов сайланаётган округ эди. Унинг номзоди Намангандан кўрсатилганди.

Дадахон билан ТошДУнинг журналистика факултетида ўқиганимиздан бери таниш эдик. Биз аслида икки дунёнинг одамлари эдик. Характер ва ҳаёт тарзимиз билан. Лекин бизни руҳиятдаги яқинлик бир-биримизга тортиб турарди. Ораимизда қандайдир ижодий мусобақа ҳам бор эди.

Дадахон дарвешсифат-самимий йигит. У бир неча ойлаб кўринмай қоларди. Бирдан метродан чиқишдами ёки кўчадами дуч келиб қоларди. Нималар қилдик ва нималар қилмоқчимиз – бир-биримизга навбат бермай гапирардик. У бироз довдир, аммо таланти журналист, кўнглида кири йўқ инсон. Яхши гапни ҳам, ёмон гапини ҳам очиқ айтаверарди.

Тақдир дўстларни ҳар қадамда учратараверади, деган гап бор. Бир кун яна кўчада учрашиб қолдик. У телевидениега ишга ўтганини айтди. Кейин “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари” деган дастур қилмоқчи эканини гапирди. Уни Самарқандга таклиф қилдим. Дастурни иккаламиз ҳозирладик. Кўрсатилиши билан машҳур бўлиб кетди. Такрор ва такрор кўрсатилди. Бошқа вилоятлардан тайёрланганлари ҳам оғизга тушди.

Энг кўп овоз олиб, (тўрт номзод ичида 86 фойиз-ЖМ) депутат бўлишимда эса республика матбуотида кескин чиқишларим қаторида “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари” дастурининг Самарқандга бағишланган қисми катта шов-шувларга сабаб бўлгани ҳам ўзига хос рол ўйнаганди. Шунинг учун ҳам Дадахоннинг депутат бўлишини чин дилдан истардим. Унинг таклифи билан Наманганга бориб, номзодини тарғиб қилишни бурчим, деб билгандим.

Учрашувга борган жойларимизда одамлар бизни катта ҳурмат ва олқиш билан кутиб олишди.

Дадахон асли андижонлик бўлса ҳам наманганликлар уни ўз фарзандларидек қабул қилиб, расмий номзодни эмас, уни қўлладилар.

Ўшанда Наманганга борганимизда уламолардан бирининг уйига меҳмонга чақирди. Ҳовлида бодом дарахти бор экан ва шу дарахт остида бир кексароқ одам билан гаплашдик. Шу одамнинг бир гапи эсимда қолган:

-Сизларни ака-ука деб ўйлайман. Бирингиз Самарқанддан, иккинчингиз Андижондан. Мана келиб Наманганни улуғлаб турибсизлар. Жуда ёшсизлар. Келажак олдинда. Ўзбекистонимизнинг йигитлари ана шундай ака-ука бўлсинлар доим! Ўшанда бу ватанимиз зўр ватан бўлади!

У шундай деб ушлаб турган ёш бир новдани билмасдан тортиб юборди. Новда қирч этиб синди. У одам ўзини ноқулай сизди. Парво қилмагандек ичкарига кирдик.

Лекин орадан йиллар ўтиб ҳам ўша воқеани худди кеча бўлган каби эслайман. Кошки ўша ёш новда... кейин эса минглаб новдалар синмаса эди?!

Журналист Дадахон Ёқубов билан ижодий ҳамкорлигимизнинг чўққиси 1990 йилда ўтказилган Наврўз телемарафони бўлганди.

Шуни айтиш керакки, ўша кезларда Дадахон ёнига жуда истеъдодли кишиларни тўплаган эди. Масалан, режиссёрлар Мели Маҳкамов ва Тамара Маҳкамова ўзбек телесанъатининг фавқулудда таланти инсонлари эдилар. Мели ака жуда хушмуомала, топқир, билимли бўлиш билан бирга содда ва кишининг кўнглига жуда тез йўла топадиган одам эди.

“Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари” дастурларининг ҳам ўқ илдизи шу одам эди, десам, Дадахон асло хафа бўлмаса керак. Мели Маҳкамов Ўзбекистон телевидениесида халқнинг меҳрини қозонган кўплаб асарларга режиссерлик қилган.

Дадахон ва Мели ака билан гаплашиб телемарафонни 24 соатга мўлжаллагандик.

Телемарафон учун асосий хамиртурушни Самарқанддан топгандик. Таъқиқларга қарамай Ургутда халқ байрамни март ойининг ўрталарида бошлаб юборарди. Бизнинг боришимиз билан бу минг-минглаб одам чиққан катта сайлга айланиб кетди. Видео ёзувларни ана шу сайллар давомида тасмага ёзиб олдик.

Ўша кунлари иқтидорли врач Таҳсин Ҳамидов Самарқанддаги Республика болалар маркази-шифохонасида Ойбек деган боланинг аянчли ҳолидан бизни хабардор этиб, агар ёрдам қилинмаса у ҳаётини йўқотиши мумкинлигини айтди.

Бориб кўрдик ва даҳшатга тушдик. Ойбекнинг аҳволини сўз билан тасвирлаш мумкин эмас. Ўшанда видеоёзувларимизни кўрганлар орасида йиғламаган инсон оз бўлса керак.

Кейин ўзига ўт қўйган келинчақларни бориб кўрдик. Ногиронлик аравачаси ололмаган момолар... Уйлари йиқилиб ётган отахонлар... Шу зайл воқеалар бир-бирига уланиб, катта дастурнинг хамиртуруши ҳозир бўлди. Албатта, бунинг техник жиҳатларини бир нуқтага келтириш учун Дадахон ва Мели акалар бир неча тунларни тонгга уладилар.

Бугунги каби ўша кезде ҳам Наврўзнинг дўстлари қатори душманлари ҳам бор эди. Айниқса, Ўзбекистонда Наврўз расман қатағон қилиниб, ўрнига “Навбаҳор” деган уйдирма байрам қўйилганига ҳали кўп бўлмаган эди.

Наврўз телемарафони икки инқилобни бирдан бажарди.

Биринчиси, Наврўзни ҳамма жойда очиқ халқ сайлига айлантирди. Ўшанда биз билан бирга халқимиз ҳам ухламади. Бутун мамлакат сайлга чиқди.

Иккинчиси, дастурлар аввалдан қоғозларда ёзилиб, цензурадан ўтгандан кейингина экранга чиқарилиши қатъий тартибга айланган Ўзбекистонда биз 36 соат давомида мутлоқ эркин гапирдик, дилимизда нима бўлса тилимизда ҳам шу эди. Цензурасиз ҳам яшаш мумкинлигининг исботи эди бу! Яъни “Халқимиз демократияга тайёр эмас” деганларнинг юзига бир тарсаки тортилганди.

Телемарафон кўпчиликнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Дадахон, Мели акага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, менга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонини олиб келди бу дастур. Телемарафонда қатнашган бошқа кўплаб ижодкорлар ҳам турли унвонларни олгандилар.

Наврўз Дадахон Ёқубов ҳаётининг катта қисмига айланди. У мазкур марафонда тушган маблағларни ишга солиш учун “Наврўз” фондини очди ва ўзи бошқарди. Жуда кўп одамларга ёрдам қилди.

-Наврўз телемарафони мустақилликнинг шамолини олиб келди,- деган эди ўзбек адибларининг яқин дўсти, самарқандлик сиёсат ва давлат арбоби Тошбўри Қиличев ўшанда.-Биз ҳам ўз сўзимизни ўзимиз гапира олишимиз мумкинлигини кўрсатди бу!

Наврўз янги кун дегани. Ўшанда телемарафон зулмат остидан чиқиб келаётган янги куннинг нурига айланганди. Вақт ўтиб уйғонган бўрон ва довуллар бу нурни ўраб олдилар, янги куннинг осмонини

булутлар қоплади. Лекин бу абадиятга эмас. Наврӯз байрамини минг йилар давомида ўлдиришга уринганлар бу ишни уддалай олмаганлари каби янги кунни ҳам ўлдира олмайдилар. Янги кун ҳали қайтади!

23. БОКУ

Боку худди тоғлар ва адирлар устига жамланган тарихий эртақлар мажмуасига ўхшайди. Биноларга қараб-қараб кетаверасиз ва донишманд бир буви қулоқларигиз остида эртақ сўзлаётгандек бўлади. Бу ҳикоялар узоқ тарих билан яқин ўтмишни бир-бирига шундай боғлайдики, чегарани тополмай қоласиз.

Шаҳар дунёнинг энг кўп шамол эсадиган жойи десам лоф бўлмас. Чунки “тўполончи” Ҳазорнинг шамол қочадиган соҳилида. Денгиздан келган шамол шаҳарни тинимсиз “супуриб” туради. Оёқ остидан кўтарилган тўзон истайсизми, истамайсизми йилнинг уч фаслида асабингизни ғичирлатади. Ёзда эса акси. Ҳазор соҳилида кезсангиз, худди жаннат шамолидан симираяпман, деган бир ҳис кечади кўнгилдан.

Тўрт йилнинг бир йили Боку-Ашгабат-Туркия орасида ўтди.

Ўша кезде Боку Туркиянинг катта бир вилоятига айлангандек эди. Ҳокимиятга Абулфайз Элчибей бошлиқ туркчилар келгани учун бутун ҳаёт “турклашган”ди. Рус тилида гапиришга барҳам берилган, лотин алифбосига ўтилган, турк ишбилармонларига ҳамма йўллар очилган, президентнинг маслаҳатчиларидан тортиб, вазирликларда ҳам турклар ишлашар, шундай ҳам Туркия туркчасига жуда яқин бўлган озар тили Истанбул лаҳчасига дўна бошлаганди.

Бозорлардан телевидениегача ҳамма жойда Туркия нафасини сезиш мумкин эди. Ички ишлар вазирига қадар ўзини бўзқурт деб айтар ва ҳатто кабинетида бўрининг ҳайкали бор эди. Марказий Осиёга интилган Туркиядаги турли тариқатлар ҳам марказларини шу ерга жойлаштиргандилар.

Бокунинг қишдаги совуқ шамолини севмаган бўлсамда, меҳри иссиқ одамларини шу қадар севдимки, ҳалигача кўнгли очиқликдан, бағри кенгликдан, саховатпешалиқдан гап очилса, кўз олдимга Боку, унинг ажойиб одамлари келади. Аммо ана шу халқ ҳам жуда қийналди, азоб чекди, ватанни севиб ватансиз бўлди, урушнинг қонли кўчаларида қолди... Минг-минглаб ёшларининг умри Шаҳидлар хиёбонида тугади.

Туркия ҳукумати негадир туркчи Элчибейни коммунист Алиевга “сотиб юборди”, худди Иккинчи жаҳон уриши тугаганда немислар қўлида бўлган озарбайжонлар Туркиядан бошпана сўраганлари ва Анқара уларни Сталинга тошириб юборгани каби...

1993 йил 17 апрел куни Самарқанд зиндонидан қочғач, жуда кўп саргузаштлардан кейин 21 апрелда Бокуга етиб келдим.

Бу ўйда 1992 йилда ҳам бир неча кун қолгандим. Ўшанда Бокуда Турк дунёси қурултойи бўлиши керак эди. Ўзбекистондан бир неча киши келгандик. Жумладан, “Бирлик”дан Абдурахим Пўлат ва “Эрк” дан камина ҳам бор эдим. Озарбайжон президенти Элчибей ва Туркия раҳбарлари Қурултойни Анталияда ўтказишга келишиб қўйишган экан.

Абулфайз Элчибей махсус учқич ажратди ва биз Анталияга учдик. Бу Туркияга иккинчи бор келишим эди. Бундан тўрт йил олдин СССР Журналистлар уюшмасининг ғолиблари гуруҳида бир ой Туркияни айлангандим ва “Ёпиқ эшикларнинг очилиши” деб номланган туркум мақолалар ёзгандим.

Анталияда бир неча кун қурултойда қатнашдик ҳамда турк дунёсининг таниқли одамлари билан танишдик.

Ўша ерда устоз Боймирза Ҳайит Туркиядаги Туркистонликлар жамиятининг раиси Аҳад Андижон билан таништирдилар. Аҳад ака ва Боймирза ота билан чойлашиб, анча суҳбатлашдик. Аҳад ака визит карточкасини бериб, “Қачон Истанбулга ўтсангиз сим қоқинг, мамнун бўламан”, деди.

Хуллас, Бокуга қайтганимиздан сўнг Ёдгор Обиднинг уйида турдим. Бу жой Ёдгор акага Озарбайжон жабҳачилари (Халқ жабҳаси ҳаракати) томонидан берилган эди.

Мана энди Бокуга иккинчи марта келаяпман ва бу сафар ҳам тезда қайтаман, деган илинж бор кўнгилда.

Аэропортдан метрога қадар қатнайдиغان “Икарус” автобусига миниб, Ёдгор аканинг уйига келдим. Ёдгор ака кучоқ очиб кутиб олдилар ва бир бурда нонларини баҳам кўра бошладик. Биргаликда жабҳага бориб-келиб юрдик.

Озарбайжон Халқ жабҳаси ҳаракатининг марказий биносини “жабҳа” дейишарди. Жабҳада “Туркистон” бўлими ҳам очилган бўлиб, у ер бошқа жумҳуриятлардан келган муҳолифат вакилларининг қароргоҳига айланганди.

Бу жойга олдинги сафар ҳам келгандим. Ўшанда жабҳага яқин парк ёнидаги газета дўкони ёнида тўхтадик. Дўконнинг ичи газетага тўла эди. Сўрасак, 600-700 та газета чиқаркан. Фақат бир нечаси ҳукуматда бўлган Элчибейнинг тарафдорларига тегишли, холос. Қолганларининг илдизи Нахичевнага бориб тақалар экан.

Нахичеванда эса совет қаттол тузумининг “хўроз”ларидан бири бўлган Ҳайдар Алиев раҳбар. Унинг Бокуга келишини чеклаб қўйишган, аммо “қўллари” – газеталари ҳамма ёқни эгаллаган.

Ўша кун “Бу кетишда яқин орада Алиев Элчибейни ағдаради” дедим. Шеригим кулиб қўйди ва ҳазиллашиб: “Биров эшитиб қолмасин бу гапингизни” деб жабҳа томонни кўрсатди.

Элчибей инсон ўлароқ дунёдаги энг яхши одамлардан биттаси бўлса керак. Камтар, ақлли, бағри кенг, соф ниятли, ростгўй... У катта файласуф эди, аммо жангчи эмасди. У кучли олим эди, лекин замонга мос сиёсатчи эмасди. У ўта раҳмдил эди, жойи келганда бешавқатлик, қаттиққўллик қилолмасди.

Агар Америка каби бир давлатда шундай одам президент бўлиб қолса, бу нафақат Американинг балки бутун дунёнинг бахти бўлади. Лекин Озарбайжон каби уруш оловининг қоқ ўртасида турган, миллат гуруҳларга айланиб кетган, мамлакатнинг қарийб ярми араманилар томонидан босиб олинган бир ўлкада бундай одамнинг ҳокимият тепасига келиши жуда кўплар учун бахтсизлик, ҳатто унинг ўзи учун ҳам омадсизлик эди.

Бокуга иккинчи марта келганимда бу фикрим яна кучайди.

Ҳаттуо унинг тарфдорлари ҳам иккиланиб қолишганди. Умуд деган дўстим Элчибейни севар, ҳурмат қилар, аммо ўта юмшоқлигидан қисқа вақтда иқтидорни йўқотади деб ўйларди.

Улар Элчибей “бей” деишарди.

-Бей раис бўлолмади, бўлолмайти, кетади, шармандали тарзда кетади,-деб афсус чекарди.

Шунинг учун ҳам Умуд ҳукумат ишларига урмади. Мустақил қолишни истади.

Фикр яқинлиги одамларни дўстлаштиради. Бейнинг иқтидори ҳақидаги айни фикрдалигимиз бизга соатлаб сўхбатлашиш имконини берарди. Бошқача айтганда, Бей ўзи билмаган ҳолда Умуд ва мени бир умрга дўстлаштириб қўйганди. Биз у билан ака-укага айлангандик.

24.УМИД

1993 йил 17 апрел куни Самарқанд зиндонидан қочғач, жуда кўп саргузаштлардан кейин 21 апрелда Бокуга етиб келдим. Шоир Ёдгор Обид турадиган уйга бордим.

Бу жой Ёдгор акага Озарбайжон жабҳачилари (Халқ жабҳаси ҳаракати) томонидан берилган бўлиб, 1992 йилда Туркияда турк дунёси қурултойига бориш олдидан ва қайтгандан кейин ҳам шу жойда турган эдим.

Ҳозир гап шундаки, Бокуга келгунимча оёқларим орқасида пуфакча(мазол)лар пайдо бўлган ва тузалмай ярага айлана бошлаган эди. Ўша кунлари “Авроосиё” ташкилотини тузган адиб дўстим Умуд Мирзоев оқсоқланиб юрганимни кўриб, сабабини сўради. Айтишга уялдим. У кескин оҳангда:

-Түфлингни чиқар!- деди.

Хуллас оёғимдаги яраларни кўриб тутоқиб кетди. Бир зумга қаергадир чиқиб келдида:

-Кетдик,-деди.

Унинг идораси Озарбайжон президенти биносининг шундай ёнида эди. Ўша ерда айланиб юрган ҳарбий кийимдаги жабҳачининг ёнига бориб бир нарсалар деганди у дарҳол битта машина тўхтатиб берди.

Умуднинг уйи ўша кездеги Карл Маркс майдони яқинида эди. Бу жой шаҳарнинг Бинагади туманига қарарди. Умуд кўп қаватли бинода яшарди. Уйига чиқсак хотини эшикни очиб турибди. Хона ўртасида битта тоғора ва ичида қип-қизил сув. Сувга марганцовка солинган. Тоғоранинг ёнига стул ҳам қўйилган. Демак, Умуд уйига сим қоққан экан.

Хотини мени дарҳол стулга ўтқазиб, оёқ кийимимни еча бошлади. Ўзим ечаман десам ҳам кўнмади. Секин ярага ёпишган пайпоқни ечиб олдида, ҳол-жонимга қўймай оёғимни илиқ сувга тиқиб, юва бошлади. Кейин сочиқ билан артиб, дори қўйди.

-Сен менинг қардошим, бу эса синглинг!-деди Умуд ўзимни ноқулай ҳис қилганимни кўриб.

То оёқларим тузалгунча у мени уйда сақлади. Ҳақиқатан ҳам Умуд менинг қардошимга, умр йўлдоши синглимга ва бир-биридан гўзал болалари эса жиянларимга айланди.

Ўзбекистондан бизни ушлаш учун одам юборилганда Умуд мени икки ҳафтага Фузулий туманига, ота-онасининг уйига олиб бориб қўйди. Ўшанда Озарбайжон ва арманилар орасида уруш бораётган

ва жанглр бу жойларга ҳам яқинлашиб қолганди. Биз кечалари отишмалар овозини эшитиб чиқардик.

Умуд Фузулий туманининг ҳокими Озарбайжон халқ қаҳрамони унвони олган Навҳал исмли йигит билан таништириб қўйди. У ҳолимиздан хабардор бўлиб турди. Навҳал миллати учун жонини тиккан йигит. Лекин Ҳайдар Алиев ҳукуматга келгач, уни қаматиб юборганини эшитиб хафа бўлдим.

Ўшанда Ёдгор акани Паноҳли деган дўсти олиб кетди. Икки ҳафтадан кейин Каримовнинг одамлари Бокудан қайтгач, биз ҳам ўз жойимизга келдик.

Ўша кезлари Ўзбекистондан муҳолифатчиларни ушлаб келиш учун Туркменистонга 2-3 марта ва Озарбайжонга ҳам 3-4 марта одам юборилган. Лекин улар доим “қўли қуруқ” қайтишган. Бизни яратганнинг кучи қўриқлаган десам лоф бўлмайди.

Орадан салкам 15 йил ўтиб, Умуд АҚШга келди. Биз бир неча кун бирга бўлдик, у азиз меҳмоним эди. Кейин орадан беш-олти йил ўтиб, Туркияда қизимнинг тўйига ташриф буюрди. Умидки, бир кун Умуд Ўзбекистонга ҳам келади.

25. САДРАТДИН

Худо севган қулига бекитилган йўл ўрнига бошқа йўл очиб беради, деган гапга жуда ишонаман.

Бир кун Умуд билан Бинагади тумани ҳокимлиги биноти ёнида учрашишга келишдик. Одатим бўйича олдинроқ келиб, катта йўл ёқасида у ёқдан бу ёққа юриб турдим. Кутилмаганда бир оқ “Волга” йўлакка чиқиб кетиб, мен томонга ўқдай отилиб кела бошлади. Бундай пайтда одамда реакция тез ишламаса, у шок ҳолига тушса, тамом. Бир ҳамла билан ўзимни четга олдим. Машина тегар-тегмас “учиб ўтди”. Анча нарига бориб тўхтаб қолди. Балони тешилиб, йўлакнинг четига чиқиб кетган экан.

Машина ичидан бўйи узун, катта раҳбарларга ўхшаб башанг кийинган бир киши чиқди. Ҳамма унга яқинлашиб “Садратдин малим, омонмисиз?” деб сўрай бошлади. “Муаллим” сўзи Озарбайжонда ҳурматли кишиларнинг номига қўшиб “малим” тарзида айтилар экан. Садратдин малим тез-тез юриб менинг олдимга келди:

-Сени ўлдирсам керак деб ўйлагандим,-деди у ва қучоқлаб бағрига босди. Озарбайжонда яқин олиб гапирса “сен” дейди, бегонага ва катта лавозимдаги одамга “сиз” ишлатишади.

-Юр, юр,-деб Садратдин малим ҳокимият бинотига бошлади. Кабинети бор экан. Қўлига бир ҳовуч сўвни олдида юзимга сепиб юборди. Сесканиб кетдим.

-Ана энди мана буни ичиб ол, -деди у бир бардоқ(кичкина стакан)да сўв узатиб.

“Қўрқмадим” демоқчи эдим, лекин рангим оқариб кетганидан у ваҳимага тушган экан.

Кейин гаплашиб қолдик. Туман ҳокимининг саломатлик, маданият ва маиший масалалар бўйича ўринбосари экан. “Ўзбекман” деган гапдан бошқа сўз ишлатишга улгурмадим. У ўзининг Нахичевандан эканлиги, отаси Ҳайдар Алиевнинг яқин дўсти бўлгани, қариндошликлари ҳам борлиги, отасининг Шароф Рашидов билан учрашгани... хуллас, дунёнинг ҳикояларини тўкиб солди. Кўнгли очиқ, самимий бир инсон экан. Кейин шу бинода жойлашган Миллий Истиқлол партиясини

қўллаши, унинг раиси Эътибор Мамедов билан дўст эканлигини айтиб қолди. Унга Эътиборни озод қилиш учун имзо тўпланганда қўшилганимни айтишим билан унинг ҳузурига бошлади.

Эътибор бизни яхши қабул қилди. Иккаламиз тенқур эканмиз.

Унинг номи собиқ сафдоши Элчибейники каби машҳур бўлиб кетганди. Етмишинчи йилларда Элчибей билан мустақиллик учун курашга кирган. У пайтда бизда мустақиллик деган тушунчанинг ўзи бўлмаган. Уни бу ҳаракатлари учун олийгоҳдан ҳайдашган. Кейин Озарбайжон Халқ жабҳасининг ташкилотчиларидан бирига айланган. 1989 йилда катта намоишларни бошқарган. 1990 йилда Бокуга танк қўшинлари киргизилганда, у “Қора январ” номи билан тарихга кирган бу воқеани қоралаб, Москвада матбуот анжумани ўтказаетган пайтда қамоққа олинганди. Ёмонлиги билан номи чиққан Лефортово қамоқхонасида 9 ой ётганда дунё бўйлаб унинг озодлиги учун имзо тўпланганди. Ўшанда Тойиба Тўлаганова билан Олий Кенгаш биносининг ер ости қаватидаги почтахонасидан Москвага телеграмма йўллаб, 1,5 миллион кишининг сафига қўшилгандик. Шундан кейин 1991 йилда уни озод қилишди. Мана энди у Озарбайжон Миллий Мажлисининг аъзоси, партия раиси, лекин Элчибейга мухолиф. Унга очиқ хат ёзиб вазифасини Ҳайдар Алиевга топширишини талаб қилмоқда.

Садратдин телеграмма йўллаганимни айтиши билан у ўрнидан туриб, мени қучоқлаб олди. Озодлигини талаб қилганлар орасида икки ўзбек депутати ҳам борлигини билишини айтди. Балки кўнгил учун айтди бу гапни, у ёғини билмайман. Аммо ҳамма телеграммалар айланиб келиб унинг делосида тўпланганига шубҳа йўқ.

Эътибор билан шундан кейин юзма-юз учрашмадик. Чунки жабҳачилар уни хоин деб айтишар ва у билан учрашганларни ёқтирмас эдилар. Қолаверса, у шу қадар машҳур бўлиб кетдики, атрофида махсус қўрималар пайдо бўлди, ёнига бориш мушкул вазиятга айланди.

Биз Эътиборнинг ҳузуридан чиқар эканмиз, у Садратдин малимга “Мени озод қилган ўзбекни қўллаб тур” деди. Бир ярим миллион кишидан бирининг имзоси нима бўлибдики, деган каби жавоб қилдим. У эса:

-Битта имзо ҳам кўп нарсага қодир, мана сенга шофер топиб берди, Садратдин малим энди сенинг хизматингда,-деди ҳазиллашиб.

-Бош устига,-деб жавоб қилди Садратдин малим.

Ташқарида Умудни кўрдик.

У Садратдин малим ҳақида эшитган, аммо шахсан танимас экан. Ҳикоялар қайтадан бошланди ва Садратдин малим ўша кўни бизни уйига меҳмонга чақирди. Отаси ҳам шу ерда экан. Тонг отар суҳбатлар қилдик ва Садратдин билан дўстлашиб қолдик.

Деярли ҳар кўн биргаликда касалхоналар, ошхона-ресторанларни бориб кўрамиз. У мендан маслаҳат сўрайдию аммо ўз билганидек қарор чиқариб кетаверади. Кейин уни танқид қиламан. У кулади ва “Сен ҳақ эдинг, аммо буларга қаттиққўл бўлиш керак” дерди.

Қизиқ ҳол. Элчибейнинг ёмшоқлиги ҳам ёқмасди, Садратдиннинг қаттиқўллиги ҳам. Инсонга ўзи нима ёқади?

Ёдгор аканинг уйига ҳам оз борадиган бўлиб қолдим. Чунки Садратдиннинг катта ҳовлиси бўлиб шу ердан бир хонани менга ажратганди. Умр йўлдоши ҳам ажойиб аёл. Болалари худди укаларимдек бўлиб қолди. Бормаган кунларим учун хафа ҳам бўлишарди. Бирданига Бокуда учта турадиган жойим бўлди. Ҳали тўртинчиси чиқиб қолишини эса хаёлимга ҳам келтира олмасдим.

Лекин буларнинг ҳаммаси кўнгилга сиғмасди. Оилам ва болаларим Самарқандда қолган. Умр йўлдошимни тергов қилишаётганди. Бир кун телефон қилсам, оиламга озиқ-овақт олиш учун купон беришмабди. У пайтда муҳим озиқ-овқатлар купон билан бериларди. Қайнатам ўзларининг купонларини берсалар орқадан кузатиб борганлар уни ишлатишга ҳам қўйишмабди. Қайси дўкондан нарса олишса, ўша ерга кириб, текширув ўтказишаркан. Ҳатто болалар касал бўлишса, дори берган аптекачини ҳам сўроқ қилишган.

Оиламни уй қамоғида сақлашаётган эди, кейинги режалари-суд қилиб, умр йўлдошимни қамаш ва болаларни олиб қўйиш. Бу гапни ҳар томондан эшитардим. Лекин терговни чўзишаётганидан асл мақсадлари менинг қайтишим ва Каримов ҳақида ёзган китобимни уларга топширишимни кутишмоқдами, деб ҳам ўйлардим.

Умр йўлдошим Олий Кенгашнинг Ошкоралик қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Жумҳурият Хотин қизлар қўмитаси раиси Ҳалима Худойбердиева, Фахрийлар қўмитаси раиси Бектош Раҳимов номларига хатлар жўнатганини айтди.

Улар мени шахсан танисалар, бирга фаолият кўрсатган бўлсак ҳам жавоб қилолмасликларини айтсам ҳам у ёзаверибди. Лекин президент девонидан икки киши бориб, китобни топшириш ҳақида талаб қўйишибди. Телефон қилсам, умр йўлдошим “Тағин китобни топширманг, ўша ёқда нашр этинг”, деди. Шундан кейин уларга телефондаги гаплари учун ҳам тазйиқ бошланди. Энди сим қоқсам учинчи одам каби гапирадиган бўлдим, умр йўлдошим ҳам бегонага жавоб қилган каби сўзлайди. Қанақадир пароллар, кодлар ихтиро қилиб юбордик.

Ўшанда асосий қисми “Қувғин” китобига кирган воқеаларни қоғозга тушира бошлагандим. Юз саҳифадан зиёдини таҳрир қилиш учун Дилором Исҳоқовага бергандим. У таҳрир қилар экан, “Тўмарис” даги аёллар, бошқалар ҳам ўқимоқчи бўлишганини айтди. Майли дедим. Хуллас, кейин нима бўлди, нима қўйди, шов-шув бўлди. Булар ана шу китобга қизиқаётган эдилар.

Ҳар кун Самарқандга телефон қиламан ва олов ичида қоламан. Беш ёшли қизчам ҳам ойиси ўргатган каби “амаки” деб гап бошлайдию кейин “дада” деб юборади. Уларнинг айби нима? Нега мен учун улар жазоланишлари керак? Қайтиб кетсаммикан? Унда нима бўлади? Қамашади ва уларнинг аҳволи бундан ҳам оғирлашади.

Телефон қилмасам, дунёни зулмат қоплайди, телефон қилсам, юракни юлиб оладиган хабарлар:

“Айтиб қўйинг, акалари Аббос акани ҳам олиб кетишиб, қийнашмоқда”

“Қишлоқдан синфдошлари Худойберди ва қариндошлари Абдукаримни ҳам ушлаб кетишибди.”

“Холаларининг ўғиллари Ўткир, Аҳмаджон ва Шарофларни ҳам олиб кетишибди.”

“Амакиларининг ўғли Шарифни ишдан ҳайдашибди.”

“Поччалари Ражаб акани ҳам қамашди...” .

Ўзим ўзимга “айтиб қўйишим” керак бўлган бундай оғир хабарларнинг кети ўзилмасди ва пичоқнинг учи каби мияга санчилар, аста-секин бўйинга, кейин кўкракка қараб босиб келаверарди.

Энди ўйласам, худди мана шу оғир юқдан енгиллатиш учун ҳам Садратдин деярли ҳар куни зиёфатларга чақирар экан. Лекин томоғимдан овқат ўтармиди? Телефоннинг нарёғида йиғлаган тўрт ёшли эгиз қизалоқларимнинг йиғиси қулоқларим остидан кетармиди? Садратдин эса “Оиланг ва болаларингни мутлоқ олиб келамиз ва бунинг учун ўзинг мустаҳкам бўлишинг керак” деб овутарди.

У билан оиламни Самарқанддан олиб чиқиш ҳақида ўйлар ва режалар тузардик. Худонинг ишларини қаранг, бир пайтлар Бокуга танклар босиб кирганида бефарқ бўлмаганим ва ўзим танимган бир одамнинг ҳимоясига қўшилганим – кичик бир одим энди нафақат ўзим, балки оиламнинг ҳам ҳаётини қутқазиб учун сабаб бўлиб турибди.

Дарвоқе, халқим деб кўп гапирамиз. Оиламиз ҳам ана шу халқнинг бир парчаси-ку? Ўз оиласини қутқара олмаган одам қандай қилиб бошқаларни қутқариши мумкин? Оиласининг мансублари қийноқда, азобда, қамоқларда ётгани ҳолда ўзи мазза қилиб юрган одамни асло тушуна олмайман.

Тўғри, инсоннинг ўз жони ўзига ширин, лекин бу жон учун бошқалар азоб чекса, бундай жон ҳеч нарсага арзимай қолар экан. Кимдир бу ҳолни “тушкунлик” дейди. Баъзилар бундай ҳолни “сентиментализм” деб устимдан кулишган ҳам. Лекин бағритошлик, қаҳриқаттиқликни ана шундай тушкунлик ва сентиментализмдан устун қўя олмадим.

Кимнингдир наздида бу ожиз нуқтамдир? Лекин ўзим бундай деб ўйламайман... Шунақа, манман! Чунки бу “тушкунлик” ва “сенитиментализм” узоқда туриб бўлса ҳам оиламни, мен учун қамалганларни қутқариш йўллари топа олишимга сабабчи бўлган.

Дарвоқе, ўш кунларнинг бирида Садратдиннинг отаси оламдан ўтиб қолди, кекса одам эди. Аммо ажойиб суҳбатдош инсон эди. Эндигина топган яхши бир одамингизни бирдан йўқотиш ҳам оғир. Отасини кўмиб қайтарканмиз, Садратдин билан Бокудаги Шаҳидлар қабристонига ўтдик.

-Бу қабристонни айлансанг, бизнинг йўқотишларимиз ҳеч нарса эмаслигини кўрасан деди,- у.

Қабристонни айланиб юрагимга бир “дод” ўрнашди ва бу “Шаҳидлар хиёбони” китобига айланди.

Даҳшат! Қабр ортидан қабр келаверади... Йилларига қарайверасиз, ёш йигит қизлар.. 18 ёшда..., кейингилари ҳам 18, 18, 18, 17, 16, 19, 19, 19, 20, 20, 17... Бу рақамлар тугмайди ҳеч. Тошларга кўчган суратларга тикиласиз. Бири-бирдан гўзал навқиронлар. “Ўлган одамлар гўзал кўринишармикан ёки фақат гўзал одамларни ўлдиришармикан?” деган савол кечади хаёлдан. Юраверасиз, юраверасиз ва оёғингиз мадорини йўқотиб бораверади. Охир бир жойда тиз чўкиб, тин олиб, дуо ўқий бошлайсиз...

Мустақиллик учун жангу жадаллар ватаним деган бу митти алпомишларнинг жонини олганди, уруш деган бало уларнинг хунини тўкқанди... Минг гулидан бир гули очилмай, “Олға!” деганларга ишониб, қонли майдонларга кирган, ўзини танкларнинг остига отган бу навқиронларнинг ота-онаси қандай бардош берди экан айрилиққа? Мен чеккан азоб билан бу қийноқни солиштириб бўладими? Асло.

Ўша кун “Ватан!” деб бақирнишни маккор ҳукмдорлар ўйлаб топган, “Қўлингга қурол ол, инқилобга чиқ!” деган гапни ҳокимият шаҳватини ичаман деган каззоблар ўйдирган ва шунча навқиронларнинг ўлимига сабаб бўлишган деган ўй кечди хаёлимдан...

26. ЁДГОР ОБИД

Бир куни Ёдгор ака билан Ҳазар денгизининг соҳилида суҳбатлашиб бораётгандик, у киши тўлқинларнинг соҳилга урилиб, кейин ортга қайтишига тикилиб қолдилар.

-Бунда ҳам катта фалсафа бор-а, Ёдгор ака,- дедим.

-Ҳа, биз ҳам тезроқ орқага қайтишимиз ҳақида ўйлаяпман. Қаранг, шашти тез тўлқинлар ортга ҳам шашт билан қайтмоқда. Шашти суслари эса соҳилнинг этагини “тутиб” қолмоқда...

Ҳар қолда сўзма-сўз айнан бўлмасада, суҳбатларимиздан бирининг мазмуни шундай эди.

Ўшанда муҳолифатнинг шашти бугунги каби султ эмас, аксинча шашти анчагина баланд эди. Ҳатто ҳукуматни қўлга олган Озарбайжон муҳолифати ҳам ўзбеклардан бир нарса ўрганишга ҳаракат қиларди.

Халқ жабҳаси жойлашган марказий бинода Ёдгор Обид учун махсус жой ажратилган ва у Элчибей бошқарувида Ўзбекистон масаласида маслаҳатчи эди. Жабҳанинг Туркистон деб номланган бўлимида фаолият кўрсатган туркий жумҳуриятларнинг вакиллари ҳам Ёдгор аканинг оғзига қараб туришарди.

Ёдгор ака эса жуда оз гапирадиган, минг марта ўйлаб, кейин бир марта хулоса қиладиган одам. У бир нарса дейишдан олдин чуқур ўйлаб кўрадиган шахс. 20 йил олдин ҳам шундай эди, бугун ҳам. Чунки бирор бир масалада иккиланиб қолганимда, Ёдгор аканинг кўнглига қўл солиб кўраман, у кишининг маслаҳатларини олиб тураман. Ёдгор ака “ҳмм...” деб чуқур ўйга толсалар, демак, ўйлаб кўришим керак, агар фикримни тасдиқловчи бир қанча мисоллар келтирсалар, демак, бу “Иккиланманг, ҳақсиз!” деганлари бўлади.

Илк бор Ёдгор акани Тошкентда кўрганимда, унинг босиқлиги ва катта файласуфлардек мушоҳада қилишига қойил қолгандим. У билан “Халқ сўзи” газетаси ёпилган кунларда, Талабалар шаҳарчасида қон тўкилган кезларда, муҳолифатнинг турли йиғинларида учрашган, суҳбатлашган бўлсакда, уни Бакуда танидим.

Биз бир йил давомида бирга бўлдик. Ёдгор Обид, Баҳром Ҳамроев – уччаламиз, баъзан эса Мурод Жўраев – тўртталамиз баҳсларни “туннинг биқинига миҳлайвериб” ҳафталарни ойларга улаганмиз.

Ёдгор ака кўнгли очиқ ва ҳазилни кўтарадиган одам. 1992 йил Анталияда Турк жумҳуриятлари қурултойида Ёдгор ака билан бўш вақтларимизни иккаламиз ҳам меҳр қўйган устозимиз Боймирза Ҳайит билан ўтказишга уриндик.

Бир куни Боймирза ота ижодкорлар ҳақида гапирдилар:

-Ижодкор қаерда бўлмасин, барибир ижодига қайтади. Унинг ижод деган миллати бор. У ана шу миллатидан айро тушган куни тугайди. У доим хизмат қилишни истайди. Унинг хизмати ижодидир. Мана мен Ўзбекистонга бордим. Ҳукумат қувиб чиқарди. Лекин ижодкорлардан бошқа одам кузатишга, хабар олишга келмади...

Боймирза ота ижодкорнинг энг улуғи эдилар. Оёқлари ишламай қолиб, қўлларида фақат учта бармоқ ҳаракат қилганда ҳам ижодни тўхтатмадилар. Умрларининг сўнгги пайтларида юра олмас эдилар. Аммо турли халқаро анжуманларга борардилар-ногиронлик аравачасида.

Ёдгор акада шу хислат бор. Касал бўлса ҳам бировга айтмайдиган одам. Боқуда бир кун эрталаб қаттиқ йўталиб тургандилар. Иситмалари ҳам бор эди. Шунинг учун безовта қилмай, Баҳром билан чиқиб кетдик. Кечқурун қайтиб келсак, у киши йўқ. Ярим тунгача келмадилар. У ёқ, бу ёққа телефон қилсак, жабҳачилар билан уруш бораётган жойга кетибдилар.

“Кетдик, жангчиларга шеър ўқиб берасиз” дейишса, кетаверибдилар. Шамоллаб қолган ва иститмаси чиқиб турган одам бир ҳафта жангоҳларда бўлиб келдилар. Демокчиманки, унча-бунча хасталикни оёқда енгадиган паҳлавонликлари ҳам бор.

Ёдгор ака ҳазилни кўтарадиган инсон. Кулганда ҳам шунчаки “ўпкадан” эмас, юракнинг тубидан мазза қилиб куладилар. Боқуга борган дастлабки кунларим эди. Қарасам, Ёдгор ака осмонга қараб эмас, ерга қараб, икки оёғини орқадан букиб, худди осмон тушса, ушлаб қоламан, деган каби ухлар экан.

-Бу қанақа ётиш, синчалак ётишми?-дея ҳазиллашдим у кишига.

-Мамлакатда уруш кетмоқда. Том қулаб тушса, ушлаб қолайин, дейманда,-деб секин кулиб қўйдилар.

У кишни ҳазилни ҳам юмшатиб айтади. Яъни “бошларинга том қуламасин дейманда” ҳам дейишлари мумкин эди. Аммо секингина кулиб қўйишларидан ҳазилнинг “жиyani” борлигини сезиб олардик.

Лекин аслида ҳам Ёдгор ака бировни қутқариш учун керак бўлса томни тутиб қолишга журъат қиладиган инсон. Ҳафталаб уруш бораётган жойларга бориб, аскарларга шеър ўқиб келиш осон иш эмас. Озарабайжон халқ жабҳасида, армиясида Ёдгор акани танимайдиган одам йўқ ҳисоби эди. Айниқса раҳматли Абулфайз Элчибей у кишини жуда ҳурмат қиларди.

Бир куни мухолифатга бошпана бермоқда, деб Тошкент режими Боқу билан ҳаво йўлини бекитиб қўйди. Шунда Абулфайз Элчибей агар “У диктатор Ёдгор Обид каби буюк шоирни, демократларни истаётган бўлса, унинг истаги ҳеч қачон амалга ошмайди” дея баёнот берди. Бу баёнотни шунчаки бирор йиғинда эмас, балки Москванинг “Время” ахборот дастури орқали айтди.

Ёдгор ака баъзан жуда катта масалани ҳам енгилгина қилиб айтиб қўя қолади. Москвада “Озодлик”нинг муҳбири эдилар. Бир куни ўзбек бўлимининг раҳбари:

-Тенглаштиринг,-дебди.

Ҳалиги “баланс қилиш керак” деган гап бору, шуни айтганда. Шунда Ёдгор ака:

-Қандай тенглаштираман? Бир томон зил-замбил, жуда оғир, иккинчи томон енгил. Буни тенглаштириб бўладими?-деб юрдилар.

Бу оддийгина гап, лекин юки ҳийла оғир. Шу нарса у кишининг радиодан кетказишга сабаб бўлганди.

Ёдгор аканинг жасорати ҳаммада ҳам йўқ. У қамоққа киришдан қўрқмайди. Мустақиллик учун кураш йилларида ҳар бир намоиш ёки митингдан кейин у кишини ушлаб кетишарди. У чўчимасди. Қамоқдан чиқиб, яна олов қайнаётган жойларга кетаверарди. Душанбеда Ленин ҳайкали қулатилган тунда у ўша майдонда эди. Наманганда аскарлар одий одамларни ўққа тутганда у ўша ерга бориб ҳайқирганди:

Ғазабдан титрар қуёш,

От-а, от, итваччалар!

Қочаётир кекса-ёш,

От-а,от, итваччалар...

Бундай гапларни бугун четда туриб айтиш осон. Аммо ўша кезде мамлакат ичида туриб айтиш осон эмас эди.

Фарғонада икки қардош орасига низо солинганида у ҳам ўзбек, ҳам месхет турки бўлиб йиғлаганди, ўзбек ва қирғизни уриштиришганида у Туркистон каби қон-қон бўзлаганди, ҳали Бўқада, ҳали Паркентда... қаерда бўлмасин, у одамларга Туркистон бирлигидан гап очиб, уларни қон тўкмасликка ундарди. Озарбайжонда туркларнинг қони оққанда у Тошкентда Қорабоғ қўмитасини тузиш учун майдонга чиққанди.. Хуллас, унинг жасорати режимни ларзага солди ва у ўлим билан юзма-юз қолиб, мамлакатни тарк этди. Лекин курашини тарк этмади.

Дарёлар оқмоқда. Дарёлар-

Тинмайди. Тинишни билмайди.

Дарёлар оқмоқда. Дарёлар-

Умридан нолиш ҳам қилмайди.

Унинг ўзи ҳам шеърларидаги дарёлар каби умридан нолимасди. Бокуда ҳокимиятни Ҳайдар Алиев эгаллаб олгандан кейин у ерда нафақат Озарбайжон фаолларига, балки бизга ҳам қадам босадиган жой топилмади. Ҳайдар Алиев телевидение орқали гапириб, Туркистон номи остида бирлашган муҳолифатчиларни тезда тутиб, мамлакатларига бадарға қилишни буюрди. Ўша куни дўстларимизнинг талаби билан биз Озарбайжонни тарк этдик. Ёдгор ака Москвага кетди. У ерда ҳам курашини давом эттирди. Лекин Москвани ҳам унга кўп кўрдилар. Унинг товушини ўчириш учун ҳамма йўлларга бош урилди.

У ситамлар силсиласини енгиб бораверди. Чунки унинг излаётган ёрқин юлдузи бор эди. Бу юлдуз жуда олисларда эди. У озод Туркистонни истарди, у адолат юлдузини истарди.

Юлдуз олисда ва унга етиш жуда мушкул. Унинг азоблари ва машаққатлари бир ён, унинг тўсиқлари ўнлаб умрларга тенг. Ака-ука бир-бирини қонга ботириб, айна миллат фарзандлари бир-бирини қириб, бу орзунинг йўлини тўсаверадилар. Шоирнинг дили ўртайди:

Андижон, Ўш, Ўзганда

Дарё – дарё қон оқар,

Итлар эса ит режа

Тузиб юрар ҳарёнда.

Шоир бу нарсалар бежиз эмаслигини, ўша юлдузга етишни орзу қилганларнинг орзуларини етим қолдириш учун пайдо бўлганини ҳис этади ва “Дод!” деб майдонга тушгиси келади. Худди бобокалони ҳазрат Амир Темур каби, худди буюк Бобур мирзо мисол...

Мезон бўлиб ҳаволанди номус – ор,

Ёт тупроқда энди қандоқ ётайин...

Туроннинг на ҳадди ва на хати бор,

Қиличимни келтир, ўғлим Ҳумоюн!

Ҳумоюнлар мангу уйқуда... Қиличлар қинида занглаб ётибди... Туроннинг, Туркистоннинг ҳоли хароб. Чунки:

Қора ранг туйғулар чўммоқда кузга,

Қонли ёш доғ бўлди битилган сўзга.

Жафокаш, захматкаш халқимдан ўзга-

Сотилмаган киминг қолди, Туркистон!

Сотилмаган фарзандлар орасида шеърнинг муаллифи ҳам бор. Озчиликка айланиб қолган шоирлар ва озчиликка айланиб қолган халқ...

Баъзан шоирнинг юраги унинг шаштига чидамай безиллайди. У кўксида безиллаб турган юрагини алмаштиргиси келади. Қаердан топсин безилламайдиган юракни? Бу армон. Ана шу армон унга тинчлик бермайди. У салобатли тоғларга ҳайқиради:

Битта армон билан келдим қошингизга...

Тоғлар, менга берсангиз бас юрагингиз!

Лекин тоғлар ҳам буюк ўлим қаърида, жим ва сокин... хасис в жонсиз... Худди булутларга бош урган улкан ҳайкал каби. Бу ҳайкал қаршисида бош кўтариб тураверишдан ҳолсизланган шоир яна хаёлга толади. Шу топда унинг аламлардан безиллаган юраги тилга киради:

Кўтаргил қаддингни, дадил боқ бир зум,

Мард келса – номардлик ўлимга маҳкум,

Бошинг эгган саринг ҳаддан ошиб, шум-

Ҳайкаллар юрибди Ўзбекистонда.

Шоирнинг дунёсига назар солсангиз ана шундай буюк ўзгаришлар ва буюк исёнлару буюк инқилоблар тўлқини соҳилга урилаётганини кўрасиз. Худди Ҳазар соҳилидаги ҳол... Шиддатли тўлқинлар соҳилга урилиб, ортга қайтмоқда, шиддатсизлар эса соҳилга маҳлиё бўлиб, айланиб қолмоқда... Шоирнинг тўлқинлари бу соҳилни сева олмади, ортга қайтиш кучи ниҳоятда кучли.

Унинг бу орзуси тинмас, бу умиди синмасдир... Унинг шашти-шиддати шеърга айланиб, соҳилга урилганча ортга қайтиб, уммон бағрига инмоқда.

Орзулар – ўлмади. Умидлар – тирик.

Гарчи кўнгил вайрон. Умрлар – хазон.

Кўзи мўлтиллаган саргардон кийик-

Туркистон бўғзида қилтиллаган жон...

Бу саргардон кийик бир кун Туркистон бағрига қайтишига шоир ишонади. Унинг йўлларини бекитсалар ва у жисм бўлиб қайтмаса, исм бўлиб қайтади, унинг қаршисига тўсиқлар солсалар, у шерлигида қайтмаса, шеър бўлиб қайтади...

27. АҲАД АНДИЖОН

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда уни биринчи бўлиб Туркия жумҳурияти таниганди. Бунга жавобан Ўзбекистон Президенти 1991 йилнинг 16 – 19 декабрида биринчи расмий зиёратини Анқарага қилди.

Ўшанда Туркия ва Ўзбекистон ўртасида алоқа, транспорт, иқтисод, савдо-саноат ҳамкорлиги шартномалари имзоланди. Айни пайтда икки жумҳурият ўртасида маданият, таълим ва технология ҳамкорлиги хусусида протокол имзоланди.

Шундан буён икки мамлакат муносабатлари гоҳ юксалиб, гоҳ дебсиниб, гоҳида эса орқага чекиниш билан давом этмоқда.

Рамзий ўхшатиш қиладиган бўлсак, Ўзбекистон – Туркия муносабатларини йилнинг тўрт фаслига ўхшатиш мумкин. Муносабатлар осмонида гоҳида қуёш, гоҳида булут кўриниб тураркан. Туркия томони Ўзбекистоннинг барча инжиқликларига дош бериб келди. Чунки яқинда мустақиллигига эришган қон-қардоши билан жиққамушт бўлишни истамасди.

Шу сабабдан Ўзбекистон баъзан турк ширкатлари фаолиятини тўхтатиб қўяркан, баъзан эса етти-саккиз ойлаб уларнинг ҳисобларини музлатар, муҳрларкан Анқара товушини чиқармади.

Бухорода турклар томонидан иншо этилган нефтни қайта ишлаш заводи очилишига боришни истаган Давлат вазири, асли ўзбек бўлган Аҳад Андижон истагига рад жавобини олди.

Маълумки, бунгача Каримов Туркияда ислом фундаменталистлари таъсирига тушди, дея икки минг нафар талабани ортга чақирди. Исломий йўналишдаги бойларнинг фабрикалари чиқарган маҳсулотларига Ўзбекистон эшиклари ёпиб қўйилди.

Ўша кезде барча турк жумҳуриятларидан ўн минг талаба Туркияда таҳсил олаётганди. Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон ёзги таътилдан сўнг талабаларнинг аксариятини ўқишга юбормадилар. Ҳозир эса Ўзбекистондан Туркияда беш юзнинг атрофида талаба ўқийди ва улар таътил учун мамлакатга борганлар. Уларнинг келажаги ҳақида бир нарса дейиш қийин.

Танқид танинга ёқмас экан. Икки мамлакат муносабатларининг ҳам танқиддан таноби тортилди. Ўзбекистон Президенти 1992 йилдаги зиёрати давомида Истанбулда бу ерда яшаётган ўзбеклар билан учрашди. Ўшанда Туркистон жамиятининг раиси бўлган профессор Аҳад Андижон

“Ўзбекистон диктатура томон бораётгани ва бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин” лиги ҳақида гапирди. Бир йилдан кейин Ўзбекистонга отланган Аҳад Андижонни Тошкент қабул қилмади.

Бугун ҳам Ўзбекистон ҳукумати Турк жумҳуриятлари масалалари билан шуғулланаётган давлат вазири, Туркистон жонқуяри Аҳад Андижонни ўзбек муҳолифатини қўллаб қувватламоқда деб билади. Бир пайтлар шундай бўлган. Ватандошларини қўллаб, ўйлаб гапирган. Лекин бугун Аҳад Андижон катта сиёсатчи, давлат арбоби. Бир мамлакатнинг йирик вакили.

Ўтмишдаги бир танқид ва бугунги шубҳа билан Аҳад Андижоннинг Ўзбекистонга бориши муаммога айланган бўлса, ҳали сиёсатни ўрганишимизга жуда кўп вақт керак.

Кеча ака-укасини ўлдирган рақиблар бугун тинчлик столи атрофида ўтираётган ва сулҳ учун имзо отаётган шу даврда бир неча йил олдинги танқид учун икки мамлакат муносабатларини пайсалга солиб қўйиш ташвишли ҳолдир.

Туркияга келиб иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолганимда таниш бўлиб қолганимиз, таниқли доктор ва жамоат арбоби Аҳад Андижонга телефон қилдим. У:

-Эртага эрталаб “Ихлос холдинг” ёнида учрашайлик,-деди.

-Қаердалигини билмайман,-дедим

-Бўлмаса соат тўққизда Эминону деган жойга келинг, ўша ерда кутаман,-деди.

Айтилган жойга ҳамма вақт камида 15-20 дақиқа олдин етиб боришга одатланганман. Бу жойга ярим соат олдин келдим. Қарасам Аҳад ака (У мендан беш ёшга катта-ЖМ) кутиб турган экан. Биргаликда юқорига қараб юридик. Кўп ўтмай “Ихлос холдинг” биниси ёнига келдик. (Бугун мазкур холдинг биниси шаҳар марказидан ташқарида, у пайтда марказда, ёпиқ бозорнинг биқинида эди-ЖМ).

Бизни мазкур холдинг раҳбари ва соҳиби Анвар Ўраннинг маслаҳатчиси Навзот Ёлчинтош деган одам кутиб турган экан. Ҳамма уни “Хўжа” дер экан. Аҳад ака ҳам унга шундай мурожаат қилди. Хўжа мулозимат мактабининг маҳоратли устаси, бизни жуда илиқ қаршилади. Аҳад ака мени бироз мақтаган бўлиб, Навзот Хўжадан газетага ишга олишни илтимос қилди.

Хўжа мени олиб қолиб, Аҳад акани ташқарига қадар кузатиб қўйди.

-Ўзбеклардан чиққан даҳо у,-деди қайтиб келиб.-Бунақа жарроҳ Туркияда битта. Ҳув ўша Бошқонлар ҳам амалиётни фақат Аҳад Бейга ишонади.

Мен қувониб кетдим. Бир ўзбек ҳақида шундай гаплар эшитиш ҳақиқатдан ҳам қувонарли эди.

У ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтирдик, кофе, кейин кетма-кет чой ичган бўлдик. Бир пайт Хўжанинг котиби:

-Келдилар,-деди.

Хўжа Анвар Ўраннинг ҳузурига олиб кирди. Анвар Ўран мамлакат ичидаги кичик бир мамлакатнинг раҳбари эди. Ўзининг завод-фабрикалари, банк тизими, газета, журнал, телевидение (“ТГРТ”), радиоси бор ва Бош вазирлар унинг оёғига келадиган бир раҳбар эди.

-Бу миллатвакили (Туркияда депутатликдан кетган бўлсангиз ҳам номингизга миллатвакили сўзи қўшиб айтилади-ЖМ) бўлмиш қардошимизни Аҳад Бейнинг ўзлари бошлаб келдилар. Ул зотнинг ишлари кўп бўлганини билганим учун куттирмадим,-деди Хўжа ва Анвар ўранга муддаони тушунтирди.

-Андижонданмисиз?-деди Анвар ўран турклар каби сенсираб эмас, балки сизлаб.

Бунинг ўзи унинг бизнинг одатларни қанчалик яхши билишини кўрсатар эди. Мен ҳайрон эдим. Хўжа фақат Аҳад Бей деб айтди. Андижон деган гапни айтмади. Аммо Анвар ўран дарҳол англади. Мен унга Самарқанддан эканлигимни айтдим.

-Мотрудий ҳазратларининг макониданмисиз?-деди Анвар ўран ўрнидан туриб айланиб мен томонга келди ва қучоқлашиб кўришди.-Зап бизга керак одам экансиз. Биз Самарқандда Мотрудий ҳазратларининг уй-музейини яратмоқчимиз. Қимматли маслаҳатингиз керак бўлади. Биз собиқ шўролар ўрнидаги ўлкаларга ҳам очилмоқчимиз. Сизни яратганнинг ўзи юборди, Аҳад Бейга ҳам шукронимизбор.

Кейин Хўжага юзланиб:

-Бугундан бошлаб, истасалар Туркия газетасида, истасалар ТГРТда, истасалар сизнинг ёнингизда ишласинлар,-деди.

“Туркия” газетасини танладим. Лекин ўша кун ўзбек бўлганимга ифтихор қилдим. Аҳад Андижоннинг ватандоши бўлганимдан ғурурландим. Газетада ишлаган йилларимда ҳам шу ғурурга содиқ қолишга интилдим ва уч ярим йилдан кейин АҚШга кетишимда Хўжа Аҳад Андижон номига ҳам миннатдорчилик билдирди.

Аҳад ака билан кўп мулоқотлар қилганмиз. Камтар, кўнгли очиқ одам. Қулоқлаштириш даврида Аҳад аканинг ота-бобосининг мол-мулки тортиб олинган ва отаси уч фарзандини олиб, 1932 йилда Афғонистонга ўтган.

У пайтда Аҳад Андижон чақалоқ бўлган экан. Кейин Туркияга кўчиб келишган. Ўзбеклар ўрнашган Адана шаҳрида бир муддат туриб Оқ Шаҳарга кўчишган. Аҳад ака Истанбул дорилфунунида тиббиётни ўқиб, шу ерда диссертациясини ёқлаб фан доктори, профессор бўлган.

У президент Тургут Ўзалнинг маслаҳатчиси, “Она ватан” партияси раис ўринбосари ва миллатвакили, Туркий жумҳуриятлар бўйича Давлат вазири, Ҳукуматнинг матбуот котиби бўлган. Умр йўлдоши ҳам доктор. Икки фарзанди бор.

Аҳад Андижон узоқ вақт “Туркистонликлар” жамиятининг раиси бўлган ва минтақа ҳақида жуда кўп илмий, ижтимоий ва сиёсий мавзулардаги асарлар муаллифидир.

Хорижга келиб танишган, яхшилигидан баҳраманд бўлганим, дўстлашганимдан ифтихор туйганим ўзбеклардан бири Аҳад Андижондир ва ҳалига қадар бошқа ўзбекларнинг ҳам унинг каби бўлишини орзу қилиб юраман.

28.СУРГУНДАГИ СОАТ

Америкага жўнаб кетишимиз маълум бўлгач, “Туркия” газетасида ишлайдиган дўстим Камол Чапраз билан Туркия бўйлаб оилавий сафарга чиқдик. Шунинг бир ҳафтасини Кастамону вилоятига ажратдик.

Кастамону Анқарадан 250, Истанбулдан эса 500 километр узоқликдаги жанубий вилоятлардан бири. Вилоятнинг марказида қадимий Кастамону шаҳри жойлашган. Тўрт тарафи тоғлар билан ўралган шаҳар уч цивилизациянинг, яъни уч маданиятнинг меъросларини сийнасида сақлаётир. Бу ерда Ҳитит, Юнон ва Усмонли маданиятининг осори-атиқалари, гўзал обидалари мавжуд.

Шаҳарнинг кун чиқар тарафида Милоддан аввалги Ҳитит маданиятининг кўзгуси бўлмиш ғор уйлар, Ғарбда эса булутларга таянган ва игна баргли дарахтлар оғушида қолган Илгаз тоғлари, Шарқда нариги соҳили Қримга узанган Қора денгизни кўрасиз. Қора денгиз бўйларидаги Жидда, Инабўлу, Абакан каби марказлар сайёҳларнинг севимли гўшаларига айланган.

Шаҳар ва вилоят ҳокими Сулаймон Южал тарихий ёдгорликларни кўрсатар экан, сафарни шаҳар четида, тоғ этакларидаги минора-соат ёнидан бошлатди.

-Бу миноранинг ўз ривояти бор,-деди у.-Соат Усмонли салтанатининг муҳим шаҳри Бурсада иншо этилганди. Подишоҳлардан бирининг хоними ҳомиладор экан. Қўққисдан бўйидаги боласини туширганда сарой аҳли подишоҳга, минора-соатнинг бонг уришидан хонимингиз кўрқиб кетдилар, дейишибди. Ўшанда подишоҳ бу соатни Кастамонуга сургун этган экан.

Ажаб дунё...

Сургун-соат ёнида расмга тушишлардан кейин ҳоким Кастамону қалъаси томон бошлади. Бу қалъа шу қадар юксакда эдики, тепадан боқсангиз шаҳар ичидаги бинолар гугурт қутисига ўхшаб кўринарди.

Инсон жуда ҳам мағрурланиб кетса, бу қалъага чиқсин, ўзининг нақадар зарра эканлигини ҳис этади.

Айни пайтда инсон ўзини нақадар зарра ҳис этса, бу юксакликка чиққанда кўнглини мағрурлик ҳисси тўлдиради.

Бу қалъа Усмонли халифалигининг илк пайтларида Жандар ўғиллари томонидан иншо этилган. Қалъанинг ости эса қоп-қоронғу зиндонлардан иборат. Зах зиндонлар...

Кастамонунинг яна бир аҳамияти шундаки, минг йилларча аввал Ўрта Осиёдан кўчиб келган боболаримиз илк ўлароқ ана шу заминга ерлашганлар.

Онадўли(Анатолия)нинг марказий шаҳарлардан ҳисобланган Кастамонуда туркнинг Қайи, Қиниқ қавмлари яшаган қишлоқлар бор.

Маълумки, Ўрта Осиёдан кўчиб келган қайилар Усмонлига асос солишди. Қиниқлар эса Салжук императорлигининг асосчиларидан. Умуман, Туркистондан Шимолга қараб юрган 24 турк қавмидан 16 тасининг исмини бугунга қадар яшатган қишлоқларни айланар экансиз, Қора ўйли, Жавундир, Чапни, Иғдир, Байиндир, Юрагир каби номлар сизни тарихнинг минг йил аввалги хотираларига етаклайди.

Кастамону қалъаси бу-

Кастамону қоядир.
Қанотларим остидаги
Она Турон доядир,
Кастамону қоядир.
Қўлларим қилич каби
Булутларни кесарди.
Саболар севинч каби
Ошиқ бўлиб эсарди,
Булутларни кесарди.
Қалбимнинг бир бурчида
Лов-лов ёнарди гулхан,
Йўқотганим топгандим
Кастамону ҳам Ватан,
Лов-лов ёнарди гулхан.
Кўзларимга ранг этдим
Боболарнинг изини.
Кастамонуда кўрдим ,
Туркистоннинг юзини,
Боболарнинг изини...

29.ҚЎЛ ЎПИШ

Туркияга илк борганимда, бизни миллиятчи ҳаракат лидери Алпарслон Туркаш қабул қилганди. Турк дунёсининг ҳар турли бурчакларидан келганлар саф тортиб, унинг қўлини ўпа бошладилар. Унга яқинлашганимда, ҳурмати бажо келтириб, кўришмоқ учун икки қўлимни узатдим.

У:

-Сен ўзбексан!-деди ва бағрига босди.

Демак, у бизда қўл ўпиш одати йўқлигини ва ҳурмат қилган одамни бағрига босиш одати борлигини билар экан.

Орадан бир неча йил ўтиб, Туркияда яшай бошлаганимизда, Қурбон байрамида Турк дунёси вақфининг раиси Турон Ёзғон кўп қатори бизни ҳам оилавий тарзда байрамлашмага таклиф этти.

Туркияда, айниқса байрамларда катталарнинг қўлини ўпиш авжига чиқади.

Турон Ёзғонга фарзандларимни таништирар эканман, у олти ёшли қизчамга қўлини узатди. Қизчам ҳайрон. Ўзим бировнинг қўлини ўпмаганим учун болаларимга ҳам буни ўргатмаганман. Қизчам унинг қўлини ўпиш ўрнига кўришган каби ушлади.

-Ҳа ўзбек,-деб у қизчамнинг сочини силаб қўйди.

Кейин Америкага келганимизда, бу ердаги ўзбеклар орасида қўл ўпиш ҳолларини кўриб ажабландим. Вақт ўтиши билан кўрдимки, Туркия орқали келганлари ана шу одатни ўрганишган экан. Аммо қолганларида йўқ эди.

Ҳар қандай жиҳатдан олиб қаралганда ҳам бундай одат инсонийликка зид! Бу шахсга сиғинишнинг жирканч бир кўриниши.

Демак, мақтайдиган, мақтанадиган асл зарларимиз ҳам бор ва бировнинг қўлини ўпмаслик ана шулардан бири.

30.ТУРКИЯ

Биз русча орқали ўзлаштириб “станция” деймиз, турклар эса stasyon-стасён дейишади. Раҳматли Анвар бувим “истанса” дердилар.

Умримиз учқур поезд. Турли “истасён”ларда баъзан кўпроқ, баъзан қисқа муддатга тўхтаб ўтади.

Истанбулдан аввалги марта ўтганимизда “поезд”имиз тўрт йилга тўхтаганиди. Орадан ўн беш йил кечиб, яна Истанбулга келдик – бу сафар 40 кун қолдик.

Бир ёй ва тўрт ёв – ёлғизлик, соғинч, ҳижрон, армон каби ёвларни шодлик, дийдорлашиш, умидворлик, бахтиёрлик туйғулари билан алмаштирдик.

Истанбул орасида Машриқдан Мағрибга узанган “мовий камар” бор. Истанбул буғози дейишади. Бу зилолдай сув камари нафақат уч денгизни, балки икки қитъа-Осиё ва Европани ҳам бирлаштиради.

Буни бирлаштирувчи рамзий маъно деб билганлар ҳаёт ришталарини боғлайдиган қутлуғ маросимларни шу жойда ўтказишга ният қиладилар. Биз ҳам ниятимизга етдик ва қизимизнинг тўйини Истанбул кўприклари остидан денгиздан денгизга ошиқадиган бир кемада ўтказдик.

Яна бир ниятимиз амалга ошди. Йигирма йилдан буён кўра олмаганимиз – қариндошлар, яқинлар, қишлоқдошлар билан тўпландик.

Туркияга раҳмат, ўзбеклар учун йўлни очиб қўйган экан, ана шу қулайлик ниятимиз амалга ошиши учун ўзига хос кўприк бўлди.

Дарвоқе, Истанбул ва умуман Туркия жуда ўзгарибди.

Балки Истанбул ва Туркия ўша ўшаю биз ўзгардикмикан?

Илгари келганимизда Туркияни қолоқлар қолоғи Ўзбекистон билан солиштириш имкониятигагина эга эдик.

Бугун эса ўзимиз ўн беш йилдан буён яшаётган Америка билан солиштириб кўриш имконига эгамиз. Балки бу тубдан хатодир? Балки ҳар иккиси ўз йўлида, ўз сувида айри-айри кемалар?

Шунга қарамай, бу “кема”ларнинг кўзларга қадалгувчи баъзи нуқталарини чизгим келди...

Тўйга тайёргарлик ва тўйдан кейинги кўнларда қадрдон Туркия ҳаётида бир қанча илкларни, бошқача айтганда ўзим учун янгиликларни илғадим. Шулардан бири Туркияда сиёсий режимнинг бошқа қутбга йўналишидир.

Биз Каримов режимининг муҳолифлари фақат Ўзбекистон учун модел қидирамиз. Кимдир Америка модели деса, кимдир Туркия модели бизга мос дейди. Ҳатто Хитой ва Аврупани ҳам бир-бир “айланиб” чиқдик. Режимбошимиз эса ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз бор, деб келди. Қаранги, у ҳақ бўлиб чиқмоқда. Биз Ўзбекистон учун Туркия моделини ҳавас қилиб юрганда Туркияда бизнинг модел томон одим отилмоқда.

1990 йилларда “Бизга президентлик бошқаруви бўлмайди, парламентар режим керак” дейилганда баъзилар “Бу депутатлар ўзларини ўйлашмоқда, буларнинг мақсадлари ҳокимиятни олишдан бошқа нарса эмас” дейишганди.

Вақт кўрсатдики, биз учун президентлик бошқаруви диктатура, бир шахснинг зулми экан. Мансабга минган одам халқнинг устига ҳам минаркан.

Туркияда эса демократик режим ва халқ сайлаган депутатлар орқали жамият бошқарилади. Тўғри, демократик режим мукамал эмас. Аммо очиқ режимдир. Баҳслар, тортишувлар билан бўлсада охирида қандайдир ишлар қилинади. Туркиянинг бугунги келиб етган нуқтаси ҳам демократиянинг шарофати.

Туркия президентлик бошқарувига ўтадиган бўлибди. Ҳокимият жиловни бир кишининг қўлида жамланади. Буни ёқлаганлар ҳам кўп. 1991 йилда Ўзбекистонда ҳам бундай режимни ёқлаганлар кўп эди.

Келажакни тахмин қилиб бўлмайди. Балки Туркия Шарқ давлатлари ичида илк бор президентлик бошқарувини ҳам ислоҳ қилиб, яна ўзига хос моделга, “айкон”га айланар.

Лекин президентлик режимини ислоҳ қилиш мумкин, фақат у жойга келадиган одамни ислоҳ қилиш мумкинмикан? Ислоҳ Каримовга ўхшаган биттаси тахтга миниб олса-чи? Ҳокимият унинг қўлида роҳатилуқумга айланиб қолмайдими? Истаса сотади, истаса отади, истаса чайнайди, истаса чиғнайди.

Хуллас, хайрлиси бўлсин. Биз Туркиянинг бугунги ҳолини модел сифатида кўп орзу қилиб, ўзимизга ҳеч нарса ололмадик.

Ноҳотки турк сиёсатчилари биздан модел кўчирдилар? У ҳолда Ислоҳ Каримовнинг “Отатурк” бўлиш ҳақидаги орзулари амалга ошадими? Асло. Буниси амалга ошишидан Худо асрасин!

Иқтидор инсофли, иймонли, адолатли кишилар томонидан бошқарилган муддатдагина халққа хизмат қилади. Акс ҳолда иқтидор халқни сўмиради.

Дарвоқе, Туркия шунчалик ўзгарибдики, ҳатто қуёшнинг чиқиши ва ботишини ҳам Америкадан деб билишаркан.

Тўйга келувчилар тўрт жойда тўхташди. Биттаси Истанбулнинг Европа қисми Таксимда ва қолган учтаси Осиё қисми Кадикўйда. Бири соҳилнинг ёнида бўлса, қолган иккитаси Бўстончи томонда. Истанбулда яшаб, ишлаб юрганлардан ҳам билганларимизни таклиф қилдик.

Кема Ҳайдарпошша истасёнида кутиб тураркан, меҳмонлар порт қўналғасидан ташқарига чиқишга иккиланиб қолганларини сездик. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб, гуриллаб чиқиб келишди.

Уларни бошлаб келаётган йигит бироз хафа қиёфада эди.

-Тинчликми?

-Кимдир “Кемани ўзбек миршаблари билан турк полицияси босмоқчи. Ҳаммани ушлаб кетишади” деб гап тарқатибди. Буларни кўндирдим, лекин яна бир гуруҳ келолмай турибди,- деди у.

Бироз жаҳлим чиқди. Лекин бунақа нарсаларни энди кўрмаётганим учун ўзимни қўлга олдим.

-Нима деб тинчитдинг?

-“Кемани Америка қўриқламоқда, на турк, на ўзбек миршаблари кира олишади” дедим...

Бир йилдан буюн Туркияда яшаётган бу йигитнинг топқирлигига қойил қолдим.

-Ҳамма Американи ёмонлагани билан унинг қудратли куч эканлигини инкор қила олмайди. Бу ерда Америкага ишонадилар. Ўрнагини ҳар кун Туркия сиёсий ҳаётида ҳам кўриш мумкин,- деб қўйди у.

Унинг гаплари ҳақ, буни қисқа вақтда ўзим ҳам кузатдим. Туркия ҳаётида жуда катта ўзгаришлар қилаётган ҳукмрон “АК” партияси ҳақида гап кетар экан, унинг муҳолифлари очиқдан-очиқ “Бу партияни Америка тузган, Ражаб Таййиб Эрдўған Вашингтоннинг одами” дейишади. Буни пана-панада эмас, телевизор экранларидан бақира-бақира айтишади. “Ҳатто партиянинг номини ҳам “АК” деб Америкага мослаштириб қўйган” деб юборди биттаси. Тавба деб қолдим. Бунча бир-биримизга ўхшамасак.

Худди бизда кимни қораламоқчи бўлишса, уни МХХчи деганлари каби Туркияда ким кимни ёмон кўрса, “Американинг қулоғи” деркан.

Таксимда бир ҳужжатни тасдиқлаш учун нотариусга кирдик. Америкада бу иш асосан бепул, нари борса бир-икки доллар олишади. Таксимда эса бир ҳужжатни тасдиқлашга 75 доллар сўради.

-Америкага нисбатан жуда қиммат-ку?-деб юборибман. Балоба қолдим. Туркияда пул янги бўлганидан кейин нарх-наво, солиқлар ошганига қадар Американи айблаб кетди. Ҳатто Таксимда намоишга чиққанлардан тортиб, мамлакатни исломлаштириш ҳам Американинг режаси эмиш. Истанбулда қатнов кўплиги ҳам Американинг “ҳунари” экан.

-Қатновни камайтириш учун муҳташам Мармарай тунелини қуришибдику!- дедим ҳуқуқшуносни асабидан тушириш учун.

-У ҳам Американинг иши! Ўзимизга эмас, японларга қурдирди!

Кулгим келди.

-Қуёшнинг чиқиш ва ботиши-чи?-дея гапни ҳазилга йўймоқчи бўлдим.

-Керак бўлса Америка уни ҳам назорат қилади. Истаса ўн кундан кейин Истанбулда қор ёғдиради,- деди.

Айтганини тўлаб, ташаккурлар айтиб, чиқиб кетишдан бошқа илож қолмади.

Лекин ўн кундан кейин ростдан ҳам қор ёғди. Бу Американинг иши эмаслигига ўша ҳуқуқшуносни ишонтиролмасам керак...

Америкалик бўлишнинг фойдали томони ҳам бор экан.

Магистрал йўлга чиқаётганимизда ижарага олган машинамизни полиция тўхтатди. Ҳужжатни эмас, қаерданлигимизни сўради. Жияним “Ўзбекистонданмиз” деди.

-Нега машинанинг номери йўқ,-деб туриб олди. “Бор” деса, “йўқ” дейди. Ҳужжатимни кўрсатиб, Америкадан келганимизни айтганим билан вазият бир зумда ўзгарди. Ана ҳурмату мана ҳурмат!

Шукур, яхши одам экан, агар “Америка нега Ироққа ҳужум қилди?” деб ёқамиздан олса нима қилардик?

Мирзо Улуғбекнинг замондош ва илмдоши даниялик Тихо Брахе йигитлик чоғида дўсти билан баҳслашиб қолади. Баҳс даҳанаки жангга айланиб, охири улар дуэлга чиқадилар. Дўсти қилич билан Тихонинг бурнини кесиб ташлайди.

“Энди осмонга қараб яшайдиган бўлдинг, ерга қаролмайсан, қолаверса энди ҳид ололмайсан”,- деган экан “дўсти”.

Дунёнинг ишларини қарангки, Тихо рамзий маънода кўкка қараб яшаган ва даврининг кучли астрономик жадвали-харитасини тузган. Космосдаги ҳаракат системасини асослаб берган Кеплер уни устози аввалин деб билган. Кеплернинг ёзишича, олтин бурун тақиб яшаган Тихо ўлаётган пайтда “Бурнимни кесган дўстимга раҳмат, бўлмаса вақтимини ҳид олиш кемирарди” деган экан.

Рақибига шу тарзда кинояли раҳмат айтиш ўзимизда ҳам бор.

Биз Истанбулда тўйни эсон-омон ўтказиб олганимиздан кейин қариндошлар бирин-кетин ўйга қайта бошладилар. Қайтишлари билан уларни сўроққа тутишибди, “Қаерга борганингизни биламиз, нималарни гаплашдингиз?” ва ҳоказо таниш саволлар. Улардан тушунтириш хатлари ёзиб олишибди. Буни эшитиб опамга телефон қилдим.

-Бу ҳақда ўйлама укажон,-дедилар опам.-Энг асосийси ёшлар бахтли бўлишсин! Бизга кўришмоқ насиб этди. Шунисига шукур! Булар тўйдан қўрқадиган бўлиб қолишибди. Худойим уларга тўй насиб этсин!

-Уларга ҳам раҳмат, сизларни тўйдан олдин “чақиришганда” кўришолмай қолардик,-дедим Тихо фалсафасини эслаб.

Биз Истанбулда эканлигимизда “турклар сунъий ирқ” деган тортишма чиқиб қолди. 15 йил олдин бунақа гап айтган одамнинг оёғини осмондан қилиб юборишарди. Энди эса бу масалани телевизион дастурларида баҳс мавзусига айлантиришибди. Биттаси ҳатто:

-Булар бўрининг кўкка тумшуқ чўзиб турганини туркчилик дейишади,-деб туркларни камситмоқчи ҳам бўлди.

Унга “Сен бир умр оёқ остига қараб нима топдинг?” дейдиган мард топилмади.

Ахир кўкда юлдузлар бор...

Ахир кўкда поёнсиз фазо бор...

Ахир кўкда буюк Оллоҳ бор...

Шундай экан, ҳайвон ҳам, инсон ҳам кўкка қараса ва кўкка интилса буюк ҳақиқатга интилмайдими? Шундай! Лекин баъзиларнинг фалсафаси азалдан аниқ. Уларга кўра бош кўтармаслик керак, доим пастга қараш лозим. Буни соддагина қилиб бурунга боқиш ҳам дейиш мумкин.

Кўз бурунга боқа-боқа кўкни кўрмай қолади.

Кўзларга кўкка боқиш насиб этсин!

Учинчи фасл

31. Би-Би-Си

Таниқли адиб Ҳамид Исмоил Би-Би-Сининг Ўзбек хизматни тетепоя қилдираётган пайт эди. Бир куни Истанбулга сим қоқиб, ҳамкорликка даъват этди.

Ўша кезде “Озодлик” да “Жаҳонгир Муҳаммад” номи билан чиқиб турар эдим. У пайтда бу икки хизмат рақобатчи ва бири билан ҳамкорлик қилган одам иккинчисида чиқмасди. Шу боис Би-Би-Си учун “Муҳаммад Турон” деган тахаллусни танладим.

Вазифам асосан Туркиядаги муҳим хабарларни узатиш ва Лондондан сим қоқишганда ҳар куни рўй берган воқеаларни шарҳлаб туриш эди.

Ёзганларим ёқди шекилли, шартнома тузишди. “Озодлик”даги чиқишларим асосан сиёсий қарашларим билан боғлиқ эди. Би-Би-Сининг ўзбек хизматида эса ҳамкор-муҳбир, шарҳловчи бўлганим учун сиёсий қарашларимни чегаралашга мажбур эдим. Бу орада “Туркия” газетасининг ташқи хаб арлар бўлимида ҳам ишлардим. Ҳафтада икки марта Коч университетига бориб дарс ҳам бериб келардим.

Шунга қарамай Би-Би-Сида деярли ҳар куни битта, баъзан эса иккиталаб материалим эфирга кетарди. Соат фарқи бўлгани учун ярим тунда ҳам, тонгда ҳам материал узатишга тўғри келарди. АҚШга жўнаб кетгунимга қадар – тўрт йил ҳамкорлик қилдим. Меҳнат оғир эди. Лекин ҳузурбахш. Ҳар кун бўлмаса ҳам кун ора лондондагилардан мақтов эшитиб турардим.

Ҳамид Исмоилнинг самимияти доим руҳлантирарди. Бўлимда ишлаган Дилором Иброҳим, Луиза Искандарий, Шоҳида Ёқуб ва бошқаларнинг бирор бир жойда қандайдир муҳим воқеа юз бериб, шарҳлайдиган одам топа олишмаса, “Жаҳонгир ака сиз бизнинг ўт ўчирувчимизсиз” деб, ҳазил қилиб, сим қоқишлари илҳом берарди. Уларга шу нарсадан хабарсизман демаслик учун тинмай ўқирдим ва изланардим. Анчагина ёзганларим Би-Би-Сининг бошқа хизматларига ҳам “ўтиб” кетган. Хабарлардан олдин юрганим учун Ҳамид Исмоилнинг ширали сўзларини кўп эшитганман.

Масалан, бир куни икки туркияликни Саудия Арабистонида ўлимга ҳукм қилишди. Бу ҳақда хабар тайёрлаб, воқеага Туркия ҳукумати бефарқ қарамаслиги, бу ҳатто икки мамлакат муносабатларини жуда ёмон нуқтага олиб бориши, Саудия Арабистони уларни барибир озод этажagini ҳам шарҳ сифатида илова қилгандим. Материал эфирга кетди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Туркия ва Саудия орасида шу масалада келишмовчилик бошланди. Анқара керак бўлса, Саудия Арабистонига нисбатан энг кескин чораларни кўришга ҳозир эканини билдирди. Саудия ортга чекинди ва маҳбусларни озод этди. Воқеа дунё матбуотида, жумладан Би-Би-Сида ҳам бош мавзуга айланди.

Шунда Ўзбек хизмати бу ҳақда бир неча кун олдин материал бергани ўртага чиқди. Ўшанда Би-Би-Сининг бир нечта хизматларига суҳбат беришга тўғри келганди. Шундай воқеалар бир неча марта бўлган.

Хуллас, Би-Би-Си Ўзбек хизматидаги тўрт йиллик фаолиятим журналистлик тарихимда энг лаззатли саҳифалардир дея оламан.

Яна бир воқеани албатта айтишим ва Би-Би-Сига раҳмат дейишим керак. “Америка овози”да ишлардим. Опаларим ва синглимни қамашди. Ўшанда Би-Би-Си Ўзбек хизматининг истеъдодли журналисти Паҳлавон Содиқ битта савол билан Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғини “тўрға туширган”ди. Генералнинг иқрори туфайли АҚШ Тошкентга босим қилиб, опаларим ва синглим озод этилгандилар. Журналистнинг мана шундай қудратли кучи ҳам мавжуд!

32. МУСТАҚИЛЛИК

Америкада мустақиллик байрами мамлакатнинг деярли ҳамма жойида бир хил нишонланади. Ҳатто энг кичик қишлоқларда ҳам мушакбозлик бўлади. Қишлоқни қўяверинг, кўчама-кўча ҳам мушаклар отилади.

Лекин пойтахт Вашингтонда миллионлаб одам йиғилади ва бу ердаги мушакбозликни таърифлаб бўлмайди. Уни кўриш керак. Илк бор янги олинган машинага болаларни миндириб, пойтахт остонасига келдик. Туш пайти. Машиналар жойидан жилмайди. Ҳамма тўхтаб қолган. Одамлар жуда эрта келиб, жойларни эгаллаб олишаркан. Бир неча соат деганда Пентагон тепалигига етиб олдик. Машинани ўша ерда, йўлнинг четига тўхтатдикда бошқалардан ўртак олиб устига чиқдик. Болалар учун қизиқ. Қандайдир мўъжизани кутишмоқда.

...1776 йилдан буён 4-июл куни Америка халқи чин дилдан байрамга, сайлларга, томошгаоҳларга чиқади.

Бу халқ – дунёнинг турли бурчакларида турли сабаблар билан ўз ватанига сиғмаган одамлар жамоаси.

Бу халқ – юзлаб тилларда гаплашадиган юзлаб элатлардан барпо топган воҳид улус.

Бу – ҳамма, ҳатто ҳақиқий америкаликлар деб айтиладиган қизил танлилар ҳам бошқа жойдан келган замин.

Маълумки, Америка Буюк Британия Қироллигини тарк этиб, ўзини мустақил ўлка деб эълон қилган. Шу кундан бери ҳеч кимга тобе эмас. Ўтган даврда дунёнинг юрагига айланди. Бу кимгадир ёқиши

ёки ёқмаслиги бошқа масала. Факт эса факт. Уни ҳар қанча ёмон кўрганлар ҳам у билан ҳисоблашадилар.

Бу ерда зако, илм ва қудратнинг шажараси вужудга келган. Бу Бермуда учбурчаги эмас, балки бу Парламент, Ижро ҳокимияти ва Суд бошқаруви учбурчагидир. Бошқача айтганда халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви-демократия замини.

Баъзи динни билмаган диндорлар демократияни ёқтирмайдилар. Ваҳоланки, демократик Америка дин энг эркин бўлган мамлакатдир. Бу ерда ҳақ дин ҳисобланган ҳар уччала динга берилган эркинликни ҳали дунёнинг бошқа бирор бир мамлакатада тополмайсиз. Мана ман деган Европа давлатлари ҳам бу даражага етган эмас.

Ким нимага қизиқса ўшанга ишонади. Биз мўъжизаларга, ишоратларга ишонадиган халқмиз.

Америка мустақиллик тарихида ҳар кимга ҳар турли фикр берадиган жуда қизиқ ҳодисотлар мавжуд.

Масалан, Мустақиллик декларациясини имзолашда қатнашган, асосий рол ўйнаган сиёсатчилар Жон Адамс ва Томас Жеферсон кейинчалик шу мустақил мамлакатга президент этиб сайланганлар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Мустақиллик декларацияси қабул қилинганининг 50 йиллик юбилейида – 1826 йилда, яна ҳам қизиғи айна мустақиллик байрами кунини жон таслим қилишган.

Кимлардир бунини “Уларни шу муборак кунга етишдек муродлари охириги сонияларга қадар оёқда сақлади” дейишга ҳақли. Бошқа бировлар эса “Бунинг хосияти яхши эмас” дейишлари ҳам мумкин. Бу сўз эркинлиги. Америкада ўша кезде берилган сўз эркинлиги ҳалигача кучда.

Лекин биринчи фикр ҳақиқатга яқин. Чунки Жон Адамс ўлган пайтда 91 ёшда экан. Томас Жеферсон эса 83 ёшда. У пайтда бугунги каби умрни чўзадиган “дори-дармонлар” оз бўлган. Демак, уларни кучли бир умид шу байрамга қадар ушлаб турган. Бошқа бир президент – Жеймс Монро ҳам 4 июл кунини жон берган. Фақат 1831 йилда, 73 ёшида. 1872 йилга келиб, бу силсилот бошқа томонга ўзгарди. Шу кунини – 4 июлда Американинг бошқа бир президенти Калвин Куллиж туғилган.

Кимдир буларни тасодифлар ҳам дейди. Бу ҳам бежиз эмас. Ўтган йилларда қанчадан қанча тасодифлар рўй бериши турган гап. Лекин биз илоҳий қудратга, унинг тарозиси тенглигига ишонамиз, воқеалар унинг измидан ташқарида рўй бермайди, деймиз, шундай эмасми?

Бошқа бир нокамтарона тасодиф ҳам бор. Камина Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси матнини парламентга тайёрлаган “бешлик”ка кирганман ва туғилган куним Ўзбекистон Мустақиллик кунига тўғри келади. Лекин ўз ватанидан қувилиб, дунё муҳожирлари ватани фуқаросига айландим.

Энди келажакда муродни Мустақиллик декларацияси қабул қилинган куннинг катта юбилейларигами ёки Мустақиллик кунининг томошларигами, қайси бирига қараб тикиш ҳам савол остида. Дарвоқе, Ўзбекистонда савол остида бўлмаган нима бор?

Америкада мустақиллик чинори яна ҳам кучланиб, қучоққа сиғмай бормоқда, Ўзбекистонда-чи? Келажакда нима бўларкин? Бу саволларга жавоб бериш кундан кунга оғирлашиб бормоқда.

Шуларни ўйлар эканман, атрофни гўмбурлаган саслар ва кўкни мушаклар босиб кетди. Машина устида ўтирган болаларим бошқаларга қўшилиб қичқира бошладилар. Мен ҳам уларга қўшилдим. Эркин дунёга қўшилиб кетдик.

33. ОҚ УЙ

Бир куни Тошкентдан келган меҳмон билан Вашингтонни айланар эканмиз, у икки гапнинг бирида Оқ уйни кўрмоқчи эканини эслатарди. Ниҳоят Оқ уйнинг ёнига келганимизда, у ажабланиб қолди:

-Бу Салимбойваччанинг уйидан ҳам кичик-ку?

-Салимбойваччанинг уйини кўрганим йўқ, аммо Оқ уй ташқи томондан кичик кўрингани билан, ичкараси жуда катта,-дедим.

Меҳмон кулгандек қаради-да:

-Бутун дунёни мана шу каталақдан бошқаришадими, менимча давоми бошқа жойда бўлса керак?- деди.

Унга Американи ҳали яхши билмаганимда юз берган бир воқеани айтиб бердим.

Ўшанда ишдан қайтиб, хабарлар дастурини кўриш учун телевизор қулоғини бурадим. Беш-олтита хабардан кейин Синсинати деган шаҳарда ёшлар, аксари қора танлилар намойишга чиқиб, кўчаларда машиналарни ёқиб юборишаётгани, дўконларни ағдар-тўнтар қилишаётгани ва миршабларнинг орасида талафот борлигини айтиб қолди.

Бу хабарни кечикиб олишгани учун биринчи бўлиб бермади деб ўйладим ва телевизор олдидан жилмадим.

Хаёлимда президент аллақачон учқичга миниб, ўша томона кетаётган, Оқ уйда фавқулудда ҳолат, ҳамма оёққа турган бўлса керак, деган фикрлар айлана бошлади.

Хабарнинг давомини беришмаётгани эса, фикрларимни яна ҳам чалғита бошлади. Бошқа каналларни қидира бошладим. Кошки каналнинг сони кам бўлса?! Мингга яқин. Орадан ярим соат ўтди ва ҳамма каналларда хабарлар қайтадан бошланди. Яна ўша гап.

Ҳайрон эдим. Худди ҳайронлигимни билгандек, Си-Эн-Эн (CNN) ўша жойдан жонли кўрсатув бошлаб юборди. Кўчаларга миллий гвардиянинг аскарлари олиб чиқилган ва улар қалқонларини пеш қилиб, оломонни бурчакларга сиқиб бормоқдалар. Ҳарбий машиналардан ўқдай отиладиган сув билан одамларни қулата бошлатишди. Исёнчилар ҳам бас келишмасди.

Лекин Оқ уй ҳақида, Президент ҳақида гап йўқ. Яна бир-икки соатдан кейинги хабарларда президентни кўрсатиб қолишди. У чет элдан келган бир меҳмон билан ҳангома қилаётганди. Худди ҳалиги воқеа бошқа бир мамлакатда юз бермоқда, президентнинг эса хабари йўқдек эди.

Кейин ҳам бу воқеа ҳақида президент ёки Оқ уй номидан сўз айтилмади. Ҳукуматнинг шошилиш мажлислари ўтказилмади. Бирор киши ишдан бўшатилмади. Таниқли шоир чиқиб, бу итваччаларнинг бошини сапчадек узиб ташланг, деб миршаббошига дарс бермади. Ёзувчилар халққа мурожаат қилишмади. Газеталарда огоҳликка даъват ҳақида мақолалар ҳам кўринмади. Ҳамма жойда қўзғолончиларни қоралаш кампанияси бошланиб кетмади.

Фақат баъзи телеканалларда исён қилганлар, уларнинг қариндошлари билан суҳбатлар, исён сабаблари таҳлил қилинарди. Ҳуқуқ-тартибот мутахассислари-олимларнинг бу воқеа юзасидан фикрлари эшитиларди.

Ҳукумат исён қилган бу ёшларнинг қариндош уруғларига босим ўтказса керак деб ўйлагандим, қаёқда, ҳукуматнинг бу масала билан иши ҳам йўқ эди. Ҳатто маҳаллий ҳукумат ҳам масалани ҳуқуқ соҳасига ҳавола қилиб, шаҳар тозалаш билан овора.

Дарҳақиқат, демократик давлатда вазифалар тақсимланган ва ҳамма ўз ишини бажаради. Юқоридаги каби исёнлар Оқ уйнинг иш рўйхатига кирмаган. Уларни маҳаллий ҳукуматнинг, аниқроғи маҳаллий ҳуқуқ идораларининг ўзи ҳал қилади. Бу уларнинг вазифаси.

Ҳатто шундай ҳолат Оқ уйнинг ёнида ёз берса ҳам, бу билан Вашингтон шаҳри шуғулланади. Президентнинг эса Конституция ва қонунларда белгиланган бошқа вазифалари бор. У ҳамма нарсага бурнини суқмайди, агар суқса, бурнидан ажралиб қолади.

Аслида Оқ уй маҳаллий ҳокимиятнинг ишига деярли аралаша олмайди. Губернаторларни, мерларни партиялар ва аҳоли сайлайди, улар ўз ҳудудида ўз қонун чиқарувчи идораларига ҳам эга. Ўз қоидаларини ўзлари белгилашади. Ўзларини ўзлари бошқаришади. Зотан демократиянинг суврати ва сийрати ҳам мана шунда!

Президент бирор губернатор у ёқда турсин, ҳатто туман раҳбарини ҳам бўшата олмайди. Шунга қарамай Оқ уйнинг ўрни АҚШда ва дунёда жуда баланд. Ҳамманинг орзуси-Оқ уй! Дунёдаги қайси давлатнинг раҳбарига Оқ уйда меҳмон бўлиш орзуси йўқ дейсиз? Американи тинмай ёмонлаб турганининг ҳам юрак тубида Оқ уй деган орзу ётади. Таклиф қилса, эмаклар бўлсада етиб келади.

Оқ уйнинг биноси баланд бўлмагани билан қадди, мавқеи, обрўи баланд. Балки бу баландликнинг сири ҳам ҳамма ваколатни ўз гарданига олмаганидир?!

Шу ва бошқа гапларни айтиб берганимдан кейин, тошкентлик меҳмон яна менга кулимсираб қаради-да:

-Йўқ, бизга бунақасига кетмайди,-деди киноя билан.

XXX

Ўзбек зеҳнияти бўйича ўтакетган айёр ва маккор одам тулкига қиёсланади. Ёмон одам ҳақида “Тулки каби тумшуғидан илинди” дейишади ёки “Кўзбўямачи тулки бўлади, халқ ичида кулги бўлади”, деган каби ўнлаб мақоллар бор. Айниқса, бировни ерга урмоқчи бўлишса, “Ит олган тулкидек шумшайганига қаранг”, деб сўкишади.

Америкада эса, тулки ақли ўткирлик, зукколик рамзи. Ҳатто энг катта миллий телевидениелардан бирининг номи Тулки (Fox TV) ва бу номдан ифтихор қилишади. Азалдан буни исм софатида ҳам ишлатиб келишади.

Ана шу Fox TVнинг ҳам ўзбекча, ҳам америкача айтганда, бир тулки бошловчиси бор. Исми шарифи Бил Оралли. Ҳар куни кечқурун соат саккиздан тўққизга қадар экран уники. Унча-бунча демократнинг бу дастурда “бўйра устига” чиқишга юраги бетламайди. Чунки тулки бошловчи бир лаҳзада унинг ёқасини йиртиб, шармандасини чиқариб қўяди. Ҳамма инсон каби у ҳам баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ.

Демократлар ундан нафрат қилишади ва рейтинги ошмасин деб дастурини томоша қилишмайди. Мухофазакорлар уни ақлли тулкимиз деб билишади ва унинг дастурини қочирмасликка

уринишади. Менга эса журналист сифатида бу дастур жуда қизиқ ва деярли ҳар куни томоша қиламан.

Бир куни у Оқ уйнинг собиқ матбуот котибини “бўйра устига” чақирди. Даҳанаки жанг бошланди:

-Сен Бушга хиёнат қилдинг!- деди тулки бошловчи.

-Гап Буш ҳақида эмас, ундан ҳам катта нарсалар бор, Америка бор, Америка халқи бор. Демократия, сўз эркинлиги Бушдан анча ва анча юқорида. Мен ана шу қадриятларга хизмат қилиш учун қўлимга қалам олдим.

-Сен Бушга сўз билан суиқасд қилдинг, сўз билан уни яксон этдинг!

-Йўқ! Мен Бушнинг одам сифатидаги томонлари ҳақида эмас, унинг фаолияти ҳақида ёздим.

-Сен Бушни Ироқ уруши, Катрина фалокати, Оқ уйдан рақиблари ҳақидаги махфий маълумотлар матбуотга сизиши ва бошқа масалаларда халқни алдади, деб айблаб, унинг сўл қанотдаги душманларига озуқа бердинг. Улар сени ишлатмоқдалар, буни биласанми?

-Мени сен ҳам ишлатишга уринмоқдасан. Лекин мен ўз фикримни, билганларимни ёздим, Америка халқига бор гапни очиқ айтдим.

-Ахир Буш сени ўз командасига олганди, сенга иш берганди, нон берганди...

-Мен гадой эмас эдим... Агар мен керак бўлмаганимда, қўлимдан иш келмаганида у мени командасига олармиди? Садоқатга қараб олганда мана сени олган бўларди. Америкада Бушга энг садоқатли одамлардан бирисан.

-Сен ҳам садоқат ҳақида кўп гапирган эдинг. Ахир Буш одам сифатида ёмон инсон эмас-ку?!

-Мен Бушнинг шахсий томонлари ҳақида эмас, унинг фаолияти ҳақида ёздим деб неча марта айтишим керак!

-Шунча гапни билар экансан, Ироқ масаласида у хато қилган бўлса, нега унинг матбуот котиби сифатида уни ҳимоя қилдинг ва нега ўша пайтда айтмадинг?

-Касб ахлоқи деган нарсаси бор. Қолаверса, кўп нарсани аста-секин тушундим ва аста-секин ўргандим. Мен ўша пайтда маош олиб вазифа бажардим. Аммо бир кун бажара олмаслик даражасига келдим ва кетдим. Кейин ҳам бу юкни елкамда кўтариб юра олмадим ва Америкага айтишга қарор қилдим.

-Йўқ, сени ноширларинг йўлдан урган. “Агар Бушни ёмонласанг бу китоб кўп сотилади ва сен кўп пул қиласан” дейишган. Китобингни нашр этганлар Бушнинг душмани бўлган Жорж Соросга яқин одамлардир.

-Наҳотки билмасанг? Ахир Бушни мақтаб ёзилган бир неча китобни ҳам шулар нашр этишган...

Хуллас, тулки ютқиза бошлаган бу тортишув қирқ дақиқа давом этганини ҳам билмай қолибман.

Гап қандай китоб борасида деб сўрашингиз табиий. Бу Америка президент Бушнинг собиқ матбуот котиби Скотт Маклелланнинг “Нима бўлганди. Бушнинг Оқ уйидаги ҳаёти ва Вашингтондаги алдов маданияти” деб номланган китоби ҳақида.

Қирқ ёшли муаллиф ҳақида гапириб, юқоридаги каби уни “хоин” деган тулкилар бор. Аммо у президент Буш вазифадан кетгандан кейин эмас, балки ҳали мансабда эканида ёзгани уни хоинликда айблаганларнинг ҳандалаги сапча эканини кўрсатади.

Чунки мансабдаги президент ҳақида алдовлар билан мақтаб китоб ёзиш халққа нисбатан хоинликдир! Унинг кирдикорлари ҳақида у ҳали мансабда бўлганида китоб ёзиш эса қаҳрамонлик!

XXX

Оқ уйда ҳамма президентларнинг суратлари осиб қўйилган. Ҳаммаси ҳар турли. Ораларидан фақат баъзиларининг номлари жуда машҳур ва баъзиларининг номларини эса биров билмайди ҳам. Кимдир фавқулодда хизматлари билан тарихда қолган бўлса, кимдир мураккаб шароитлардаги мураккаб фаолияти тўфайли тилга тушган.

Бизнинг авлод энг кўп эшитган ном-Кеннеди. 1963 йилнинг 22 ноябрида Техасда суиқасд қурбони бўлган АҚШнинг 35-президенти Жон Кеннеди ҳақида жуда кўп ёзилган ва жуда кўп гапирилган. Сабаби у америкаликлар севган президентлардан бири ва ҳалига қадар ўлими ортидаги сирлар очилган эмас. Қамалганлар бор, тахминлар бор, ҳужжатлар тиқилиб кетган, ўнлаб филмлар қилинган ва юзлаб китоблар ёзилган – лекин ҳақиқат очилмаган.

Қолаверса, Жон Кеннеди Куба буюғи боис Совет Иттифоқи билан АҚШ ядровий урушга киришига саноқли дақиқалар қолганда бунинг олдини олган президент сифатида ҳам машҳур.

Кеннеди Америка католикларидан чиққан биринчи президент. Унинг ирланд авлодлари учун Америкада оёққа туриш осон бўлмаган. Ирландлар ички курашлар гирдобидан чиқиб, бугун Американинг катта кучига айланишган. Биргина Кеннедилар оиласининг ўзини Американинг тўртта устунидан бири деса муболаға бўлмайди.

Акасининг ҳукуматида Бош прокурор, кейин сенатор бўлган Роберт Кеннеди бундан 40 йил олдин Жон Кеннедининг изидан бориб, Демократик партиянинг президентликка номзоди сифатида курашга кирган.

Аммо сайловнинг энг қизғин палласида-1968 йилнинг 5-июн куни Лос Анжелесда суиқасд қурбони бўлган. Фаластинлик Сиран деган шахс қотилликда айбланган. Лекин бу воқеа ортидаги сир ҳам ҳалига қадар баҳсларга боис. Роберт ёшлигидан Исроил тарафдори бўлиб танилгани учун бир фаластинликдан фойдаланилган деган шубҳалар ҳам бор.

Умуман Кеннедилар оиласида жуда кўп фожеали воқеалар юз берган. Вертолет ҳалокатлари ва авариялар уларнинг танилган шахсларини олиб кетаверган.

Кейинги йилларда бу оиланинг энг танилган шахси Эдвард Кеннеди эди. У ҳам бир неча марта ҳалокатга учраган ва ўлимдан қутулиб қолиб, ногирон бўлишига қарамай қирқ йилдан кўп сенаторлик қилган.

АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилишда етакчи рол ўйнаган бу сенатор кейинги пайтда рақ касалига қарши катта кампания бошлатган эди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, унинг ўзи рақига билан оламдан ўтди.

Бу оила мансублари ҳар икки партиянинг ҳам “танкларига” айланган.

XXX

Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас, деган гап бор. Албатта бу бўрттирилган ибора. Лекин Жон Маккейн (John McCain) учун эмас. Ёши етмишдан ошганига қарамай қайта-қайта президентлик учун сайловга кирган бу сенатор барибир Бош қўмондон бўлолмади.

У асли ҳарбий учувчи бўлган. Вьетнам уруши пайтида энг жанговар ҳужумчилардан бири бўлганига қарамай учқичи уриб туширилган ва оғир ярадор ҳолида асирга олинган.

Олти йил Вьетнам қамоқхоналарида чекмаган азоби қолмаган, қийноқ ва таҳқирлашнинг ҳамма турини кўрган. Ундан пропаганда учун ҳам фойдаланишган ва ўз мамлакатини қоралган баёнотларга имзо оттиришган.

Бу ҳақда гапирганда Маккейн: “Ҳар инсоннинг синиш нуқтаси бўлади ва меники ҳам бўлган” дейди.

У урушнинг бутун даҳшатларини кўрган ва оқибатлари нималарга олиб келишининг ҳам идрокида.

Зотан 2008 йилги сайлов жараёнида унинг ўзи қатнашган теле-рекламада “Мен олти йил уруш асири бўлганман, уруш нималигини биламан ва урушга қаршиман” деган гаплари ўрин олган.

Тақдир тақозоси билан бир неча марта бу сенатор билан юзма-юз келдим. Ҳар сафарги учрашувдан кейин кўнглимдан кечгани – бу одамнинг фитрати ҳарбийлигича қолган ва сенаторлик даврида ҳам ўзгармаган, деган ўй бўлган.

Оқ уй тарихини ўрганганлар яхши билишади, бу жойни эгаллаш учун сайловга кирган ғурурли сиёсатчилар ютқиздиларми четга чиқишган ва майдонни бошқаларга бўшатиб беришган.

Маккейн 2000 йили Бушга рақиб бўлганди. Рақобат жуда кучли эди ва Буш унинг ҳарбий тарихини савол остига қўйишгача етиб борганди. У ҳам Бушни ҳарбий учувчиликда лаёқатсиз бўлган дея камситганди.

Оз қолсин улар бир-бирларини кўрганда ёқа йиртадиган даражага келиб қолгандилар ва Буш сайловда ютиши билан у орқага чекинди. Чекиндигина эмас, залворли сенатор сифатида Бушнинг энг яқин мададкорига айланди.

Кечаги икки рақибнинг яқинлиги шу даражага етиб бордики, 2004 йилги сайловда ҳам у Бушни қўллади. Яъни Бош қўмондоннинг садоқатли капитани вазифасини бажарди.

Бушнинг муддати битаркан у яна сайловга кирди.

Ана шундай сиёсат майдонида оғир тўпга айланган одамни 2005 йил Тошкентда ҳеч ким қабул қилмай, шармандали тарзда чиқариб юборишганди. Бу унга жуда алам қилган ва буни Ўзбекистон бўйича берган баёнотларида ҳам кўриш мумкин.

Агар у сайланганда Америка тарихида Ўзбекистоннинг ички вазиятини бевосита биладиган ва Тошкентда қабул қилинмасдан таҳқирланган ҳамда бу режимнинг кетишини бевосита истаган илк президент бўларди.

2006 йилда Андижон воқеаларининг бир йиллиги муносабати билан ўтган анжуманда: “Бир йил олдин биз Ўзбекистонга борганимизда Ўзбекистонда мустақил ахборот воситалари ёки муҳолиф партиялар йўқ эди. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият аянчли ва сиёсий ҳуқуқлар қандайлиги деярли номаълум эди. Ҳукумат исломий терроризмга қарши кураш баҳонасида кўпинча ўзига қарши бўлганларни таъқиб қилар эди. Баъзан улар қўлга олиниб, қийноққа солинар эди. Орадан бир йил вақт ўтди. Вазият янада ёмонлашди” деган Маккейн ғаззаб билан:

“Тошкент расмийларининг хатти-ҳаракати бизнинг хавфсизлик манфаатларимизга зиддир. Улар хорижда эркинлик ва демократияни рағбатлантириш йўлидаги уринишимизни синовга тутмоқда” деди.

Тошкентдан қайтгач, беш конгрессмен АҚШ Давлат департаменти ҳамда Мудофаа вазирлигига мактуб йўллаб, АҚШ Ўзбекистон билан алоқаларни қайта кўриб чиқиши керак, деган талабни кўйишди ва мактубда биринчи бўлиб Маккейннинг имзоси турганди.

Лекин Америкада ва умуман хорижда яшаган антикаримовчиларнинг аксарияти уни қўлламадилар, балки Барак Обама учун “ура-ура” қилдилар.

XXX

2008 йилнинг 4 март куни АҚШ президенти Жорж Буш (George Bush) ва вице-президент Дик Чейни(Dick Cheney)ни “Конституцияга қарши жиноят қилганликлари” учун қамоққа олиш борасида Вермонт штатининг икки шаҳарчаси – Браттлборо и Малборода сайлов ўтказилганди.

Вермонт ўзининг либераллиги билан машҳур. Илгари бу ердаги маҳаллий парламент Ироқдаги урушни тўхтатиш ва Буш ҳамда Чейнега ишончсизлик (импечмент) эълон қилиш ҳақида қарор олганди. Бундай ҳол бошқа шаҳарларда ҳам учрайди ва бу оддий халқнинг ўз фикрини эркин ифодалашига бир мисол.

Вермонтдаги воқеага Оқ ўй ҳеч қандай муносабат билдирган эмас. Чунки Оқ ўйдагилар билишадикки, фақат АҚШ конгрессидаги ишончсизлик уларнинг курсиларини қимирлатиши мумкин, холос.

Аммо АҚШ Конгрессида ҳам бир неча йилдирки, бу масала кун тартибига келади ва қўлловчилар оз бўлгани учун унутилиб кетади. Масалан, конгрессмен Деннис Кусинич Дик Чейнига ишончсизлик билдириш масаласини икки марта кун тартибига олиб чиқди, аммо дастак топмади. Кимлардир бундай ҳол АҚШнинг обрўйига путур етказди дейишади. Менга қолса, бу АҚШ демократиясининг ютуқларидан биридир деган бўлар эдим.

Бундай демократик жараён 1797 йилда Теннеси сенатори Уилям Блант(William Blount)ни қизил танлиларни алдаб, Англияга жосуслик қилди деган айб билан импеч қилишдан бошланган. 1868 йилда Президент Эндрю Жонсон (Andrew Johnson) ва 1999 йилда Бил Клинтон (Bil Clinton)га ишончсизлик билдирилганини эса кўпчилик яхши билади.

Бундан бир неча кун олдин эса, ўша оҳаёлик конгрессмен Кусинич президент Бушга ишончсизлик билдириш ҳақида Конгресга резолюция киритди. Президент Буш ва унинг маъмурияти Ироқ масаласида Сенатни алдади ва мутлоқ асоссиз урушни бошлатди деган иддаода конгрессмен. Унинг Дик Чейни ҳақидаги таклифи каби бу ҳам бир четда қолиши мумкин. Гап бунда эмас. Гап одамларнинг ҳуқуқлари кафолатланганидир.

Қолаверса, Оқ уйга келадиган раҳбарларнинг ҳам зеҳниятида бунга тайёрлик борлиги диққатга сазор.

Қани Ўзбекистонда бирор депутат бу масалани кўтарсин-чи? Ёки бир шаҳар кенгаши шундай қарор олсин-чи?

Демак, Америкадан ва америкаликлардан ўрганадиган кўп нарса бор.

XXX

Президент Буш ва хотини, собиқ президент Билл Клинтон ва умр йўлдоши, Оқ уйни эгаллашга даъвогарлар – Барак Обама ва Жон Маккейн, демократлару республикачилар, мустақиллару яшиллар, хуллас ҳамма сиёсатчиларни битта воқеа бирданига бирлаштирди.

Бир-бирига душман кўзи билан қарайдиган телевидение каналлари ва радиолар ҳам бирданига дастурларини бекор қилиб, битта воқеа ҳақида гапира бошладилар. Рақобатдош газеталардан тортиб, уларнинг интернет сайтларига қадар ҳаммасида шу воқеа асосий ўринни эгаллади.

Шу куни Эн-Би-Си(NBC) телевидениесининг жасоратли шарҳловчиси, таниқли журналист Тим Рассерт (Tim Russert) 58 ёшида тўсатдан вафот этиб қолганди.

Тим Рассертнинг ҳафта сўнгида эфирга узатиладиган “Танишинг, Матбуот” (Meet the Press) деган дастурини кўрардим ва Тим Рассерт мен энг қойил қоладиган, энг ҳурмат қиладиган журналист эди. У ўзи ишлайдиган телекомпаниянинг сиёсатидан юқори тура оладиган, унча-бунча қарашга тобе бўлмайдиган шахс эди.

Уни жонсиз рақамларни тилга киритадиган, рақамлар жозибасини кашф қилган журналист деб билардим. Ҳеч ким рақамларни унинг каби маъноли тарзда таҳлил қила олмасди. У рақамларнинг “юрагини” кўра биладиган қобилиятга соҳиб эди.

Тим Рассерт ким билан мулоқот қилишни билар, уни салмоқли саволлар билан тентиратиб қўйишга йўл топа олар, ҳар қандай сиёсатчининг кимлигини бир нечта савол билан очабилар қобилиятга эга, жуда ақлли журналист эди.

Унинг тўсатан ўлиб қолганига асли ишона олмасдим, жуда хафа бўлдим. Худди Америка ҳувиллаб қолгандек туюлди.

Бир оздан кейин англадимки, фақат камина эмас, бутун Америка хафа экан. Бу энди мени ҳайратга солди.

Чунки унинг президент Буш билан суҳбати кўз олдимда. У Бушни жуда қийин аҳволга туширганди. Саволлар қаршисида қизариб-бўзариб кетган Буш дастур охирида “уф” деб юборганди.

Унинг Давлат котиби Колин Павелни камера қаршисидан қочиб кетишга олиб келган кучли саволларини ҳам унутганим йўқ.

Оқ уйнинг собиқ маликаси Ҳиллари Клинтоннинг кўзига қараб: “Сиз учун сайлов битди, нега бунча ҳам ўзингизни, ҳам бизни, ҳам Американи овора қилмоқдасиз?” деганига ҳам ҳали кўп бўлган эмас.

У Оқ уйнинг жуда кўп одамларини суҳбатга тортган ва ҳатто Оқ уйдан махфий маълумотлар сизгани ҳақида махсус суд бўлганда ҳам унинг кўрсатмаси ҳал қилувчи қарор ҳисобланиб, вице президент Дик Чейнининг ўринбосари жинойтга тортилганди ва ҳоказо.

Ана шунга қарамай у қора терга ботирган сиёсатчилар кўзда ёш билан уни хотирлаб, ҳамдардлик билдираётган эдилар.

Табиийки журналистлар уларга Тим Рассерт қаршисида қийин аҳволга тушганларини, сирлари очилиб қолгани ва ҳатто у билан суҳбат туфайли сиёсий мағлубиятга юз тутганларини эслатишарди. Уларнинг ҳаммаси “Тим жуда ақли журналист эди ва бизга савол бериши унинг иш вазифасига кирарди, у вазифасини ҳалол бажарарди, бу унинг Америкага хизмати эди, бу унинг бизга ҳам хизмати эди, чунки биз бир куни унинг қаршисига чиқиб қолишдан чўчиб хато қилмасликка ўринардик”, дейишарди.

Ўзбек журналистикасида Тим Рассертлар борми? Бу орзу. Фалакнинг гардиши билан битта-иккитаси кўришиб қолса, бирор амалдорнинг камчилигини очса, бу одамни ғаламис, ифвогар, тош отувчи ва ҳоказога чиқаришади. Кейин қувғин қилишади, қамашади, йўқотишади...

Журналистнинг қадри бўлмаган жамиятда журналист қолмайди. Журналист қолмаган жамиятда эса ҳақиқат қолмайди.

XXX

Қандай нашр бўлмасин, Оқ уйда ўз муҳбирини сақлаши мумкин ёки бу ердаги ҳар қандай анжуманга истаган одамни юбора оларди. Аммо 2001 йилнинг сентябридаги террор ҳужуми дунёнинг аравагини бошқа йўлга солгани каби бу масалада ҳам ўзгариш қилди.

Энди Оқ уйга кирадиган муҳбирлар махсус текширувдан ва рўйхатдан ўтадиган бўлишди. Лекин шунга қарамай Оқ уй изн берган муҳбирлар салмоқ ва сифат жиҳати бўйича дунёдаги бирорта мамлакатнинг бошқарув идорасида йўқ.

Президент Вудро Вилсон (Woodrow Wilson) доимий матбуот конференциялари ўтказишга қизиққанидан кейин 1914 йилнинг 25 феврилида Оқ уйда қўним топган муҳбирлар ўз уюшмаларини тузадилар. Орадан ўн йил ўтиб эса улар ўзларининг йиллик анжуманларини – зиёфат кечасини ўтказишни ва унга Оқ уй ҳокимларини ҳам даъват қилишни бошлайдилар.

Бугунга келиб ана шу зиёфат кечаси аския оқшомига айланган. Ҳар йилнинг баҳорида ўтадиган бу кечада минглаб муҳбирлар ва таклиф қилинган меҳмонлар билан бирга Президент ҳам оиласи билан қатнашади. Бир қанча телеканаллар бу аския анжуманини жонли тарзда олиб кўрсатадилар.

Дастлаб Бил Клинтон қатнашган аския оқшомини кўргандим. Қараб турсам, Президент ўз камчиликлари устидан кулиб, ўзини ўзи аския қилмоқда. Яъни бугунга қадар муҳбирлар унга эслатиб, танқид қилган нуқталарини у энди ҳажв билан муҳбирларга эслатмоқда.

Муҳбирлар ҳам, томошабин ҳам қорнини ушлаб куладиган вазият.

Тасаввур қилинг, Бил Клинтон Мониканинг бир ишвасига эриб қолган Президентнинг устидан кулмоқда.

“Ҳилларига тенг келадигани йўқлигини билардинг-ку!”

Бу худди ўзбек аскияси каби коса таги ним косаси билан. Ана қийқириқ, ана кулги!

Шундан кейин ҳар йили томоша қиладиган бўлдим. Бушнинг хотини чиқиб, эрининг камчиликлари устидан кулгани, уни аския қилгани ҳам бу анаъна тарихида янги саҳифа очганди.

Буш ўзини масхара қилган умр йўлдоши ва вице-президентнинг камчиликлари устидан куларкан, сайлов кампаниясини ҳам четда қолдирмади.

Барак Обама эса аскиячиларнинг “учига чиққани”.

Энди тасаввур қилинг, ўзбек Президенти халқнинг олдида минбарга чиқиб, ўзининг пўстагини қоқди – “Жинни бўлибди” деймиз. Кейин қизиқчи чиқиб, Президентни “қизартириб-бўзартиб” юборди. “Жонидан тўйибди” деймиз ва хато қилмаган бўламиз.

XXX

Оқ уй тарихан Туркистон (Ўрта Осиё – Марказий Осиё) билан жиддий қизиқмаган. Баъзи сиёсатчилар бунга Буюк Британиянинг Жанубий Осиёдан мағлубона қайтиш тарихи сабаб десалар, баъзилар ҳатто гапни Искандарга қадар олиб бориб боғлайдилар.

Менимча, минтақа Оқ уйнинг манфаатлари доирасига тушмаган, холос. Агар тушганда эди, бирор натижага эриша олмаган Афғонистондаги каби Ўрта Осиёни ҳам назардан чета қолдирмас эди.

Оқ уйнинг манфаатлари – бу биринчи галда Америка халқининг, Америка давлатининг мафаатларидан келиб чиқади. Қандайдир шахс ёки қандайдир гуруҳларнинг манфаатлари давлат даражасига кўтарилиши Америка шароитида камдан-кам учрайдиган ҳол.

Иқтисод ва хавфсизлик стратегик манфаатлар доирасининг асосий чизиқларидир. Ички ва ташқи сиёсат ана шу доира чизиғига қадалган ўқлар ва қолган тактик манфаатлар ҳам шундан туғилади. Демократия эса бу манфаатларнинг замини. Бу замин бўлмаса балки манфаатлар ҳам бошқача бўлиши мумкин, диктатуралардаги каби.

Ўрта Осиёнинг баъзи нуқталари Оқ уйнинг манфаатлари доирасига яқинлашмоқда. Хусусан, Қозоғистон ва Туркменистон. Бу ҳам қайси бир бой ёки бойларнинг истаги билан эмас, балки Америка халқининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда.

Оқ уйда ким ишламасин, у халқ манфаатларига ҳамоҳанг ҳаракат қилишга мажбур. Албатта, халқ дейилганда мамлакатнинг бутун аҳолиси эмас, балки кўпчилик (majority) назарда тутилмоқда. Демократияларда кўпчиликнинг овози ҳал қилади.

Совет Иттифоқи даврида Оқ уйнинг асосий манфаатлари доирасида қизил чизиқ билан ажратилган масала – бу коммунизм таҳликаси масаласи бўлган. Шунинг учун ҳам СССР йиқилгандан кейин Оқ уй МДХ давлатлари билан қисман шуғуллана бошлади. Аммо Давлат котиби Жеймс Бейкер (James Baker)нинг минтақага бориб қайтиши билан Оқ уй Ўрта Осиёнинг жловини Туркияга беришга ва коммунизм ўрнига демократияни Туркия орқали олиб киришга ҳаракат қилди.

Катта оғасиз юришни эпполмайдиган бўлиб қолганларни энди турк оғага тоширсак поезд юриб кетади деб ўйлашди. Аммо Туркия бу ишни уддалай олмади. Гарчи ҳамма жиҳатдан яқин бўлишига қарамай Анқара Ўрта Осиёни тушуна билмади.

Аввалига ҳукуматларни қўллаб, туркий давлатлар бирлигини тузмоқчи бўлди. Кўрдик, коммунист раҳбарлардан иш чиқмайди. Мухолифатга қўл узатиб кўрди. Энди коммунист раҳбарларнинг жаҳли чиқди. Бошқа йўлларни синади. Масалан, Сулаймон Демирал Тошкентнинг қўлтиғига кириш учун бир неча кишининг қўлига қурол тутқазиб, Туркияда очиқ машқлардан ўтказиб, бунинг филмга тушириб, Тошкентга олиб борди ва мухолифатингиз давлат тўнтариши қилмоқчи дея дўст кўринди, вақтинча оға бўлиб юрди.

Аmmo бунақа ўйинларнинг пардасини йиртишга уста Тошкент Анқарани онасининг орқасидан тентираган бузоқ ҳолига туширди. Бугунга қадар ҳам Анқара Тошкентни тушуна олган эмас. Чунки аслида ўзи ўзини тушуна оладиган даражада эмас: ички ўйинлар гирдобиди доим.

АҚШ Марказий Осиё тақдирини Анқарага ташлаб қўйиб, катта хато қилган эди. Бу минтақа 2001 йилдан кейин манфаат доирасига яқинлашиб қолишини тахмин қилмаган-да!

Энди Оқ ўйининг бошини оғритган масала терроризм масаласидир. Бошқача айтганда, радикал исломий гуруҳларнинг таҳликали.

2001 йилдан кейин Ўзбекистон худди ана шу масалада Оқ ўй манфаатлари доирасига тушди. Оқ ўйда Ўзбекистон асосан ана шу масалада эсланади, холос. Бу борада Оқ ўйдагиларда аниқ фикр шаклланиб бўлган. Улар Ўзбекистондаги мавжуд радикал гуруҳларни уддалай оладиган демократик куч йўқ деб ҳисоблайдилар. Яъни ҳокимиятни қўлга олиб, бошқарадиган алтернатив кучлар – демократик сиёсий куч сифатида шаклланмаган.

Оқ ўй Ўзбекистон билан жиддий шуғулланиши, Ўзбекистонни биринчи галдаги масала деб билиш учун ўзининг манфаатлар доирасида ўзгариш юз бериши керак ёки Ўзбекистон фавқулодда бир йўл билан Оқ ўйнинг манфаатлар доирасига кириб қолиши лозим.

XXX

Америка ажойиб диёр. Истасам президентни мақтайман ёки танқид қиламан, истасам ҳукуматни. Агар танқидий фикрим бўлса, истасам ўзбек тилида ёзаман, истасам инглиз тилида ёзиб миллий телевидениелардан бирига электрон хат қилиб жўнатсам, шу кунгек ўқиб беришади. Ўзбекистондаги каби биров келиб таъқибга олмайди ёки нега ҳурматли юртбошини танқид қилдинг деб қувғин этмайди. Юрагингдаги гапни очиқ айтишга нима етсин!

Ана шу эркинликдан фойдаланиб янги президентимизнинг (шу мамлакатда доимий яшаганимдан кейин президентимиз дейишга ҳақлиман-ЖМ) даври хатолар билан бошланганини айтмоқчиман.

Авалло рамзий хато ҳақида. Қасамёд маросимида айтиладиган сўзлар қонуний калималарга айланган ва улардан биттаси унутилса ҳам қасам қабул бўлмайди. Барак Обама Олий Суд раиси томонидан қасам ичдирилди. Суд раиси сўзларни айтиб ва Обама такрорлаб турди. Суд раиси унутган калимани Обама ҳам унутди. Бу дарҳол кўпчиликнинг диққатини тортди ва Америка тарихида илгари ҳам икки марта шундай ҳол юз берганини эслатишди. Яъни қасам чала бўлди.

Матбуот дарҳол бу ҳақда жар солди. Йўли ҳам дарҳол топилди. Суд раиси Оқ ўйга ташриф буюриб Обамани қайтадан қасам ичдирди. Шундай қилиб, сиз кўрганингиз эмас, Оқ ўйдагиси ҳақиқий.

Энди президентнинг биринчи кундаги қилган ишларидан хато деб ҳисоблаганим ҳақида. Аввалдан айтиб қўяй, бу одим жуда кўпчиликка ёқди ва Обамани сайлов олдидан айтган сўзини бажараётганликда мақташга ҳам асос бўлди. Лекин каминага ёқмади.

Гап Обаманинг Оқ уйда ишловчи юқори лавозимли мансабдорлар маошини йилига 100 минг доллардан оширмаслик борасидаги қарори ҳақида.

1990 йилда биз Ўзбекистон Олий Кенгашининг илк сессияларида мансабдор кишиларнинг имтиёзларини чеклаш масаласини ҳар кўни муҳокама қилардик ва буни жуда муҳим деб ҳисоблардик. Лекин кейинчалик бу борада хатога йўл қўйганимизни тушунганман. Чунки мансабдор кишига ҳукуматнинг ўзи шароит қилиб бермаса, у ўзига шароит яратиш йўлига ўтади. Иш бир четда қолиб кетади.

Ҳали бундан икки йил аввал президент Бушнинг матбуот котиби Тони Снов вазифасидан истеъфо берди. У олган маоши боласини ўқитишга ва ўзини даволашга етмаётганини, шунинг учун бошқа иш қилишга қарор берганини айтди. Орадан кўп ўтмай бу 54 ёшлик журналист оғир касалликдан вафот этди.

Яқинда унинг хотини билан суҳбатни кўриб қолдим, у боласининг олийгоҳдаги ўқишини бир йилга орқага ташлаганлари ва иқтисодий йўқчилик ичида эканликларини айтди.

Кимгадир бир йил учун 100 минг долларлик маош кўп кўриниши мумкин. Лекин яхшироқ олийгоҳда бир талабанинг бир йиллик ўқиши 30-40 минг доллар эканлиги ёки Вашингтонда бир йилда ижара учун 20-30 минг доллар тўлаш зарурлигини айтишнинг ўзиёқ бундай юқори лавозимда ишлаган кишилар учун бу жуда оз маблағ эканлигини кўрсатади.

Яхши иш биладиган одамга ҳамма жойда эҳтиёж бор. Шунинг учун ҳам хусусий секторда бундайларнинг бир йиллик маошлари миллионлар билан ўлчанади. Шундай экан, агар Президент яхши маслаҳатчини истаса унга яхши ҳақ бериши ҳам керак. Акс тақдирда у вақтини Бош қўмондон ва Америка учун эмас, ўзи учун сарфлашга мажбур бўлади.

Америкада йилига 100 минг долларлик маошни орзу қилганлар жуда кўп дейишингиз мумкин. Лекин президент маслаҳатчиси даражасига етсалар бу пул жуда озлик қилади. Масалан, Америкада аксар талаблар олийгоҳни битирганда, илмий иш қилган даврда асосан қарзга яшайдилар. Кейин тўлай бошлайдилар. Бу жуда катта миқдордаги пул бўлади.

Қолаверса, оддий одамда танлов жуда катта. Бу дўкондаги нарса ёқмаса, вақтини сарфлаб арзонроғини топади. Президент маслаҳатчиси навбатларда турса, дўконма дўкон югуриб юрса, у ёқдан-бу ёқдан пул топиш билан овора бўлса охири нима бўлади? Охири-порахўрлик. Охири-ишларнинг ўлда жўлдалиги.

Совет даврида партия идораларида ишлаганларнинг маоши хўжалик идораларидагидан оз бўларди. Аммо улар бошқалардан бой эдилар. Чунки улар партия учун, халқ учун эмас, ўзлари учун яшашга тиришардилар.

Шу жиҳатдан Обаманинг бу ҳаракати Совет даврини эслатди. Бу ҳаммага социалистик тенг қарашдир. Ҳукуматнинг қўйи мақомларида бир соат ишлаб, етти соатни ўзига сарфлайдиган такасалтанг ҳам йилига 100 минг доллар олса ва дунёнинг масъулиятини елкасида кўтариб, ҳаётидан кечган киши ҳам шунча пул олса? Бу жуда оддий қилиб айтганда инсофсизлик!

Обама бу ҳаракатини ахлоқий жиҳатдан ҳар қанча оқлаши ва кўпчилик буни дастаклаши мумкин. Лекин қўшилмадим. Бунинг ўрнига энг ақлли, иш биладиган кишиларни маслаҳатчиликка олиб, “сен фақат ишни ўйла, пул керак бўлса мана мен бераман, ўзингни мамлакатга бағишла” деса, балки ҳафталаб Яқин Шарқда қолиб кетадиган маслаҳатчиси оила ташвишларини эмас, дунё келажагини ўйлармиди?

Хуллас, нима бўлганда ҳам Американинг ва дунёнинг келажаги нуқтаи назаридан бу шунчаки популистик одим ва хато.

Қани эди Ўзбекистонда яшаётган бир киши ҳам президент ҳақида ана шундай очиқ ёза олса?!

Шундай кунлар келармикан? Қийинга ўхшаб кўринмоқда.

Президент бўламан деганларини танқид қилсангиз балога қоласиз-ку, ҳалики президентни!

XXX

Америкада сайлов кампанияси давомида ҳамма номзодлар “Мен президент бўламан!” дейдилар. Бу оддий ҳол. Аммо кимдир “Бу сайловда фалончи ютиб чиқади” деса, “У масхарабозликни бўйнига олибди” дейишади.

Чунки икки номзоддан биттаси ютиши аниқ ва “Фалончи президент бўлади” деганнинг гапи тўғри чиқиши учун эллик фойизлик замин бор. Масхарабозлар ҳам эллик фойизлик заминда иш кўришларини билган одамлар кимнинг президент бўлишини олдиндан башорат қилганларнинг ҳам устидан кулишади.

Зотан диктатура шароитида кимнинг президент бўлиши ҳали сайлов кампанияси бошланмасдан олдин аниқ бўлади, аммо демократияларда сўнги дақиқада ҳам ҳамма нарса ўзгариб кетиши мумкин. Демократиянинг ўзига хосликларидан бири ҳам шунда.

Айниқса, АҚШдаги каби мураккаб сайлов тизими бўлган демократик давлатда сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиб ҳам Ал Гор каби Оқ уйнинг четиди қолиб кетиш ёки Жорж Буш каби камроқ овоз билан президент бўлиш ҳоллари учрайди. Бу АҚШ учун янгилик эмас ва тарихда ҳам икки президент сайловчиларнинг эмас, балки сайловлардан кейин вужудга келадиган Вакиллар кенгашининг қарори билан Оқ уйни эгаллаган.

Сайловларда барча штатларнинг манфаатлари четда қолмаслиги назарда тутилиб, 1845 йилда Вакиллар кенгаши (Electoral college) деган тизим жорий этилган. Сайлов куни номзодларга овоз бериш билан бирга ҳар штатдан вакиллар танланади. Ана шу вакиллар ўз штатларида кимга кўп овоз берилганидан келиб чиқиб, ким президент бўлишига қарор берадилар. Албатта, тарихда ўз штатига, сайловчиларига хиёнат қилганлар ҳам яккам-дукам бўлган, аммо уларнинг сиёсий келажаги шу жойда битган. Бугунга келиб бундайлар учун махсус жазо ҳам жорий этилган.

34. СИМФОНИЯ

2003 йилнинг ёз кунлари. Конгресс билан Оқ уй орасидаги кенгликда “Регистон майдони” пайдо бўлди. Бир томонда “Шердор”, унинг қаршисида “Улуғбек” ва ўртада “Тиллакори”...

Албатта, бу Самарқанддаги Регистоннинг макети эди. Аммо баландлиги ва кенглиги ҳақиқий Регистоннинг ярмидан зиёдроқ.

Вашингтонда қўлбола ясалган “Регистон” ҳовлисида саҳна қилинган ва ўртада Жўрабек Набиев куйламоқда. “Фарғона тонг отгунча”ни тинглаб бўлишимиз билан созандалардан бири ўрнидан туриб:

-Ассалому алайкум Жаҳонгир ака,-деб олдимга келди.-Худонинг қудратидан айланай, сизни қандай топаман деб ўйлаб тургандим, ўзингиз келиб қолдингиз.

Танимадим. Буни ўзи ҳам сезди, шекилли:

-Соат Мусаев тоғам бўладилар, сизга салом айтиб юбордилар ва “ИАК” деган китобингиздан бир нусха истадилар. Элбек тоғамни ҳам танийсиз?

-Албатта, у киши билан бирга ишлаганмиз...

-Китобингизда тоғам ҳақларида ҳам ёзган экансиз, у киши ўқиб кўрмоқчилар.

Элбек ака инсон сифатида ажойиб одам, аммо баъзи фаолиятлари китобимда танқидга учраган. Соат ака билан эса, “Тошкент ҳақиқати” газетасида бирга ишлаганмиз. Жуда маданиятли ва ақлли журналист эди.

Хуллас, бу одам дуторчи Абдураҳим Ҳамидов экан. У АҚШнинг “Смитсонинг институти” ва халқаро Оғохон фонди биргаликда уюштирган “Ипак йўли фестивали”га келибди. Бу фестивалга шунчаки одамларни олиб келишмайди. Фавқулудда бир томони бор ва ўз соҳасининг дунёдаги билимдонлари диққатига тушган киши бўлиши керак.

Бироз гаплашиб, унинг мусиқа тарихи ва бугунги вазият ҳақидаги фикрлари соғломлиги, соҳасининг устаси эканлигини англаб оласиз.

Ўша кун кечқурун афғонистонлик ўзбеклардан бири меҳмонга чақирди. Борсак, Жўрабек Набиев ва Абдураҳим Ҳамидовни ҳам даъват этган экан. Бир неча соат суҳбат, мусиқа ва қўшиқ тинмади. Тошкентга кўчиб ўтган Жўрабек Набиевнинг ҳам дардлари дилига сиғмай турган экан. Унинг Ўзбекистон ва Тожикистон орасида сунъий равишда пайдо қилинган душманлик ҳақидаги фикрлари, айниқса, кишини ўйлантириб қўярди.

Эртасига уларнинг иккаласини “Америка овози”га даъват этиб, суҳбатлар ёзиб олдим. Кечқурун эса, меҳмондорчиликни бизнинг ўйимизда давом эттирдик. Ана шу қисқа вақтда амин бўлдимки, Абдураҳим Ҳамидов сиёсий қарашлари ўзгачалигидан ташқари фавқулудда таланти дуторчи экан.

У дуторнинг торларини шундай йиғлатадики, кўзингиз ёшларга ҳокимлик қилолмай қолади. Ўзбекистондан чиқиб кетганида беш ёшда бўлган эгиз фарзандларим ҳам бу одамнинг икки симдан симфония яратишини кўриб, анча вақт ҳаяжонланиб, фахрланиб юришди.

Бундай пайтда ўзбекдан шундай истеъдодли мусиқачилар чиққанига қувониб кетасиз.

Абдураҳим ака Тошкент Косерваториясида дарс бераётгани учун ҳам у билан бугунги санъат ва унинг муаммолари ҳақида истаган қадар гаплашиш мумкин эди.

Унга озгина ҳадя олгандик, кетар пайти қўлига берар эканман:

-Ака, ҳақиқий санъаткор хор бўлди. Биз ҳадя ҳам олиб келолмадик,-деди у.

-Сизнинг мусиқангиз буюк ҳадя, уни тингламоқ, ундан ҳузурланмоқнинг баҳоси борми? Сиз фарзандларимиз дилига мусиқани бир умрга муҳрадингиз,-дедим.

Ана шундай гаплар билан ўзбекчасига бир-биримизни овутиб хайрлашдик. Орадан икки йил ўтиб, бир кун телефоним жиринглаб қолди:

-Мен Абдураҳимман...

Бориб, уни уйга бошлаб келдим. У каминага деб тўн олиб келган экан. Тўн учун қуллуқ қилдим. Кетар чоғи у олти ойга виза олиб келгани ва ёш йигитлар билан бирга туриб қурилиш, ошхоналарда хизматкорлик қилиш ниятини айтди.

Унга вақтинчалик виза билан келиб, ноқонуний ишлар қилиш хавфи эканлигини тушунтирган бўлдим.

Қолаверса, унинг бармоқлари бетон қўпориш эмас, танбур чертиши лозимлиги ҳақида гаплашдик. У шароит қийинлигидан сўз очди. Санъаткор хор бўлганини айтди. Меҳмон қилиб, кузатиб қолдик. Кейинги йил эшитсам у яна келган ва Вашингтон, Балтимор, Нью Йорк орасида юрган экан. Қидириб тополмадим.

2006 йилнинг Май ойи. Телефонимга “Бу қамоқдан, қабул қиласизми? деган овоз келди.

Олсам, Абдураҳим ака:

-Мен яна Америкага келгандим, бу сафар ҳукуматдагилар билан келишмай қолдик. Уларга қарши бир-икки қаттиқроқ гаплар айтгандим, қувғинга олишди, қочиб келдим, лекин аэропортда ушлашди ва депортация қиладиган жойга олиб келди. Агар жўнатиб юборса, Ўзбекистонда қамаб қўяди, саломатлигим яхши эмас, биласизку?-деди.

Ҳақиқатдан ҳам охири кўрганимда у шимининг белини икки марта қатлаб олганди.

-Қисқа вақтда 20 килограммга озиб кетдим, қандим борга ўхшайди,-деди.

Адвокат топиб, ҳукумат идораларига боғландик ва депортацияни тўхтатдик. Ҳукуматга кафолат хати ёзиб бердим. У қамоқдан чиқди. Телефонлашдик. Кейин ишини суд кўрди. Бошқалардан ҳам хатлар олибди. Бошпана беришди.

Кутилмаганда Абдураҳим ака б1 ёшида оламдан ўтди. Жуда хафа бўлдим. Ўзбекнинг бир истеъдодли фарзанди энди яхши кунларга етаман деганда оламини тарк этди.

35. СОҒИНЧ

Бир кун бошқа бир мамлакатда истиқомат қиладиган дўстим меҳмонга келди. У билан бир неча кун дардлашдик. Меҳмондорчилик ҳам қарий бошлади. Кетар чоғи унга:

-Сизни ўзбеклар очган ва менга ёққан бир “Чойхона”-ресторанга олиб бормоқчиман,-дедим.

Меҳмон нима десин? “Уйимда еганим ўзбек таомлари, сизнинг уйингизда ҳам айниси, яна мени ўзбек ресторанига олиб борасизми?” десинми? Бундай пайтда бир нима дейиш мушкул, мезбоннинг кўнглига қаралади. У индамай рози бўлди.

Йўлга тушдик. Кошки яқин бўлса? Йўл юрсак ҳам мўл юриб, бир неча соат деганда бошқа бир шаҳарга етиб келдик.

Битта бурчақда кичкинагина бинонинг пештоқига “Чойхона” деб ёзилган. Меҳмон ҳайрон эди. Наҳотки, шунча йўлни шунинг учун босиб ўтдик? Лекин ҳазил-ҳузул билан гапнинг учини чиқарса ҳам менинг дилимни оғритмаслик учунми тилини тишларди. Чойхона кичкина бўлсада виж-виж одам. Овқат буюриш навбати келганда маълум бўлдики, биз анча кеч қолибмиз ва ресторанда қозоннинг таги кўрина бошлаган экан.

-Ўзбекча сомса...

-Ҳозир... бир зум... сўраб кўрайчи...

Бу “тамом бўлибди” дейишдан олдин ишлатиладиган ибора. Орадан бир зум ўтмай бу ибора ишлатилди ҳам.

Хуллас, зиёфат бир икки сих шашликдан нарига ўтмади. Ярим тунда йўлга чиқдик. Уйга етиб келганимизда тун тунаб қолганди, биз ҳам ухлашга қарор бердик.

Балки меҳмон нимага бунча йўлга бориб-келганимизнинг жумбоғини ечолмай ухлаб қолгандир?

Мен эса Америкадай олис бир ўлкада “Чойхона” деган сўз балки ўлаётган соғинчни тирилтирармикан, деб борганимизни англата олмаганимни ўйлайвериб ухлай олмадим.

Дарвоқе, соғинч ҳам ўладими?

Ҳа, ўлар экан. Мен бунга биздан олдин хорижга чиққанлардан эшитиб, ажабланардим. Энди ўзим ҳам сезаяпман. Ўзбекистонни тарк этганимга 20 йилан ошди. Йиллар кемирувчи... Бугун гапларимга ажабланганлар бир кун келиб Ўзбекистонни соғинмай қолаяпман, дея ташвишга тушишлари мумкин...

Дўстларни соғинардим олдин. Ҳозир дўстлар ҳам, қариндошлар ҳам шу ерда ёки келиб-кетишмоқда.

Сухбатларни, баҳсларни соғинардим. Ҳар бир кун сухбатлардан, ҳар бир кун баҳслардан иборат бўлиб қолди.

Баъзан замонавий ўзбек филмларига назар ташлайман. Жуда примитив. Бир аср ортда қолиб кетган каби. Сунъий ва кулгили. Ҳаёт бошқа, филм бошқа. Гаплар ҳам, ижро ҳам кулгили туюлади.

Ўзбекча китоблар, газеталар, ТВ, радио... Ўзбекистонники Совет давридагидан ҳам хароб. Бу ердаги ташкил этилган ТВ, Радио кабисини у ерда тополмайсиз.

Тўйларни соғинардим... Нью Йоркда ўзбеклар шунчалик кўпайдики, ўзбек тили Бруклин ва Кувинсда рус тилидан кейин иккинчи “давлат тили”га айланиб қолай деди. Ҳафтада бўлмасада ойда икки марта тўй бор...

Бу ерда тўйхоналардан қабристонларча пайдо бўлиб бўлди...

Дунё кезаверсангиз, Ўзбекистондаги биоларнинг дилингизга кўмилган салобатини ҳам йўқотар экансиз...

Йиллар ўтгани сайин бу туйғунинг ҳукмронлиги кучаймоқда. Бу мени қўрқувга солмоқда. Ўзбекистонга бориб яшай олмай, қайтиб келаётганларни кўраяпман... Бу яна ҳам аянчли.

Келган одамнинг кетгиси йўқ. Раҳматли амакимнинг 70 ёшли қизи Хосият опам “гринкард” ютиб, бу ерда яшаётган ўғлини кига бир ойга келиб, олти ой кетолмадилар... Ҳозир яна қайтиб келмоқчи эканлар...

Бу ерда миршаблар пора сўраб сизни таҳқирламайди... Ўзингиз қондани, қонунни бузмасангиз уларнинг сиз билан ишлари йўқ.

Бу ерда суднинг остонасида адолат истаб ойлари йилларга уламайсиз...

Гап-гаштакнинг ҳам ками йўқ. Ўзбек рестораниро дўконларининг саноғига етмай қолаяпмиз.

Ўзбекистондаги ҳар қандай таом, ҳар қандай мева-чеванинг турфасини қишин ёзин топасиз бу ерда. Ҳатто дарахтнинг устида қуриб қоладиган “Жопазак” ўригининг туршаги, Боғизоғоннинг қурилган қовуни, Тошканинг қази-қартаси, Сурхонда пишириб жўнатилган “Тандир”, Варганза анори, Боғибаланд анжири...хуллас, Ўзбекистонда нима етиштирилса, нима ишлаб чиқарилса, энг сифатлиси шу ерда...

Мен бўлсам “Чойхона” соғинчни тирилтирар деб овораю-совора бўлиб, ҳатто дўстимни ҳам у ерга олиб борибман. Аслида соғинч кушандаларидан бирини зиёрат этибмиз.

Шуларнинг ҳаммасига қарамасдан Ўзбекистонга боргим келади. Аммо йўллар берк. Ўзбекистон мени соғинмай қўйган..

Ана шу ҳақда ёзиб ўтиргандим, бир танишим сим қоқди. Қиз кўрибди. Исмини эса Соғинч деб қўйибди. Тасодифни қаранг! Бу дунёнинг сирларини тушунмай ўтиб кетамиз, шекилли?

Балки хорижда туғилган фарзандига Соғинч деб исм бераркан танишим ҳам соғинчни соғина бошладимикан ёки соғинчни унутмайин, деб биринчи фарзандига шундай ном бердимикан?

Балки соғинч сели остида қолдимиз у?

Бу саволлар хаёлимдан ғувиллаб ўтар экан унга:

-Соғинчни умри билан берган бўлсин, умри узоқ, ризқи фароқ бўлсин,-дедим.

36. КИТОБ

Дан Брауннинг “Йўқолган символ” деган китобини варақладим. Жуда қизиқ ёзилган ва унинг олдинги асарлари каби бу ҳам баҳс-мунозаралар уйғотди. Фақат сирли масонларгина эмас, ҳатто ҳукумат ҳам бу мунозара ичида. Жумладан, биринчи бўлиб, АҚШ Марказий Разведка бошқармаси баҳсга қўшилди, лекин китобдаги фактларни рад этмади.

Зотан китоб шу идорнинг асрори билан бошланади:

“1991йилда бир ҳужжат МРБ сейфига қулфланди. Ҳужжат ҳали ҳам ўша ерда. Унинг сирли матнида номаълум ер ости жойи ҳақида гап боради. Ҳужжатда жумладан, шундай ибора бор: Бу нарса ўша орада кўмилган...” .

Бу сатрларни автограф ўрнида берган муаллиф ўқувчини бир зумда китобнинг ичига бошлаб кетади.

АҚШда ҳар кимнинг ўзи бориб турадиган ёки ўзи аъзо бўлган дўкони бўлади. Биз Костко (Costco) деган дўконга аъзомиз. Ҳамма нарсани шу дўкондан оламиз. Кийим кечакдан озиқ-овқатга қадар. Машинанинг бензинидан балонларигача. Уйнинг тоmidан гаражнинг эшигигача... хуллас нима истасангиз бор. Ҳам сифатли, ҳам нархи ёмон эмас. Фақат аъзолик бадали тўлаб турасиз. У қадар кўп эмас. Уни ҳам харид миқдорига қараб қайтиб беради. “Йўқолган символ” китобини ҳам шу дўкондан олдим. Олдим у ўша жойнинг ўзида ўқишга бошладим.

Китобдан бошимни кўтарганимда Аҳмаджон Мухторов ёдимга тушди. У киши Самарқанд вилоят газетасининг муҳаррири эди.

Бу улуғ зот ҳақида журналист Абулфайз Баротов ва ёзувчи Абулқосим Мамарасулов жуда кўп нарсаларни ёзгандилар.

Аҳмаджон ака кунига 16-17 соат мақола ёзарди ва таҳрир қиларди, кейин қайта-қайта ўқиб ҳам берарди. Ана шу ишнинг орасида тинмай китоб ҳам ўқирди. Ҳатто ярим тунда уйига қайтаётганда ёки саҳарлаб ишга келаётганда ҳам машинада қўлида китоб бўларди.

Бир куни хонасига кирсам, одатдагидек китоб ўқимоқда. Китобни маълум бир жойга етказишини кутмоқчи эдим. У киши ўқиётган саҳифасида битта бармоғини сақлаб, китобни ёпган бўлдида, менга қаради ва:

-Ватанабени ўқиганмисиз?-деди.

-Йўқ,-деб жавоб қилдим.

-Унда ҳозир қайси китобни ўқияпсиз?

Шу яқинда Анато́л Франснинг “Пингвинлар ороли” китобини ўқиб битирганимни айтдим.

-Ким дедингиз?

-Жак Анато́л Франсуа Тибо...

-Бу ана у Горкийнинг танқидига учраган ёзувчи эмасми?

-Ўша!

-Китоб нима ҳақида?

-Буржуа инқилоблари ҳақида сатирик тилда ёзилган асар. Дунёга фалсафий назар билан қарашни ўргатадиган китоб...

Эртасига эрталаб Аҳмаджон ака хонамга кириб келди ва қўлидаги китобни столим устига қўйди:

-Мен битирдим. Навбат сизга.

Китоб япон ёзувчиси Ватанабенинг “Иссиқ ёмғир” деган асари.

Раҳмат айтдим.

Кейинги кун Аҳмаджон ака яна хонамга кириб келди:

-Ватанабени тугатдингизми?

-Эллик саҳифасини битирдим.

-Бунақасига кетмайди. Китобни бугун қайтаришингиз керак эди. Бўпти, эртага оларман,-деб чиқиб кетди.

Эртасига у киши кириб келганда китобни ўқиб битирганимни айтиб, қайтиб бердим. У киши эса:

-Буни ўқиб чиқдим. Кучли китоб экан,-деди Анатол Франсинг китобини кўрсатиб.-Энди Банопартнинг пўстагини қоққан китобини ҳам ўқимоқчиман...

Қани эди раҳматли “Йўқолган символ”ни ҳам ўқишга қадар етганда...

37. ҚИРОЛ

1982 йилда танқидий мақолларим, фелъетонларим СССР Журналистлар уюшмасининг мукофотини олди. Ғолибларни Европа сафарига йўллашди. Бир ой давомида Полша, Чехославакия, Можаристон, Олмонияни кездик. Олмониянинг Веймар шаҳрида Бухенвалд концлагерига бордик. Ҳитлер бу ерда қарийб олтмиш минг одамни сақлаган экан. Ўша кунлардан икки “нуқта” ёдимда қолган.

Биринчиси, Ҳитлер концлагерларда Б-52 газини қўлланиб, одамларни ўлдирганини айтишганди. Ўша пайтда Ўзбекистонда айни газ ғўзанинг баргини тушириши учун дефолиант сифатида осмондан сепиларди. Бу пайтда касалахоналар сариқ касалидан азият чеканлар билан тўлиб кетарди.

Камина кейинчалик депутат бўлиб сайланган Жомбой туманида оналарнинг 52 фойизи шу касалликка учраганди. Сайлов арафсида масалани Москвага қадар олиб чиққандик. Марказий телевидениеда менинг ҳам иштирокимда махсус кўрсатув берилганди. СССР халқ депутатларининг дастаги билангина бу газни қишлоқ хўжалигида қўлланиш таъқиқланганди.

Лекин “мустақиллик шарофати” – таъқиқ ўз кучини йўқотган ва кейинчалик яна қўлланила бошлабди.

Ёдимда қолган иккинчи “нуқта” шуки, Бухенвалд 1958 йилда музей ҳолига келтирилганда бир кекса одам келиб, 20 йил давомида ҳар кунги сайёҳларга “Ҳитлер қийноқлар қироли, у менинг ўғлимни ҳам қийнаб ўлдирган” дер экан.

Унга музейдан маош тайинласалар олмас, аммо ҳар куни меҳмонларга Ҳитлер ҳақида гапиришни ҳам қанда қилмас экан.

Шу одам Бухенвалднинг темир дарвозаси ёнида ўлиб қолган экан.

Мазкур воқеани ўйларканман, Ҳитлер-инсофсиз, Каримов эса Ҳитлердан ҳам инсофсиз, деган фикр хаёлимдан ўтади. Чунки Ҳитлер ўша одамнинг ўғлини қийнаб ўлдириб, ўзига тегмаган. Каримов эса, нафақат боласини, балки отасини ҳам, онасини ҳам қийноққа солмоқда.

“Ҳе, бунча Каримов, Каримов дейсиз, унда нима айб? Унинг шахсан ўзи мана бундай қилиб қийнайсан, деб ўргатмайди-ку?” дегувчи ҳам топилади. Подшолар “мана бундай қиласан” деб айтмайдилар. Ишора қиладилар. Аммо Каримов айтади.

Эсингиздами, у телевидение орқали “Ота-оналар қаёққа қарамоқда, бундан кейин боласи жиноят қилган ота-онадан ҳам сўраймиз” деди. Шундан кейин бир айбни кимнингдир елкасига илиш керак

бўлса, унинг кўз олдида отасини қийнаш ёки онасини зўрлаш учун камерага олиб кириш одат бўлди. Агар энди ҳам боғланиш топа оламасаниз, у ҳолда ҳолимизга вой!

Ироқда Аби Ғрейиб (аслида балки Ғаройиб бўлса керак-ЖМ) қамоқхонасида америкалик бир аёл аскар эркак маҳбусларнинг устидан “кулгани”, уларни қийнагани бутун дунёнинг диққатидан тушмади. Аёл аскарни қамашди. Лекин бугунга қадар ҳамма демократик давлатларда шу ҳақда эсланади. Муслмон давлатларининг матбуоти эса ҳар куни бу ҳақда ёзадилар, раҳбарлари бу ҳақда тинмай гапирадилар, муллалари маърузани шундай бошлайдилар.

Лекин Ўзбекистонда эркак миршаблар аёл маҳбусларни исканжага солишлари, иззат-нафсларини, номусларини топташлари далиллар билан ўртага қўйилса ҳам бировнинг иши йўқ. Ҳатто унча-бунчага овозини чиқармайдиган БМТнинг вакили бориб, бу мамлакат сурункали қийноқлар ўлкаси экан, деб қайтса ҳам биров пинагини бузмайди.

2006 йилнинг 3 сентябрида АҚШнинг “Вашингтон пост” (The Washington post) газетасида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Kreg Murrey (Craig Murray)нинг каттагина мақоласи чиқди. У Ўзбекистонда маҳбусларни қандай қийнашлари ҳақида ёзганди. Шунда Ўзбекистон билан яқиндан қизиқадиган америкалик бир кекса одам:

-Бу сайлов олди ўйини,-деди,- ҳозир бутун муслмон матбуоти Ироқ масаласида бизни “ўрмоқда”. Бизникилар кун тартибини ўзгартириш учун бу мақолани чиқаришган. Энди бутун муслмон дунёси одамларни тириклайин қайнатаётган Каримовга ҳужум бошлайди.

Кулдим ва:

-Адашасиз...-дедим.

-Ҳа, ўқиганман,-деди у.-Ўзбекистонда қийноқнинг инсон боласи хаёлига келтира олмайдиган турлари бор экан. Каримовнинг мухолифларига у мақталган шеърларни ёдлатишаркан. Диндорларга эса Каримовнинг китобига сажда қилишни буюрармишлар. Уларни шарманда қилиш учун уятли деб билинган касалликларни юқтиришаркан. Лекин ёшим саксонга етиб, тирик одамни қайноқ сувда қайнатишлари ҳақида эшитмаганман. Бу даҳшат-ку! Инсоният бунга қандай чидаши мумкин?

-Инсоният чидай олмаслиги мумкин, аммо “муслмон давлатлари” деб аталадиган мамлакатлар чидайдилар, чунки уларнинг ўзида ҳам айни ҳол. Ҳар бирида биттадан Каримов ўтирибди,-дедим.

-Менимча Каримов уларнинг қироли бўлса керак!-деди чол киноя билан.

Бу киноя ортида “Каримов қийноқлар қиролидир!” деган гап бор эди

38. УРУШ

Урушни бошлаганлар ютқаздилар деган гап бор. Тарих бунга кўп маротаба гувоҳ бўлган. Лекин ютқазганда ҳам қандайдир аҳмоқ лидерларнинг аҳмоқона амбициялари учун минглаб бегуноҳ инсонларнинг умрлари барбод бўлган.

Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади. 1941 йилнинг 7 декабр куни Япония АҚШнинг Зумрад оролчаси – Пёрл-Ҳарбор(Pearl Harbor)даги ҳарбий флотига кутилмаган ҳужум қилди. Бу

АҚШнинг иккинчи жаҳон урушига қўшилишга ва япон халқининг асрий азобларига йўл очган воқеадир.

Аслида японлар бу ҳужум учун 1941 йилнинг 26 ноябр куни йўлга чиққанлар. Афсуски, амалиётни мутлоқ сирли тайёрлаган вице-адмирал Нагумо ва флот қўмондони Исороку оқибатни тахмин қила олмаганлар.

Японлар олти йирик кораблда 441 та бомбардимончи учқичлар билан амалиётга чиққанлар. Иштаҳаси карнай бўлган япон императори Жанубий Осиёни босиб олмоқчи бўлган ва бунинг учун аввало АҚШнинг Ҳавайидаги флотини тор-мор этиш керак деган хулосага келган.

7 декабрда АҚШ аскарлари уйқуда эканида кутилган ҳужум билан японлар Оаҳу оролини олов кўлига айлантиришган. Пёрл-Ҳарбордаги корабл ва кемалар сувга ғарқ қилинган. 188 та учқич темир-терсақка айланган, яна 159 таси ишдан чиқарилган. 2403 нафар АҚШ аскарлари ҳалок этилган.

Биргина “Аризона” линкор-корабли портлатилишининг ўзиёқ минг кишининг ўлимига ва мингдан зиёд кишининг оғир жароҳат олишига сабаб бўлган. Олти ой давомида Пёрл-Ҳарбор ярадор шер каби ўзи билан ўзи олишган. Бу эса Япониянинг Ҳонконг, Бирма, Сингапур, Филиппин ва бошқа давлатларни босиб олишига йўл очган.

Совет даврида биз АҚШнинг Японияга бомба ташлагани ҳақида кўп ўқирдик. Ҳиросима ва Нагасаки даҳшати учун Америка қораланарди. Бу қарорни бугун ҳам оқлаш мумкин эмас. Лекин атом бомбасини ташлашга қадар бўлган тарихни ҳам унга қўшиб билишимиз керак.

Коалиция кучлари Потсдам шартномаси (1981 йилда Олмония сафари доирасида Потсдамга боргандимда шу ҳужжат имзоланган тарихий жой- бугунги музейда ҳам бўлгандим-ЖМ) билан Япониядан урушни тўхтатишни талаб қилишган. Ўжар император рози бўлмаган. Бунга жавобан Япониянинг ўнлаб шаҳарлари ўққа тутилган. Лекин императорлик халқни эмас, ўз амбициясини ўйлаб қаршилиқни давом эттираверган. Бу орада Олмония таслим бўлган, лекин Япония босиб олган жойларида ваҳшат сочаверган.

Япон йўлбошчиларининг бундай ўжарлиги халқининг бошига бало бўлди. Нафақат урушни ютқазди, нафақат босиб олинган ерлардан қувилди, балки Ҳиросима ва Нагасаки каби шаҳарлари ўлим ёмғири остида қолди. Бир даҳшат бошқа даҳшатларни бошлаб келди...

Урушни бармоқ билан саноқли аҳмоқлар бошлайдилар, лекин урушда сон-саноқсиз ақллилар ҳалок бўладилар. Бу сафар ҳам шундай бўлганди.

Японлар 1941 йилда ўзлари Пёрл-Ҳарборда аёвсиз ўққа тутган “Миссури” кораблида таслим ҳужжатига имзо қўйишга мажбур бўлдилар.

Бу воқеа 1945 йилнинг 2 сентябр куни Япония вақти билан соат 9:02да Токио бўғозидан юз берган. Бу иккинчи жаҳон урушининг ҳам битиши эди. Ана шундай тарихий воқеанинг гувоҳи – “Миссури” корабли бугун Ҳавайида сув устидаги улкан қалъа каби мағрур турибди.

2009 йилнинг августида Пёрл-Ҳарбордаги ана шу тарихий кораблда бўлганимда таслим ҳужжатини ҳам кўриб, урушга кирмаслик бундай шармандалиқдан осонроқ эди-ку деган хаёл кечди кўнглимдан.

АҚШнинг турли бурчакларидан келган уруш фахрийлари, тарихчилар бу корблда туриб, келган сайёҳларга айтиб берган ҳикояларни тинглаш учун бир кун камлик қилади. Лекин уруш даҳшат эканини англаш учун бир кун ҳам етарли. Иккинчи кун учун бу руҳий оғир юк бўлади.

Бу куннинг хулосаси шу бўлди: урушни бошлаганлар барибир ютқаздилар, шармандаларча таслим бўладилар! Ютқазмаслик учун, шармандаи шармисор бўлмаслик учун эса бошламаслик керак! Бу шунчалик оддий, содда ҳақиқатдир!

39. РУСТАМ

Учқичлар, поездлар, автобуслар тўлиб кетаверади, бўшаб қайтаверади... Бу ўзбекнинг кундалик ҳаётидаги доимий манзарага айланиб қолмоқда. Кетганлар қайтмайди. Дунёнинг турли бурчакларида ўзбек маҳаллалари пайдо бўлмоқда. Бир пайтлар кўчманчиликдан ўтроққа айланган халқ бугун яна кўчманчиликка қайтмоқда. Ихтиёрий эмас, албатта.

2010 йилнинг саккизинчи март байрами арафасида Нью Йоркда иккита тўй бўлди. Бири шанба, иккинчиси якшанба оқшомида. Бораётиб бу шаҳарда яшайдиган танишларга телефон қилдим. Агар тўйдан хабарлари бўлса кўришамиз демоқчи бўлдим. Жавоблар турлича:

“Биз дўстлар билан тўпланиб паркка чиқдик. Шашлик пишиб қолди..”

“Биз хотин-қизлар куни олдидан ресторанга тўпландик. Келинг, бизга қўшилинг, Аёллар баҳона, байрам ғанимат!”

“Табрикланг, ўғилчалик бўлди. Мана учинчи фарзандимиз ҳам туғилди бу ерда!

Хуллас, кимга сим қоқмайин қаердадир байрам қилишмоқда ёки байрамга йўл олишмоқда. Узоқ давом этган оғир қишдан кейин ҳаво бирдан исиб қолгани учун ҳам ҳамма ўзини ҳар томонга урган.

Танишларимдан фақат биттаси тўй ҳақида хабардор экан. Тўйлардан бири мамлакатдан “яшил кард” ютиб келганларнинг никоҳ кечаси. Бошқача айтганда янги америкаликларнинг тўйи.

Иккинчиси, АҚШга беш-олти йил олдин келган ва бугун Нью Йоркда ўзининг мустақил ишига эга бўлган ва оёққа туриб олган Акмал исмили укамизнинг тўйи эди. У Ўзбекистондан икки йил олдин келган қизга ўйланди.

Ҳар иккала тўйда ҳам ресторан ўзбеклар билан тўла. Ўзимни худди Ўзбекистонга бориб қолгандек ҳис қилдим. Айниқса, Акмалжонннинг тўйида тўлқинланмай илож йўқ эди. Ресторанни Ўзбекистонда хизат кўрсатган артист-ҳофиз Рустам Ҳожимамадовнинг фавқулодда кучли овози титратмоқда эди. Унинг Навоий, Бобур, Зебунисо сўзлари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлари нафақат бутун ресторанни балки қалбларни ҳам ларзага солмоқда эди.

Овозининг сирли оҳанги билан аллақачон Нью Йорк ресторанларининг доимий хонандасига айланган ҳофизни бу ерда Рустам Самарқандий дейишар экан.

Дунёнинг торлигига қаранг. Рустам ёнимизга келиб ўтирди ва:

-Сиз билан қўшни эдик,-деди .

-Таний олмадим.

-1985-1986 йилларда Самарқанднинг Сўғдиёна массивида яшагандингиз...

-Ҳа..

-Биз домда қўй боқардик!

Энди эсладим. Чунки бу фавқулудда ҳодиса эди-да! Улар бизнинг қаршимиздаги домда яшашар ва квартираларининг орқасини фермага айлантириб олишганди. Ана шу кичик фермада юрадиган йигитча ёдимга тушди. Қаранг, у Ўзбекистонда танилиб, икки йилдан бери Нью Йоркда машҳур ҳофиз Абрам Толмасовлар билан бирга концертлар берар экан. АҚШда қўшиқчининг кимлигини ресторанлар белгилайди. Шу ерда тонгга қадар тинмай жонли айта олган ва ҳурмат қозонган қўшиқчини ҳақиқий санъаткор дейишади.

Бундан бир неча йиллар олдин ёзганларимда “Биз ҳаётимиз таҳликага тушгани учун ватандан кетдик, сиз ватанни ташлаб кетманг”, деб бот-бот такрорлардим. Кейинчалик қарасам юзлар, минглар, миллионларнинг ҳаёти таҳлика билан юзма-юз бўлиб қолди. Энди “Имконингиз бўлса кетиш керак, сизнинг ҳам яхши яшашга ҳаққингиз бор” деб ёза бошладим. Вақт ва шароит менинг қарашларимни ҳам ўзгартириб юборди.

Мана энди икки тўй баҳонасида Ўзбекистон қанчалик ғариблашиб қолганини, болаларини кутаётган муштипар онадек ёлғизаниб турганини ҳис қилдим.

Акмалжоннинг тўйида собиқ давлат арбоблари, собиқ депутатлар, таниқли олимлар ва Ўзбекистонга қўл-оёқ бўла оладиган кўплаб ақли расоларни кўрдим. Наҳотки, Ўзбекистон шунча бойликларидан айрилди?

Бу вақтинча деб мени ҳам, ўзингизни ҳам овутманг. Мана қарийб 20 йилдирки ўзимни овутаман. Лекин 20 йил олдин ҳам.. бугун ҳам “Кетганлар қайтмайди” деган гапим юрак остига ботиб туради.

Мана ўзбекистонликлар аллақачон Нью Йоркда ватан солишибди. Ўзбекистон ҳар жиҳати билан бу ерга кўчган гўё. Санъати, таомлари, бир пайтлар Бухорода пишира олишмаган Самарқанд нонлари... Ҳатто “Ўзбегим” деган радиоси 24 соат тинмайди. УзТВси ҳам бор.

Тўйни бир нечта операторлар суратга олмоқдалар. Улардан бири – қўқонлик экан. Ўзини таништириб, бизнес картини узатди, Исми Илҳомжон. УзТВ (UzbekNewYorkTV)нинг директори экан. Камералардан бирида оператор Элдор деган йигит.

-Ака, бу ерда ўзбек тилини жонлантириш керак, асосий мақсад шу,-дейди улардан бири.

Бу йил АҚШ ҳукумати аҳолини расман рўйхатга олмоқда. Дастлабки эълон қилинган маълумотларга кўра бугун озчиликда бўлган муҳожирлар 40 йилдан кейин кўпчиликни ташкил этишар экан. Улар орасида туғилиш катта.

Шунинг учун ҳам келин-куёвни қутлар эканман, ажабмас, бир куни ўзбекдан ҳам президентлар чиқса, деган фикримни айтдим ва ёшларга модомики бу ерни ҳам ватан қилибсизлар, мардкорликдан бир қадам... икки қадам... олдинга кетиб, болаларингизга илм беринг деб илтижо қилдим.

Бугун ўзингизни оёқлар остига ташлаб, азоблар эвазига ватанга юбораётган пулингиз зулмни оёқда тутиб туришга хизмат қилмоқда. Етар, болаларингиз келажаги оёқда туриши ҳақида ҳам ўйланг!

Кетиб қолган поезддар...

Учиб кетган учқичлар....

Бугун бўш қайтмоқдалар. Агар сиз болаларингизга илм берсангиз, улар бир кун бургут бўлиб ватанга учиб борадилар. Учиб кетган бургутларнинг учиб қайтган бургутлари бўлиб!

40.ОРИФЛАР

Одамки оёқда бир касб дурустдир,

Ҳамсуҳбат бўлмоққа ҳамкасб дурустдир.

Дарҳақиқат, қўлида бир касби бор инсон дунёнинг ҳеч қаерида хор бўлмайди деганлари каби одам боласига қизғин, маъноли мулоқот унинг ҳакасблари билан суҳбатидир. Бу ёзилмаган қонун, аммо амалдаги қонун.

Ўзимдан биламан. Журналистлар билан бир-биримизни тез англаймиз. Шунинг учунмикан журналист меҳмонга келган кун мазмунли кунларимдан бири бўлади.

Ўзбекнинг иқтидорли журналисти ва ёзувчиси Абулқосим Мамарасуловдан мактуб олдим, унда Вашингтонга келаётгани, фермерларнинг ҳақ-ҳуқларини ҳимоя қилиш бўйича форумда, Эркин матбуот куни мажлисларида қатнашажаги ва камина билан учрашмоқчи эканлиги битилганди. Севиндим. Сафарда эдим, уйга қайтдим. У келадиган куни меҳмонхонага телефон қилсам, ўзбекнинг бошқа бир иқтидорли журналисти Абдурахмон Ташанов олди гўшакни.

Ҳар икки истеъдодли йигитлар билан кўп мактуб алмашганмиз. Айниқса бирор байрам йўқки, Абдурахмон табрик йўлламаган бўлсин. Унинг турли қарашлар, турли кучлар орасида муроса йўлини топа олишига қойил қолардим. Навоий ҳазратлари “Лайли ва Мажнун” да шундай дейдилар:

Бўлуб қаро ер тубига юрмоқ,

Бўлмас Араб ичра бош чиқармоқ.

Бу пурҳикмат сатрларнинг битта маъноси – ернинг қаърига кириб кетиш мумкин, аммо Араб дунёсида ном чиқармоқ мумкин эмас, дегани. Бугун ўзбекнинг иқтидори ва муҳолифлари ичида аҳли-аксар билан тил топишмоқ ҳам ана шундай қийин. Абдурахмон бунга интилиб юрганга ўхшайди.

Мана у билан уйимизда суҳбат қуриб ўтирибмиз. Самимий, беғараз йигит. Кўнглидагини дангал айтиб қўя қолади. Бошқаларнинг унинг қусри деб билган гапларини ҳам кулгига буриб, гўзал бир тарзда баҳолайди. Бу ҳам санъат.

Ўша кун кечқурун Абулқосим ҳам келди.

У қадам босган жойга нур ёғилар, кулги, қаҳ-қаҳа кириб келаркан. Эгасини эшитиши билан гапнинг кесимини айтиб қўя қолади. Ўзбекнинг дарғалари Одил Ёқубов севган ёзувчи, Аҳмаджон Мухторов қадрлаган журналист ҳақиқатдан ҳам адабиётнинг нури, журналистиканинг дури.

Аскиялар билан яшаган ўзбек қайғулар гирдобида қолиб, кулишни ҳам унутиб юборди, деб ўйлардим. Абулқосимнинг жарангдор қаҳ-қаҳаси бу фикрни чил-парчин қилди. Ўзбек ҳали қаҳ-қаҳани унутмабди. Демак, ҳали оёқда.

Унинг самимий кулгиси шу қадар тиниққи, орадан кун ҳам ўтмай бу тиниқликни соғина бошлайсиз. Насиб этиб Ўзбекистонга тезроқ йўллар очилса Тошкентга борсам, қиладиган ишларимдан биттаси Жиззахга ўтиб Абулқосимнинг аскияларини тинглаш, унинг қаҳ-қаҳаси билан кўнгилни равшанлатиш бўлади.

Модомики Абдураҳмон ҳақида гапириб ҳазрат Навоидан мисол келтирдик, улуғ зотнинг қадрдон дўстлари ҳақидаги асарлари – “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”даги қуйидаги сатрлари Абулқосимга туғдек ярашиб тушганини ҳам айтмоқ керак.

Ўзидин элга дарё-қатра осо,

Вале элдин ўзига қатра осо.

Китоблари ҳақида гаплашар эканмиз, Абулқосим элга бераётганини қатрадек билиб, элдан ўзига келаётганини дарёдек ҳисоблаган йигитлиги дарҳол кўзга ташланди.

Бу гапларни мақтов ёки хушомад учун ёзмадим. Чунки бу йигитларнинг ўзларига айтганимдек, бугунги Ўзбекистондан кутган мақсадим йўқ. Орзуларим келажакнинг Ўзбекистониди.

Гапларим бу икки ориф йигит, бу икки ҳамкасб журналист каминанинг дил бўстонига эккан ниҳоллари ҳақидаги бир эътирофдир.

41. ИНОМЖОН

2009 йилнинг 25 сентябри. Эрталаб электрон почтамни очасам, собиқ депутат танишимнинг мактуби ва у мустақиллик учун кураш йилларида топган дўстларимиздан бири-Ўзбекистон халқ депутати бўлган Иномжон Турсуновнинг тўсатдан оламдан ўтгани ҳақида ёзибди.

Вужудим ларзага келди. Сафдошинг, дўстингни йўқотиш ҳар доим оғир. Жойи жаннатда бўлсин! Тангри уни махфират айласин! У миллати учун куйиб ёнган курашчи, адиб эди.

Иномжонни 1990 йилдан бери танирдим. Илк бор уни Илом Каримовни сессияда президент этиб тайинлашаётган куни пайқадим. Жуссаси кичик бир йигит ўртадаги микрофон олдида оёқда туриб гапира бошлади. Унинг қўлида бир даста қоғоз бор эди. Унинг товуши нозик бўлсада ўша кезде зални титратиб юборганди.

-Сизлар кимни президентликка сайлаяпсизлар? Бу одам қўшиб ёзишга аралашган. Мана ҳужжатлари...

У жуда катта рақамларни айта бошлади ва Анишчев бошчилигидаги Москва “десантлари” уни сақлаб қолганини айтди.

Ўша кезде бундай гапларни айтиш катта жасорат талаб қиларди ва баъзилар учун бу қўрқинчли эди, шунинг учун ҳам залдаги кўпчиликнинг дами ичига тушди.

Раислик қилувчи дарҳол микрофонни ўчирди. Иномжоннинг товуши эшитилмай қолди. У кейин президиум томонга қараб юрди ва қўлидаги ҳужжатларни раислик қилувчига узатди.

Аммо ўша кунлари у турган Тошкент меҳмонхонасига бостириб кирган миршаблар уни дўппосладилар. Муттаҳамликни қарангки, жуссаси кичкина бу йигитни миршабларни ўрди деб айблашди. Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик!

Иномжон Турсуновни Тошкент меҳмонхонасида миршаблар дўппослаганини эшитганимизда дарҳол қўмитанинг мажлисини чақирдик. Аммо Эркин Воҳидов:

-Бу масаланинг бизга дахли йўқ, қонунчилик қўмитаси кўриши керак,-дедилар.

-Улар ҳам кўришсин, аммо биз ҳам ўз муносабатимизни билдиришимиз зарур,-дедим.

Қўмита тўпланадиган кун Эркин аканинг умр йўлдоши Гулчеҳра опа телефон қилиб:

-У киши касал бўлиб қолдилар,-деди.

Мажлисга ўзим раислик қилдим ва матбуот воситаларидан вакиллар чақириб масалани ёритишни сўраддик. Лекин кечқурун телевидение ҳам, радио ҳам, эртасига газеталар ҳам қўмита мажлиси ўтгани ҳақида хабар берган бўлсаларда Иномжон Турсунов масаласини четлаган эдилар. Радиотелевидение қўмитаси раиси Ганжа Ёқубовга телефон қилдим:

-Эркин акам билан гаплашсангиз бўлармиди, кеча хабарни у кишининг ўзлари таҳрир қилиб берганлар,-деди у.

-Кеча у киши ишга чиққанлари йўқ-ку?!

-Бунинг учун ишга чиқишнинг кераги йўқ, уйдан туриб ҳам рухсат бериш мумкин...,- деди Ганжа Ёқубов ва курашимиз осон кечмаслиги ҳақида гапирди ҳамда телевидениеда “депутат минбари” рукнини ташкил қилиш ҳақида таклиф қилди.

Шундан билдим-ки, у одам ҳам ислоҳотлар тарафдори ва хабарни таҳрир қилиш унинг ташаббуси эмас.

Хуллас, Иномжонни қамашди. У бизнинг “Ташаббус” депутатлар гуруҳининг аъзоси эди. Гуруҳимиз унинг озодлиги учун кўп курашди.

1991 йилдаги 7 – сессияда бизни ғазабга келтирган омиллардан бири Иномжон Турсуновнинг олти ойдан бери судсиз-терговсиз қамоқда ётгани ва энди Шовруқ Рўзимуродовни ҳам ҳибсга олишгани ҳам бўлганди.

Иномжон бир неча йил қамоқда ётиб чиққандан кейин ўзи аъзоси бўлган “Эрк” партияси ичида демократия ўрнатиш учун курашди. Кейин инсон ҳуқуқлари фаоли сифатида курашини давом эттирди. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда оғир кунларни бошидан кечирди.

Мана энди тўй қилиб, элга ош бераман, деб юрган кунлари унинг юраги бирдан уришдан тўхтади.

42.ТУШ

Баъзи одамлар кўрган тушларини тўла “олиб туролмаслик”ларини айтишади. Менда акси. Худди филм каби “кўз пардаси”дан ўтиб туради. Лекин бир неча кундан кейин ўчиб кетади.

Битта туш эса ҳеч хаёлимдан кўтарилмади. “Тушингни аввал сувга, менинг тушим эмас, пайғамбарларнинг туши, яхшиликка бўлсин, деб айт”, дейишингиз мумкин. Бу туш ана шу талаблардан ҳам ўтган ва кўп танишларимга ҳам айтиб берилган. Шунда ҳам унут бўлмади.

...Хуллас, тушимда уммоннинг соҳилида ўтирибман. Теппадаги қуёш кўз қамаштиради. Ундан қочиб, соябон остида ўтирсам, қуёш ўчакишгандек сувга санчилиб, сув орқали менинг кўзларимга ниш қадар эди. Шунинг учун ҳам ёнимга келиб ўтирган одамни сезмай қолибман.

-Нега бунча хаёл сурмоқдасан?

Чап томонимга қарасам, оппоқ либосда кекса бир одам ўтирибди. Унинг сочлари, қошлари, соқоллари ҳам оқ. Ўзига жуда ярашган. Чеҳраси ҳам жуда самимий. Сўзларидан ҳам самимият таралар эди. Балки шунинг учун ҳам унинг саволларига жавоб бера бошладим:

-Ватанни ўйлайман-да! Бечора одамлар зулм остида эзилмоқдалар. Битта одам бир неча миллион кишининг додини бермоқда. Лекин унинг жазосини берадиган йўқ. Тангри ҳам унга узоқ умр бергани, доим унинг йўлини очгани мени ҳайратга солади...

-Одамлар Тангридан кўп нарса кутадилар. Аммо “Тангри менинг томонимда эмас, мен Тангрининг томонида” деб ҳукм чиқармайдилар. Агар улар Тангрининг томонига ўтганларида кўп нарсалар бошқача бўлар эди. Ҳатто унга чин дилдан ишонганлар ҳам унинг томонида эмас. Ҳув ана у томонга қара...

Оқсоқол шундай деб ўнг томонни кўрсатди. Қарасам, уммон устида бир хона. Унча ёруғ бўлмаган хонада бир неча киши. Бир одам нина тиғлик гиламчанинг устида чалқанча ётиб, китоб ўқимоқда. Хона бурчагида бир аёл ўтирибди. Бошида ҳижоб. Қўлида Китоб. Олдида ҳазориспандга ўхшаган нимадир тутамоқда. У қора тутунни мен томонга пуфламоқда ва дуо ўқиб, номимни айтиб, Тангридан менга жазо сўрамоқда. Аёлнинг гезарган юзи танишга ўхшади.

-Танидингми уни?

-Танишга ўхшаяти, аммо эслай олмаяпман.

-У илгари бошқа динга ишонган. Кейин яхшигина мусулмон бўлиб олди. Эрини ҳам ўз йўлига солди. Бошқа ишонмаганларни ҳам ишонтирди. Унга куч берилган, одамларни ишонтира олиш кучи. У баъзиларни руҳан ва баъзиларни жисмонан ҳам доволайдиган кучга эга. Агар у чин дилдан истаса, Тангри унинг истагини эшитиши мумкин. Лекин у кучини нотўғри томонга йўналтирган, яъни қора ниятига ишлатапти.

Оқсоқол шундай деб яқинлашиб қолган қора тутунни кафти билан орқага қайтарди. Тутун бориб ҳалиги аёлга урилди. Бирдан унинг ёнидаги кишининг тишлари дув этиб тўкилди ва қўрқинчли одамга айланди.

Лекин аёл ҳали ҳам мени қарғаётган эди. Қора тутунни яна мен томонга пуфляпти. Бутун нафратини сочиб, Тангридан менга жазо тиламоқда. Наҳотки унинг истаклари ижобат бўлса?!

Қора тутун яна яқинлаша бошлади. Шу пайт ўнг томонимдан бир қўл бу тутунни орқага қайтарди. Қарасам, ўнг томонимда ҳам айни ҳалиги оқсоқолга ўхшаган киши ўтирган экан. Тутун қайтиб, аёлнинг юзига урилди. Бирдан чалқанча ётган кишининг китобидан варақлар узилиб кета бошлади. Унинг остидаги ниналар эса баданига санчилди. Аммо қон чиқмади. Унинг юзи йўқликка айланди.

Аёл эса яна кучини тўплаб, қўллари билан ҳаракатлар қилиб тутунни мен томонга пуфларди.

Ўнг томонимдаги оқсоқол майин овозда:

-Тангри билгувчидир. Тангри сенинг ҳам, унинг ҳам дилингиздагини билгувчидир. Агар шундай бўлмаганда бундан ўн беш йил олдин сен балога йўлиққан бўлардинг. Чунки бу аёл бугун эмас, ўн беш йилдан бери қора тутунни сен томонга пуфлайди,-деди.

-Унга нима ёмонлик қилибманки, у бу қадар ғаззабда?

-Ҳамма гап шунда-да. Унга ёмонлик қилганинг эмас. У номи чиққанларнинг ҳаммасини қарғайди, ҳаммасига қарши тутун пуфлайди, уларни қулга айлантириш учун интилади. Унинг олдида фақат сенинг эмас, сенга ўхшаган бир неча кишининг сурати бор эди. Қул бўлганларнинг сурати йиртилиб, сувга оқди. Сеники эса турибди.

-Агар унинг ҳунари ўтмаётган бўлса, сиз нега бу ҳолатни менга кўрсатаясиз?

-Бу ерда гап сен ёки у аёлда эмас. Гап кўпчиликда. Демокчиманки, одамларнинг бир гуруҳи ана шундай кучга соҳиб бўлгани ҳолда, буни зулмга қарши эмас, зулмга қарши бўлганларга ишлатишади. Улар буни фақат ўзлари учун эмас, балки эрлари, оталари, яқинлари, ўйнашлари ёки жуда кичик манфаатлари учун ҳам қиладилар. Иккинчи бир гуруҳ эса, Тангрига эмас, шундайларга қул. Яна бир гуруҳ бўлса, золимга чин дилдан узоқ умр тилайди. Бошқаси сўзда Тангрини улуглаб, амалда золимнинг хизматида. Яъни Тангрининг номини сотиш билан овора. Ўзга бир гуруҳ бир-бирини алдаш билан банд. Шундай экан, Тангри одилдир. У ҳамманинг кўнглига ва истагига қараб иш тутуди.

-Бу билан нима демокчисиз?

-Хулосани ўзинг чиқариб ол!

Оқсоқол билан энди баҳсга киришаман деб турган эдим, умон бирдан кўтарилиб, соҳилга урилди ва сувнинг остида қолдим. Сув шу қадар тиниқ, оромбахш эдики, бу роҳат билан бўлиб ёнимга ҳам қарамабман. Оқсоқолни ҳам унутибман...

Уйғонсам тонг отмоқда экан...

Ана шу туш ҳали ҳам мени безовта қилади, хаёлларимни, дилимни тарк этмайди. Бу жуда оғир бир юк каби елкамдан босиб туради. Балки бу кўрган тушимнинг эмас, чиқарган хулосамнинг оғирлигимикан?!

Яқинда ана шу тушнинг давомини кўрибман. Ҳалиги аёл тинмай чинқирмоқда. Кунлар, ҳафталар давомида қўлини кўкка чўзиб, оғриқ, азоблардан фарёд солмоқда. Аммо яратаган унинг жонини олмаяти. У шунчалик қийналмоқдаки, инсон боласи бунга дош беролмайди.

-Тангрим, унинг гуноҳларини авф эт!,-деб додладим. Аёлнинг чинғириғи тинди. Кўзларини юмди. Жони узилди. Азоблардан қутулди.

Уйғониб кетдим. Шунчалик енгил тортдимки, ярим тунда компьютер олдига келиб, ушбунни ёзиб қўйдим.

43. МАНСАБ

“Америка овози”да ишлардим. Радиони “феодал давр”дан бугунги замонга ўтказиб берган пайтимиз эди. Ўзбекистонда кўпчилик бу радиони ҳам тинглай бошлади. Президентнинг собиқ қудаси билан суҳбатлар, Гулнора Каримованинг сирли миллионлари ҳақида далиллар, тарихий еттинчи сессиянинг ёзувлари каби шов-шув устига шов-шувли материаллар берилган эди.

Шундай кунларнинг бирида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Америкага телефон қилиб:

-Сизни сенатор этиб тайинламоқчилар,-деди.

“Йўқ” демадим. Фақат буни тайинлаш билан эмас, балки эркин сайлов билан қилишга изн берилса, боришга тайёрлигини айтдим. Ўшанда у Каримовни мақтаб, иккита мақола ёзишни ва Ўзбекистонга қайтаверишни айтганди.

Шундай қилмаганим учун бугун ифтихор туйғуси билан яшайман, десам мақтаниш бўлмайди.

1990 йилларда ҳукумат томонида бўлган бир танишимга оғирроқ гапирганимда у:

-Агар менинг ўрнимда бўлганингизда ўзингиз ҳақингизда нима деб ўйлардингиз? Менинг вазиятимга тушиб, четдан ўзингизга бир баҳо бериб кўринг-чи?,- деди.

Аввалига бу жуда осондек кўринди. Лекин кейин ўйлаб кўрсам, у жуда қийин саволга тутган экан. Чунки ўзимни унинг ўрнида тасаввур қила олмадим.

У ўша кезде ҳукуматга яқинлашишни мақсад ва мансаб олишни буюк бахт деб қараган. Каминда ҳеч қачон мансабга иштиёқ бўлмаган ва ҳукуматга яқинлашишни бахт деб билмаганман. Унга буни айтсам, у асло ишонмайди. Ким ҳам ишонарди?

Уни тушунаман. Ўзимни унинг ўрнига қўя олмаганимдек, у ҳам ўзини менинг ўрнимга қўя олмайди. Воқеа ва ҳодисаларни ҳар ким ўз ўлчови билан ўлчайди ва ўз қараши билан баҳолайди.

Мансабга интилмадим, лекин мансаб қувиб юрди. Ислоҳ Каримов мени, Шавкат Мирзиёев ва Эркин Халиловни Ўзбекистоннинг келажаги учун танлаганини айтганида ишонмаганимни ёзгандим. Балки ёзганимни ўқиб ҳам кимлардир ишонмаган бўлиши мумкин. Ахир ким ҳам мансабдан ўз ихтиёри билан узоқлашади? Лекин вақт ҳақ эканлигимни кўрсатди. Эркин Халилов нима бўлди? Мирзиёевнинг ҳаёти ҳам жаннати эмас.

1992 йилнинг февралида 12 бандлик истеъфонома ёзиб чиқиб кетганимда, кўпчилик “Бу аҳмоқ экан..” деб қараб қолганини ҳам энди тушунаман.

Ўзбекистон Олий Кенгашида Ошкоралик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари эканман, ҳатто кабинети, минадиган машинаси бўлмаган ва ҳали маоши тайинланмаган вазифа – Ўзбекистон журналистлар уюшмасига раис бўлиш учун номзодимни қўярмидим? Ўшанда ҳам кимлардир “Ақлини еб қўйган...” деб ўйлаганини бугун англаб турибман. Ҳатто ҳукуматнинг битта содиқ хизматкори “Жаҳонгир ўшанда мансабсиз қолмаслик учун шундай қилган”, деб ҳам ёзди.

21 ёшимда республика газетаси – “Қишлоқ ҳаёти”да масъул котиб ўринбосари эдим.

26 ёшимда катта бир хўжалиқда маданият масалалари бўйича директор ўринбосари, 27-29 ёшимда вилоят газетасининг “Қишлоқ хўжалиги” ва “Партия турмуши” бўлимларига мудирлик қилдим. Балки мансаб деган нарсдан ўшанда безгандирман.

30 ёшимда “Совет Ўзбекистон” газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири эдим. Вилоят партия қўмитасининг раҳбарлари минадиган “Волга”да юрар ва бюро мажлисларида ўзимнинг махсус ўрним бор эди. Ана ўшанда эркинлик нима эканлигини тушунганман. Раҳбарим йўқ эди, аммо ўзим сидқидилдан ишлардим ва беш йил давомида мингдан зиёд танқидий ва муаммоларни таҳлил қиладиган мақолалар ёзганман. Биров “Буни ёз!” демаган. Ўзимдан билиб, ҳаммадан бир қадам олдинда борганман.

Лекин Самарқанд вилоят бўйича мухбирлик давомида мансаб деган нарсанинг бир тийинга қиммат эканлигини тушунганим аниқ.

Гдлянчилар Самарқанд вилоятини титратиб турган ҳалол инсон Назир Ражабовни кўзимнинг ўнгида қўлига кишан солиб, олиб кетишган. Идеология котибаси Фароғат Шукурованинг “Энди навбат бизгами?” дея ҳўнгир-ҳўнгир йиғлаганига гувоҳ бўлганман.

Мен ҳурмат қиладиган Назир Ражабовнинг аҳволини кўриб, ер ютсин мансабни демаган бўлсам ҳам бу юрагимда чуқур из қолдирган.

Ўзим қадрлаган таниқли раҳбар Владимир Қодировни заҳарлаб ўлдиришгани ҳақида китоб ёзиб, мансабнинг уйи куйсин деганимда бу фикр шууримга ерлашган, шекилли.

Ундан олдин ярим тунда Шароф Рашидовнинг қабрини ковлашганида Тошкентда эдим. Тошкентга журналист дўстимни зиёрат этгани келгандим. Воқеа газеталар жойлашган бинонинг ёнида юз берган. Ҳамма ёқни ўраб олишган ва тунда бизни йўлимиздан қайтаришганди.

-Нима гап?- деб сўрадик бир миршабдан.

-Қаттан сила?-деб сўради у биздан.

-Самарқанддан,-дедик биз.

-Ҳе онасини... мана гўрдан отадиган кун ҳам келди иблисни..., -деди у бизга нафрат билан қараб.

Ўшанда Рашидовни шу куйга туширган бўлса падарига лаънат мансабнинг деб ўйламаган бўлсам ҳам бу руҳимда ўз таъсирини қолдирган.

Беш йил давомида вилоят партия қўмитасида ойига камида икки марта, бўлмаса бир неча марта бюро мажлиси бўларди. Ҳар бир мажлисда камида бир-икки киши ишдан қувиларди. Ҳар сафар журналист бўлганимга ва мансабдор бўлмаганимга қувониб, чиқиб кетардим.

Баъзан, балки кўп ҳолларда одамлар адолатсиз жазо олардилар. Мухбир бўлганим учун дардларини айтардилар. Юзлаб мансабдорларнинг йиғлаганини кўрганимда балки мансаб деган нарсадан нафрат қилгандирман?

Кейин ҳам ҳеч қизиқмадим. “Америка овози” да Ўзбек хизмати раҳбари бўлмасам ҳам хизмат раҳбарининг ишлари менга қолганди. Дастурларни таҳрир қилишдан тортиб, ҳамкорларни ишга олишгача ҳаммасини қилардим. Балки раҳбарнинг шу ишни қил, деб бошимда турмагани учун ўзимдан билиб қилгандирман. Буни истамасдим. Аммо иш ишлаган одамни қувар экан. Хизмат ёпилиш арафасида катта иш ваъда қилишди. Аммо бир араб бошлиқнинг битта гапига жаҳлим чиқиб, бу таклифга “ўт қўйдим”.

Бугун ишлайдиган жойимда ўзимга ўзим раҳбарман. Ишга истаган соатда келишим ва истаган соатда кетишим мумкин. Аммо кунига 12 соат ишлайман. Бошимда туриб “ишла” дейишмагани учун ишлайман. Агар биров бошимда туриб, “ишла” деганда балки бу ишдан ҳам воз кечардим.

Мансабни обрў, эътибор эмас, балки оғир хизмат ва тақдир таҳқири деб ўйладим. Шунинг учун ҳам мансаб келганда ҳеч қачон қувонмадим. Умуман ишлайман деган одам мансабсиз ҳам кўп иш қилади.

Умр бўйи интилган, мансабни қувган одамларга мансаб жуда қийинчилик билан келади. Каминага эса акси. Ўзбекистон президенти девонида камина учун Депутатлар билан ҳамкорлик бўлими очилган ва кетишим билан қисқартирилган. Ўзбекистон радио ва телевидение қўмитасида янги ўринбосар штати очилган ва кетганимдан кейин қисқартирилган.

Президент девонидан телевидениега кетар эканман, таниқли бир журналист:

-Одамлар бу даргоҳга келиш учун нималар қилишмайди, сиз бўлсангиз қувониб-қувониб кетаяпсиз, бу ерда туриб истаган жойга таъсирингизни ўткази оласиз, аммо телевидениеда бош оғриғидан бошқа нарсани билмайсиз,-деган эди.

Хуллас, илгари ҳукумат томонида бўлган танишимнинг ўрнига ўзимни қўйиб, ўзимга унинг кўзи билан баҳо беролмадим. Балки шунинг учун ҳам ўзимга ортиқча баҳо бериб юбордим?!

Демократик Ўзбекистон Конгрессининг раиси эдим. Унча-бунча иш қилиб тургандик. Биз астойдил ёрдам бераётган инсоннинг аёли:

-Сиз кексалар мансабни севасизлар, мансабга миниб олгансизлар, мансаб қурсин-а мансаб, ёшларга йўл бермайсизлар,-деб қолди.

Бу гап қаттиқ таъсир қилди, хато қилганимни англадим ва бу “мансаб”ни дарҳол ёшларга топширдим. Лекин бу “мансаб” йўқолиб кетди.

Ҳозиргача мансабим йўқ. Нақадар эркин ва нақадар бахтлиман!

XXX

АҚШда ҳукумат таркибидан истеъфо бериш оддий ҳол экан. Ўзбекистонда эса ҳалига қадар ўзи истеъфо берганлар орасида биринчиси бўлиб қолаётганим жуда ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон телевидениесининг раҳбари лавозими ҳукумат Вазирлар маҳкамаси таркибига кирарди ва бу лавозимга келадиган раҳбар Вазирлар маҳкамаси раиси – Президент фармони билан тайин этиларди. 1992 йил феврида бу вазифадан истеъфо бердим.

Ўзбекистон тарихида ҳукумат раҳбарлари орасида турли сабаблар билан вазифасини тарк этганлар кўп. Лекин буни сиёсий норозилик тарзида амалга оширганлар оз.

Шунинг учунмикан, 37 ёшимда ёзилган истеъфонома 60 ёшимда ҳам кўзига “олов”дек кўринади.

ИСТЕЪФОНОМА: “Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган фожеа юртимизда ошкоралик, ростсўзлик йўқлиги, инсон ҳуқуқларини топташ ҳали бери барҳам топмаслигини исботлади. Мен раҳбар бўлган жумҳурият телевидениесидан кўрсатувлар олиб қўйилди. “Муносабат” рукни билан

ҳозирланган махсус кўрсатув экранга чиқарилмади. Ошкоралик учун кураш йўллари бекитиб ташланди. Мени истеъфо беришга ундаган сабаблар қуйидагилардир:

1. Ҳар қанча уринмайлик, Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар ҳақида ошкора фикр билдирилишига йўл берилмагани;

2. Паркент воқеалари юзасидан тузилган комиссиянинг хулосаси сир сақлангани каби Талабалар шаҳарчасидаги фожеа юзасидан ҳам ўша услуб қўлланилаётгани;

3. Яна яккахокимлик, диктатура бошлангани. Халқнинг оғир аҳволини енгиллатиш ўрнига фақат ваъдалар бериш, алдаш билан банд бўлинаётгани;

4. Сиёсатда барқарорлик йўқлиги, миллий бирлашув ҳақида тинимсиз гапирилгани ҳолда амалда тескарисини қилиб, низо-адоват келтирилиб чиқарилаётгани;

5. Кадрларни танлашдаги жиддий хатолар, бу борадаги ўпирилиш, раҳбар кадрларга ишончсизлик, уларни асосан шахсий садоқатига қараб танлаш, қобилияти, билими эътиборга олинмаётгани;

6. Маҳаллийчилик иллатининг илдизига сув қуйиш, одамларни бир-бирига қарши қўйиш касалини даволаш ўрнига унинг авж олдирилаётгани;

7. Халқ тақдири ва келажаги билан шуғулланиш ўрнига икр-чикирлар, қувғинлар, инсон ҳуқуқларини топташ билан банд бўлинаётгани;

8. Мухолифатдаги партия, ҳаракат ва уюшмаларга нисбатан минбарлардан яхши гап айтилиб, амалда улар таъқиб қилинаётгани;

9. Халқнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб бораётгани, бунинг олдини олиш учун аниқ дастур йўқлиги.

10. Миллатвакилларининг эркин баҳслари, бор гапни айта олишлари учун шароит яратилмагани ва аксинча оғир, носоғлом вазият вужудга келтирилгани, фикрлар, таклифларга эътибор қилинмаётгани...

Ана шу ва бошқа сабабларга кўра, ҳукумат таркибидан чиқаман ҳамда ўзимни унга нисбатан мухолифатда, деб ҳисоблайман. Ҳукумат таркибида туриб, бу иллатларга қарши кураш йўлини топмадим. Ҳукумат аъзолари учун йўллар берк ва очилмасдир..."

Ўшнда аризасини кўпайтириб, бир нусхасини Президент ёрдамчиси Крайновга, яна бир нусхасини Президентнинг кадрлар бўйича маслаҳатчиси Мавлон Умрзоқовга бердим.

Олий кенгашга келсам, Эркин Воҳидовнинг хонасида Муҳаммад Солиҳ ва яна икки-уч киши ўтиришганди. Салом-алиқдан кейин бўлган воқеаларни гапириб бердим. Эркин ака бош чайқаб қўяркан, Муҳаммад Солиҳ:

-Биз газетамизда нашр эттирамиз,- дея бир нусхасини олди.

Бу аризамни "ЭРК" газетасининг биринчи саҳифасига қўйишган экан. Газетанинг биринчи саҳифида катта ҳарфлар билан "Телевидение раҳбари истеъфо берди" деган сарлавҳа қолибди, аммо ёзув "оқариб" турибди Цензура аризани олиб қолибди....

44. ШОВРУҚ

“Америка овози” да ишлардим.

2001 йилнинг 6 июл куни нохуш хабар олдим. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари жамиятининг Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, собиқ Ўзбекистон Халқ депутати, “Бирлик фаоли” Шовруқ Рўзимуродов ўлдирилди. Юрагим увишиб кетди.

...1990 йилнинг 24 март куни Ўзбекистон Олий кенгаши тўққизинчи чақириқ биринчи сессиясида Аҳмаджон Мухторов нутқ сўзлаб: “Демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва ҳавфсизликларини мустаҳкамлаш, бошқарув олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида президентлик бошқаруви жорий этишни” таклиф қилди.

Бу таклифга қарши чиққан фалсафа фанлари номзоди Тойиба Тўлаганова Ўзбекистоннинг бугунги шароитида президентлик бошқаруви яққаоқимликка олиб келишини ва демократия истаб диктатурага йўлиқишимизни, коммунистик партия тарбиясини олган раҳбарлардан чиқадиган президент “таши” бошқа бўлгани билан ичи айни тарзда қолишини айтди. У демократия ўрнатилиши учун парламент бошқаруви заруратидан сўз этди.

-Бундай фикр аёл кишидан чиқмайди, аёлларнинг ақли калта бўлади, таклифнинг ортида қандайдир кучлар бор,- деган Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби, КПСС МК сиёсий Бюросининг аъзоси Ислон Каримов Тойиба Тўлагановани очиқчасига камситди. Танаффусда эса маҳаллий мухбирларга интервью берар экан “Аёллар товуқ мия бўлади” дейишгача бориб етди. Унинг гапига қўл силтаб кетганлардан бири Шовруқ эди.

Президентлик лавозими ҳақидаги қарорни қабул қилиш ва Каримовни сайлаш бошланганда Шовруқ сўз сўради. Лекин дўппини салла қилиб кўрсатиш даражасида устамон бўлган мажлис раиси Мирзаолим Иброҳимов:

-Ука, сиз эмас, ёнингиздаги дўппили одам гапирсин,- деди.

Дўппили одам эса сўз сўрамаганини айтишга хижолат чекар экан, Шовруқ ўрнидан туриб гапира бошлади. Унга микрофон керак эмас эди. Унинг гуриллаган товушини мажлислар залининг ҳар жойидан ҳам эшитса бўларди. Шовруқ: “Мен бу одамни Қашқадарёдан биламан. Бу одам президентликка лойиқ эмас. Агар президент бўлса ҳаммангиз пушаймон бўлиб қоласиз ҳали...” деди.

Шовруқ қўли билан минбарга ишора қилиб гапирар экан Каримов қизариб кетди. Микрофонни жаҳл билан олдиға тортди. Лекин нимадир эсига тушган кишидек яна микрофонни раиснинг олдиға сурдида “Бас қилинг майнавозчиликни” деди. Раис дарҳол бас қилди. Музокаралар тўхтатилиб “бир овоздан” президентлик лавозими ташкил қилинди ва “бир овоздан” Каримов сайлаб юборилди.

Шовруқ кечаги кунни кўриб, келажакни айтаётганди. Кейинчалик Каримовнинг Қашқадарё вилоят партияси биринчи котиби бўлган пайтида қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлардан бошлаб яна бошқа жиноятларига қадар ҳужжатларни Олий кенгаш ҳайъатига тақдим этган халқ депутати Иномжон Турсунов қамалди.

Каримов билан юзма юз бўлиб камчиликларини юзига айтган Самандар Қўқонов умрбод турмага тикилди.

Каримов билан Қашқадарёда тортишган ва сўнгра бу курашни Олий мажлисга ташиган Мурод Жўраевнинг ўн гулидан бир гули очилмаган ўғли ўлдирилди, ўзи зиндонбанд этилди.

“Нега жиноятчилар ҳукумат бошига келмоқда, нега мафия ҳукуматни қўлга олмақда?” деган Мели Қобулов темир панжаралар ортига жўнатилди. Ва ҳоказо ва ҳоказо...

Шовруқ буларни олдиндан кўра олганди. Ўша куни танаффусда Аҳмаджон Мухторов билан гаплашиб турганимизда Шовруқ олдимизга келди.

-Сиз билиб қўйинг , - деди у Аҳмаджон акага,- Бу одам рафиқини ҳам, рақибини ҳам кечирмайди!

Аҳмаджон аканинг кўзи ёниб кетгандек, бўлди. Дарҳол дафтарига бу сўзларни ёзиб олди. Кейин:

-Укажон Москвада Гдлянчилар билан курашда яккаланиб қолаяпмиз. Депутатлар партиядан қўрқишади. Президентлик ташкил қилинса партиянинг таъсири камайиши мумкин. Мен ҳозир бу одамдан бошқа лидерни кўрмайпман, кейинчалик балки бошқа кадрлар чиқар- деди. Аҳмаджон ака ўша кезде Каримовга сидқидилдан ишонарди.

Шовруқ унинг Қашқадарёда одамларга зулм қилгани, Ўзбекистон Компартиясининг Москвадан юборилган иккинчи котиби Анишчев билан биргаликда кўп одамни қаматиб юборгани, Гдлян тўдаси билан ҳам алоқаси борлигини айтар экан Аҳмаджон ака:

-Укажон деворнинг ҳам қулоғи бўлади, бу гапларни менга айтдингиз бошқага айтманг, бундай гаплар учун кечирмайди бу бадбахтлар,- деди.

-Халқ бу гапларни айтиш учун мени мажлисга юборган , - деди Шовруқ.

Кейинчалик Фарғона воқеаларини босди – босди қилиб юборгани, Паркентда оддий одамларни отишга буйруқ берганини, атрофидагиларни ҳақоратлаб дўппослагани ва бошқа “ҳунарлари”ни кўргандан кейин Аҳмаджон ака ҳам Каримовни таниди. Шу боис ҳам у ўзи бош муҳаррир бўлган газетада танқидий мақолалар ва таҳлилий чиқишларга йўл очди. Аммо Каримов уни қувғинга олди. Кекса журналистга иш бердиртирмади. У сарсон саргардонликда юриб миясига қон қуйилди...

Каримов Тойибани ҳам кечирмади. Уни Олий кенгашдаги ишидан қувдирди. Дорилфунунга қайтганди у ерда ҳам таъқибга олди. Тойиба ҳам орамиздан эрта кетди.

Шу ўринда кичик бир чекиниш: Иосиф Сталин тарихни ўзи ёздиргани каби қолдиришни истаб гувоҳларни йўқотишга киришганини бугун гапиришга ҳожат ҳам йўқ. Лекин тарихнинг у бекитган саҳифалари бугунга келиб очилди. Сталин даврида ўлдирилганлар ҳақидаги маълумотларга қарасангиз, бирига “Қамоқда ўзини осди”, бошқасига “Миясига қон қуйилди”, кейингисига “Оғир хасталиқдан ўлди” деган хулосалар қўйилган. Лекин уларни ўлдиришганди...

Каримов ўзини кечирмаслигини Шовруқ яхши биларди. Зотан депутатлар орасида калтак биринчи бўлиб унинг бошида синганди. Каримов 1990 йилнинг 24 март куни президент бўлган бўлса, орадан бир ҳафта ҳам ўтмай Шовруқни тўртми, бешми боласи бўлган бир аёлга уй олиб берганликда айблашди. Яъни депутат бунақа ишларга аралашмаслиги керак экан. Бир ойдан кейин, Май ойида эса норасмий митинглар ва бошқа бўҳтонлар билан қамоққа олишди.

Олий кенгаш ҳайъати уни қамашга сиртдан изн бериб юборганини эшитиб, қўмита раисларига норозилик билдирдик ва масалани сессияга олиб чиқажагимизни айтдик. Каримов Мажлис

раисига: “Уни олиб келиб президумда муҳокама қилиб, депутатликдан чиқаринглар, қолганларга дарс бўлсин” деб айтибди. Раисга “Бу гапимни ҳам айт” деган бўлса керакки у “Оқсоқол шундай дедилар” деб қўрқмасдан айтганди бу гапни.

Биз қўмита раисларига бу қақшатгич зулмининг илк одими, уни тўхтатиш қўлларингизда” деб Шовруқни сақлаб қолиш масаласида тазйиқ ўтказдик. Улар ўзлари бир нарса қила олмасликларини, лекин бизларни ҳайъат мажлисига киритиш учун овоз беражакларини айтишди. Қўмита раисларидан, шоир Эркин Воҳидов эса “Бизга олдиндан қўл қўйдириб олишган, муҳока қилиш расмиятчилик, холос, барибир бир нарсага эриша олмайсизлар”, деб ҳайъат мажлисига кирувчиларнинг шахдини синдирди. Бу масалани тортишиб турганимизда миршаблар Шовруқни олиб келишди.

У халқ томонидан сайланган парламентга миршаблар қуршовида, қўлида кишан билан келаётган эди. Кийимлари ёғим. Соқоли ўсиб кетган. Кўзлари чўкканди. Биз унга пешвоз чиқдик.

-Буларнинг кучи етмади. Олиб келган янги кийимларини ҳам киймадим. Соқолимни олиш ҳақидаги буйруқларини ҳам бажармадим,- деди у.

Уни мажлисга олиб киришди. Миршабларга топшириқ бериб, ҳозир президент келаганини ва ичкарига ҳеч ким олинмаслигини айтишди. У пайтда ҳали миршабларнинг кўзида бир оз бўлсада қўрқув бор эди. Бизнинг йўлимизни тўса олмадилар. Ичкарига кирдик. Раис дарҳол мажлисни тўхтатиб, “Мен пастга, президентни кутиб олишга бораяпман” деб чиқиб кетди. У ҳам, Президент ҳам келишмади. Шовруқни эса олиб кетишди.

Биз масалани сессияда кўтардик. Каминанинг Шовруқ ҳақида айтган гапларимни ўшанда кўпчилик эшитган. Сессия мажлисини телевидение орқали намойиш қилишга эришгандик: “Бугун Шовруқни қамашган бўлишса эртага навбат бошқаларга келади. Бугун калтак, эртага қамоқ ва индин ўлдиришгача бориб етишади. Буни бугун тўхтатмасак эртага кеч бўлади” дегандим. Минг афсуски тўхтата олмадик ва кеч бўлди.

Бугун Шовруқни... Шовруқларни йўқотиб турибмиз...

Ана шу дард билан президент девонида ишлаётган эски дўстлардан бирига сим қоқдим. Унинг ҳам дарди ичида экан. Ўзи тинч бир жойдан телефон қилаганини айтди. У билан узоқ гаплашдик. Анчайин қўрқмаслигидан президент девонидаги вазиятни ҳам тахмин қилиш қийин эмас. Ҳатто унинг хорижга кетиб қолишга кўнгли бордек туюлди менга.

Унга кўра Ўзбекистон Исломиё ҳаракатини қўллаганлардан бири Иброҳимбек “қўрбоши”нинг невараси, хорижда яшаётган Ҳожи Жамшид Тилав ўғли Азимий Қашқадарёлик бўлиб, ҳаракат унинг истаги билан шу зоналарга ҳужум қилиши мумкин, деган хабар олинган. Бунинг устига Қашқадарёда Ҳизби – ат Таҳрирининг фаолияти ҳам кучайган. Каримов маслаҳатчиларидан бирига топшириқ бериб Қашқадарёда жиддий тадбирлар олишни буюрган. Ички Ишлар вазири Зокир Алматов дарҳол Қашқадарёга юборилган. Қайтиб келгач маслаҳатчи билан бирга вазият ҳақида ҳисобот тайёрлашган.

Каримов ўзи таниганларининг номини эшитса жазавага тушишини яхши ўрганиб олишгани усун ҳисоботда асосан Шовруқ ҳақида сўз юритишган:

Шовруқ Сурхондарёдаги кўчманлар билан алоқага кирган. У ердаги гапларни бутун дунёга овоза қилди...

Шовруқ Ҳизбу- ат Таҳрирнинг варақаларини компьютерда ёзиб, кўпайтириб бермоқда...

Шовруқ Москвадаги “Мемориал”га аъзо бўлган ва бу ташкилотнинг раҳбарларидан бири Виталий Понамарев Ўзбекистонни ёмонлаб гапирётган ҳамма гапларни у етказиб турибди. Понамарев Ўзбекистонга келганда ҳам у олиб юрган. Олмониядан келган “Фокус” журнали мухбирларини ҳам Сурхондарёдаги лагерга у олиб кирган ва ҳоказо.

Ҳисоботни эшитган Каримов дарҳол Шовруқни ушлаб келишни ва у билан ўзи ҳисоб-китоб қилишини айтган. Зокир Алматов бу ишни асли қашқадарёлик бўлган полковник Маҳмуд Бекмуродовга топширган. Шовруқни 2001 йилнинг 15 июн куни кўчада ушлаб Тошкентга олиб келишар экан, маҳаллий миршабларга “ҳужжатларни” тўғрилаб қўйиш буюрилган. Миршаблар унинг Яккабоғ туманининг Олақарға қишлоғидаги уйини босишган.

Манбанинг айтишича, “хумордан чиқиш” ва таниганларини дўппослаб келиш учун Ислоҳ Каримов Ички Ишлар вазирлигининг ертўласига бориб туришини президент девонидагилар яхши билишар экан.

Агар 1991 йилнинг кузида Олий Кенгаш раиси Шавкат Йўлдошевни тепкилагани, ўшанда Савдо вазири бўлган Мираброр Усмоновни ургани ва Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидовни дўппослаганини кўрмаганимда бу гапларга ишонмаган бўлардим.

1993 йил 17 апрел куни мени ушлаб Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал Тўхтевнинг хонасига олиб келишганда аввал президент маслаҳатчиси Темур Алимов унга телефон қилиб эрталабгаса йўқотиш ҳақида буйруқ берилганини айтгани, генерал вақт сўрагандан кейин президентнинг ўзи телефон қилиб бақирганига гувоҳ бўлмаганимда ҳам шубҳага боришим мумкин эди.

Бунинг устига уларнинг “Шовруқ ўзини осиб қўйди” деган баҳоналари ҳам қинғир ишнинг қийиғини кўрсатиб турибди. Шовруқ ўзини осадиган даражада заиф эмас эди. У ҳам жисмонан, ҳамда маънан жуда кучли инсон эди. Унинг акиси Шавкат Рўзимуродовнинг “Укамнинг вужудида задаланмаган соғ жойи қолмагани” деган гаплари ҳам кўп нарсанинг далолати. Бошидаги жароҳат излари эса унинг зулмга бўйинсунмагани белгисидир.

У зулмга бўйсунмас ва қўрқмас эди. У ҳеч кимдан, айниқса Каримовдан қўрқмас эди. Қўрқоқлар кучлари етмаганда ё тухматга бошлайдилар ёки жирканч қиёфага кириб номардлик қиладилар.

Хоинларга қўрқмас йигит ўлмаслигин кўрсатдинг,

Ёлғон-ботқоқ, бу йўллари йўлмаслигин кўрсатдинг,

Ўзбек авом, бу халқ билмас ўзлигини, деганга

Шовруқ каби лочинлари гўлмаслигин кўрсатдинг!

45. МУҲОКАМА

Китоб ёзадиган мавзулар кўпайиб кетди. Қайси бирига ҳам улгуради, киши? Бунинг устига интернет одамларани қисқа нарсаларни ўқишга ўргатмоқда.

Шунинг учун хаёлимда айланган китобларнинг сарлавҳаларини хатга туширдим ва эълон қилдим.

Икки қисмли сарлавҳалар... Манимча ёзганларимдан энг қизғин муҳокама бўлгани ҳам шу. Ўқувчилар икки қутбга бўлиндилар. Каминани ёқтирмаганлар буни сайтларига кўчириб олиб, “муҳокама”ни роса обориб, олиб келишди. Каминани ёқтирганлар аксини қилишди. Лекин гап каминада эмаслигини ўзим ҳам, улар ҳам яхши тушуниб тургандик Нима бўлганда ҳам муҳокамалар авжга чиқиб кетди.

Кейинчалик кузатсам ҳатто ҳақорат қилганлар ҳам шу мавзуларда ёза бошладилар. Демак, арининг уясига эмас, инсонларнинг дилидаги дардига тегиб қўйибман.

Мана ўша икки қисмли мавзулар. Балки бу сизга ҳам бир нарсалар ёзишга туртки бўлар!

“Ўзбекчилик” нима?

- 1.Ўзи қилолмаган ишни бошқалардан талаб қилиш.
- 2.Ақл ўргатишга усталик, ўрганишга нўноқлик.
- 3.Халқ деб, ҳалқумни тушуниш.
- 4.Майда гапларнинг қули бўлиш.
- 5.Ош учунгина бирлашиш.
- 6.Саволни “Унга қандай ёрдам, далда бера олдим?” деб эмас, “Нега у менга ёрдам, далда бермади?” шаклида қўйиш.
- 7.Ўзини осмоннинг устунни деб билиш.
- 8.Бойга бўйин эгиш.
- 9.Ўз тарихи, ўз кимлигини билмай миллатчилик қилиш.
- 10.Қўрқоқлик.
- 11.Яхшилик қилганга ёмонликни раво кўриш.
- 12.Бир-бирини кўролмаслик.
- 13.Одий одамни тиригида тепиб, ўлгандан кейин улуғлаш.
- 14.Қаттиқўл раҳбарни севиш.
- 15.Худога ишониб, лекин ердагиларни ундан устун қўйиш.
- 16.Топган-тутганини тўй ва уй қуришга “инвестиция” қилиш.
- 17.Меҳмонни отасидан улуғ деб билиш.
- 18.Одамларга ақл-заковатига қараб эмас, уй-жойига қараб баҳо бериш.
- 19.Дўст сақлаш қоидаларини билмаслик.
20. Бошига иш тушган одамдан юз буриш.

21. "Менга нима?" шиори билан яшаш.
22. Хато қилишни оддий нарса, кечирим сўрашни ўлим билан тенг кўриш.
23. Йиқилганни яна бир марта тепиш.
24. Манфаат учун дўстни, миллатни, Худони ва бутун борлиқни осонгина сотиб юбориш.
25. Билим олишда кимўзарлик қилиш эмас, чаласаводлик пойгасига кириш.
26. Баҳслашиш маданиятини билмаслик.
27. Сўкинишда "Ой", "Марс" ва "Плутто" ни забт этиш.
28. Бугуни, келажаги ҳақида эмас, ўтмиши, тарихи ҳақида гапириш.
29. Фақатгина ўз гапини ҳақ деб билиш.
30. "Ҳап сеними, кўрасан ҳали?" хаёли билан яшаш.
31. Мансабдорни тиригида оёғини ўпиб, ўлгандан кейин гўрига тош қалаш.
32. Буларнинг ҳаммасини ўқиб ё эшитиб, "Шу ҳам гап бўлдимми?", дейиш.
31. Ўзига ёқмайдиган ҳақиқатни рад этиш.
32. Ўзига ёқадиган ёлғонга ишониш.
33. Юзинг бурилдимми, орқадан гапириш.
34. Бетига айтгандан хафа бўлиш.
35. Танқидни "Душманнинг иши", ифво деб билиш.
36. Мақтаса шайтоннинг ҳам шериги бўлиш.
37. Тўхматга мойиллик.
38. Китоб ўқимаслик.
39. Маишатни севиш.
40. Машваратсиз иш қилиш.
41. Тахтга ёки тахтсимон жойга миниб қолса, тобутга мингунча тушмаслик.
42. Кўчада ётган чўпдан ҳам шубҳа қилиш.
43. Бировдан бир нарса ундиришга уста бўлиш.
44. Ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик.
45. Ёмонлик қилишдан ҳузурланиш.
46. Кўнглида тан олиб турганини ҳам тилида писанд қилмаслик.
47. Бировга нон бермасдан уни нонкўрликда айблаш.

48. Гуноҳини хаспўшлаш учун гуноҳ қилиш.
49. Соқоли ўсган сайин ақлим ҳам ўсмоқда, деб ўйлаш.
50. Гап тагидан гапча қидириш.
51. Давлатни савлатим деб билиш.
52. Пулнинг ҳиди келса, оғизни бекитиб олиш.
53. Бировни ёмон кўрса, ўлаётганда ҳам ўшани қарғаб ўлиш.
54. Айтилган жойга айтилган вақтда бормаслик.
55. "У ким бўлибдики?" саволини тез-тез такрорлаш.
56. Пора бериш ва пора олишни билиш.
57. Пора олмайдиган ва пора бермайдиган одамни порахўр деб айблаш.
58. Қарз беролмаган дўсти ёки танишидан юз ўгириш.
59. Халқни, айниқса аёлларни ёппасига айблаш-ёппавийлик.
60. "Ўзинга ақл ўргатсанг-чи?" деган ҳукмнинг ҳукмдори бўлиш.

"Америкачилик" нима?

1. Уй, машина ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни қарзга олиб, бир умр ана шу қарзни тўлаш учун ишлаш.
2. Одамгарчиликдан ишни афзалроқ деб билиш.
3. Ўз шахсини ҳаммадан, барча яқинларидан ҳам устун қўйиш.
4. Фикри мансабдорга, бойларга қарши бўлса ҳам чўрткесарчасига айтиш.
5. Ҳафта давомида Худонинг йўқлигини исботлашга уриниб, ҳафта охирида бола-чақаси билан ибодатгоҳдан чиқмаслик.
6. Ёшлигида ота-онасини менсимай, ёши бир жойга етганда уларнинг хизматкорига айланиш.
7. Аввалдан келишилмай келган меҳмонни маданиятсиз ҳисоблаш.
8. Ҳамма жойга, ҳамма учрашувга илгаридан вақт олиб, олдиндан бориб, кутиб туриш.
9. "Навбатда тур", дейилмаган жойда ҳам навбатда туравериш.
10. Дунёдаги катта воқеалардан Ҳолливуддаги кичик ҳангомаларни устун қўйиш.
11. Чақалоқнинг тагини тозалаш, қозон-товоқни, кир кийимларни ювиш, ўйни пилесос қилиш, овқат пишириш каби юмушларни эркакнинг бўйнига қўйиш.
12. Аёлнинг ҳамма вақт ҳақ бўлиб чиқиши.
13. Боласини урган ота-онанинг бир умрга боласидан айрилиши.

14. "Арзон" деб ёзилган, лекин ўз нархидан ҳам қиммат нарсаларни сотиб олиш.
15. Ёмонликни тезда унутиш.
16. Қуролни қучоқлаб ётиш. Уйига тушган ўғрини "пақ-пўқ" отиб ташлаш.
17. Эр-хотиннинг пули, ҳисоб-китоби айрилиги.
18. Ресторанга тўпланган ҳар кимнинг ўзига ўзи ҳақ тўлаши.
19. Тўйга борганда тўй ҳақини бериш.
20. Бировдан қарз сўрашни қабоҳат, қарз беришни эса аҳмоқлик деб билиш.
21. Дунёнинг бошқа четидаги мингта одамдан битта америкаликни устун қўйиш.
22. Бўш вақтини ҳосил бермайдиган томорқасида ўтказиш.
23. Узоқ яшаш учун тупроқни витамин деса ҳам ишониш.
24. Овқатини асосан ресторанларда ейиш.
25. Душманига ҳам тиржайиб туриш.
26. Бола-чақа деб эмас, ўзи учун яшаш.
27. "Миллатим", "Халқим" деганларни эшитганда энсаси қотиш.
28. Ўз сирини ўзи очиб ташлаш.
29. Пулни бахтнинг калити, деб билиш.
30. Ҳамма нарсани "одноразовий" га айлантириб юбориш.
31. Яхшилик қилишни жаннат учун чипта деб билиш.
32. Дилида эмас, уйида ит ва мушук сақлаш.

Тўртинчи фасл

46. ВАТАН

Инсоннинг киндик қони оққан ерни ватан дейдилар. Бу тор маънодаги тушунча ва бу Ватан ҳақидаги ҳақиқатни тўла қамраб ололмаган тушунча. Инсоннинг бешик ва тобут орасидаги йўлини Ватан дейдилар. Бу кенг маънодаги тушунча ва Ватан ҳақидаги ҳақиқатни унуттиришга қаратилган тушунча. Хўш, ундай экан аслида Ватан нима?

Ватан бир миллатнинг ўзлигини, кимлигини, тилини, маданиятини яшатган ҳудуд. Ватан бир миллат тоғларининг салобатига маҳлиё бўлган, ирмоқларининг оқишидан мусиқалар тинглаган, қушларининг сайрашига маст бўлган, тупроғининг тафтидан умид олган муборак заминдир. Ватан болаликдан онанинг кўзлари каби тийран ва дарин осмон бўлиб кўнгилларга ерлашган, отанинг пешонасидаги реза-реза терларининг қуёшда жимирлашидан камалакка айланиб, дилларда иморат солган ва момоларнинг уйқуларини тонгнинг этагига боғлаб сўзлаб берган ривоятларидаги қаҳрамонларнинг сиймосига айланган чексиз борлиқдир.

Шу маънода биз учун гиёҳлари олтинлардан устун, дарёлари денгизлардан афзал, адирлари дунёнинг не-не кенгликларидан муқаддас бўлган ватан – Ўзбекистон, Туркистон, Турондир!

Мирзо Улуғбекнинг муборак боши қиличнинг учидан осмоннинг бир бурчига кўчиб, шафаққа айланган кунларда Самарқанддаги минг-минг китобларни нортуюга юклаган Али Қушчи Табризга келиб ерлашаркан, уни Фотиҳ Султон Истанбулга даъват этади ва “Ватанингизни нечун тарк этдингиз”, дея сўрайди. Ўшанда Али Қушчи: “Сиз не замон бошим узра қилич ўйнатсангиз ва бу қилич майсаларни қоним билан суғорса, мен ўшанда Ватанни тарк этаман. Ҳозир эса, Аллоҳга шукрки, Ватандаман”, дея Турк дунёсининг бир бутун Ватан эканлигига ишора этганди.

Ватан қаврами, Ватан тушунчаси биримиз учун чор девор билан ўраб олинган ҳовли, яна биримиз учун эса далаларнинг ўртасида қолган қишлоқ, яна биримиз учун чегараларига сим тортилган кенглик...

Ўзбеклар... ўзига бек, ўзлигига соҳиб ўзбеклар, туркнинг энг қадим ва энг буюк қавми бўлмиш ўзбеклар.

...Холида момо улардан бири. У Самарқанду шарифда яшарди. Умр йўлдошини “Озодбек босмачининг жосуси” дея отиб ташлашди, большевойлар. Холида момо “Ватан хоинининг беваси” деб эълон қилинди. У етти боласи билан тарки ватан айлаб йўлга чиқди. Йўллар... Холида момонинг жигаргўшаларини тортиб олавердилар. У Машҳадга етгунга қадар йўл четига икки боласини кўмди, Табризга қадар яна икки нафарини тупроққа берди, Табриз Истанбул орасидаги йўллар яна икки боласини унинг бағридан ўзиб олдилар. У ёлғиз зурриёди билан Истанбулда яшади. Холида момонининг зурриёди ва унинг қанча-қанча фарзанду -неваралари Америка, Индонезия, Арабистон... дунёга сочилиб кетдилар.

Турсунбой қаҳрамон эса онаси, қариндош- уруғлари билан Андижондан Чинга, Шарқий Туркистонга ўтиб кетди. Унинг ҳам отасини ўққа тутишганди. Қашқар сўнгра Хиндистон ундан кейин Покистон, Афғон, Эрон ва Туркия. Эҳ-ҳе, не азоблар, не айрилиқлар кўрмади бу оила, аммо Ватанни қалбида сақлади.

Бугун Истанбулу Коня, Аданаю Риёд, Вашингтону Нью-Йорқда шундай ўзбекларнинг, туркистонликларнинг ворислари яшайдилар.

Саид Амир Олимхон, Худоёрхоннинг ҳам сулоалари бор бу ерларда.

Кўплари ўзбек калимасини сулола номи қилиб олганлар: Рифат Ўзбек, Ҳасан Ўзбек, Мирза Ўзбек...

Бир қисмлари Туркистон шаҳарларини ва Ватан бағридаги жой номларини танлаганлар: Бурҳониддин Самарқандий, Аҳад Андижон, Усмонбек Тошкандий, Саидхўжа Бухорий, Солиҳ Ойнунал...

Улар Ватаннинг чироғини ёқиб туриш, соғинч алангасини сўндирмаслик, Ватан номини байроқ қилиб кўтариш туйғусини ўз сулоалари номида ифода этмоқни истаган минг-мингларнинг бир неча нафари, холос.

Узоқларга борманг, фақат 1982 йилда Афғонистонда яшаган ўзбеклардан тўрт минг беш юз нафари Туркияга кўчди, яна қанчаси Америкага ерлашди. Американинг биргина Виржиния вилоятида бугун юздан зиёд оила яшайди.

Ҳа, бобоюртнинг ариқларида нон оқизган, шамолларида варрак учирган, баҳор кунларида қўлида чучмомо кўтариб, “Бойчечак” ашуласини айтган болалардан тортиб, тоғлардан териб келинадиган ривожу–пайкаллардан узиб чиқиладиган “Обинавот”га қадар бу инсонларнинг соғинчи.

Не дариғ бир коса тариқдек сочилиб кетдилар дунёга йигирманчи аср аввалида Туркистондан қувилган боболар, момоларимиз...

Бир ҳовуч буғдойдек сочилиб кетдилар кўрраи заминга Иккинчи Дунё уруши йилларида Ватандан айро тушган салафларимиз.

Бир тутам ушшоқ каби Эл аталмиш дастурхонидан силкиниб- силкиниб учиб кетдилар дўстларимиз зулм, таъқиб, қувғин дастидан жаҳоннинг етти бурчига.

Турк эдилар... Ўзбекка, Қозоққа, Қирғизга, Туркманга, Озарбайжонга ва Тожиқка айландилар. Парчаландилар, парчалангандан сўнг ҳам бирлашмоқ насиб этмади уларга. Душманнинг эмас, бир-бирларининг кўзини ўйишни ўргандилар.

Албатта, бу сатрларни ўқиган муҳожир ўзбекларнинг, тўғрироғи туркларнинг қалбида йиллардир ухлаб ётган дард депсилади. Лекин қанчалик оғир ботмасин бу хусусда сўз айтмоқ зарур. Америкага отланар эканман, шу ерда яшаётган ўзбек биродаримизга Туркиядаги ўзбекларнинг тарқоқлигидан сўз очдим, шунда у жилмайди-да:

-Ҳамшаҳарлар кўп ҳам тарқоқ эмас. Ҳафтада ёки ойда бир марта гапга, яъни гаштакка тўпландилар, аммо Ватан ҳақида сўз очилса, дарров қўлларини фотиҳага тортиб, қандайдир юмушни унутганларини баҳона қилиб, даврани тарк этадилар. Узоқ йиллар олисдаги КГБдан кўрқиб яшадилар, бир-бирларини КГБ жосуси деб ўйладилар. Энди эса узоқдаги Каримов ҳукуматидан кўрқадилар. Бир-бирларини Каримовнинг жосуси, деб ўйладилар. Ҳақиқат ва адолат ана шу кўрқувнинг соясида йўқ бўлди, – деди.

Дарҳақиқат, камина ҳам шундай ҳолнинг гувоҳи бўлганим учун унинг мийиғида кулиб қўйишини англадим. Сўнгра у бирданига жиддий тус олиб:

-Сиз Америкага келяпсиз. Бу ерда ҳар ким ўзи учун ўзи яшайди. Ватан, миллат тушунчалари бойлик, пул билан ўлчанади. Бой бўлсангиз ватансевар ҳисобланасиз, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин қоидаси Америкада ҳукмрон,- деди.

Бу мантиқни радиога ишлайдиган дўстимизга гапириб берганимда, у:

–Биласизми, Америкага ўзбеклар асосан Афғонистон ва Туркия орқали келдилар. Ўқимагандилар. Ўқиганлари ҳам бу ерда қайта ўқиш учун имконсиз қолдилар. Натижада фақат кичик тижорат билан банд бўлдилар. Юқорироқ лавозимларга ўтиб ишлаганлар ва ўзбекларнинг бошини қовуштириб, даврасини тузадиганлар,деярли бўлмади, – деди.

Америкага келганимдан кейин бу ерда бошқа халқларнинг яшашига разм солдим. Қарийб ўттиз миллион муҳожир яшайдиган ва Президентининг ибораси билан айтганда “Муҳожирлар мамлакати ” бўлган Америкада,унинг ҳар бир шаҳрида “Хитой қасабаси”, “Испанлар бирлиги”, “Эрон хонадони”, “Ироқ кулбаси”, “Араб иттифоқи”, “Яҳудийлар жамоаси”, “Арманилар ҳамкорлиги”... сингари бир қатор номлар билан турли- туман ташкилотлар тузилганини кўрдим.

Айниқса украинларнинг “Бандера” ташкилоти катта кучга айланган. Улар нафақат бир миллатни бутунлаштиришга, балки унинг дини, маданияти, анъаналарини Америкада яшатишга хизмат қилади. Улар ҳар бир муҳожир оиласи билан иш олиб борадилар. Унинг дарди, ташвиши, муаммолари билан бир қаторда унинг ўз Ватанига муносабати билан ҳам қизиқадилар, яъни Америкада ўзларининг асл Ватанлари ва ўз миллатларининг келажаги учун қайғурадилар.

Ўзбеклар эса йилда бир тўпланиб, жамият тузиш ўрнига ғавғо билан тарқалиб кетар эканлар. Буниси ҳам ҳолва. Истанбулда бир пайтлар “Туркистон” номи билан жамият тўзилган бўлса-да, бугунга келиб қозоқлар, шарқий туркистонликлар, қирғизлар, туркманлар ундан ажралиб кетишганини унинг бирлаштирувчи кучини йўқотганида, деб биладилар. Худди шу манзара Америкада ҳам мавжуд. Қизиғи шундаки, ким билан суҳбатлашманг, шу ҳақда сўз юритади.

Боши йўқнинг оши йўқ деган мақол бор. Америкадаги ўзбекларни ҳам бирлаштирувчи бош, яъни марказий куч йўқ. Тўғрироғи, бундай бош ва куч жуда ҳам кўп, яъни ҳар бир ўзбек, ўзини бек, ўзини хон деб ҳисоблагани учун бошқа бирини на қўллайди ва на бошқа бирининг ёрдамини олади.

Америкада яшаётган зиёли ўзбеклардан бири :

–Илгари ҳамшаҳарларимиз (Улар ватандош сўзи ўрнига “ҳамшаҳар” сўзини қўлланишади – Ж.М.) Ватан дея кўйиб-пишиб сўз юритардилар. Мана Ўзбекистон мустақил бўлганига бир неча йилдан ошди, лекин шунга қарамай ҳалигача аксарият ўзбеклар Ўзбекистонни зиёрат этмадилар. Уларнинг иқтисодий имкониятлари етарли, аммо юракдаги имконият ожиз, – деди афсус тортиб.

Мен унга қўшилишдан ва фикрини қўллашдан бошқа бир нарса дея олмадим, чунки у Америкадаги ўзбекларни мендан яхшироқ танийди.

Туркистон тарихининг ўлмас сиймоларидан бири Боймирза Ҳайит жаноблари Каримов ҳукумати томонидан Ўзбекистондан қувилганларидан кейин 1993 йилнинг 21-мартида Анталия шаҳрида учрашганимизда “Биз халқимиз, аммо Миллат бўлолмадик” дегандилар.

Гарчи Боймирза отани Ўзбекистондан қувиб чиқаришганининг ўзи бизнинг кимлигимизни ўртага қўйса-да, ўша пайтда негадир бу гапни оғриниб қабул этдим. Аммо кейинчалик унинг ортидаги ҳақиқатни ўргандим. Дарҳақиқат, биз ҳалига қадар ўзимизни миллат деб ҳисобламас эканмиз. Руслар бизни етмиш йил ўзбек халқи дея атади. Биз ҳам бунга кўникдик ва халқлигимизча қолдик. Миллат бўлишимиз учун эса, асримиз аввалида қўлимиздан тортиб олинган Турклигимизни қайтадан танишимиз керак эди. Бунга имкон бермадилар ва бермаяптилар. Шу боис Туркистон деганда ғурурланиб, Турк деганда ийманиб “Туркий” калимасини қалқон қилиб юрибмиз.

Хўш, ғурбатда яшаётган ўзбекларни, яъни туркларни ким, қачон ва нима учун ана шундай туйғудан маҳрум этди?

Нега улар бу қадар тарқоқ қолдилар? Бунинг жавоби аниқ: қаерда бўлмасинлар улар Ватаннинг бир парчаси, унинг руҳи билан яшашга мажбурдирлар.

Менинг бу оғир сатрларимни ўқиган муҳожир ўзбеклар дарҳол шу саволни ўртага қўядилар:

-Бугунги ўзбек муҳолифати ҳам ғурбатда бўлишига қарамай, тарқоқ эмасми?

Дарҳақиқат, ғурбатдаги ўзбеклар ҳақида фикр юритар эканман, бугунги ўзбек муҳолифатини ҳам ундан айирганим йўқ. Улар ҳам шу дарахтнинг мевалари.

Ватанда тарқоқлик бор экан, унинг сояси ватандан олисда ҳам ўзини кўрсатади. Ватандан олисдаги инсонлар орасида тарқоқлик бор экан, бунинг асорати ватанда ҳам яшайди.

Биз бугунга қадар тарқоқлигимизнинг илдизларини ҳеч таҳлил этдик-ми? Табиийки йўқ. Назаримда бунинг сабаблари бор.

Миллатнинг зиёли-ойдинлари иккиюзламачилик қилиб келдилар ва бу шоҳлар, тўралар томонидан рағбатлантирилди. Бутун бошли тарих уларнинг соясида ёлғонга айланди.

Миллат мафкурасиз қолди. Ислом динининг умумбирлик қудрати мазҳаб, турли -туман оқимларга бўлиб юборилди. Дин қоидалари амалдорларнинг майлига кўра шарҳланди.

Камчиликларни айтганлар душман қилиб кўрсатилди. Қаҳрамонлар хоин, хоинлар қаҳрамонга айланди.

Натижада ботирлар қўрқоқ, қўрқоқлар эса ботир бўлдилар. Хиёнат қилганлар ҳақида гапириш хиёнатга ўхшаб қолди.

Шоҳларни мақташ, амалдорларга ҳамду-сано ўқиш анъанага айланди. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан қабилида иш юритилди ва бу жамиятнинг қон томирига қадар сингиб кетди.

Миллатга ҳамма вақт қора куч сифатида қаралди. Уни бутунлаштириш эмас, парчалаш, бир-бирига душман қилиш анъанаси туғилди ва бу чуқур илдиз отди.

Фақат ўтмишни гапириш одатга айланди. Бу эса келажакни унутишга қадар олиб келди. Бугун ва келажак ҳақида гапирмаслик учун фақат ўтмишни ёдлаш миллатни турғунлик ботқоғига етаклади.

Миллатни ҳар доим қорин ташвиши билан рўбарў қолдирдилар. Оқибатда маънавият йўқолди, тафаккурни занг босди.

Шундай пайтда виз қувғинда, ватандан олисларда.

“Қачон қайтасиз?” деган гапларни кўп эшитамиз.

Ватанга қайтиш! Бу ҳамманинг кўнгил остида ётган арслони.

Бугун хориждагилардан жуда кўпчилигида элчихонадан виза олиш ва ватанга бориб-қайтиш имкони мавжуд. Ўзи яшаётган мамлакатнинг сафар паспорти билан борса, чет эллик сифатида виза олиши мумкин. Бундан фойдаланиб бориб келадиганлар ҳам бор. Агар қолиш нияти бўлса, қолиб ҳам кетавериши мумкин. Шундайлар анчагина бўлиб қолди. Биз уларни айбламаймиз. Бунга ҳақли ҳам эмасмиз.

Лекин “сиёсий кураш учун ватанга қайтаман” дейиш, бугунги шароитда сафсатадан бошқа нарса эмас. Чунки Ўзбекистон деган мамлакатда сиёсий курашнинг илдизлари ўлган.

Бугунги режимга муҳолифлар агар “сиёсий кураш учун қайтаяпман” деб йўлга чиқишса бу таслим бўлишнинг чиройли кўринишидир. Бундай оқ байроқ кўтарганлар чиққан тақдирда ҳам уларни ҳеч ким қабул қилмайди, назарга илмайди.

Фалакнинг чархи айланиб кетиб, улар баъзи “акромийлар” каби қабул қилинганда ҳам бир қисми қамоққа кириши, бир қисми собиқ муфти каби режимни оқлаб туришга хизмат қилдирилиши, бир қисми тергов остоналарида сарсон бўлиши, қолган қисми нонга зор бўлиб ўйида ўтириши керак бўлади. Бу исбот талаб этилмайдиган аксиома .

Лекин униси ундай, буниси бундай экан, деб ўтиравериш ҳам ожизликнинг белгисидир.

Бу борада ҳар кимнинг ўз қарашлари мавжуд ва агар каминадан сўрайдиган бўлсангиз, қуйидаги одимни таклиф қилган бўлар эдим.

Қайтишнинг шартлари ва принципларини белгиламоқ керак. Масалан:

-қамоқлардаги сиёсий маҳбуслар озод этилиши;

-фаолияти ман этилган сиёсий ташкилотлар тикланиши;

-хориждагиларнинг устидан жиноий иш очилганлари тўла реабилитация қилиниши;

-халқаро ташкилотлар орқали қочқин мақомини олганларнинг мамлакатдан кетиши қонуний бўлган деб эътироф этилиши;

-хориждагиларнинг баъзилари бошқа мамлакатнинг фуқароси бўлган тақдирда уларга икки фуқаролик танилиши ;

-илгари сиёсий фаолият юритганларга яна сиёсатга киришлари учун тўсқинлик қилинмаслиги ва ҳоказо талабларни қўйиш мумкин.

Бундай талабларни Каримов ҳукумати қабул қилмайди, деб айтишингиз турган гап. Албатта қабул қилмайди. Аммо келак қабул қилди. Чунки ватан ҳамманики, кимнинг маҳрига тушган эмас.

47. ДИКТАТУРА

Диктатурани ҳар ким ҳар қандай тушунади. Уйимизда йигитлар тўпланиб туришади. Бир кун улардан бири “Диктатура нима ўзи?” деб қолди. Илҳом жўшиб кетди. Гапларим уларга маъқул келгани учун хатга туширдим. Қани, ўқиб кўрингчи, сиз нима дейсиз?

Диктатура яккаҳокимлик, зулм ва нодемократик режимга асосланган салтанатдир. Бу тузум кеча ё бугун пайдо бўлган эмас. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам унинг бир неча минг йиллик тарихи бор. Ҳозирга келиб санокли мамлакатларнинг халқларигина бу анъанани бузиб, унинг чирмовиқларидан ўз зеҳниятларини тозалаганлар, холос. Аммо жуда кўп халқларнинг зеҳниятида бу тузумга мойиллик бор. Илдизи уларнинг маданияти, дини, анаъаналари, тарбияси билан боғлиқ. Бундай жамиятларда қаттиққўл, золим инсонлар жуда осонлик билан ҳокимиятнинг тепасига чиқиб олишлари ва умрбод тушмасликлари учун пойдевор мавжуд.

Диктатуранинг пойдевори қаттиққўл инсонга ҳурмат ва тобелиқдир. Кимдир бундай инсоннинг кучидан чўчиб уни ҳурмат қилади, кимдир ўз қўрқувларига ҳимоя қидириб унинг домига тушади, кимдир заковатига ишониб унинг муридига айланади. Бошқача айтганда диктатура инсонларнинг ўзларига ҳурматларини йўқотган жойда кўкара бошлайди. Агар инсон ўзлигини билса, англаса, қадрласа у тобе бўлмайди. Нотобеликкина диктатура пайдо бўлишининг энг катта тўсиғидир.

Ҳокимиятни қўлга олган диктаторлар ўз халқларининг фитратини яхши ўрганган бўладилар.

Биринчи навбатда, бу халққа маънавий озук берадиган каналларни назоратга оладилар. Матбуот, ТВ, радио ва турли минбарларни ўз йўлларига соладилар.

Иккинчидан, халқнинг кўзини очиши ва уни бир жойга тўплаши мумкин бўлган кучлар – сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар, ҳар қандай кўринишдаги уюшмаларни ўз қозиқларига боғлайдилар.

Учинчи одимда эса, эркин фикрлайдиганларни йўқотишга киришилади. Бу жараёнда бутун жамият ғазаб ва алдов билан тўлдирилади. Ҳамма ёлғон билан яшай бошлайди. Халқ ёлғонга тўйгандан кейин оммавий қўрқитиш бошланади. Бу ташқи ва ички душманлар яратиш, ҳар турли ҳужумлар ташкил қилиб туриш, оммавий текширувлар, қама-қамалар билан амалга оширилади.

Охир оқибатда бу халқнинг фиклашини, фаоллигини ўлдиради. Деҳқонча қилиб айтганда халқнинг фикри ахталанади. Халқ лоқайд тўдага айлана боради. Ҳамма нарсага “менга нима” дегандек қўл силтайди. Ҳар нарсадан қўрқади. Сиёсатга аралашиш, эркин фикр айтиш, ўз ҳаққи учун кураш маҳкамаларда, қамоқларда тугагини кўравериб, бу жараёнлардан безади.

Лоқайд, бепарво инсонни бошқариш осон. У қўйга ўхшаб қолади. Биттаси сўйилса, бутун пода титраб, кузатадиган вазият жамиятга ҳам кўчади. Бу диктатуранинг чўққиға чиққан пайти содир бўладиган ҳолдир.

Дунёда ҳеч нарса доимий эмаслигидек диктатуралар ва вақти вақти билан йиқилиб туради. Диктатура емрилиш даврига кирганда алдов ва ёлғоннинг ниқоби йиртилади. Яъни алдов ва ёлғон беҳаё бўлиб қолади. Қишда дарахтларга гул боғлаб гуллатилиши, ёзда оқ кўпик тўшаб далалар қорга тўлдирилиши каби ҳоллар ҳам юз бериши мумкин ва одамлар бунга ажабланмайдилар, лекин кулимсираб қўядилар. Ана шу кулимсираш диктатуранинг емрилиш фазасига кирганининг учқунидир.

Дикатура емрилишга кирганини биринчи галда унга астойдил хизмат қилган зиёлилар сезадилар. Улар оёқни икки кемага отадилар. Бир томондан диктатурани мақтасалар, иккинчи томонда озодликни қўмсаётганларини сездира бошлайдилар. Бу сездириш диктатурага хизмат қилиб кетган сафдошларини улуғлаш, уларни келажак учун хизмат қилган қилиб кўрсатиш, хоинлардан қаҳрамон яшаш тарзида кўринади. Йўқотадиган нарсалари қолмаган тақдирда иқрорлар бошланади.

Зиёлилардан кейин пулдорлар емрилиш фазасини сезганларини билдирадилар. Улар пуллари ва бойликлари четга чиқара бошлайдилар.

Сўнг навбат диндан фойдаланувчиларга келади. Улар ҳам ўзларини кўрсатиб қўйишни истайдилар. Ҳар турли тариқатлар ва секталарга кира бошлайдилар.

Шу зайлда жамиятнинг барча қатламларида қимир-қимир бошланади.

Бошқача айтганда ахта қилинган жамиятнинг қони қайнаб, болдирлари жумбўшга кела бошлайди. Бу ҳаракатни диктатурани севмаган, унга мойил бўлмаган ёки унга қарши турган муҳолиф қатлам сеза оладими, уюша оладими, бутун гап ана шунда.

Диктатура емрилиши ҳали бу унинг бутунлай йиқилиши эмас. У қўлдан қўлга ўтиши ёки тамоман йиқилиш даврига кириши мумкин. Йиқилиш даври тўзонли бўлади – жанжалли, қонли кечиши ҳам мумкин. Кечаги биродарлар душманга айланадилар. Дин бирлаштирувчи омилдан парчаловчи

фазага ўтади – яъни дин ичида ҳам жанглар бошланади. Бойлар мамлакатни ташлаб кетадилар. Урушлар учун қулай фурсат пайдо бўлади. Мамлакат ва миллатнинг тақдири савол остига тушади.

Диктатура ана шундай балои азимдир.

48.ДЕМОКРАТИЯ

“Биз демократияга тайёрмизми, йўқми?” деган савол оғизга олиниши билан оддий баҳс ҳам катта жанжалга айланиб кетади.

Бир томон “Демократия оби-ҳаётдек инсон умрига умр қўшади, яшашга маъни бағишлайди”, деса, иккинчи томон “Биз асрлардан бери давом этиб келган қуллик зеҳниятдан қутулмас эканмиз, демократия шароитида яшай олмаймиз” дейди. Бошқа бир томон “Демократия кўфрдир” деб ҳукм чиқариб қўя қолади.

Хуллас, бугун ўзбек жамиятида демократия ҳақида ана шундай уч хил қараш мавжуд. Хўш, демократия ўзи нима ва нега бундай жанжалли баҳсларга сабаб бўлмоқда?

Бу саволга жавоб берганлар демократия лотинчада “халқ бошқаруви” маъносини англатишидан нарига ўтмайдилар. Чунки нарига ўтилса, кўп нарса аён бўладики, бу ҳеч бир томонга ёқмаслиги мумкин.

Демократия сўзи лотинча бўлгани билан мазмун-моҳияти бизга бегона эмас. Форобийнинг фалсафаси демократияни тушунтиришга бағишланган бўлса, Сарбадорлар ҳаракатидан Дўкчи Эшон қўзғолонига қадар воқеалар демократияни ҳаётга тадбиқ этишни ўз ичига олган.

Бугунга келиб дунёда демократиянинг бир қанча олтин қоидалари ўрнатилган. Гарчи мукаммал демократик жамият ҳали барпо этилмаган бўлсада шу йўлда жиддий қадамлар қўйилди ва йилмайил, асрма-аср бу замин кучланиб бормоқда.

Демократик жамиятнинг энг кучли қуроли матбуот(медиа) ҳисобланади. Бу жамиятда ҳеч ким матбуот назаридан четда қолмайди. Президентдан тортиб, оддий мансабдорга қадар ҳамма матбуот “дурбини” нишонига туради.

Масалан, АҚШда матбуот президентининг ҳар бир қадамини кузатади. Қонундан ташқари қиладиган ҳатти-ҳаракатларини фош этиб боради. Буни билган ҳолда президентлар матбуот вакилларини доим ёнларида олиб юрадилар. Матбуотдан қочиш ёки четланиш катта муҳокамларга сабаб бўлади.

Президент Барак Обама бир мартагина матбуотдан қочгани тарихга кириб қолди. У ҳам бўлса, голф ўйнашга чиққанда мухбирларни даъват қилмаганидир. Мана шу бир марталик ҳаракати учун президент жуда қийин шароитларга тушди, кўпгина саволларга жавоб беришига тўғри келди.

Ироқ уруши олдидан ҳукумат ёлғон маълумот тарқатгани, Ироқ ва Афғонистон қамоқхоналаридаги қийноқлар ҳамда шунга ўхшаш воқеаларни бошқа бир мамлакатнинг матбуоти эмас, АҚШнинг ўз медиаси очиб ташлагани ҳам ошкоралик демократиянинг энг муҳим устунни эканлигини кўрсатди.

Маълумки, ҳукумат ўз кучини кўрсатишга интиладиган унсурдир. Ҳукмдорлик ҳукуматнинг “қонида” бор. Матбуот эса унинг бу нафсини тизгинлаб туради. Матбуотдан ҳайиққан ҳукмдорлар ҳар бир қадамларни ўйлаб-ўйлаб ташлайдилар.

Демократия шароитида матбуот фақат ва фақат қонунлар томонидан назорат этилиши керак. АҚШда президент Обама даврида мамлакат Бош прокурори бир қанча мухбирларнинг телефонларини тинглашга буюргани Асосий қонунда белгилаб қўйилган сўз эркинлигига ҳужум деб баҳоланди. Гап шундаки, матбуотга ҳукумат мансуби томонидан махфий маълумот сиздирилган ва шу одамни топиш учун Бош прокурорлик мухбирларнинг телефонларни эшитишга қарор берган.

Демократик жамиятда махфий сирни ошкор қилган матбуот эмас, балки сирнинг очилишига уни сақлаши керак бўлган томон масъулдир. Бу қонундан бузган ҳукумат матбуот ва жамият томонидан муҳокама марказига тушди.

АҚШ, Туркия ва бошқа бир қанча мамлакатларда ошкоралик жабҳасида жиддий муаммолар ҳам бор. Масалан, катта бизнес билан шуғулланадиган шахслар ва компанияларга газета, телевидение ҳамда радио очиш ҳуқуқи берилган ёки акси: матбуот воситларига катта бизнес билан шуғулланиш чекланмаган. Бу нарса ошкоралик йўлига раҳна солади. Ҳукумат катта бизнесларни назорат қилиш орқали уларнинг қўлидаги матбуотга ҳам таъсир қилади. Натижада матбуот ўша бизнес раҳбарларининг хоҳиш ва истакларини бажарадиган манбарга айланади.

Интернетнинг пайдо бўлиши ошкоралик қудратини оширган бўлсада, демократик шароитларда жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

“Интернетни назорат қилиш керакми, йўқми?” деган саволга ҳалига қадар аниқ жавоб берилмаган. Бир томон кескин равишда “Йўқ” деса, иккинчи томон “Қонунлар билан назорат қилиш керак” лигини айтади.

Ошкоралик бўлмаган жойда демократия ҳам бўлмайди. Буни ҳар икки гапда “Демократик жамиятмиз” дейиладиган Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон каби бир қатор давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу мамлакатларда ошкоралик мутлоқ бўғилгани учун демократиянинг барча механизмлари ҳам мутлоқ ишламай қолган.

Маълумки, халқ бошқаруви у тузган партия ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Халқ бу брикмаларни, ундаги муносиб шахсларни жамиятни бошқариш учун вакил қилади. Ҳар кимга бу вакиллик учун ўз номзодини қўя олиш эркинлиги берилгани билан уни амалда жорий этиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам сайловда қатнашадиган номзодларнинг ҳуқуқлари белгилаб чиқилади ва қонунчилик йўли билан муҳофаза қилинади. Лекин бу сиёсий маърақада халқнинг ўзи ҳам фаол иштирок этмаса, турли номзодлар турли сабаблар билан маърақаберун қилинишлари мумкин.

Агар сайлов ёшига етган ҳар бир шахс ўзининг овози ўчирилмаслигини билса, якка ҳолда ҳам ўзининг куч эканлигини ҳис қилса, табиийки, бу имкониятни бой бермайди. Лекин шахснинг овозини ўлдириш жамиятда лоқайдликка олиб келади. Одамлар ҳамма нарсага қўл силтайдиган бўладилар, қорин тўйғазишдан бошқа нарса билан қизиқмай қўядилар. Бу ҳолда дастлаб сиёсат ўликлашади. Кейин бутун жамият депсиниб қолади. Бунинг мисолини Ўзбекистон, Туркменистон каби бир қатор мамлакатларда кўриш мумкин.

Демократик жамиятларда ҳар бир овоз кучдир. Бу фаолликни таъминлайди. Фаоллик бор жойда ҳаёт бор, ривожланиш бор, инсоннинг кадр-қиммати, қудрати бор. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда ҳар бир овозни қозонишга ҳаракат қилинади.

Албатта, кимлардир овозларини осонгина сотишлари, кимлардир ёлғоннинг қули бўлиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Сайлов жараёнида матбуотнинг роли беқийёсдир. Матбуот халқни турли томонларга бошқариши мумкин. Шунинг учун ҳам аввало матбуотнинг ўзи эркин ва бўйсунмас бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидламоқ керак.

Номзодларга бирдек минбар берилиши, уларнинг дастурлари бирдек тарғиб қилиниши қонунлар билан кафолатланиши биламиз. Лекин бунга риоя қилинмаган тақдирда чоралар кескин бўлавермайди. Ҳатто демократик ривожланган мамлакатларда ҳам сайлов ўтди дея суиистеъмоллар тезда унутилади. Бу аста-секин халқнинг ишончини емирадиган омилдир.

Дунёда демократик бошқарувнинг бир қанча кўриниши мавжуд. Президентлик, ярим президентлик, парламент бошқарувлари шулар жумласидан.

Президентлик бошқарувида давлат раҳбари тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланади. Парламент бошқарувида эса президент (қирол, қиролича ва ҳоказо) иккинчи ролга тушади ва парламентдаги вакиллар уни сайлайдилар. Бундай бошқарувда ҳукуматни мазкур партиянинг лидери ҳисобланмиш Бош вазир бошқаради.

АҚШда сенатор ва конгрессменлар турли округлардан овоз тўплайдилар – сенаторлар олти йил ва конгрессменлар икки йиллик муддат учун. Президент эса аслида умумхалқ томонидан сайлансада, расмиётда унинг сайлангани ҳар штатдан тўпланадиган “очко” ва ҳар штатдан юбориладиган вакилларнинг мажлиси(Electoral college) орқали тасдиқланади.

Бу АҚШ каби штатларга бўлинган мамлакат учун бир томондан яхши.

Сайловда барча штатларнинг ўз ўрни, ўз салмоғи сақлаб қолинади. Салбий томони ҳам бор. Гап шундаки, баъзан умумхалқ сайлаган номзод штатлардаги ўринлар ҳисобидан ютқазishi ҳам мумкин. 2000 йилда Буш ва Гор сайловида шундай бўлганди. Халқнинг 48,4 фойиз овозини олган Ал Горе қолиб, 47,9 фойиз овоз тўплаган Жорж Буш Оқ уйга кирганди.

Бу эса АҚШ каби йирик давлатда ҳам демократия мукамал эмаслигини кўрсатади. Бироқ демократияларда ўз камчилигига барҳам бериш қонунияти мавжуд, бошқача айтганда бу тузум қотиб қолган догма эмас, доим ривожланишда.

Халқ вакиллари томонидан қонунлар мукамаллаштирилиб борилар экан, жамиятдаги турли қатламларнинг манфаатлари бирдай ҳисобга олиниши лозим. Чунки қабилачилик, кланчилик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ҳатто ирқчилик, диний ва миллий мансублик ҳам эркин сайловларни бузиш учун фойдаланилиши мумкин.

Қонунларда бунинг олди олиниши шарт. Афсуски, ҳали демократияси ривожланган АҚШда ҳам бунинг олди олинмаган. Натижада бу қусур сайловларни маълум бир гуруҳлар томонидан “илдириб кетилиши” томон етакламоқда. Масалан, 2012 йилда ўтказилган президентлик сайловида қора танлиларнинг 93 фойиздан кўп қисми Обамага овоз бергани бунга бир мисол.

Айни пайтда испан жамоалари ҳам асосан Обамага овоз бердилар. Бу ҳол барча демократик мамлакатларда ҳам юз бериши мумкин. Шунинг учун демократиянинг мажор ва минор қоидалари қандай ишлашини тўғри йўлга қўйиш керак. Дейлик, сайловда бирор ирққа ёки миллий гуруҳга

мансубларнинг бирлашиши натижасида қўлга киритилган ғолибликни қонуний тарзда бекор қилиш механизми ҳам бўлиши керак. Акс тақдирда битта гуруҳнинг устунлиги бутун жамиятни сайлов йўли билан “босиб олиши”га сабаб бўлади.

Шунингдек, парламентар жамиятларда битта партиянинг “Домий равишда кўпчилик овозини олмоқдаман” деб диктаторлик ўрнатиши ҳам юз бериши мумкин.

Демак, қонунларда бу ҳолнинг олдини олиш ҳам назарда тутилиши ва кичик партияларга ҳам ҳукуматни бошқариш имконини берадиган тартиблар ўрнатилиш керак.

Ҳар қанча яхши ишламасин узоқ йиллик бошқарувда коррупция илдиз отади. Буни фақат ҳукумат тепасига келадиган янги кучгина очиб ташлаши мумкин.

Масалан, Туркияда 2003 йилдан бери ҳукуматни битта партия бошқаради. Ҳамма жойда бу партия мақталади, Туркиянинг ривожланаётгани айтилади. Лекин статистика маълумотларига қаралса, турк халқининг асосий қисми камбағаллик чизиғидан пастда яшамоқда. “Бу партия 100 йил давомида кўпчилик овозини олса, шунча вақт ҳукумат тепасида тураверадими?” деган савол туғилади. Бугунги демократиянинг бундай саволга жавоби аниқ эмас.

Битта партия диктатураси ўрнатилар экан, жамиятнинг қолган қатламининг иштироки нима бўлади?

Демак, худди президентларга қўйилган муддат каби партияларга ҳам муддат қўйилиш каби турли вариантларни ўйлаш лозим. Демократия қачонки жамиятнинг барча қатламини тамсил этсагина демократиядир. Афсуски, бугунги дунёда буни кўриш ноёб ҳол.

Жамиятнинг барча қатламларини ўз ичига олган эркин сайловлар бор жойда халқ бор. Сайловлар бўғилган жойда эса халқ ўзлигини йўқотиб, тўдага айланиб қолади. Шунинг учун ҳам эркин сайловлар демократиянинг юраги ҳисобланади.

Қонунлар жонсиз қоғозлардир. Унга жон берадиган суд тизими.

Демократия қонунлар диктатураси. Бу диктатуранинг ижро ҳокимияти суд тизимидир.

Шундай экан, бундай жамиятда ҳукмдорнинг айтганлари ва хоҳиши эмас, балки қонунлар билан ҳаракат қилинади.

Бошқарув Қонун чиқарувчи, Ижро ва Суд ҳокимияти – учлигидан иборат бўлган тузумларда бу кучларнинг бир-бирини назорат қилиш учун механизмлар яратилган. Ўзаро назорат бўлгани учун ҳам яккаҳокимликнинг олди олинади. Демократиянинг муҳим бўғини бўлган бу соҳада жуда кў ёзилган ва биз уларни такрорламоқчи эмасмиз. Мақсадимиз демократиянинг олтин қоидаларини санаган ҳолда унинг камчиликларига ҳам диққат тортишдир.

Суд тизими адолатли бўлган жойда халқнинг бошқарувга ҳурмати баланд бўлади. Демократик Ғарбда суд тизими деярли мустақил. Ҳукумат суд ишига аралаша олмайди. Лекин бир умрга ёки маълум муддатга сайланган судьяларнинг шахсий қарашлари баъзан суд ишига аралашиб кетади. Бунинг олдини олиш учун халқдан вакиллик этадиган журилар иштирокида суд жараён этади.

Суд тизимини назорат қилишнинг яна бир кучли механизми мустақил адвокатлар силсиласидир. Қонун-суд-адвокат учбурчаги адолат устиворлигини сақлайди. Минг афсуски демократияларда ҳам бу учбурчак баъзан “Бермуда учбурчаги” каби сирли кўриниш бериб қолади. Манфаат қонунни

бошқача талқин этишга олиб келади ёки ўзаро келишув билан қонундан қочилади. Жамоатчиликда бунга қарши курашадиган ричак бўлиш керак. Бугунги демократияларда ана шу нарса йўқ. Турли ҳукмларни кенг жамоатчилик қоралаши мумкин, аммо натижа ўзгармай қолаверади.

21-асрга келиб бошқа номукамалликлар ҳам ўртага чиқмоқда. Масалан, кимларнингдир хоҳиш-истаги йўлида кўпчиликни қонунлар орқали бўйсундириш бунга мисол бўла олади. Катта бизнес эгалари сайловларда пул сарфлаб, ўзларига тарафдор парламентарларни йиғишлари ёки катта пул сарфлаб, лоббичилик йўли билан қонунлар чиқарилишига эришишлари ҳоллари кузатилмоқда. Дейлик, сиз сувда юрадиган машина кашф эттингиз. Аммо бензин сотувчилар тўпланиб, ўз лоббиларини яратиб, сув билан юрадиган машинани оммавий равишда ишлаб чиқаришни ман этишлари мумкин. Бунинг учун минг хил баҳоналар ҳам топилади. Демоқчимизки, бугунги демократияларда шунга ўхшаш ҳоллар оз эмас. Қонунчилик йўлидаги лоббичиликка барҳам бериш бунинг тизатишнинг илк одимидир.

Инсоннинг бугунга келиб халқаро нормалар даражасига кўтарилган бир қанча ҳуқуқлари бор. Булар-яшаш, озодлик, шахсий дахлсизлик, камситилмаслик, кўчиб юриш, ўзига жой танлаш, фуқаролигини белгилаш, оиласини тузиш, мулкка эгалик қилиш, эркин фикр юритиш, сўзини очиқ айтиш, маълумот олиш ва тарқатиш, меҳнат қилиш каби ҳуқуқлардан иборат. Қонунлар уларни кафолатлаши, судлар эса ҳимоя қилиши керак. Бу демократик жамиятда олтин қоидадир. Лекин олтиннинг ўғриси кўп бўлганидек, бу қонунларни “сейф”га солиб қўядиганлар ҳам анчагина. Халқ ана шу “сейф”ни оча олиши учун эркин муассасаларга – жамоат ташкилотларига эҳтиёжи бор.

Биз умумқадриятга айланиб бораётган демократик жамият ҳақида гапираётганимиз учун Ўзбекистон масаласида тўхталмадик. Чунки Ўзбекистонда ҳали демократиянинг илк қадами ҳам отилмаган. Зотан бундай тўзумларда қонун ҳам, суд ҳам бир кишининг амрига тобе бўлади. Шунинг учун депсинишга юз тутади.

Фуқаролик жамиятининг асоси жамоалар – ноҳукумат ташкилотлардир. Бу асос иқтидорнинг бошқарувдаги иштирокини озайтириб, халқнинг фаоллигини оширадиган омил.

Ноҳукумат ташкилотлар халқни сиёсий жиҳатдан ташкилантиради, унинг барча жабҳалардаги фаоллигини оширади. Сайловларда иштирок этишдан бошлаб, ҳақ-ҳуқуқлар ҳимоясига қадар барча соҳаларда пайдо бўладиган муаммолар ечимини учун йўл-йўриқ кўрсатади. Жамоа бўлган ҳолда адолат, ҳақ-ҳуқуқлар устиворлиги, келажак учун курашилади.

Бугунгача мавжуд демократияларда ноҳукумат ташкилотларнинг роли катта бўлди. Лекин вақт шуни кўрсатдики, бу хусусда ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Ноҳукумат ташкилот бўлгани ҳолда ҳукумат идорасида рўйхатдан ўтиши нафақат мантиқсизлик, балки бу муассасаларни назорат қилишга йўл очди.

Ўзбекистон каби мамлакатларда ноҳукумат ташкилотлар агар режимга хизмат қилмаса ё рўйхатга олинмайди, ё рўйхатга олиниб, ҳукумат йўлига солинади.

Ҳатто АҚШ каби очиқ жамиятда ҳам бу муаммо ўзлигини кўрсатди. Демократик партия иқтидорда экан, ҳукуматнинг бир тармоғи ҳисобланган Солиқ идораси мухолифатни қўлламоқда дея бир қанча ноҳукумат ташкилотларни сиқувга олган. Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтсалар, АҚШда уларни асосан Солиқ идораси назорат этади. Агар

ноҳукумат ташкилотлар фойда кўрадиган бизнес билан шуғулланмаса, уларга солиқлардан озод қилинганлик статуси берилади.

2008-2012 йилларда АҚШда иқтидордаги ҳукуматни қўлламаган бир қанча ташкилотларга бундай статус атайлабдан берилмагани ўртага чиқди. Бу катта сиёсий жанжалга сабаб бўлди.

Президент дарҳол Солиқ идораси раҳбарини ишдан бўшатди. Конгресс даражасида ҳамда жинорий тергов йўли билан текширувлар бошланиб кетди. Очиқ жамиятдагина ҳукуматнинг бундай суийъстемоли ўртага чиқади. Аммо ёпиқ, тоталитар тузумларда буни фош қилишнинг иложи бўлмайди.

Дарвоқе, “Ҳар қандай эркин муассасалар ҳам қаердадир қайдиатдан ёки рўйхатдан ўтган бўлишлари керак”, деган мантикий гапни айтишингиз мумкин. Ана шу қайдиатдан ўтиш ибораси эркинликни бўғиш маъносига келиб қолмаслиги керак.

Манимча, демократик жамиятларда битта марказий ноҳукумат ташкилоти бўлиши ва тузилган ҳар бир жамоа ўз мавжудияти ҳақида шу идорага маълумот юбориб қўйиши керак. Шу билан расмиятчилик битиши лозим. Бу идоранинг вазифаси назорат этиш эмас, балки қайдиат маълумотига эгалик қилиш бўлиши шарт.

Балки бундай идора ноҳукумат ташкилотлардан юбориладиган вакиллардан иборат ҳам бўлиши мумкин. Бугун БМТ қошида ноҳукумат ташкилотларнинг бирлашмаси мавжуд бўлгани каби Умумдунё ноҳукумат ташкилотлар марказини тузиш вақти ҳам келгандир. Бунда барча давлатлар ушбу марказ мавжудиятини қабул қиладилар ва ҳамма мамлакатларнинг яшовчилари ўзлари тузган ноҳукумат ташкилотларни мазкур халқаро марказдан қайдиатдан ўтказадилар. Бу ноҳукумат ташкилотдан нодавлат ташкилотга ўтиш бўлади. Бу албатта, битта таклиф холос. Гап шундаки, бугун ана шундай таклифларни кўпроқ ўртага олишимиз ва келажак учун замин ташлашимиз керак.

Маълумки, технология асрига келиб, демократик жамиятларда эркин муассасалар қийин вазиятга тушдилар. Улар очик ташкилот бўлгани учун фаолиятларининг асосий қисми интернетга кўчди. Интернет эса ҳукумат ва компьютер билимдонлари томонидан назорат қилинади.

Демак, ноҳукумат ташкилотларни нафақат назорат қилиш, балки бошқариш механизми пайдо бўлди. Демократия ўрнатилган жамиятларда бу “тупик”дан чиқиш йўллари қидирилмас экан, мавжуд эркинликлар қадамба-қадам бой берилади ва бор-бора бутун дунё тоталитар режимлар йиғиндисига айланади.

Зотан ҳозирнинг ўзидаёқ интернет, хусусан ижтимоий тармоқлар тоталитар-авторитар тузумларда ноҳукумат ташкилот тузишгина эмас, тузиш учун уринишнинг ҳам олдини олишда қуролга айланди.

Хуллас, бугун бирор-бир мамлакатнинг тузумига “ташҳис” қўйиш учун у ерда эркин муассасаларнинг бўлиб бўлмаганига, қандай фаолият кўрсатаётганига назар солишнинг ўзи етарлидир.

Эркин ноҳукумат ташкилотлар бўлмаган жамиятларда ҳар қандай фаоллик бешигида ўлади ва умуминсоний эркинликлар эртатка айланади.

49. ТЎРТ ТАРЗЛИ СИЁСАТ

Совет иттифоқи парчалангач, мустақиллигини эълон қилган жумҳуриятлар, коммунистик мафкура домидан қутилганларини кўрсатмоқ учун, ўз йўлларини танлашга уринсалар-да ёки ўз йўлимиз бор, дея аюҳаннос солсалар-да, жамиятнинг бутун қатламларини тортанак уяси каби чирмаб олган эски мафкурани тарк этиб, ҳозиргача аниқ натижага эришганлари йўқ.

Бир қарашда бу табиий ҳолга ўхшаб кўринади. Чунки етмиш йиллик асоратдан бир зумда қутилиш қийин. Бунинг устига мафкура бобида адашмоқ, янглиш одим отмоқ давлат учун ҳам, миллат учун ҳам ўнглаб бўлмас инқирозларга олиб келади. Лекин мафкурасизлик ҳам том маънодаги фожеа бўлиб, халқни ўзлигидан маҳрум этади, яъни мафкурасизлик мафкурага айланади.

Мафкура нима? Инсонларни бир тушунча, мақсад, ҳадаф, ният атрофида бирлаштирувчи ғоя мафкурадир. Мафкура буюк бир ғоя, улкан бир уммон бўлиб, барча инсонлар ирмоқлар сингари унга интилсалар, йўл-йўлакай сойларга, дарёларга айланган каби охирида бутун бир кучга айланадилар. Яъни уммон буладилар. Бошқа жумҳуриятлар сингари бугун Ўзбекистон ҳам мафкура бобида чорраҳада турибди. Қаршисида тўртта йул бор: Исломчилик, Туркчилик, Ўзбекчилик ва Халқчилик.

ИСЛОМЧИЛИК. Ислом инсонлар томонидан эмас, кўкдан инган ғоядир. Яъни Оллоҳнинг иродаси билан инсонларга кўрсатилган йўлдир. Оллоҳ бу йўлни курсатар экан, инсониятни ундан юришга мажбурламайди. Инсонларга имкон қолдиради. Бу эса Оллоҳ тарафидан одамларга ато этилган ақл учун, бу ақлни ишлатиш учун танилган имкондир.

Мана бир минг тўрт юз йилдирки, бу ғоя дунёда яшамоқда. Маълум бир даврларда ислом ер юзидаги давлатлардан бир қанчасида иқтидорга айланди. Яъни ғоя, мафкура барча инсонларни бутунлаштириб, уларнинг хоши-истакларини ўзида мужассамлаштирди.

Октябрь инқилобидан кейин шўролар асосий диққат-этиборларини исломий ғояга, умуман, диний ғояга қарши курашга қаратдилар. Бунинг ўрнига ўз мафкураларини ўрнатишга уриндилар.

Маълумки, рус инқилобидан аввал Туркистон ҳудудида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари миллат асносида эмас, уммат тамалида қурилганди. Бухоро амирлиги ҳудудларида ўзбек, тожик, барлос, қўнғирот, найман... хуллас, барча инсонлар бир уммат ўлароқ яшар эдилар.

Айни шаклда Хива хонлиги ҳудудида туркманлар, қорақалпоқлар, ўзбеклар ва бошқа турк қавмлари бор эдилар. Қўқон хонлиги ҳам ўзбеклар билан бирга найманлару қирғизларга қадар, қавмларнинг – муслмонларнинг хонақоҳи эди.

Хўш, мазкур тамалга қайтиш мумкинми? Мовороуннаҳр муслмонлари идорасининг собиқ муфтийси, Робитаи Исломиянинг аъзоси Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф 1997 йилнинг 10 майида Би-Би-Си радиосида ўзбек бўлими муҳаррири Ҳамид Исмоилнинг “Бугун Ўзбекистонда Ислом давлати қуриш мумкинми?” деган саволига “Йўқ”, дея жавоб берар экан, буни қўйидагича асослади:

“Биринчидан, бугун дунёда том маънода исломий бўлган бирор бир давлат йўқ, яъни ўрнак олинадиган, бу ишни ҳаётга тадбиқ этишда изидан бориладиган давлатни кўрмаяпман.

Иккинчидан, Ўзбекистон етмиш йил давомида атеистик босим остида яшади. Бугун диний кадрлар, исломни мукамал билган донишмандлар оз. Хўш, ислом давлати қурилса, бу ишни ким билан амалга оширамиз?”

Агар Ўзбекистон ҳудудларидан ташқарига чиқадиган бўлсак, айна қарашни бундан беш йил олдин Тожикистон мусулмонларининг лидери Қози Акбаржон Тўражонзода ҳам “Комсомольская правда” газетасидаги мусобаҳасида ўртага қўйганди. Аслида ҳар бир уламнинг, қолаверса, биз исмларини зикр этган уламларнинг ҳам кўнгил остидаги орзулари ислом давлатидир, аммо бунга шарт-шароит йўқлигини эътироф этмоқдалар. Гарчи исломий давлат қуришни келажакка қолдираётган бўлсалар-да, умматчилик ғоясини тарғиб этишда кенг фаолият кўрсатмоқдалар. Табиийки, Ўзбекистон ҳудудлари ичида эмас.

ХАЛҚЧИЛИК Бу ғоянинг ҳам тарихи узоқ. Бу ғоя ҳам баъзан иқтидорни қўлга кечирди. Россияни тарк этиб, Парижда ва Истанбулда яшаган буюк тарихчи олим Юсуф Акчура 1904 йилда ёзган “Уч тарзли сиёсат” мақоласида Усмонли давлатида султонларнинг аксарияти исломий йўлни ғоя деб танлаганлари, айримлари эса туркчиликка меҳр қўйганлари ва бир қисми Усмонли халқи мафкурасини умум мафкурасига айлантиришга ҳаракат қилганини таҳлил этади.

Маълумки, Усмонли империясининг ҳудудларида турли миллатлар яшабгина қолмасдан, турли динлар ҳам мавжуд эди. Яъни Китоби бўлган барча динларнинг мансублари бор эдиларки, Усмонли давлати улар билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ эди. Фақат мусулмон динини ёки фақат туркчиликни ғоя қилиб олса, аҳволи оғирлашиб қолишдан чўчиган баъзи султонлар “Усмонли халқи” мафкурасини яратишга киришдилар.

Бу ғоя охир оқибатда Усмонли империясини инқирозга учратди. Лекин бу “ғоя”нинг этагига бошқа бир империя осилди, бу шўролар давлати эди. Етмиш йил давомида Совет халқи деган мафкура “ишланди”. Айниқса, Брежнев, Черненко, Суслов каби “даҳолар” зўр бериб, барча миллатлардан бир миллатни, барча ғоялардан бир ғояни, яъни совет халқини ўртага чиқармоқчи бўлдилар. Улар бу ғоя тантана қилди, дея дунёга жар солишган бир пайтда, империялари ғоясизликдан парчаланиб кетди.

Ўзбекистон мустақилликдан кейин 1992 йилнинг 8-декабрида янги конституция қабул қилди. Камина бу конституцияга овоз бермаган бир неча “ўжар” миллатвакилларида бири. Бугун амалда бўлган ана шу конституциянинг биринчи боб 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” дейилади. Гарчи мазкур Конституциянинг 12-моддасида “Ҳеч кайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” дейилса-да, кўриниб турибдики, шўролардан меърос қолган халқчилик нафақат бу Конституциянинг томир-томирига қадар синган, балки давлатнинг ҳам асосий сиёсатига айланган. Буни Ўзбекистон президентининг чоп этилган ҳар бир китобини варақлаган киши дарров сезиши мумкин. Аксарият саҳифалар “Ўзбекистон халқи” дея бошланади ва “Ўзбекистон халқи” дея тугайди.

Гарчи бу ғоя давлат идораларининг асосий “иш қуроли”га айланган бўлса-да, миллат томонидан ҳазм этилмади. Шу боисдан бу ғояни яшайпти ёхуд йўлбошчилик қилаяпти, деб айтиш мумкин эмас.

ЎЗБЕКЧИЛИК. Баъзилар ўзбекчилик бу халқимизнинг феълу ҳўйидаги айрим фитратларни ифода этади, дея ўртага “Ўзбекчилик” иддаосини ҳам отмоқдалар. Айниқса, 1993 – 1994 йилларда, мафкура масаласи тортишилار экан, баъзи тарихчи олимлар “Ўзбек миллати” ғоясини илгари сурдилар. Маълумки, Туркистон ҳудудида юзларча этник гуруҳлар мавжуд эди. Бу минтақанинг номи Туркистон эканлигидан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда яшаган асосий миллат турклардан иборат эди.

Рус империализми томонидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Совет жумҳуриятлари тузилар экан, асосий мақсадлардан бири аввалига туркларни парчалаб, бошқа-бошқа номлар билан аташ ва сўнгра уларни совет халқига айлантириш эди. Совет Иттифоқи таркибида Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти тузиларкан, бу геополитик майдонда қанча ўзбек яшаганини бугунгача ҳеч ким айта олмайди.

Қолаверса, бу ғояни илгари сураётганлар яхши биладиларки, ўзбеклар тарихи Олтин Ўрда хонлигидан ва Ўзбекхондан бошланади. Уларнинг иддаосига таянган баъзи ғарб олимлари Ўзбекистон тарихи ҳақида фикр юритар эканлар, бу тарих ўн бешинчи асрнинг охири ва ўн олтинчи асрнинг бошида бошланганини ёзмоқдалар. Хўш, ундай экан, бобокалонларимиз Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур Мирзо замонлари ва ҳатто Мелоддан аввалги олтинчи асрга қадар узанган тарихимиз нима бўлади?

Яна қолаверса, “Ўзбекчилик” руслар томонидан орамизда нифоқ чиқариш учун ва ўзлигимизни йўқ этиш учун ўртага ташланганини ҳеч ким рад этмайди. Шундай экан, бугун русларнинг орқасидан “қувиб” бораётганимизни изоҳлаш қийин.

Кейинги пайтда баъзи ёзувчилар ва шоирлар ҳам “Ўзбекчилик” деган иддаони зўр бериб суғормоқдалар. Уларнинг баъзилари “Ўзбек” дегани бир миллатнинг номи эмас, бу жуда кўп этник гуруҳларнинг бирикимидир, улар ўзларига бек, ўзларига хон эканликларини ифодаламоқ учун бу номни олганлар, демоқдалар. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти Ўзбекистон мустақиллиги кунларида жумҳурият номини ўзгартириш, Туркистон номига қайтиш ва ҳатто пойтахтни азалий бошкентимиз Самарқандга кўчириш тарафдори эдилар.

Кўришиб турибдики, ҳали бир қарорга келганлари эмас. Тўғрироғи, кўнгилларининг остидаги гапни айтиш учун юқоридан эсадиган шамолдан кўрқиб турибдилар.

ТУРКЧИЛИК. Туркларнинг тарихи баъзиларга кўра, Кўктурклар императорлигига бориб тақалади. Баъзилар эса тарихни Хун императорлигидан бошлаб варақлайдилар. Аммо шу нарса аниқки, туркларнинг тарихи бундан ҳам узоқларга бориб тақалади ва турклар дунёда ўз алифбосига, ўз тилига, ўз маданиятига соҳиб миллатдир.

Турк императорликлари тарих саҳифаларига айланганидан кейин, туркчилик ғояси ўртага чиқди, яъни парчаланган, бўлинган турклар қайтадан бутунлашиш учун бу ғояни илгари сурдилар. Баъзан уни турончилик ҳам деб атадилар.

Туркчилик, айниқса, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрда ғоя сифатида кучланди. Ғарбда унга пантуркизм номини бердилар. Туркистонда Мунаввар Қори, Беҳбудийлар бошлаган жадидлик ҳаракатининг замирида ҳам туркчилик ғояси бор эди. Туркияда Зиё Кўкалп, Исмоил Гаспирали, Заки Валиди Тўғон, Ниҳол Отсиз каби фозилу фузалолар ҳақида гап кетганда, уларни туркчилар, дейишади. Зиё Кўкалпнинг ватани Туркия бўлса, Исмоил Гаспирали қримлик, Заки Валиди Тўғон эса Мунаввар Қорининг уринбосарларидан бири. Уларни бирлаштирган туркчилик ғоясидир.

Биз бошқа ғоялар тарихига узоқ тўхталмаганимиздек, (Зотан, бу ғояларнинг ҳар бири ҳақида юзларча китоблар ёзилган. Бизнинг максадимиз, уларнинг тарихини англатиш эмас, балки бугунги мафкурасизликни кўрсатишдир), бугунги кунга келмоқчимиз. Ҳозир Ўзбекистонда Туркистон, Турон калималари сарбаст, яъни истаган одам бу ҳақда гапириши мумкин. Лекин туркчилик ҳақида гапираётганлар оз.

Аслида эса, барча олимлар ва зиёлилар бизнинг турк эканлигимизни яхши биладилар. Факат Туркияда турклар яшамоқда, тарих майдонида эса Ўзбекистон деган давлат ҳам бор. Демак, биз туркмиз деганда, ўзимизни Туркияга боғлаб қўйган бўламиз, шубҳасига бормоқдалар. Ваҳоланки, Туркиядаги турклар Марсдан тушганлари йўқ. Туркистондан кўчиб борганлар ва ўз миллатларининг номини бугунга қадар сақламоқдалар, давлатларини ҳам шу ном билан атамоқдалар.

Шундай экан, биз учун ҳам жиддий тушуниб кўрадиган мавзу бу. Қолаверса, туркчилик учун энг кенг майдон жуғрофий ўлароқ Ўзбекистондир. Тарихий тамал шу қадар кучлики, истасангиз Алишер Навоий асарларини, истасангиз “Девони Луғати Турк”ни варақланг, тафаккурингизга биринчи галда турклик шуури ёғилади.

ХУЛОСА ЎРНИДА. Бугун турк-ислом ғоясини биргаликда ўртага олишмоқда. Айрим туркчилар, яъни турончилар у ҳолда асли турк бўлган гагаузлар, сахалар ва бошқа қавмлар четда қолмайдими, дейишади. Мантиқан тўғри, чунки баъзи бир турк қавмлари бошқа динларга мансубдирлар. Бутун туркларни бир Турон ғояси атрофида бирлаштириш масаласида улар ҳақ. Бу мафкуранинг байроқ тикиладиган сўнги манзили.

Аммо бугун Ўзбекистонда, Туркистонда қайси бир ғоя миллатимизни келажакка етаклайди? Баъзи исломшунослар миллат тушунчасини инкор этиб, факат уммат қаврамига таянадилар. Дин илимдони Обидхон Қори Назаров Би-Би-Си радиосида бу ҳақдаги саволга жавоб берар экан: “Ислом миллатни рад этмайди. Жанобу Аллоҳ ҳар бир миллатни ўз тили, ўз урф-одатлари билан яратган. Қуръони Каримда ҳам инсонлар миллат ва қавмларга ажратиб қўйилгани айтилган. Шундай экан, миллатни кўрмасликдан келиш мумкин эмас. Аксинча, Ислом миллатни ва миллий урф-одатларни ҳимоя қилади” дейди.

Хуллас, куришиб турибдики, Ўзбекистон мафкура бобида чорраҳада дебсиниб турибди. Ҳукумат бир йўлни танласа, зиёлилар бошқа йўлни, тарихчилар эса яна бошқасини кўрсатмоқдалар. Бир қарашда ҳаммаси парча-парча ҳолда яшаётганга ўхшайди, аммо моҳиятига назар солинса, ҳар ким ҳар томонга тортмоқда.

Бизни ташвишлантирган ва бу мақолани ёзишга ундаган яна бир асосий нарса шуки, 1904 йилда Юсуф Акчура бу хусусни қаламга олар экан, Исломчилик, Халкчилик ва Туркчилик ҳақида тўхталган эди. Бир нечта ғоя эмас, балки ягона ғоя миллатни уфққа етаклашини орзу қилганди. Орадан юз йилга яқин вақт ўтгач, бу учликдан якка-ягона ғояга келиш ўрнига тўртинчи ғояни ҳам тортишиб ўтирибмиз. Бу кетишда яна юз йилдан кейин бошқа бир қаламкаш бу хусусда мақола ёзар экан “Қўнғиротчилик”, “Найманчилик” каби янги ғоялар ҳақида ёзмаса бўлгани. Таассуфки, шунга қараб кетаяпмиз. Вой, миллатимизнинг ҳолига!

Мафкура, ғоя – сиёсат усти тушунчадир. Тўғрироғи сиёсат мафкуранинг зафарияти учун ижро воситасидир. Амма сиёсатчилар мафкурани сиёсатнинг бир парчаси сифатида кўриб келдилар ва ҳамон шу қолипда қолмоқдалар. Демак, ҳаммасини бошдан бошламоқ керак.

50. АРАФА

2005 йил 8 – май кўни “Озодлик” радиосининг “Қурултой” дастурида “Ўзбекистонда милиция тўғрисидаги қонун зарурми?” деган мавзуну муҳока қилдик. Қўйидаги гапларим ана шу дастурдан сўзма сўз кўчирлган:

“Энди албатта қонун зарурликка зарур. Чунки бугун мана демократик давлат қураяпмиз, деб жар солишаяпти. Шундай экан, ҳеч бўлмаса ўша жар солишаётганига яраша бу ёғини ҳам мослаш керак. Лекин қонун бўлгани билан бир нарса ўзгарадими Ўзбекистонда?”

Мана бугун матбуот ҳақида қонун бор. Агар у қонунларни олиб қарасангиз, матбуотга ҳамма эркинликлар берилган. Лекин амалда ҳеч қандай эркинлик йўқ. Чунки бу ўша системадан келиб чиқади. Чунки Ўзбекистонда диктатура ва диктатура шароитида ҳамма нарса ўша бир кишига бўйсундирилади.

Мен юз фоиз аминманки, мана шу АҚШ элчихонаси қаршисида ўтказилган шу пикетни бостириш Ислом Каримовнинг изнисиз бўлмаган. Масалан, Алматов ёки бошқа одам бунга ҳеч қандай журъат эта олмайди. Фақат ўша президентдан буйруқ олиб бу ишни қилишган.

Чунки бугун агар биз бошқа мамлакатларга қарайдиган бўлсак, милиция қонун ҳимоячиси, халқнинг ҳимоячисидир. Қолаверса, милиция бу мамлакатларда ҳукуматга бўйсунмайди. Балки ўша маҳаллий халқ томонидан сайланган кенгашларга бўйсунмади. Ўша ерда туриб улар умумий қонунларни ҳимоя қилади. Ўзбекистонда агар шундай бўладиган бўлса, табиийки, ҳокимият Каримовнинг қўлидан чиқиб кетган бўлади.

Бугун агар улар қонун қабул қиладиган бўлсалар, қайси бир маънода бу қонунларни дунё стандартларига мослашлари керак. Агар мослайдиган бўлсалар, улар бу милициянинг қандайдир ваколатларини ёки милицияни қандайдир бошқаришни маҳаллий ҳокимиятга ҳам беришларига тўғри келади. Бундан эса, табиийки, диктатор кўрқади ва ҳокимият қўлимдан чиқиб кетади, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам, мана шунча йилдан буён милиция ҳақидаги қонун қабул қилинмаяпти...

...Авалло шунга айтиш керакки, бугунги тортишувимиздан иккита нотўғри хулоса чиқаришаяпти.

Биринчи, мен олдинга сўзимни бошладим қонун керак деб ва тугатдим қонун керак деб. Бу ерда ўша муҳокама қилувчиларнинг диққатини битта нарсага тортмоқчи эдим, ҳамма нарсанинг илдизи қаерда? Илдизи диктатурада ва диктаторда. Мана шунга эътибор қаратмоқчи эдим.

Бунинг учун мен матбуот ҳақидаги қонунларни бир ўрнак сифатида келтирдим.

Иккинчиси, биласизми, Сталиннинг орқасидан ҳам, Бериянинг орқасидан ҳам минглаб одамлар йиғлаган. Улар жуда яхши эди деб уларга сиғинишган ва уларнинг оёғини ўпганлар бўлган.

Лекин наҳотки шунчалик хотирамиз яхши эмаски, биз Паркент воқеаларини унутдик? Паркентда 63 киши отилган эди ва бунинг бошида Зокир Алматов турган эди. Ўшанда у Тошкент вилоятида ишлар эди ва Паркентдаги воқеаларда бош эди.

Шундан кейин уни Ислом Каримов яхши кўриб, уни Тошкентга олиб келганди. Наҳотки биз талабалар шаҳарчасида юз берган воқеаларни унутдик? У ерда талабаларни бугун худди сиз радиода қўйиб берганингиз каби чинқиртириб уришган ва худди шундай калтаклашганди.

Ва ундан кейин Наманганда бўлди шундай воқеалар. Фарғонада бўлди...

Шундай воқеалар бугунгача давом этиб келмоқда. Бу ўша диктатуранинг хусусиятини, диктатуранинг нималигини кўрсатадиган нарса.

Яъни биз бу ерда айтаяпмизки, гўёки шу пайтгача Каримов яхши эди-ю мана шу воқеа юз бериб қолди, мана энди Каримов бундан хулоса чиқариб олиши керак. Йўқ, Каримов бундан олдин ҳам бундан беш баттарини қилиб келган эди ва бу нарса ҳеч нарса эмас уларнинг олдида. Каримов учун ҳеч нарса эмас. Биз учун табиийки, бу жуда катта фожеа.

Каримов Паркентда тўғридан-тўғри буйруқ берган: “Отинглар!” деб. 63 киши отилган. Қанча ёш-ёш йигитларнинг умри хазон бўлиб кетди. Шу нуқтаи назардан айтаяпман, Каримов учун бу ҳеч нарса эмас.

Бугун мен аниқ биламан, агар инқилоб қиламан деб минг одам чиқса, Каримов минг одамни оттиради, 2000 одам чиқса, 2000 одамни оттиради. Парламент минбаридан туриб, биз тинчлик учун керак бўлса 200 кишини отамиз, деган эди Каримов. Тинчлик деганида, у ўзининг шу курсисини, ўзининг вазифасини назарда тутган эди.

Шунинг учун ҳам биз билишимиз керакки, бу бўлаётган нарсалар – ҳаммаси диктатуранинг хусусияти. Диктатура йўқолмас экан, ҳеч нарса бўлмайди. Фақат демократия шароитида қонунлар яхши ишлаши мумкин. Лекин табиийки, энди бугун биз талаб қиладиган даражада эмас. Аммо талаб қилиб боришимиз керак. Милиция ҳақида ҳам қонун бўлса, қайси бир маънода халқаро миқёсларда буни тортишиш мумкин.

Лекин мен нима учун бу қонуннинг бўлмаётганини сўзимнинг бошида айтдим. Бу қонун бўладиган бўлса, Каримов ҳокимият қўлимдан кетиб қолади, деб кўрқади. Шунинг учун ҳам бу қонунни амалга ошириш учун ёки парламентга олиб кириш учун изн бермаяпти”.

Шу гаплардан сўнг орадан 5 кун ўтиб Андижон қатлиоми юз берганди.

51. ЧОП ЭТИЛМАГАН СУҲБАТ

Бир кун Фарғона.рудан саволлар келди. Улар айна саволлар билан бир қанча журналистларга мурожаат қилишибди. Жавоб ёзиб йўлладим. Нима бўлди, билмайман. Чоп этилмади. Бу уларнинг ҳаққи. Лекин шу баҳонада суҳбат ёзилиб қолди.

САВОЛ: Ҳозир қаердасиз ва ўша ерда бўлишга нима асосий сабаб бўлди?

ЖАҲОНГИР МУҲАММАД: Мен ҳозир Америка Қўшма штатларида яшайман. Шунга ҳам ўн йилдан ошиб қолди. Маълумки, кўпчилик четга бориб ишлаб келгиси келади. Айниқса, касби юзасидан. Лекин камдан-кам одам бутунлай кетишни истайди.

Гарчи Туркияда ҳам, Америкада ҳам ўз касбимни давом эттирган бўлсамда, Ўзбекистондан ихтиёрий равишда кетмаганман. Ўша кезде ўлим билан юзма-юз қолгачгина кетишга мажбур бўлганман. Бир неча марта бахтли тасодифлар туфайли ўлимдан қутулиб қолдим, лекин тасодиф доимий эмас. Булар ҳақида китобларимда ёзганман. Бу ерда эса, битта мисол билан чекланмоқчиман.

1993 йилнинг 3-январ куни Эрк партиясининг мафкура масалалари бўйича котиби ва “ЭРК” газетасининг Бош муҳаррири этиб сайландим.

Орадан икки кун ўтиб, 1993 йил 6-январ куни эрталаб ишга келаётсам, номерсиз бир машинадагиларнинг ҳужумига учрадим. Агар чаққонлик қилмаганимда машина мажақлаб кетган бўларди. Ҳатто йўлнинг четига ўтиб югура бошлаганимда ҳам машинани тротуардан ҳайдаб, уриб

кетмоқчи бўлишди. Панжара девордан ошиб, Эрк партияси жойлашган бинога етиб олдим. Ўша куни матбуот конференцияси ҳам бор эди. Эртасига Москвада чоп этиладиган “Известия” газетасида Лебедева имзоси билан шу ҳақда хабар чиқди. Ҳукумат парво қилмади. Лекин “ЭРК” газетасининг мен муҳаррир бўлган сонларини чиқаришга жон-жаҳди билан қаршилиқ қилгани ва 1993 йилнинг 7-феврал куни қонунларни бузган ҳолда махсус қарор билан газета ёпилгани нималардандир ишорат эди.

САВОЛ: Турган жойингизда нима билан машғулсиз, касбий фаолият давом этяптими?

ЖАҲОНГИР МУҲАММАД: Бугун асосан илмий иш билан бандман. Ўзбекистондан чиқиб кетганимдан кейин ўн йил ўз касбимни давом эттирдим. Кейин илмий ишга ўтдим ва бугунгача АҚШда бешта китобим чиқди. Булар АҚШ Конгресси кутубхонаси каталогига ҳам олинган. Ҳозир Ўзбекча-Инглизча мукаммаллашган луғатнинг иккинчи томини нашрга бердик. Бу шунчаки луғат эмас ва ҳар бир томи минг саҳифа атрофидаги йирик илмий ишдир.

Лекин ҳаётимни журналистикасиз тасаввур қила олмайман. Дунёдаги воқеаларга ва умуман ҳаётга шахсий муносабатимни интернетдаги бир қатор ўзбекча сайтларда ҳар кун бўлмаса ҳам кун ора учратишингиз мумкин.

Бошқача айтганда инсон журналист бўлиб туғилса, журналист бўлиб ўлади, деган гап менга нисбатан ҳам айтилгандек.

Бошланғич синфда ўқиган пайтимда туман газетасига ёза бошлаганман. Мана қарийб ярим асрдирки тинмай ёзаман ва ҳали ҳам ёзгим келади ва ҳали ҳам айтадиган гапларим кўп. Фақат вақт етмайди, кунига камида ўн соат вақтим китоб устида ишлашга кетади. Ҳозир рўйхатга олинмаган ўзбек сўзларининг луғати устида ишляпман.

САВОЛ: Чинакам журналистик фаолият учун сизнингча қаер кўпроқ сизга маъқул эди. Ҳозирги жойингизми ёки Ўзбекистон?

ЖАҲОНГИР МУҲАММАД: Албатта мен бугун яшаётган мамлакат сўз эркинлиги чекланмаган, журналистлар учун имкониятлар жуда катта бўлган ўлкадир.

Истаган мавзуда ёзишимиз мумкин. Лекин баъзан журналист ўлароқ бу мамлакатга ўн йил кеч келибман, деб ҳам қўяман. Агар ёшлигимда келганимда ўзимдаги қобилият билан бу ердаги журналистикада ҳам катта ютуқларга эриша олардим. Бунинг фарзандларим мисолида ҳам кўриб турибман. Қизларимдан бири журналист бўлмоқчи. Ҳали талаба. Лекин аллақачон 60 минг студент оладиган китоб нашриётининг бош муҳарриридир. Инглиз тилида ёзган мақолалари бир қанча нашрларда чоп этилмоқда. Буш ҳукумати мавқеда экан, у вице-президент Чейней аралашган коррупцияни текшириб, таҳлил этиб, мақола ёзган эди. Унинг мақолаларидан бири асосида Конгресга қонун лойиҳаси киритиш кун тартибига келганди. Шуларни кўриб, қани эди Ўзбекистонда ҳам шундай шароит бўлсаю биз бориб кўнглимиздагини очиқ гапирсак ва очиқ ёзак, бунинг халққа катта нафи бўларди деган фикр елкамдан босиб турарди.

САВОЛ: Ҳамкасблар билан алоқалар қай даражада?

ЖАҲОНГИР МУҲАММАД: Журналистнинг қалин дўсти ҳам, ашаддий рақиби ҳам журналистдир. Айниқса, ёзганларингиз доим ҳам мақтов бўлмаса, бошқаларнинг ёзганларини доим ҳам мақтай

олмасангиз ўз-ўзидан рақибга айланиб қоласиз. Бу айниқса, ўзбек журналистикасидаги ёмон манзарадир.

Бизда журналистлар орасида бир-бирига мардларча тан бериш камдан-кам учрайди. Лекин ҳар томонга ўйнамайдиган, маҳаллийчилик, тарафкашлик қилмайдиган ва бировларнинг эмас, ўз йўлидан юрадиган журналистларни жуда ҳурмат қиламан ва улар билан доимий алоқаларни сақлайман. Бугун шундайлар бор ва ўзбек журналистикасини шулар оёқда сақлаб туришибди. Бўлмаса бошқа соҳаларга қўшиб журналистикани ҳам аллақачонлар кўмиб ташлашарди.

САВОЛ: Сиз ҳозир истиқомат қилаётганингиз жойдаги шароитдан мамнунмисиз ва у ерда қанчалик муваффақиятли ўрнашдингиз, деб ўйлайсиз?

ЖАҲОНГИР МУҲАММАД: Бу мамлакат тупроғига оёқ қўйганимда ҳеч нарасиз эдим. На уй... на машина... на пул... на тил билардик... на иш... Ҳатто Туркияда бор бўлган нарсаларни ҳам таниш билишларга тарқатиб келганмиз. Фақат 17 та чемоданда китобларимни олиб келганман.

Американинг бағрида миллионлаб яхши одамлар бор. Улар бизга ёрдам қўлларини чўзишди. Оёққа туриб олишимиз учун йўл кўрсатишди. Худога шукр, қисқа вақтда оёққа турдик ва бундан етти-саккиз йил олдин Би-би-сига берган суҳбатимда шароитимиз Ўзбекистондаги ҳар қандай вазирниқидан ҳам яхшилигини ва фақат ватан соғинчи эзиб туришни айтгандим. Бугунга келиб АҚШда ўзбеклар кўпайиб кетди. Бугун ўзбекча тўй, эртага ўзбекча байрам... хуллас, ўша соғинч ўрнини тўлдирадиган ҳолатлар ҳам юзага келди.

Энг асосийси фарзандларимга илм бердим. Яқинда қизларимдан бири дўхтир бўлиб ишлаётган болалар касалхонасидан мактуб олди. Унда ўлим билан юзма-юз қолган қизчанинг ҳаётни қизим қутқазгани учун унга танлов асосида тақдим этиладиган мукофот берилгани айтилиб, бизга раҳматнома билдирилганди. Кўзимга ёш келди. Қани эди шароит бўлса, қизим Ўзбекистондаги қизалоқнинг ҳам ҳаётини қутқариб қолса...

Биз АҚШда яхши жойлашганмиз. Ҳеч нарсдан камчилигимиз йўқ. Бир эмас, икки жойда ўйимиз бор ва қарзимиз йўқ. Америка халқи олдида ҳам тилимиз узун. Бугунга қадар оилавий даромадимиз ҳисобидан қарийб ярим миллион доллар солиқ тўладик. Ўзбекистонда бир неча қаровсиз қолган оилага ва оғир вазиятдаги беморларга озми-кўпми ёрдам қилиб тураемиз.

1994 йилда Ўзбекистондан оёқ кийимсиз чиқиб кетганман, Боку шаҳрида шоир Ёдгор Обид билан топган нонимизни баҳам кўрганмиз. Нонимиз бутун экан. Оиламни ҳам олиб чиқиб, хор бўлмадик, зор бўлмадик. Меҳнат қилсангиз кўчада қолмас экансиз.

Америкага келиб, меҳнатга яраша ҳақ олиш қанчалик муҳим эканлигини англадим. Бугун бу ерда камчилигим йўқ дер эканман, агар шароит туғилса, Ўзбекистоннинг келажаги учун бутун оиламиз билан қўлимиздан келгани қадар кўнгилли хизмат қилиб беришга ҳам ҳозирмиз.

Эслатма ўрнида: Ушбу саволларга жавоблар талаб қилингани каби таржимаи ҳолни ҳам илова этилган ҳолда 2010 йилнинг 1 июн куни жўнатилганди.

52. КЎРИНМАС ОДАМ

Кейинги пайтларда “Зелемхон Ҳайдаров ким?” деб сўраётганлар кўпаймоқда. Чунки Ўзбекистон мустақил бўлибдики, давлатнинг бу иккинчи одами ҳақида бирор жойда батафсил бир нарса ёзилмаган ва бирор жойда суратини ҳам кўрмайсиз.

Ваҳоланки, бутун дунёда президент маъмурияти раҳбари халққа кенг танилган одам бўлади. Ўзбекистонда бундай лавозим Ўзбекистон президенти Девонининг Ишлар бошқармаси дейилади.

Демак, бу одам ҳақида ким нима билса ёзиши керак ва шундагина қатралардан дарё ҳосил бўлгани каби кейинги йигирма йиллик тарихимизнинг сирли саҳифаси ҳам ўқиладиган бўлади.

Ўзбекистон президенти Девонининг Ишлар бошқармаси мустақилликнинг илк йилларида асосан хўжалик ишлари билан шуғулланар ва унинг раҳбари деҳқонча қилиб айтганда “завхоз” эди. Табиийки, ҳар қандай хўжалиқда “завхоз” бўлиб у доим раҳбарнинг ўнг қўли ҳисобланган.

Ислом Каримов 1990 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан президент этиб сайлангач, ўзи раҳбари бўлган Коммунистик Партия биносини дарҳол иккига ажратди.

Ўртаси қўшилган бинонинг бир бўлаги Президент девони ва иккинчи қисми Компартия қароргоҳига айлантирилди. Зелемхон Ҳайдаров иккинчи бинода ишларди. Каримов Девонга ўзи билан бирга уни ҳам олиб келди. Девоннинг гиламларидан тортиб, эшикларигача ҳаммасини унинг ўзи бошида туриб янгиладди.

У айна пайтда ҳатто президентнинг хотини ҳам уддалай олмайдиган ишларни бажарарди. Каримовнинг егулик овқатини таъминлаш билан бирга “элик грамм”ини ҳам қўйиб турарди. Каримовнинг қайси овқатни ёқтириши ва қандай ичимлик ичишини ва қайси пайтда ичишини хотинидан кўра у яхшироқ биларди. Чунки бир ишора билан музлатгичдан Каримов истаган нарсани олиб, столга қўярди.

Чет элларга борганда ва чет элликлар келганда қилинадиган ҳадялардан тортиб, президентнинг жамики харажатларигача унинг бўйнида эди. Бир сўз билан у президентнинг кўзи, чўнтаги, қўли, оёғи ва ҳатто тили вазифасини ҳам бажарарди.

Ислом Каримов каби мураккаб ва инжиқ одамга бундай хизмат қилиш унча-бунча одамнинг қўлидан келмасди. Зелемхон Ҳайдаров бу борада туғма қобилиятга эга одам. “Президент ухлайди, лекин у ухламайди”, дейишаради унинг ҳақида гап очилса. Ҳақиқатдан ҳам, у бутун ҳаётини Каримов учун сарфлади, деса хато бўлмайди.

Зелемхон Ҳайдаровни илк бор кўрганимда уни чин дилдан ҳурмат қилиб қолганман. Унда коммунистик партия раҳбарларига хос тўралик йўқ эди. Жуда хушмуомала. Кўринишидан ҳам совуқ эмас, меҳрли одам. Ҳар қандай кишининг дилини икки оғиз ширин сўз билан ром эта оладиган санъати бор. Президент ёнида турганда доим жиддий қиёфада, ўзи бошқа одам билан гаплашганда юзидан нур ёғиларди. У артистлик қилмасди. У рол ўйнамасди. У шундай туғилган ва табиий равишда кучли маҳорат соҳибидир. Унинг дилидан ўтганини ҳеч ким, ҳатто унинг пири Ислом Каримов ҳам ҳеч қачон ўқий олмаган бўлса керак. Агар ўқий олганда қачонлардир уларнинг йўллари ажралиб кетарди.

Зелемхон ака Олой бозорининг орқасида, ҳукуматнинг уйида “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг Бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов билан айна қаватда турарди. Эшиклари бир-бирига қарши эди.

Аҳмаджон аканинг уйига минг марталаб борганман, аммо у ерда Зелемхон акани бир марта ҳам учратганим йўқ. Лекин Олий Кенгашда, президент девонида ишлаганимда уни ҳар кун кўрардим. У доим ишда эди. У касал бўлмасди. У таътилга бормасди. У тоза ҳаво олишга чиқмасди.

У мендан роппа-роса 10 ёшга катта. Бўйи ҳам икки калла баланд десам янглишмайман. Балки бугун ёши етмишга яқинлашиб, бўйи анча тортилган бўлиши мумкин.

У бирор ишни мустақил бажармас эди.

-Менга ёрдамчи керак эди,-дедим бир куни унга.

-Ислом акадан сўрайлик,-деди.

“Сўранг” демасди. Сўраганимиздан кейин, орадан беш дақиқа ўтмасдан у бир қизни бошлаб келди:

-Бу сизнинг котибангиз. Секторга ходимликка эса ўзингиз бирор кишини топсангиз, дарҳол ишга оламиз,-деди.

У ҳатто жуда кичик нарсаларни ҳам мустақил равишда ҳал қилмасди. Иш бошлаганимнинг иккинчи ё учинчи куни у менга “Президент уйига кетгунига қадар ҳамма кутиб ўтириши кераклиги”ни жуда юмшоқлик билан англатди.

-Ундай бўлса, хонага телевизор керак, ахборотларни шу ерда кўрамиз,-десам,

-Жоним билан, Ислом акадан сўрайлик,-деди яна.

Ислом акадан сўраганидан кейин, телевизорни ўзи кўтариб келиб қолди. Унинг каттаманлик комплекси йўқ эди.

Иш бошлаган ҳафтамнинг охири куни-Жума куни навбатчи машинани чақириб, Олой бозори ёнида тушиб қолдим. Бозорнинг шундай ёнгинасида яшайман, қолаверса, ўша куни болаларни олиб, Самарқандга кетмоқчи эдим. Йўлга у-бу харид қилиб, уйга ўтдим.

Душанба куни Самарқанддан қайтиб келсам, хонамга Зелемхон ака кириб келди:

-Мана буни кеннойимга берасиз, рўзғорга нима керак бўлса шунга ёзадилар, шофер олиб келади, ёки мана бу рақамга телефон қилиб айтиб қўйсалар олиб бориб беришади,- у шундай деб махсус чоп этилган буюртмалар варақалари тўпланини узатди.

Мен ҳазиллашиб:

-Буни Ислом акадан сўрамаймизми?-дедим.

Зелемхон ака жилмайдида:

-Биладилар,-деди.- Шанба куни сизни сўраган эканлар, Крайнов кўп қидирди, аммо. Дарвоқе, вилоятларга борсангиз облизполкомга (ҳали ҳокимликлар тузилмаган эди-Ж.М.) телефон қилиб қўйинг. Сизни кутиб олишади, машина билан таъминлашади. Фақат борадиган жойингизни бизга бир оғиз билдириб қўйсангиз, бас. Қидирганларида қийналиб қолмаслигимиз учун.. Ҳа, гараждан машина чақиринишда ҳам сизни бошқа рўйхатга олдик. Истаган пайтингизда хизмат машинаси кутиб туради...

“Раҳмат” айтдимү лекин бунчалик ғамхўрлик кўрсатила бошланганидан ҳайрон бўлдим. Кейинчалик тушундим. Демак, шофердан қаерда тушиб қолганимни ҳам билишган. “Нега Девондаги дўкондан маҳсулот олмади?” ёки “Нега бозорга тушди?” деб таҳлил қилиб кўришган бўлишлари мумкин. Бунинг устига бу ерда шанба-якшанба деган гаплар ҳам йўқ экан. Шунинг учун булар мени деб гап эшитишган.

Шунга қарамай Зелемхон ака бу қадар юмшоқ эди. Балки каминани ҳамма томонлама “темир из” га солиб қўйиш ҳақида топшириқ бўлган. Акс тақдирда телевизорни “Ислом акадан сўрайлик” дейдиган Зелемхон ака бунчалик мустақил иш тутмаган бўларди-да.

Ўшанда ҳам унинг қўлида кўп одам, кўп нарса ва кўп ваколат бор эди. Масалан, “Шарқ” матбуот концерни каби бир қанча ташкилотлар бевосита унга бўйсунарди. Яна президент оиласи учун Девонга яқин жойда қурилаётган уч қаватли бинодан тортиб, Девоннинг соҳил томонида қўшимча қурилишга қадар, ҳаммасига у раҳбар эди. Шунга қарамай у ўзини раҳбар каби тутмасди.

У билан кўп суҳбат қурганмиз. Кимга қандай муомала қилишни ва кимнинг дилини қандай олишни биларди. Камтарлик бобида унга тенг келадиган одамни ҳалига қадар кўрмадим. Лекин давлат тепасидагиларнинг деярли ҳаммаси ундан буйруқ оларди.

У Ислом Каримовни ўзини билгандай билади. Унга қачон, қандай гапни гапириш ва қачон ундан нимани ундиришни “михлаб” ташлайди. Бугун Ўзбекистон раҳбарияти тизимида 1990 йиллардан бери ишлаб келаётганларнинг ҳаммаси унинг кадрлари. Улар маълум бир муддат ишлагандан кейин Каримов уларни четлатган. Шундай кезде улар Зелемхон Ҳайдаров ёнига келадилар.

-Тўнни елкага ташлаб беш-олти ой орадан ғойиб бўлинг,-дейди у.

Беш олти ойдан кейин айна гапни Ислом Каримовдан эшитасиз:

-Бу одамни ишдан ҳайдагандик. Лекин тўнни елкасига ташлаб кетди. Олти ой орада кўринмади. У мансаб деб ўлган эмас. Майда гап ҳам қилмади. Бизга содиқ экан. Унга энди мана бу ишни топшираимиз...

Бу гаплар Зелемхон Ҳайдаровнинг гаплари ва у қайси пайтда буни Ислом Каримовнинг хотирасига ёзиб қўйди буни фақат унинг ўзи билади.

Шавкат Мирзиёев бир неча марта “ишдан урилди” деган гапларни эшитгансиз, ўқигансиз. Лекин у мана бугун ҳам Бош вазир лавозимида қолмоқда. Уни қутқариб, асраб юрган Зелемхон Ҳайдаровдир.

Зелемхон Ҳайдаров асли сирдарёлик. Шавкат Мирзиёев Зоминдан. Улар қачон танишганларини билмайман.

Шавкат Мирзиёевни талабалик йилларидан танийман. Унинг бир яқини билан бирга ўқиганмиз ва бирга ижарада турганмиз.

Ўша кезлар Зоминга тўй-маъракаларга бориб, бир неча кунлаб қолиб кетардик. Кейин у билан Олий Кенгашда бирга ишладик. Олий кенгашда Президент сайланган кун у саноқ комиссияси-мандат комиссияси раиси вазифасини бажарганди. Вақт ўтиши билан уни тез-тез Зелемхон Ҳайдаровнинг хонасига кираётгани ёки чиқаётганида кўриб қолардим. Ҳаммани эшик ёнига қадар кузатиб чиқадиган Зелемхон Ҳайдаров унга ўз укасидек муомала қиларди.

Балки Ислом Каримов унга шундай муомала қилишни топширган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Ислом Каримовнинг хотирасига Мирзиёевга шундай муомала қилиш ҳақида кўрсатама беришни Зелемхон Ҳайдаровнинг ўзи “битган”, десам янглишмасам керак.

Зелемхон Ҳайдаров Каримовга хиёнат қилмайди. Тўғрироғи хиёнат қилишим мумкин эмас, деб билади. Лекин у истаса Каримов бир кечада Туркманбоши каби оламдан ўтиб қолиши мумкин. Бу истак унда қачон пайдо бўлади, буни билиш мумкин эмас. Умуман пайдо бўлармикан? Чунки у Каримовга содиқ ва Каримов унга содиқ. У Мирзиёевга содиқ ва... Мирзиёев унга содиқ бўладими, йўқми? Бу даргумон.

Раҳматли Аҳмаджон Мухторов “Зелемхон менинг энг яқин дўстим” дерди. Лекин Аҳмаджон ака ишдан олиниб, бир неча йиллар ишсиз қолиб, инсулт кечириб, оламдан ўтиб кетди.

Адиб Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) Зелемхон Ҳайдаров билан жуда яқин эди. Қарийб йигирма йил қамоқда ётди.

Собиқ халқ депутати Самандар Қўқонов ҳам Зелемхон Ҳайдаров билан яқин эди. У ҳам 20 йилдирки қамоқда ва бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Зелемхон Ҳайдаров ё бу каби инсонлар учун орага кирмаган ёки бу одамлар унинг кадрлари рўйхатига кирмаган. Яна билмадим, чунки унинг бир оғиз гапи билан бу одамларнинг тақдири ўзгариши мумкин эди-да.

Зелемхон Ҳайдаров 20 йилдан бери Ўзбекистон олтинларининг ҳам хўжайини. Бутун ҳисоб-китобни у қилади. Айти пайтда президент қўримасини ҳам Темур Алимов билан у тузган ва унга одам танлаган. Қолаверса, Президент ўз оиласида хўжайин эмас. Бу иш ҳам унга топширилган.

Ислом Каримовнинг собиқ қудаси Абдурауф Мақсудий билан 2003 йилнинг Августиди “Америка Овози” учун суҳбат ўтказганимда, унинг мана бу сўзларини магнит лентасига ёзиб олганман:

“МАҚСУДИЙ: Ука, сиз билмайсиз, мани иккита неварам уларни қўлида. Учта қариндошимни улар қамаб олишди. Бир кун ўтирганимда Америкада... Зелемхон Ҳайдаровни билсангиз керак, Зелемхон Ҳайдаровдан манга телефон келди.

Ж. МУҲАММАД: Ўзбекистон президентининг Умумий Ишлар Бошқармасининг бошлиғи...

МАҚСУДИЙ: Ўнг қўли дейилади Ўзбекистонда. У одам кучли... Зелемхон акадан манга телефон келди-ки, “Абдурауф ака, Ислом ака ва оиласи чақириб менга буйруқ бердики, Абдурауф акага телефон қилинг, шу Мансур Гулнорани қўйган талабларига...” Талабларининг ичида биттаси шу-ки, Мансур авлодидан кечсин. “Авлодидан кечса, на сизларни заводларингизни оламин, на сизларни жойларингизни оламин, на ўйларингизни оламин, ҳаммасини сизларга қайтариб берамин. Шу Мансурга айтинг, шу ишга қўл қўйсин”.

“Ўнг қўли дейилади Ўзбекистонда. У одам кучли...” Ҳа, ҳам кучли, ҳам кўринмас бўлиш жуда қийин. Лекин Зелемхон Ҳайдаров буни уддаламоқда.

Бу одам орадан кетса, Каримовнинг сирлари ҳам у билан кетади...

53. САИД

Саиднинг отаси Термездан Афғонистонга ўтиб кетган экан. У оилали бўлгач, Америкага олти боласи билан келди. Америкада ҳатто якка болаликларнинг фиғони фалакда бўлган бир пайтда Саидни кўришганда унга қанчалик ачинишганини тасаввур қилиш қийин эмас. Саид аввалига оилани ўзи билганидек бошқарди. Болаларини истаса сўқар, истаса урар, истаса суяр эди. Вақт ўтиши билан болалари мактабдан янгиликлар топиб кела бошладилар:

-Ота-оналар болаларини уриши мумкин эмас экан,- дейишди улар.

-Бекор айтибди ўқитувчиларинг,- жавоб қилди Саид.

-Агар ота-оналар болаларини урса, улар дарҳол полицияга телефон қилиши керак экан, -деди болалар.

-Ўқитувчингни падарига лаънат, -деди Саид ва мактабга борди.

-Болаларим оиладан узоқлашяпти,- деди у,- бизнинг йўлимизга юришлари учун сизлар ҳам ёрдам қилсангизлар дегандим.

-Кечирасиз, биз уларга ўз йўлларини кўрсатишга уринаяпмизу сиз бўлсангиз тескарисини талаб қилаяпсиз. Болалар мустақил бўлишлари керак, ўшанда мамлакат ҳам мустақил бўлади.

Саид бошини деворга урса қон чиқмас ҳолга тушди. Болалари “ғиди-биди” қилишганда яна ураверди.

Бир кунни ўғли 9-11 рақамини терганди, уйининг олдида бир зумда уч-тўртта полиция ҳамда ўт очириш ва тез ёрдам машиналари шовқин-сурон билан етиб келди. Қамоққа кетишдан аранг қутулиб қолди.

-Дада, агар яна уришсангиз ўйдан чиқиб кетишим керак экан,-деди ўғли орада таржимонлик қилиб,- ота-онаси билан келишмаганлар учун махсус уй бор экан. Ҳамма нарсани бепул беришар экан.

-Керак бўлса яна ураман, деди Саид,- мани қамайди деган эдинг, олиб кетишмадику!

-Мен “Урганлари йўқ, урмоқчи бўлдилар” , деб айтдим,-деди боласи.

Энди Саид жаҳли чиққанда “Болама-болам”, деган ашулани хиргойи қиладиган бўлди.

Охир оқибат ёши бир жойга етганда болалари уни уйдан қувишибди. Уни катта бир дўконда кўриб қолдим. Икки йилдирки, ўзи тенги бир қора танли чол билан ижарада яшаётган экан.

-Отам 103 кирган. Мен отамдан ўтаман,-деди у.-Ҳар кунни мана шу ерда икки соат тўхтамасдан у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа юраман. Саломатлигим мустаҳкам.

Оиласи ҳақида сўрагандим:

-Улар ўз йўлига, мен ўз йўлимга,-деди ва шахдам қадам ташлаб кетди.

Орадан бир неча йил ўтиб, уни айни жойда кўриб қолдим. Ҳаёти ҳали ҳам ўша-ўша экан.

Лекин сўзларида пушаймонлик бор эди.

-Бу мамлакатга болалар ўз истаклари билан келмадилар. Уларни мен олиб келдим. Агар Афғонистонда бўлганимизда балки қирилиб кетардик, балки яшаётган бўлардик ва болаларим менинг йўлимга юришган бўлишармиди? Бу ерда эса болаларнинг йўлига юришим керак эканми, деб ўйлаб қоламан.

“Бориб болаларингиз билан гаплашсаммикан?”, деган фикримни у кескин рад этди.

У шундай деб инқиллаганча ўз йўлида аранг давом этди. Қадди бўкилиб, чўкиб қолибди.

Яқинда у отасининг ёшига етолмай бу дунёни тарк этди. Ундан нима қолди?

54. ДОРИ

Бир кун кенжа қизим Мадина иситмалаб қолди. Ўшанда 2-3 ёшларда эди. Бориб дори олиб келдим. Эртасига дам олиш куним бўлгани учун уйда қолдим, Роҳила ишга кетди.

Мадина бурни битиб, нафас ололмаётганини айтиб, ёрдам сўраб, ёлворди. Дорисини қидирдим. Тополмадим. Кейин менга қўшилиб ўзи қидирди. Ҳамма жойни айландик, тополмадик.

Роҳилага қўнғироқ қилдик. “Кўрганим йўқ, ишдан жавоб сўраб тезда бошқа дори олиб келаман”, деди.

Мадинани жойига ётқизиб қўйдим. Кейин қидиришни қайтадан бошладим. Кабинетимдаги столнинг тортмаларини қараётгандим, бир даста диск қўлимдан тушиб, полга сочилиб кетди. У югуриб келди:

-Дадажон, ман тўплаб бераман,-деди бўғиқ овозда.

-Касалсан, ётгин, жоним!-дедим.

-Буларни териб берай, бориб ётаман,- деб ишга киришди.

У сочилган дискларни териб бўлиб, ўрнидан тураётганди деразанинг пардаси кўйлагига илишди. Бурилиб орқага қаради ва “Топдим” деди.

Дори деразанинг тоқчасида турган экан. Кейин билсак, опаси уйни йиғиб, дорини меники деб ўйлаб, иш жойимдаги деразанинг тоқчасига қўйиб кетибди.

Мадина бир зумда севиниб қолди. Бурни очилиб, енгил нафас олиб, атрофда қушдай югура бошлади.

-Кўрдингми,-дедим унга,- сан манга ёрдам бердинг, Худо санга ёрдам берди.

-Ҳа...,-деди у севиниб.

Шундан кейин бир ишга қўл урдимми, у ёнимга келиб ишимни қўлимдан оладиган бўлди.

Бу йил (2015) турмушга чиқди. Энди икки кишилашиб ёрдамга келадиган бўлишди.

55. КУЛГИ

Бир кун Ўзбекистондан келган сиёсатдон меҳмон билан баҳслашиб қолдик. У тинмай Американи ёмонласа, камина эса Ўзбекистон режимини.

-Сиз ҳақиқий демократия Ўзбекистонда деяпсиз, бирорта мисол билан фикрингизни мустақамлай оласизми?-деб сўрадим меҳмондан.

-Керак бўлса мингта мисол келтиришим мумкин.

-Мингтани бунчалик узоқ йўлга келтириш осон иш эмас. Келтирганингиз битта-иккита мисол бўлса ҳам етарлик.

-Мана қаранг, Американи демократия қалъаси дейишади. Лекин демократия нима? Бу эркинлик дегани. Америка эса эркинликларни чеклайди. Ҳатто президент этиб сайланган одамнинг ҳам эркинликлари чекланган бўлади.

-Масалан?

-Масалан, у икки мартадан ортиқ сайлана олмайди. Бу ахир инсоннинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш эмасми?

-Бу конституциявий талаб...

-Нима, Конституция осмондан тушганми? Уни ҳам одамлар ёзишган. Хўп, агар халқ бировни қайта-қайта сайласа, нега унга қаршилиқ қилиш керак? Агар кўпчилик истаса, у имкони қадар президент бўла олиш ҳуқуқини ўзида сақлаши керак? Мана Ўзбекистонда бундай чеклов, инсон боласини бундай камситиш йўқ!

Меҳмон шундай деди-ю ўзини тутолмай кулиб юборди.

Бу кулги баҳсга чиройли нуқта эди.

56. БОШЛИҚ

Дунё бўйлаб машҳур Си-эн-эн телеканалида Рик Санчез деган журналист ишларди. Талантли, қобилияти зўр эди. Дастурларини қизиқиб, кузатиб борардим. Воқеанинг бошқа журналистлар кўролмаган томонларини илғаб оларди. Жасур эди. Кунига бир неча марта ўзининг мустақил эканлигини урғуларди. Унга ҳавасим келарди. Бир кун нима бўлди-ю, ўз бошлиқлари – Си-эн-эн раҳбарларини кескин танқид қилиб қўйди. Қойил қолдим. Айни пайтда нима бўларкин, дея кейинги кунги дастурини кутдим. У чиқмади. Ўрнига дўриллаб гапирадиган бир қиз кўринди. Қойил қилолмади. Қолипнинг ичида тургани сезилди. Ундан кейинги кун ҳам айни гап. У ёқ-бу ёқдан қидириб ўқидимки, Рикни ишдан ҳайдашибди.

...Тўққизинчи синфда ўқирдим. Бир ўқитувчимиз бор эди. Қишлоғимизга келин бўлиб тушганди. Кўп нарсани биларди. Камина унга ҳар куни савол тўплаб борардим. Бир куни амакимнинг уйларида бир олимнинг Амир Темур ҳақида Самарқанддаги конференцияда қилган докладини кўриб қолдим. Яшириб қўйган эканлар. Русча ёзилганди. Бир-икки бетини ўқиб, дарсда муаллимага шу ҳақда савол бергандим, мени ташқарига олиб чиқди ва буни қаерда ўқиганимни сўради. Кейин:

-Ҳозир бориб айтсам, сени мактабдан ҳайдашади, амакигни жазолашади. Сен ҳам у нарсани қаерда ўқиганингни ҳеч кимга айтма, мен ҳам айтмайман, ҳозир бу катта жанжалга айланган,-деди.

Уни қўрқоқ деб ўйладим. Пахтага борганимизда ҳам у биз билан борди. Бир куни эрталабки мажлисда у қизларга шароит йўқлиги ҳақида жуда куйиниб гапирди ва биздан хабар олиш учун

келган бошлиқ ва директоримизга “Қизингизни шундай шароитда сақлармидингиз?”,-деди. Қўрқоқ эмас экан.

Эртасига у кўринмай қолди. У ҳақда ёмон гаплар тарқатишди. Кейинчалик оиласи бузилиб, қишлоқдан чиқиб кетганини эшиттим. Орадан йиллар ўтиб, уни шаҳардаги озиқ-овқат дўконига кўриб қолдим. Магазинчи экан. Анча гаплашдик. Ўшанда уни бошлиқни ҳақорат қилди, деб маориф тизимидан чиқариб юборишибди...

Одам ҳамма жойда одам, бошлиқ ҳамма жойда бошлиқ экан.

Дунё бошлиқ ва бўшлиқдан иборат бўлиб қолмаса, бас!

57.ТУҒИЛГАН КУН

Бир укахонимиз ва қайн-укасининг туғилган кунини нишонладик. Улар икки кун фарқ билан туғилган бўлсаларда бир вақтда байрамлашишга қарор беришибди. Зиёфатда бундан анча олдин кўрганим бир йигит ҳам бор эди.

-Сиз Ўзбекистонга кетмаганмидингиз?-деб сўрайман ундан.

-Йўқ... шу ердан... хизматчилик... юрибмиз,-деди у ғамгин овозда.

Бу йигит жуда яхши эсимда қолган. Ўзи каби беш тенгдоши билан ижарада турарди. Бир кун меҳмонга чақиришди. Ўшанда ҳамма жойда асосий мавзу Андижон воқеалари эди. Лекин бу йигит гапга аралашмай, фақат кинояли бош силтаб ўтиргани диққатимни тортди. У дипломатия олийгоҳини битириб келган ва жим ўтириши ноодатий эди. Уни гапга тортдим. Қарасам, у Ўзбекистондаги режимни жон-жаҳди билан оқлашга урина бошлади. Шунда мен унга:

-Сизни тушунаман,-дедим,- инсоннинг онги ҳам компьютер. Унга қандай “дастур” юклатилса, шундай ишлайди. Сиз бу ерда аста-секин эски “дастур”ларни улоқтириб, янги “программа”ларни ўрнатишга эҳтиёж сезасиз ҳали, ўшанда гаплашамиз.

У “Сиз ҳали мени роботга ўхшатдингизми?” деган каби бир нарсалар деб хафа бўлгандек стулини нарироққа суриб, бизга қарамай, сўхбатга қўшилмай ўтирди.

Биз суратга тушганда эса у четга ўтиб, кулимсираб қараб турди.

Ундан хафа бўлмадим. Чунки бундайларни илк бор кўраётганим эмас ва унинг айби ҳам йўқ. Ўқиганини, эшитганини билади. Яхши ўқиган ва ўқиганларига меҳр қўйган. Яъни ёлғонни севиб қолган, йўқ, ёлғонни рост деб билган. Озгина ўжар бўлгани учун ҳақиқатни ёлғон деб турибди.

Мана энди орадан йиллар ўтиб, унга табрик навбатини бериб:

-Қани дўстларингиз учун бир нарса айтингчи,-дедим.

У гапиролмади. Нимадир бўғзига тикилиб, кўзида қандайдир алам бурала бошлади. Жаҳли чиққан одамдек атрофга қараб, тутундан алангага айланиб борарди. Ниҳоят гулхан каби ёнди ва юрагидагини тўка бошлади:

-Онам ва укам келишди. Лекин дадамни назоратга олишган, Ўзбекистондан чиқиб кетмайсан, деб шарт қўйишган. “Семёрка” изларидан юрган экан. Ҳатто телефонда мен билан ҳам гаплашолмадилар...

Ҳамма сукунат бағрига чўмиб қолди. Унинг дўстлари ҳайрон. Улар ҳам беҳабар эканлар, “наҳотки, наҳотки” деб туришибди.

-Мен бу ерда ишлаб, пул юбориб турдим, жуда катта пул юбордим. Ер олдик, уй қурдик. Уйни ҳам, ерни ҳам тартиб олишди.

-Нега? Бекордан бекорга бўлмайди-ку бунақа нарсалар?-деди йигитлардан бири.-Сабаби нима?

-Дадам бошлиғи билан гап талашиб қолган экан. У тепадагиларга нимадир ёзиб берибди. Мен бу ерда кунни кун демай, тунни тун демай ишладим. Шунча ишлаганим, шунча топганим кўкка соврилди. Бунинг устига дадамни қамаб қўйишларидан қўрқаяпман...

Умримда бировнинг туғилган кунда бунақа “табрик сўзи” эшитмаган эдим.

Бу йигитнинг эзилиб кетаётганидан биз ҳам қийин вазиятга тушдик. Унинг ҳасратли ва аламли гаплари хурсандчилик ўрнини қоплаб олганди.

Унга ҳеч нарса дея олмадим. Уни овута олмадим. Фақат шунга амин бўлдимки, унинг эски “компютери” бутун куйиб, ёниб кетганди.

Биз зиёфатдан сўнг одатга кўра суратга тушдик. Йигитлардан бири унга қараб ҳазиллашди?

-Жаҳонгир ака бу суратни сайтга қўядилар энди...

У индамади, парво ҳам қилмади.

Лекин мен суратни сайтга қўймадим. Дадасининг ишига тиркалиши мумкин-да...

58. БАҲС

Америкада сауна худди ўзимизнинг чойхонадек гап. Эртадан кечгача гурунг. Қўшилган қўшилаверади, кетган кетаверади. Аксарият одам бир-бирини танийди.

...Сауна тирбанд эди. Араб мамлакатларидаги воқеаларни баҳслашаётган эканлар.

-Буни ЦРУ қилмоқда,-дерди биттаси ва асослашга уринарди.

Уни танийман. Асли эронлик. Ёшлигида бўйнига пичоқ солишган. Ярим жон бўлиб қолган. “Саунага келмасам оғриқ мени ейди” дейди у икки гапнинг бирида.

-Агар бу ишларни ЦРУ қилаётган бўлса, нега “Бу Яқин Шарқдаги воқеалардан орқада қолди” деб танқид остига олишмоқда?

Бу саволни берган киши асли ҳиндистонлик. Уни бир кўришда қаердан эканлигини билмайсиз. Чунки оқвой. Юз тузилиши эса ўзбекка ўхшаб кетади. У ҳар қандай баҳснинг “онасини кўрсатади”.

Эронлик унга:

-Нима, “Мен қилаяпман” десинми, албаттаки тескарисни айтади,-деб улгурмаган ҳам эди гапга бир араб киши аралашди.

Бу одам илгарилари баҳсларга қўшилмас эди. Аммо бугун қони “қайнаган”. Бу гаплар арабларни камситиш учун айтилаётгани, араблар жуда фаол ирқлигини роса куюниб гапирди. Мен унга эътироз билдирдим:

-Шунинг учун ҳам Мисрда уларга сиёсий партияни армия тўзиб бераяти экан-да?

-Нима, Ўзбекистонда сиёсий партия борми?-дея кесатди у.

У билан тез-тез гаплашиб турмасак ҳам бир рус билан баҳсларимизга қулоқ солади доим. Русчани билади. Москвада ўқиган.

Хуллас, уч соат деганда баҳсни тарк этдим. Бу биринчиси ёки иккинчиси эмас. Бу клубга аъзо бўлганимга ўн йилдан ошди. Шундан бери бундай баҳслар бор. Демак, менгача ҳам бўлган. Бундан кейин давом этаверади. Баҳсга кимлар қўшилмайди дейсиз? Афғондан тортиб чилиликкача, украину хитойликкача... дунёнинг ҳамма жойидан келганалар бор. Баҳсга қўшилмай газета ўқиб ўтирганлар ҳам бўлади, албатта.

Мен учун қизиқ бўлгани – ҳеч қачон баҳс жанжалга айланмайди. Ҳамма кетаётганда бир-бирига хайрли кун ёки хайрли тун тилайди. Кейинги сафар яна бошқа бир мавзуда баҳсни давом эттираверишади.

Биз эса иккита ўзбек бир-биримиз билан баҳс қила олмаймиз. Баҳсда енгилгани учун индамай ўтириш – бу ўзбекнинг ўлими. Ўлса ўладик, ўзи билмаган нарсанинг ростлигини исботлашга уринишдан тўхтамайди. Ушлаганини қўймайди. Охири жанжал бўлади. Енгилганини сездими, бир-бирининг шахсий нуқталарига ҳужум қилади. Камситиш бошланади. Охири бир-биридан кўнгли қолади. Душманга айланиб кетади.

Ҳатто хорижда ҳам шу аҳвол. Ҳамма бир-бирини бошқасига ёмонлайди. Яхшилаб суриштирсангиз, уларнинг душманлиги оддийгина баҳсдан бошланади.

Саунадаги баҳсдан ана шундай ўйлар билан айрилар эканман, сафга янги қўшилган боливиялик бир киши:

-Раҳмат сизларга, мен кўп нарсани билмас эканман, шунинг учун индамай ўтирдим, бундан кейин баҳс мавзусини келишиб олсак балки тайёрланиб келардим,-деб қолди.

Унга ҳиндистонлик оқвой амаки:

-Эртага қор ёғмоқчи, баҳс мавзуси ўша,-деди.

-Бўлмаса об-ҳаво каналини томоша қилиб келаман.

Ҳамма қулиб юборди. Боливиялик эса жиддий эди.

Шу дамда у мен ўйлаб турган масалага ечиб топиб берди гўё.

Ҳа, бу ерда баҳс қилаётганларнинг ҳаммаси билимли ва бир нарсани билмаса баҳслашмайди. Кундалик воқеаларни кузатиб боришади ва саунага ҳам даста-даста газета кўтариб келишади.

Шунда ҳам билмагани билганига қулоқ солади. Ўзини камситилган деб ҳис этмайди, аксинча боливияликка ўхшаб мардона тан олади. Биз эса ўлсак ўламиз, аммо баҳсда енгилмаймиз. Балки шунинг учун ҳаётда енгилиб юрибмиз...

59. МЕҲРИ

Биз дарахтнинг шохида юрсак, Меҳри опам баргида юрарди. Тўғрироғи биз дарахтнинг тепасида, у эса остида турарди.

“Ана у шохда қолибди, тозалаб тергин!” “Мана бу томонда ҳам қолибди, кўрмаяпсанми?”

“Тепангдагини ол, қолиб кетади!”

Ҳовлимизда анчагина мева дарахтлари бор эди. Баҳордан кузга қадар кетма-кет пишаверарди. Май ойида “шампан” гилосларни теришни бошласак, кузга бориб ҳали ҳам олболи терардик.

Меҳри опам “бир қарич” лигидаёқ “директор” номини олган. Ҳаммамизни сувнинг бўйига бошлаб бориб, сув ичирмасдан олиб келарди. Қўлимиздаги тангаларни тўплаб, “туя” қилиб берарди. Биз тангаларимиз қачон “туя” бўлишини кутиб ўтирардик, у эса бориб, дўкондан вафли олиб, еб келаётган бўларди.

У ҳам “ҳисобчи”, ҳам “ташкilotчи” эди. Дадам шунинг учун ишни унга буюриб кетардилар. У эса бизни ишлатарди. Қандай қилиб унинг гапига кириб, дарахтнинг тепасига чиқиб кетардик ўзимиз ҳам билмай қолардик.

Мактабда ҳам ўқитувчиларнинг “додини” берган. Айниқса, рус тили муаллими Антонина Романовна унинг “дастидан” кўзига ёш оларди. Ажабки, у мактабни аъло баҳоларга битириб, синфида ўзи севгани Ражаб поччам билан оила қуриб, Тошкент Халқ хўжалик олийгоҳини ҳам битириб, Меҳрож, Сухроб, Рахшона, Музробларнинг севимли онаси, бир қанча неваранинг бўвиси бўлди.

“Директор” лиги ҳали ҳам давом этмоқда. Узоқ йиллар давомида колхозда ҳисобчи бўлиб ишлади. Бугун қишлоқнинг онахони.

Талабалик йилларимда фарзандларимга Меҳрож, Рахшона деб исм қўяман деб юрсам, у “ўғирлаб” олди. Лекин Меҳрож менинг ўғлимга айланди. Бизнинг оилада катта бўлди, ҳатто Америкага келганимизда ҳам тақдир уни биз томонга етаклади.

Меҳри опам жуда ҳазилкаш. Соатлаб уни тинглаб, кулавериб қон босимларимиз “ўйнаб кетади”.

2012 йил унинг олтмишга тўлганини Америкада, бизнинг уйимизда нишонлаш насиб этди.

Ҳаммаси кўкракнинг ўртасидаги “моторча”нинг дуқурлаб қолишидан бошланди. Аниқроғи бир дуқурлаб, бир дуқурламай қолишидан. Қишлоқда бундай ҳолга тушган одамга “Унга грин карта чиқибди” дейишаркан. Кетиш бор, қайтиш йўқ.

Амриқонинг дўхтирлари керак бўлса, чиқиб кетган нафасни ҳам қайтариб олишади, деган гап билан ўзимни овора қилиб, ҳар куни дўхтирхонага қатнаб, дориларни санамай салмон қилиб юравердим.

Кундуз ўтиб, тун келиши билан ёстиқ бош остида эмас, қўлтиқда, бир қўл эса юракни тутамлаган ҳолда иккинчи қаватга тушаман, кейин биринчи қаватга.

Бирор нарса ўқий десам, кўзим сатрлар устида югуриб бораверади, каллага ҳеч нарса кирмайди. Амриқода бир дўхтир қарор олса, шу борада иккинчи ва учинчи фикрни ўрганиш учун бошқа дўхтирхоналарга ҳам бош уриш керак. Ҳаммасида қайта-қайта, текшир-текшир.

Хуллас, “моторча”ни даволашнинг йўллари топилди. Дўхтирлардан биттаси узоқ яшамаслик ҳақида писанда қилиб қолди. Нима қипти, шунча яшадик, беш олти киши қила олмайдиган ишларни бажардику, деб ўзимни овутган бўлдим. Кетсак кетаверамиз ҳам деб қўйдим.

Аммо умр йўлдошим Роҳилахон “қачон кетсак бирга кетамиз” шиорини маҳкам тутиб олиб, бу гапларни ҳам орқага улоқтирди. Лекин гап орасида бу гапни опаларимга айтиб қўйибди. Амриқонинг элчихонаси ёрдами билан 20 йилдан бери кўришмаган опаларим физиллаб келиб қолишди. Бу том маънода мўъжиза эди.

Опаларим билан бирга поччаларим ҳам келишди. Гапнинг очиғи уларни кўрмасдан кетаман, шекилли, деган шубҳа ҳам кўнглимда айланарди. Лекин Тангри бунақа гапларни бир зумда чиппакка чиқарди. Шўқри, Тангрининг севимли бандаси эканмиз. Бир ой деганда “моторча” янгиланди.

Опаларим билан Атлантика соҳиллари бўйлаб сафарга чиқдик.

Дастлаб Нью Йоркдаги “Озодлик” ҳайкалига бордик. Кейин у томони Флоридага қадар узанган 95 рақамли йўлда бир неча ҳафта юрдик. Океан соҳилларида кунларни тунларга уладик.

Меҳри опам билан дунёнинг мўъжизалари таркибига кирган Лорел ер ости ёрларига бордик. Бу унга жуда ҳам ёқди. Завқланди, севинди.

У жуда ҳам пазанда. Айниқса, хамир овқатларни шундай бошлайдик, ҳар қандай парҳезда юрган одам нафсини тия олмайди. Уйланишдан олдин дўстларим келишса, Меҳри опамникига олиб борардим. “Беш минутда” ош дамлаб, орқасидан сомсани ҳам олиб келарди. Америкада ҳам бизни беш ой давомида роса “семиртирди”.

Кузатиб турсам, у нима деса, биз ҳаммамиз “хўп-хўп” деб турибмиз. Унинг болалиқдаги “директор”лиги ҳамон кучида. Демак, бундай қобилият инсон билан бирга туғилади. Буни табиий лидерлик ҳам дейиш мумкин...

60. МАЙРАМ

Катта опамнинг исми Майрам. Бизга оналик қилган. Фарзандлари Бахтиёр, Фарида, Фахриддин, Нилуфар, Азиз... Неваралари ҳам кўп. Турмуш ўртоқларини ака дейман. У киши ҳам укасидек яхши кўради. Гаплашсак, соғиндим деб йиғлаб юборади.

Қизиқ бўлган. Бир кун эрталаб ишга кетиш учун машинамга минаётсам Тоҳир акамнинг онаси фарёд солиб йиғлаб келмоқда.

-Нима бўлди?

-Бой бериб қўйдик! Боламдан ажралиб қолдим! Очилжоним кетди...

Тоҳир акамни Очил деб ҳам чақиришарди. Юрагим шув этиб кетди. У Равонак деган жойдаги юқумлик касалликлар хастахонасида эди. Сариклик билан оғриганди.

-Дўхтирлар олиб кетинглар,- деди.-Шуни айтишга келяпман.

Раҳматли онам билан бўлган воқеа ёдимга тушди ва Равонакка бордим.

-Ичкаридан қон очилган, тўхтамаяти, ҳушига ҳам келмаяти,-деди доктор.

Дарҳол Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Шодиёр Бегимқуловга сим қоқдим. У билан яқин дўстлигимиз бор. Бир зумда махсус тез ёрдам машинаси келиб, Тоҳир акамни шаҳарга кўчирдик.

-Битта Мансур деган дўхтиримиз бор, бу соҳанинг пири, кўп ичгани учун ишдан ҳайдгандик, шуни тополсак, поччангизни сақлаши мумкин,-деди Шодиёр ака.

Мансур ака, фамилияси эсимда қолмаган, Самарқанд тумани марказида яшаркан. Уйига борсак, тўйда эканлигини айтишди. Тўйхонага бордик.

-Сизни кеча телевизорда кўргандим, бугун ўзингизни кўриб турибман,-деб қучоқлаб олди.

Ичган бўлса ҳам биз билан бирга касалхонага келди ва битта дорининг отини ёзди:

-Шуни тополсангиз уни қутқарамиз, аввал қонни тўхтатишимиз керак,-деди.

Омадимиз чопган экан. Қўшимиз Мамаюсуф Шодмонов дорихоналар бошлиғи. Унинг ёнига бордим. Тошкентга телефон қилди. Бундай дори фақат Марказий Комитетга қарашли 4-бошқармада бўлар экан. Мамаюсуф аканинг таниши самолётга чиқариб берадиган бўлди ва биз охири рейсни кутиб, дорини касалхонага олиб келдик. Хуллас, бир неча ой деганда поччам тузалиб уйига қайтди.

Мана ўшанга ҳам 25 йилдан ошибди. У ҳали ҳам бардам. Ўша кунларни эслагани эслаган. Раҳматли онаси ҳам “Боламни сиз қутқаздингиз” деб алқагани алқаган эди.

“Болангизни Худо қутқазди, ўша кунни йўлларимизни очмаганда, акамни бой берардик”. Бу гап айтилмай кўнглимда қолган. Чунки у киши оламдан ўтиб кетдилар. Шунинг учун бу гапни Америкага, мени кўришга келган Тоҳир акамга айтдим.

Шу ерда Майрам опамнинг пайғамбар ёшига кирганини ҳам нишонладик.

Тоҳир акам воқеаларни шундай усталик билан ҳикоя қиладики, соатлаб эшитсангиз ҳам эшитгингиз келади.

Болаликнинг ҳамма сўқмоқларига кириб чиқдик, биз “тақиллатмаган” эшиклар қолмади. Бутунлай кетганларни эслаб дуо қилдик, мардикорликка кетганларга омад тиладик, қолганларга сабр тоқат...

Сиёсат кўчасига кирмадик. Чунки улар Ўзбекистонга қайтиб боришлари ва ўнлаб невараларини кўришлари керак. Уларни қариган чоғларида сиёсатга тортиш мантиқсизлик эканини тушунмаган одам борми? Ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Бунинг устига Майрам опамнинг қанд касали бор. Ҳар кун ўлчаймиз. 600 эди келганларида, уйга қайтишда 320 га тушди. Амриқонинг ҳавоси ва давоси ёқди.

Биз уч ой сиёстасиз, аммо бахтли кунларни яшадик. Улар билан 20 йилдан бериш кўришмган бўлсақда аслида сиёсатга кирганимдан бери дардлашмаганмиз.

Демак, сиёсат бизни 40 йил бир-биримиздан узоқ тутибди. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг кўчасига қиё боқмай, оддий одамлар каби бахтиёр яшадик. Бунга ҳаққимиз бор .

Тўғриси, Худонинг ўзи бу имкониятни яратиб берди. Шукрлар бўлсин!

Сўнг сўз ўрнида

Давомини насиб этса “ЕТМИШГА ЕТГАНДА” ўқийсиз.

Жаҳонгир Маматов

Вашингтон, 2015 йил.